

ОТАБЕК ЖҮРАБОЕВ

**МАТНИНГ
МАТНОСТИ
СИРЛАРИ**

*(Мумтоз битиклар ва Абдулла Қаҳҳор
асарлари таҳлили асосида)*

Монография

«TAMADDUN»
Тошкент - 2017

Масъул муҳаррир:
Азизхон Қаюмов,
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори, академик.*

Тақризчилар:
Нурбой Жабборов,
филология фанлари доктори, профессор.
Абдулла Улуғов,
филология фанлари номзоди, доцент.

Бадиий матнни ўрганиш, тадқиқ этиш ва англаш матншунослик олдида турган энг муҳим ва долзарб муаммоларлардан саналади. Ушбу монографияда муаллиф XIV аср ўзбек мумтоз адабиёти на-мунасидан тортиб, Абдулла Қаҳҳор асарлари таҳлили ва талқини мисолида айрим кузатишларини баён қилади. Китоб адабиётшунос, матншунос ва умуман адабиётимиз ихлосмандларига мўлжалланган.

М - 31 Жўрабоев, Отабек
Матннинг матности сирлари / монография. О. Жўрабоев;
масъуль муҳаррир А. Қаюмов. – Тошкент: «TAMADDUN», 2017. –
200 б.

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ўзб)6

Мазкур китоб Ф-1-ФҚ-055213 шифрли «Абдулла Қаҳҳор дастхат қўллэзмалари асосида асарларининг илмий-қиёсий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаши» мавзусидаги фундаментал тадқиқот гранти доирасида амалга оширилди.

ISBN 978-9943-4845-3-5

© «TAMADDUN» нашриёти, 2017.
© О. Жўрабоев, 2017.

МУҚАДДИМА
ёхуд
матн талқини тарихи ва моҳиятига доир

Адабиёт – инсоният тарихи давомида фикрий ва қалбий тушунчалар ифодаси сифатида кишилар шууридан жой олиб келган. Аждод-ларимизнинг эътиқодий, маънавий ва рухий киёфалари бадиий адабиётда хусусан, мумтоз адабий асарларда ўз аксини топган. Бадиий адабиётнинг бош вазифаси инсонни, гўзалликни ва ҳакиқатни васф этиш бўлиб, ҳаттоқи, тарихий воқеълик ҳам бадиият оғушида тасвирланади. “Олижаноб ва айни дамда жуда ҳам оддий бўлган сўз адабиётнинг курилиш материалидир.”¹ Ана шундай материал асносида яратилган матнни ўрганиш ва талқин қилиш эса узок ўтмишга бориб тақалади. Кейинги йилларда мумтоз матнларни англаш, талқин ва таҳлил этишда модерн услугуба усуслар алоҳида мавқе қозонмоқда. Герменевтика шундай услугблардан бири ва муҳимиmdir. Унинг келиб чиқиши ва мазмун-моҳияти ҳақида таъкидланган.² Герменевтиканинг Шарқдаги, хусусан Ислом Шарқидаги, кўринишлари ҳам бормиди, деган савол ўринлидир. Бироз шу ҳақда...

Шарқ мумтоз адабиётини чукур англаш диний билимларсиз мумкин эмас. Бу борада муҳим ўрин тутивчи тафсир илмида³ аҳамиятли бўлган *балогат*, Фарб адабиётида *риторика* билан деярли бир хил моҳиятга эга. Айнан шу жиҳатлар матн талқини тарихи билан узвий боғлиқдир.

Аслида *балогат* Қуръони каримни тафсир килувчи мужтаҳид олимларга зарур илм бўлиб, у ўз навбатида *маъоний*, *баён* ва *бадеъ* каби уч турга бўлинади. Улар чиройли ва маъноли сўзлаш ҳамда ёзишининг илми сифатида ижодкор аҳлига турфа хил қоида (нома-меъёр)ларни ҳам белгилаган. Масалан, *маъонийда* маъно ифодалаш учун жумлалар тузишида сўзларнинг хоссаларини ўрганилади; *баёнда* эса жумлаларнинг тузилиш хоссалари ўрганилади; *бадеъда* бўлса жумлаларни гўзал кўринишда тузиш санъати ўрганилади.

¹ Ян Парандовский. Алхимия слова. –Москва: Прогресс, 1982. С.142.

² Бу ҳақдаги тадқиқлар учун қаранг: Ш.Жабборов. Герменевтика – тушунтириш илми. –Тошкент: Akademiya, 2010.

³ Бу ҳақда қаранг: Р.Обидов. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. –Тошкент: Мовароуннахр, 2003.

Фарбдаги риторика илмининг асосчиси Арасту (Aristoteles, мил. ав. 384–322) “англаш ва талқин этиш” муаммоларини тадқики учун фалсафа билан уйғуллашиб кетгувчи “*Peri hermeneias*” (Герменевтика доираси) рисоласини яратди. Кейинчалик бу доира Абу Наср Форобий (873–950) номи билан қўлланила бошлади. Негаки, Арасту рисоласини Форобий “Ал-Ибора” номи билан шарҳлади ва кенгайтирди. Вақтлар ўтиши билан бу асар мантиқ илмига оид китоблар ичидан жой олган. Афлотун (Platon, мил.ав. 427–347) ва Арастунинг “юзага чиқариш ва талқин қилиш” маъносида қўллаган “hermenevtik” (талқин қилиш, таъбирлаш) истилоҳи эса энди кенгрок қўламда – уч хил маънода қўлланила бошлади¹:

1. Бирор маънони юзага чиқармоқ, баён этмоқ, тилга олмоқ; мумтоз адабиётда *шарҳ, ҳошия, таҳсия* номи остида билинган талкинлардир.

Мазкур жиҳатни шундай изоҳлаш мумкин. Уқмоқ учун аввал англаш, англамоқ учун эса ўқимоқ лозим. Англамоқнинг қийинлиги ҳам, қоришиқлиги ҳам шу нуқтада тутун ҳосил қиласди. Матнни англаш давомида ундан парча ёки тўласича олиш мухимдир. Матннинг бутуни уни ташкил қылган калималар, сўз гурухлари, жумлалар ва иборалар туфайли англашилиши мумкин. Матн парчалари эса матннинг бутлиги ичida англашилади. Бу аниқлик “англаш доираси” сифатида тасвир этилгандир. Билим ёки ўрганишнинг ҳолатларини ифодаловчи асарларнинг талқин қилиш усули билан тарихий, адабий, диний ифодаларни талқин этиш усувлари фарқ қиласди. Аввалгиси ўзгармас асосларни кўзда тутса, кейингилари давомий суръатда ўзгариб турувчи ҳолатларни асос қилиб олган.

2. Бир сўзни бошқа бирор калима или *ёритиш, очиқлаш, таърифлаш, билдириш, тафсир қилиши*. Масалан, адабиётда *очиқлаш* – бирор бир бутун мухитни сўзлар билан ифодалаш эмас, бир ҳодисани сўз или ифода этмоқдир. Айтайлик, Бобурга мансуб бир фард:

Ёр қадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,

Ёр қадри мунча ҳам душвор экандур билмадим.

Байтда етакчилик қилаётган ёр ва қадр сўзларидир. Муаллиф ҳар икки сўзни бирикма ҳолида келтириб, умум учун эмас, айнан ўзи учун ёр қадрининг нечоғлик эканлигини ифодаламоқда. Яъни, ижодкорнинг оний ҳолати бир ҳодиса сифатида очиқланмоқда.

¹ I.Genc. Klasik turk edebiyati metinlerini anlamada modern yaklasimlar// Turkish Studies. International periodical for the languages, literature and history of Turkish or Turkic. Volume 2/4 Fall 2007. P. 395-404.

Яна, шу иккинчи хил мазмундаги *талқин* Арасту қўллаган маънода тўғриламоқни ва янглиштиromoқни кутадиган бир ифодадир. Классик мантиқ илми билимдонлари талқин қилиш маъносида *ибора* калимасини қўлладидилар. *Ибора* истилоҳ ўлароқ бирор нарсани ҳам зеҳнда жонлантириш, ҳамда тасаввур этиш ёки очиқлаш маъносига етакловчи восита. Шу ўринда, арабча *ибора* сўзини калима сифатида *таъбир* ва *эътибор* билан бир ўзакдан эканлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Арасту ва Форобий талқин қилиш муддати ёки вактини мантиқий ҳал этмаганлар. Бу жиҳат қайсиdir маънода чегарасиздир. Мисол учун, бирор асар яратилган даврда у ҳеч талқинга учрамаслиги, вактлар ўтиб эса турфа талқинларга сазовор бўлиши адабиёт тарихида учрайдиган ҳол.

Ёки, асар матнидаги маънони топишга ҳарчанд уринилса-да тоғилмаслиги, фалон муддат ёхуд замон ўтгач у янгича талқин билан кашф этилиб маъноларини ечиш мумкин. Бунга мисол қилиб, тарих давомида Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” асарига ёзилган шарҳлар ва уларда очиқланган маъноларни келтириш мумкин. XV-XIX асрлар давомида форсий ва туркий адабиётда “Маснавий маънавий” асарига қирққа яқин шарҳ ёзилган. (Бу ҳақда кейинги ўринларда тўхталашиб.)

Талқин қилишнинг услуби эса талқинлаш усули ичидаги шаклланади. Вакт ўтиши билан тафсир илми ҳам бир матннинг маъносини ўз заминида очиқлаш тамойил (принцип)ларини юзага келтирди.

Очиқлаш – мавжуд бўлган бир англам ва йўналма узра тайёрланади. Бу йўналма ва маъно доирасини “илк англама” деб юритилади. Талқин қилинган моҳият бирор ҳолатни, бирор мавзуни ёхуд бирор асосни аввалдан, яъни илк англама билан аёнлашади. Уни аниқлаштириш ҳам шу нуқтаи назардан унинг англам юзасига дахлдордир. *Герменевтик доира* дейилувчи бу маъно юзаси бўлмасдан матннинг англами юзага чиқмайди. Негаки, герменевтик фалсафага кўра матнни факат тушунишгина эмас, балки уни англашга ҳам эътибор бериш зарур.

Шунингдек, англам тозариши, яъни янгиланиши, ўзак жиҳатиданми, матн биланми, матн мавзуси биланми муаммо туғдиради. Яъни, англаб олинган ўзакнинг ўз уфқини, матнни ёки унинг асосини қандай қамраб олганлик хусуси ҳануззагча очиб берилмаган бир

фалсафий муаммодир. Айнан шу қисмни тушуниб олиш, топишмоқ ечимидағидек, аста-секин ҳал этилиши лозим бўлган масалани англамоқнинг асос шартидир. Сўнгра, бу илк англаш кенгайиб бориб тўласича англаш юзага чиқади. Масалан, “Библия” тадқиқотчилари “ижтимоий, тарихий ва адабий борлиққа қарама-карши бўлмаган тарзда тузилган ўзаро алоқали хабарни ишончли матн” сифатида қабул қилишади.¹

3. Бирор сўзни бошқа бир сўзга *айлантриши, таржима қилиши, аслига ёки натижасига боғлаш, ўгириши, маолини берши*. Буни мумтоз адабиётда *таъвил* ҳам дейилади. *Ўгириши* англамоқни саклаш учун қилинаётган махсус талқин ҳолатидир. Ўгираётган шахс (таржимон) икки тил орасида воситачилик қилаётган кишидир. У ўгирилаётган матн дунёси билан ўқувчи дунёси ўртасида кўпприк бўлади. Ҳам бошқа-бошқа икки тилнинг, ҳамда айри-айри алоҳида икки маданиятнинг бегоналигини кетгазувчи восита соҳибидир. Ўгирма (ёки, таржима) баъзан бир тилнинг турли даврлардаги ҳолатига кўра ҳам қилинади. Мисол учун, қадимги туркий ёдгорликлар (Ўрхун-Энасой, Култегин битиклари, “Кутодғу билиг” каби) ўз ҳолатидан ҳозирги-замонавий ўзбек тилига табдил қилинган. Таржимон-ўгирувчи таржима жараённида грамматик, тарихий ва матн билан боғлиқ бир қанча воситалар ёрдамида ишга киришади. *Таъвил* эса қадимий матн ифодаларини биз тушунадиган тилга айлантириш ҳолатидир.

Юкорида кўрилган ҳар уч англаш ҳолида ҳам талқиний фаолият ёт, ёпиқ, замон ва макон фарқи билан узоқлашган бирор ибора, матн ёхуд ўзакка яқинлик боғлашга ҳаракат қилинади.

Агар ўзбек мумтоз адабиёти тарихи нуқтаи назаридан қаралса ҳам ҳар учала талқин акс этганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Биринчи галда турфа талқинлар қўлёзмалар матни билан боғлиқ ҳолда кўзга ташланади. Айнан шу жиҳатни ўрганиш ва тадқиқ этиш ўзбек матншунослигининг асос вазифаларидан бири ўлароқ шаклланган. Хусусан, XX аср давомида олиб борилган аксар ўзбек матншунослик тадқиқлари шу жабҳада бўлган (П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, С. Муталлибов, А.Қаюмов, М.Ҳакимов, С.Фаниева каби олимларнинг тадқиқлари). Матнни фалсафий англаш, герменевтик талқин усулларини қўллаш эса айнан истиқлолдан сўнг айрим изланишларда

¹ Г.Гече. Библейские истории. –Москва: Политиздат, 1988. С.19.

кўрина бошлади (Ш.Сирожиддинов¹, Д.Салохий², А.Эркинов³, Б.Каримов⁴ изланишлари).

Лекин шуни ҳам кўзда тутмоқ керакки, матншунослик бадиий асарнинг ички-ботиний жиҳатларини очиб бериш, матнни асл моҳиятини англаш, филологик ечимдан ташқари фалсафий маъносини ҳам ўрганиши лозим. Шу билан бирга, матннинг яратилиш тарихи, матн ўзгариши содир бўлган бўлса унга олиб келган ҳолатларни аниқлаш ва муаллиф варианти сақланиб қолмаган тақдирда асарнинг аслига яқин матнини тузишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйгандир. Бу эса уч жабҳада олиб борилади:

1) Матн тарихини ўрганиш; 2) Матн талқини; 3) Матн тузиш.⁵

Аслида матнни англаш ва матншунослигимиз кўп асрлик тарихга эгалиги шубҳасиздир. Мисол учун, Маҳмуд Кошғарий XI асрдаёқ шу ишга қўл урган, дейиш ўринли. “Девону луғотит-турк” асарида сўзларнинг маъноларини очиб бериш учун кўплаб матний таҳлил ва талқин ишларини олиб борган. У барча туркий халқлар оғзаки ижоди бўлмиш достонлардан парчалар, қўшиқлар, мақоллар, ҳикматли сўз ва ибораларни ҳамда ёзма адабиётдан олинган қасида ва шеърларни туркий сўзларнинг нозик кирраларини очиб бериш учун илова сифатида асарига жойлаштирган. У бир неча сўзларни кўплаб маъноларини ифода этабилмоқ учун бу адабий парчалардан фойдаланган.

Ёки, матншунослик бўйича яна бир катта миқёсдаги ишни темурийзода Мирзо Бойсункур (1397-1433) амалга оширган. У жаҳонда илк маротаба илмий-танқидий матн яратган. У Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони нусхаларини йиғдириб, ўзаро солишитириб, аниқликлар киритиб, замонасининг энг моҳир хаттотларига ягона нусхада, миниатюралар билан безаттириб кўчиртирган. Ҳозирги

¹ Ш.Сирожиддинов. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Тошкент: Akademnashr, 2011.

² Д.И.Салохий. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида). ДДА. –Тошкент, 2001.

³ А.С.Эркинов. Источники интерпретации “Хамса” Алишера Навои в XV-XX вв. АДД. –Ташкент, 1998.

⁴ Б.Н.Каримов. XX аср ўзбек адабиётшунослигига талқин муаммоси (кодирий-шунослик мисолида). ДДА. –Тошкент, 2002.

⁵ Ш.Сирожиддинов, С.Умарова. Ўзбек матншунослиги кирралари. –Тошкент: Akadennashr, 2015. 7-бет.

кунда у “Шоҳнома”нинг кейинги нусхалари учун асос матн бўлиш билан бирга, уникал ва ноёб манба сифатида Эрон давлат кутубхонасида сақланмоқда.

Матншунослигимиз ва матн талқини тарихи албатта Амир Алишер Навоий номи билан чамбарчарс боғлиқdir. Навоий асарлари нафакат ўзбек адабиёти тарихида, умуман Шарқ адабиётида ҳам энг кўп кўчирилган ва таркалган асарлар сирасига киради. Уларни дастлаб Навоийни ўзи кўчиритирган нусхалари ва кейинчалик китобат қилинган нусхалари ҳам машҳур бўлиб кетган. Бу кўп сонли қўлёзмалар ўртасида албатта тафовутлар ҳам сезилади. Мисол учун, матншунос М.Ҳамидова “Садди Искандарий” достони қўлёзмалари аро аниқланган матний тафовутларни уч гурухга ажратади:

- 1) Композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар;
- 2) Имловий хатолар;
- 3) Матнни маъновий бузилишга олиб келган текстологик тафовутлар.¹

Бу фарқ ва тафовутлар кейинчалик котиблар томонидан амалга оширилган. Навоийнинг ўзи томонидан қатъий матн ҳолига келтирилган асарларидан бир қанчаси бу каби матний ўзгаришларга дуч келган. Албатта, бу жиҳат кейинчалик тузилган шоир асарларининг илмий-танқидий матнларида кўзга ташланади. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Навоий асарлари матншунослигимиз тарихида энг кўп илмий-танқидий матн қилинган асарлардир. Шу кунга қадар муаллифнинг йигирма яқин асарининг танқидий матни яратилган.

Қизиги шундаки, Навоийнинг ўзи ўз асарларини илк ва асосий таҳрирчисидир. Унинг вақт ўтиб амалга оширган матний талқинлари жуда ҳам муҳим. Мисол учун, Навоий “Муншаот”и билан узоқ йиллар шуғулланган навоийшунос Ю.Турсунов: “Навоий ўзга кишиларга ёзган ўзбекча мактубларини “авроқ зимнида сабт” этаркан, маълум сабабларга кўра бაъзи мактублардаги шахслар номини тушириб қолдиришни маъқул кўриб, бундай ўринларда “фалон” мавҳумини ишлатиб кетган, айрим мактублардаги кишилар исмени эса аввалгича қолдирган бўлиши, шубҳасиз” дея таъкидлайди ва “шу тариқа “Муншаот”-нинг иккинчи редакцияси юзага келган”ини эслатади.²

¹ М.Ш.Ҳамидова. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқики. ДДА. –Тошкент, 1994. 30-бет.

² Ю.Турсунов. “Муншаот” асарининг матний тадқики. –Тошкент: Mumtoz so’z, 2016. 33-бет.

Матн талқини масаласи кейинги асрларда ҳам давом этган. Умуман олганда, матн талқини тамойили ва унинг тарихи масаласини мумтоз адабий матнлар воситасида янада атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш жуда муҳим ҳамда қизиқарли илмий хулосаларга сабаб бўлиши шубҳасизdir. Матнни турлича ракурсда ўрганиш ва талқин қилиш кейинги йиллардаги ўзбек матншунослигида ҳам турфа хил ёндашувларни, баҳсларни келтириб чиқарди. (В.Раҳмон, Н.Жумахўжа каби олимларнинг баъзи чиқишлари бунга мисол бўла олади.¹)

Бироқ, бу борада бир жиҳатни доимо кўзда тутиш керак. У ҳам бўлса мумтоз (классик) матнни англаш ва талқин қилишда биз у яратилган тарих ва замондан йироқмиз. Ўша даврни факат манбалар асосида тасаввур эта оламиз, холос. Аммо бу тасаввуримиз ҳам тор ва нуксонли бўлиши мумкин. Шунинг учун, мумтоз матнни фақат ўз замонамизга кўра тушунамиз, англаймиз. Талқинларимиз ҳам шунга кўра бўлади. Яъни, айтайлик Навоийга оид бирор матнни ўша даврга бориб, янгитдан ёздирмоқдан беримиз, албатта. Уни ҳозирги вақтдагина кўрамиз, тушунамиз ва англаймиз. Ўша асар ҳозирги вақтдагина бизницидир.

Биз бадиий матнни ўзимизгача қилинган талқинлардан хулослаб, яшаб турган борлиғимизга мослаб яна талқинлашга харакат қиласкерамиз. Агар мумтоз адабий матнларни ҳозирги кунгача ва ўша асар яратилган даврнинг балогат илми қоидаларига биноан англаб, талқин этилса нур устига нурдир. Ёхуд, позитивист² услубни кўллаган ҳолда адабий асарга бирор тарихий асар ёки археологик топилма каби караш асосида бориш ҳам илмий услубни сақлайди. Француз олими Ролан Барт (1915-1980) бир ўринда “ҳар бир тарихий матн эски жумлалар, парчалардан тўқилган янги мазмунда намоён бўлади” деган эди. Бу эса матннинг доимо яшовчанилигига даолатдир.

XX аср иккинчи ярмига келиб, матнни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, “интерматн” тушунчаси бирмунча авж олди.³ Бу ҳам фалсафа билан боғлик тушунчадир. Аммо, адабиётшуннос-матн-

¹ В.Раҳмон. Мумтоз сўз сехри. Мақолалар тўплами. –Тошкент: O'zbekiston, 2015. 242-438-бетлар; Н.Жумахўжа. Истиқлол ва она тилимиз. (Тил, имло, нотиклик санъати, матн, матншунослик) –Тошкент: Шарқ, 1998. 79-158-бетлар.

² Факт-далилларга асосланган.

³ Бу ҳақда қаранг: М.Холбеков. Матн, интерматн ва интерматнлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, 6-сон. 32-39-бетлар.

шунос матндан ташқари маълумотларга ёндашмасдан ҳам бадий матннинг таҳлилини бера олиши зарур. Парадокс шундаки, кўп ҳолларда муаллифнинг бадииятдан бошқа мулоҳазаларига мурожаат қилиш, биринчи галда, асар поэтикаси ва матн тарихини ўрганишга ёрдам беради. (Бунга доир мисоллар китобнинг «Лирик асарларда тарих тасвири» ва А. Қахҳор автографлари ҳакидаги ўринларда бор.) Яъни, талқин йўналиши шуни тақозо қилиб қолади.

Юқоридагича назарий ёндашув фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ушбу монографияни икки боб қилдик. Аввало, матнни тушуниш, унинг матности сирларини ўрганишни яхлит, кенг ҳудудларда олинди. Яъни, тадқиқ доирамизга XIV аср туркий ёзма ёдгорлиги “Нажжул-фародис”дан тортиб Абдулла Қахҳорнинг асарларигача тортдик. Биз уларни мумтоз ва замонавий эмас, ягона ўзбек адабиёти намуналари сифатида қарашга интилдик. Иккинчидан, тадқиқларимиз асосан қўлёзма манбалар (адабий манбашунослик) ва муаллиф автограф матнларини (матншунослик) таҳлил қилиш доирасида олиб борилди. Албатта, талқин доирасига тортилган ҳамма бадиият намуналарининг ҳам матности сирларини тўласича қашф этдик, деган даъводан йироқмиз. Биз факат, шу таҳлит талқинлар тақдим этиш мумкинлигини кўрдик, холос.

* * *

*Буюк Турун кенгликларида
Күмилиб ётибди ҳадсиз хазина,
Күмилиб ётибди йиллар қаърида
Хазинага туташ саноқсиз зина...*

Шавкат Раҳмон

**I боб.
Мумтоз матн: талқин ва
таҳлиллар**

«Нахжул-фародис» асари мундарижаси ва матни ҳақида

Қадимги туркй ёзма ёдгорлайлар тадқиқига қизиқиши асосан XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида авж олди. Аввало, уларни топиш, қўлъёзма нусхаларини аниқлаш ва тил хусусиятларини тадқиқ этиш ишлари йўлга қўйила бошланди. XIV аср ёдгорлиги «Нахжул-фародис»ни ўрганиш ҳам бирмунча тарихга эга. У кўплаб жаҳон туркшуносларининг эътиборини жалб қилган. Гарчанд хорижда кўп ўрганилган бўлса-да, у асосан ватанимиз, аникроғи, Хоразм билан узвий bogliқ манбадир. (Бу ҳақда бироз кейинрок тўхтalamиз.) Шунинг учун уни туркй (эски ўзбек тилидаги) наср намунаси сифатида атрофлича ўрганишга эҳтиёж сезилади.

Илк бора Шаҳобиддин Маржоний «Нахжул-фародис»нинг нодир бир нусхаси ҳақида маълумот берган¹. Кейинчалик А.Убайдулло ва А.Рахим², Ф.Кўпрули³, Ҳ.Тавфиқ, Ҳ.Эҳсон ва Ҳ.Али⁴, А.З.Валидий⁵ асар борасида тўхтамалган бўлсалар, проф. А.Н.Самойлович асарнинг Қозонда сакланаштган бир қадим қўлъёзмаси ва тили ҳақида ёзган.⁶ Асарнинг асосан тил хусусиятлари ўрганилган ва кўп тадқиқлар шу йўналишда давом этган. Бу борада Қ.Бурслан⁷, Али Ф.Қорамонўғли⁸ ва А.Нажибининг⁹ тадқиқи маълум. Яна, Б.Яфаров

¹ III. Маржоний. Китоби мустафодил-аҳбор фий аҳволи Қозон ва Булғор. 1-жилд. -Қозон, 1885. 15-16-бетлар.

² Азиз Убайдулло, Али Раҳим. Татар адабиёти тарихи. -Қозон, 1924.

³ Fuad Koprulu. Turk Edebiyati Tarihi. -İstanbul, 1926.

⁴ Hifzi Tevfik, Hamamizade Ihsan, Hasan Ali. Turk edebiyati numuneleri, cilt 1. Istanbul, 1926.

⁵ Ahmed Zeki Velidi. Harezm'de yazilmis eski turkce eserler / Turkiyat mecmuasi II, 1926.

⁶ А.Н.Самойлович. Cuci ulusu veya Altın Ordu Edebi Dili / Belleten, seri 1, no 12, 1935.

⁷ Kivamettin Burslan. Nehcul-feradis'ten derlenen turkce sozler. Turkiyat mecmuasi IV, 1934. -İstanbul, 1934.

⁸ Ali Fehmi Kamanoglu. Nehcul-feradis'in dil hususiyetleri, I. Turk dili ve edebiyati dergisi XVI, -İstanbul, 1968; Nehcul-feradis'in dil hususiyetleri, II. Turk dili ve edebiyati dergisi XVII, -İstanbul, 1969; Nehcul-feradis'in dil hususiyetleri, III. Metn. Turk dili ve edebiyati dergisi XVII, -İstanbul, 1969; Nehcul-feradis'in dil hususiyetleri, IV. Metn. Turk dili ve edebiyati dergisi XIX, -İstanbul, 1971.

⁹ Эмир Наджип. О памятнике XIV века «Нахджал-фарадис» и о его языке // Советская тюркология. №6, 1971.

шу мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган¹. Академик Э.Фозиловнинг рус тилида чоп этилган «Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм ёдномалари» номли китобида ҳам «Наҳжул-фародис»даги айрим сўзлар изохланган.² Профессорлар Н.Рахмонов ва Ҳ.Болтабоев нашрга тайёрлаган “Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари”нинг 1-жилдida ҳам асардан парчалар келтирилган.³

Номини алоҳида эътироф этиш керак бўлган яна бир олим Янош Экмандир. Унинг туркологияга оид кўплаб тадқиқлари орасида «Наҳжул-фародис» ажralиб туради. Я.Экман дастлабки изланишларини асарда кўлланилган бир сўзни тадқиқ этиш билан бошлаган.⁴ Кейин унинг Истанбул Янги жомеъ кутубхонасида сақланаётган диакритик белгили уникал кўлёзмасини факсимель ҳолда нашрга тайёрлади.⁵ Аммо асар транцлитерапиясини нашрга тайёрлаш ишини ниҳоясига етказолмай вафот этган. Буни С.Тезган ва Ҳ.Зулфиқор давом қилиб, чоп эттирадилар.⁶ Шу тариқа «Наҳжул-фародис» асари тўлиғича дунё юзини кўради ва кейинги тадқиқларнинг деярли ҳаммаси ушбу факсимель ва матн юзасидан амалга ошган.

Асар номи ҳакида муаллиф шундай дейди: «Таки бу китобга Наҳжул-фародис от бердук, маъниси уштмоҳларнинг очуқ йўли темек бўлур (1)». Яъни, «Уштмоҳлар (учмоҳ)-жаннатларнинг очик йўли» маъносидадир.

Асар муаллифи масаласида эса кўпгина баҳслар мавжуд. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» тазкирасида Алишер Навоийга бағишланган бир муламмаъ келтирилган:

*Туркийни кўруб қулурлар эрди марку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирла Кардарий.*

¹ Б.А.Яфаров. Литература Камско-Волжских булгар X-XIV вв. и рукопись «Наҳджал-фарадис». Кандидатская диссертация. -Казан, 1949.

² Э.Фозилов. Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм ёдномалари. 2 томлик. –Тошкент: Фан, 1966-1971.

³ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд. (Энг қадимги даврдан XIV аср гача.) –Тошкент: Фан, 2003. 272-284-бетлар.

⁴ Janos Eckmann. Bolmasa kalimesine dair – Turk dili arastirmalari yilligi, Belleten 1954. –Ankara.

⁵ Janos Eckmann. Nehcül-feradis I, Tipkibasim. -Ankara, 1956.

⁶ Nehcü'l-feradis. I metin, II tipkibasim. Türk dil kurumu yayinlari: 518. –Ankara, 1995. (Кўчирмалар шу нашрдан олинади ва қавс ичida сахифа раками кўрсатилади.)

*Бовужуди форсий дар жунби шеъри комилаши
Чист ашъори заҳири кист бори Анварий...¹*

Шеърдаги Лутфий, Анварийлар маълум. “Кардари” тахаллусли шоир эса мунозараларга сабаб бўлган. Хусусан, Мақсад Шайхзода «Тазкирачилик тарихидан» мақолосида шу шеърни назарда тутиб ёзади: «Мазкур қитъада зикр этилган Кардари Хоразм ўлкаси-нинг Кардар қишлоғида ҳижрий 761 (милодий 1359-60) йилда ва-фот этган Маҳмуд Ибн Али деган шахс «Наҳжул-фародис» номли диний-ахлоқий асар муаллифидир. Умрининг бир қисмини Олтин Ўрда пойтахти Сарой шаҳрида ўтказган. Асарнинг Кардари тирик вақтида хоразмлик котиб томонидан қўчирилган нусхаси Хоразм шеваси ва адабий лаҳжасининг тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар ҳолда Давлатшоҳ Самарқандий туркий назм устаси деб кўрсатган Кардари деган шоир шу Маҳмуд ибн Алидан бошқаси эмас.»²

Кейин яна бошқа мулоҳазалар ҳам баён этилган.

Жумладан, «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг биринчи жилдида «Наҳжул-фародис»нинг муаллифи Али ибн Маҳмуд дея қўрсатида, лекин «Кардари» тахаллуси ҳакида эсланмайди.³

Немис олими X.Хофман Кардари ва «Наҳжул-фародис» ҳакида: «Бу шоир (Кардари)... машхур туркигўй шоир Маҳмуд ибн Али ас-Саройи Булғорий Кардарийдир. Кардари Хоразмдан бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий ўз қитъасида уни тилга олади. Тарихда эса Кардари тахаллусли шоирлар бир эмас, бир нечта бўлган. Лекин унинг туркий тилда ёзилган «Наҳжул-фародис» асаригина бизга маълумдир», дея таъкидлайди.

Проф. X.Кудратуллаев эса бошқача фикр билдирган: «Аслида дастлабки туркий тилда яратилган иирик насрый асар Носириддин Рабгузийнинг «Қиссаси Рабгузий»сидир. Унинг «Наҳжул-фародис» номли асари ҳам насрда туркий тилда яратилган бўлиб, бу асар ҳам

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкиратуш-шуаро / Китобда: Навоий замондошли-ри хотирасида. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. 15-бет.

² Мақсад Шайхзода. Тазкирачилик тарихидан / Навоийга армуғон. –Тошкент: Фан, 1968. 37-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 1-т. –Тошкент: Фан, 1977. 176-бет.

⁴ H.Hofman. Turkish literature a bio-bibliographical survey. Sektion I. Utrecht, 1969. –P.103-109.

диний мавзуга, инсонни ахлоқий рухда тарбиялашга бағишилаган».¹ Бу сўнгти фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки “Наҳжул-фародис” ҳеч бир манбада Рабғузийга нисбат берилган эмас. [Асар муаллифи, унинг ўрганилиши ва мазмуни ҳақида ушбу сатрлар муаллифининг ҳам айрим кузатишлари бор.²]

Юқорида келтирилган маълумот юзасидан хулоса қилиб, «Наҳжул-фародис» асарининг муаллифи сифатида Маҳмуд ибн Али ас-Саройи Булгорий Кардариини кўрсатиш мумкин. Лекин бу ҳам шартлидир. Негаки, «Наҳжул-фародис»нинг қўлёзмасида асар муаллифининг номи қайд этилмаган. Факат китоб ниҳоясида асарнинг ёзилиш санаси ва котибининг исми келтирилган, холос. Мана ўша парча:

«Бу китоб тамом бўлди тарих ети юз олтмиши бирда шаҳрул оҳир муборак жумадул аввал ойининг олтинчи кунида эрдиким, китобати қушлуқ вахтинда тамам бўлди. Тақи китобнинг мусаннифи мазкур якшанба кун дорул-фанодин дорул-бақоға риҳлат қилди (309)».

Ушбу парчадан икки муҳим жиҳат маълум бўлади. Биринчи, асарнинг ёзилиб битган санаси. Яъни, ҳ. 761 йил. Иккинчи, асар мусаннифи, яъни тартиб бериб ёзган киши, асарни тамомлагач якшанба куни вафот қилгани (1360 йил, 26 март) маълум бўлади. Демакки, муаллифнинг охирги асари ҳам ушбу – «Наҳжул-фародис»дир.

Китоб матни ниҳоясида эса котиб ўз исмими келтиради:

«Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Ҳусрав Хоразмий».

Асар Ҳусрав тахаллусли хоразмлик котиб томонидан кўчирилгани аниқ. Шунингдек, котибнинг ўзи, асар муаллифи вафот санасини аниқ келтиришича, ёзувчи билан шахсан таниш бўлган.

Шу далилга асосланиб, асар муаллифи номини шартли дейиш мумкин. Ва уни тўла маънода, эски ўзбек тилидаги мумтоз наср на-мунаси сифатида ўрганиш керак, деган фикрдамиз.

¹ Ҳ.Кудратуллаев. Насрий асарлар тарихи ва жанрий муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000, 4-сон.

² О.Жўрабоев. “Наҳжал-фародис” – муҳим илмий-адабий асар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2004. №2. 147-150-бетлар; Ўша муаллиф. Жаннат сари етаклагувчи асар//Ҳидоят. 2005. №10. 30-32-бетлар; Ўша муаллиф. XIV муҳим ёзма ёдгорлиги “Наҳжал-фародис” асарининг қўлёзмалари ва мундарижаси хусусида // Проф. Ҳ. Сулаймон номли республика ёш манбашунослари ва матншуносларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишиланган илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2006. 3-6-бетлар.

Энди асарнинг мазмуний мундарижаси хусусида.

«Наҳжул-фародис» асари диний-ахлоқий, илмий-бадиий асар-дир. У тўрт бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб алоҳида ўнтадан фаслга бўлинади.

Муаллиф асарини анъанавий «Бисмиллоҳ», Аллоҳга ҳамд ва унинг расули Муҳаммад (с.а.в.)га наът билан бошлайди ҳамда Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинган ҳадис келтиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, асар фасллари бошида келтирилган ҳамма ҳадислар ва матнлар орасида келувчи оятлар, аввало, оригинал – араб тилида, кейин унинг мазмуни муаллиф изоҳида берилган. Асар «мусаннифи» шундай дейди:

«Умар ўғли Абдуллоҳ, разиаллоҳу анҳу, ривоят қилур пайғамбардин, саллололлоҳу алайҳи васаллам, андоғ ёрлиқар: қаю муъмин ва муваҳҳид қирқ ҳадисни меним ҳадисларимдин эшишмаганларга тегурса, билмаганларга ўргатса Ҳақ таоло ул кимарсани олимлар зумрасинда битигай; тақи қиёмат куни бўлса, аманна ва саддақна, шаҳидлар жумласинда қўйоргай, тақи қаю кимарса мен аймамии ҳадисни меним аймаганимни билип, қасд бирла меним уза ўалгон сўзлап пайғамбар алайҳиссалом айди тесе тамуғдин олтургуре ерини омода қилсун, тен айди. Бу ҳадисга тамассуқ қилип қирқ ҳадис жамъ қилдуқ пайғамбар алайҳиссалом ҳадислариндин муътамад китоблардин.

Яна бу ҳадисларга муносиб ҳикойатлар пайғамбар аҳволидин, тақи хулафои рошидин афъолидин, тақи уламо ва машойих ақволидин зам қилдуқ; тақи бу китобни тўрт боб уза қилдуқ, тақи тегме бир бобни ўн фасл уза қилдуқ, тақи тегме бир фасл аввалинда бир ҳадис келтурдук пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларидинким, маҷмуаи қирқ ҳадис бўлур.

Аввал боби пайғамбар алайҳиссаломнинг фаойилининг байони ичинда тутур. Икинчи боби хулафои рошидин, тақи аҳли байт, тақи тўрт имом фазойилининг байони ичинда турур. Учинч боби Ҳақ таоло ҳазратинга йавунгү езгу амаллар баёни ичинда турур. Тўртинч боби Ҳақ таолонинг ҳазратидин йаратгү йавуз амаллар байони ичинда турур (1)».

Ушбу баёнга кўра муаллиф қирқ ҳадис жамлаш ва олимлар тоифасидан жой олишни кўзда тутган. Бу қирқ ҳадис жамланмаси, бошка «Чэхл ҳадис»лардан тубдан фарқ киласи. Яъни асар систематив, пухта режа асосида, аниқ ҳисоб ва мақсад билан амалга оширилган.

«Наҳжул-фародис» тўрт боб, ҳар боб эса ўн фасл, жаъми қирқ фасл. Бу дегани ҳар бир ҳадисга бир алоҳида фасл ажратилган. Шу

билин биргә ҳар бир ўнталикни ташкил қылувчи боб махсус мавзуга бағишиланганки, ўзаро мутаносиблик изчил сақланган. Бу эса ўрта асрлар ислом адабиётини мухим жиҳатларидан эканлиги маълум.

Демак биринчи боб – «аввалқи боб: *Пайғамбар алайҳиссалом-нинг фазойили ичинда туурү*» (2).

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётлари, сийратлари ва фазилатлари ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Бироқ, «Нажжул-фародис» бу борадаги туркий тилда яратилган дастлабки асарлар сирасидандир.

Ушбу биринчи боб ўз ичига қуидаги мавзуларни жамлаган:

1. Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазоили баёни;
2. Пайғамбар (а.с.)га ваҳий келмогининг баёни;
3. Пайғамбар (а.с.) ёронлари билан бирга Исломнинг дастлабки даврларидаги баёни;
4. Пайғамбар (а.с.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлари баёни;
5. Пайғамбар (а.с.)нинг мўъжизалари баёни;
6. Пайғамбар (а.с.)нинг Маккаги кирмоқлари баёни;
7. Пайғамбар (а.с.) меърежининг баёни;
8. Жаннат ва дўзахга тафарруж қилмоқ баёни;
9. Пайғамбар (а.с.) Хунайнда ғазот қилмоқлари баёни;
10. Пайғамбар (а.с.)нинг вафотлари баёни.

Асарнинг иккинчи боби эса шундай номланган: «Хулафои рошидин, тақи аҳли байт, тақи тўрт имом фазоилининг байони ичинда туурү» (67) ва у қуидаги фасллардан иборат:

1. Абу Бакр розиаллоҳу анхунинг баёни;
2. Умар (р.а.)нинг фазоили баёни;
3. Усмон (р.а.)нинг фазоили баёни;
4. Али (р.а.)нинг фазоили баёни;
5. Фотима (р.а.)нинг фазоили баёни;
6. Ҳасан Ҳусайн (р.а.)нинг фазоили баёни;
7. Имоми Аъзам Абу Ханифа Күфий раҳматуллаҳи алайҳ фазоили баёни;
8. Имом Шофий (р.а.) фазоилининг баёни;
9. Имом Малик (р.а.) фазоилининг баёни;
10. Имом Аҳмад Ҳанбал (р.а.) фазоилининг баёни.

Дастлабки икки бобданоқ маълум бўладики, ушбу асар Мовароуннаҳр худудида амалда бўлган ва дунёнинг жуда кўплаб мусулмон уламолари томонидан тан олинган аҳли суннат вал-жамоат мазҳаби асосида ёритилган. Бошқа ботил диний оқим ва таъсирлардан ҳоли равища диёrimiz халқларининг соғ эътиқодини тараннум этувчи

асар. «Наҳжул-фародис»нинг кейинги – учинчи боби шундай номланади:

«Ҳақ таоло ҳазратинга йавунгү амаллар байони ичинда туурү» (158). Яъни, Аллоҳ таолога манзур бўлган амаллар амалларнинг баёни ҳақида. Муаллиф назарида бундай амаллар қайсилар. Қуйида уларни боб фаслларига кўра келтирамиз.

1. Илм олмоқнинг фазилати баёнида;
2. Намоз фазилатининг баёнида;
3. Закотнинг ва садақанинг фазилати баёнида;
4. Рўза фазилати баёнида;
5. Ҳаж ва умра фазилати баёнида;
6. Ота-онага хизмат фазилатининг баёнида;
7. Ҳалол емоқ фазилатининг баёнида;
8. Амру маъруф ва наҳй мункар фазилатининг баёнида;
9. Туну кун ғафлатда бўлмасликнинг фазилати баёнида;
10. Сабр ва ризо фазилати баёнида.

Бундан маълум бўладики, Аллоҳга энг маъқул амалларнинг бошида илм олмоқ туради. Ундан кейин бошқа амаллар навбати билан келади. Инсон камолоти учун муҳим бўлган ва риёзат орқали комилликка етишиш учун муҳим бўлган ушбу жиҳатлар асарнинг маънавий-руҳий хуҳусиятларини оширибгина қолмай ўқувчилар қалбida эзгуликка интилиш туйғуларини ҳам шакллантиради. Сўнгги – тўртинчи боб бундай амалларнинг тескариси бўлган яъни, ёмон ишлар тўғрисида бўйиб, уни муаллиф шундай номлаган:

«Ҳақ таоло ҳазратидин йиратгү йавуз амаллар байони ичинда туурү» (233) ва у ҳам ўнта фаслга бўлинган. Хўш, ушбу «ёвуз» амаллар қайсилар, қўйида уларни кўриб чиқсан.

1. Ноҳақ қон тўқмоқнинг офати баёни;
2. Зино қилмоқнинг офати баёни;
3. Маст қилувчи ичимликлар ичмоқнинг баёни;
4. Такаббурлик қилмоқликнинг офати баёни;
5. Ёлғон ва гийбатнинг офати баёни;
6. Дунёни севмоқнинг офати баёни;
7. Риё ва симоъ офатининг баёни;
8. Кийна ва ҳасаднинг офати баёни;
9. Фурур ва ғафлат офатининг баёни;
10. Узоқ умид тутмоқ офатининг баёни.

Демакки, гуноҳ ишларнинг бошида ноҳақ қон тўкиб, ўзгалар жонига зулм қилиш турар экан. Ундан кейин зино, ичкиликбозлик, та-

каббурлик ва каби иллатлар қораланади. Муаллиф бу каби тушунчаларни ёритар экан олим ва донишманд, эзгулик сари чорловчи даъваткор, ёмонликлардан қайтарувчи фозил киши сифатида қалам тेbrатган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Нахжул-фародис» асарини яратища муаллиф кўплаб мухим илмий-фиқҳий манбаларга, тафсир ва ҳадис китобларига таяниб иш кўрган. Мисол учун, машҳур ватандoshimiz, Жоруллоҳ номи билан танилган Махмуд аз-Замаҳшарийнинг «Кашшоф» номли тафсир китобини ҳам санаb ўтган. Бундан ташқари яна ҳадисшуносларнинг «Саҳиҳ ҳадис» китобларига таяниб асар ёзганилигини таъкидлайди.

«Нахжул-фародис» панд-ахлоқ мавзуидаги асар бўлиш билан бирга уни бадиий наср намунаси сифатида ҳам талқин этиш мумкин. Фикримизни дастлабки боб доирасида давом эттирасак. Ҳар фасл бошида бир ҳадис келтирилган ва шунга кўра масала очиб берилган. Пайғамбаримизнинг ҳаёти ёритилар экан жуда кўп ривоят ва ҳикоятлар келтиради. Ўрни билан ул зот таърифланади, қилган ишлари ҳақида маълумот берилади ва ўрнак учун айрим воқеалар батафсил эсланади. Шундай ўринларда муаллифнинг маҳорати ва ривоятларни талқин этиш борасида ги санъаткорлиги кўринган. Мисол учун, ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.)га суиқасд қилиш учун Макка коғирлари йиғилиш қилишади, шунда бу мажлисга аробий абушқа (чол) қиёфасида Иблиснинг ҳам кўшилиб олганлиги келтирилади ва душманларга йўл-йўрик кўрсатади. Айнан шу воқеани бу тахлит бошқа асарларда учратиш мушкил. Адиб бу ўринда ўзига хос ёндашув билан Иблиснинг доимий душманлиги ва маккорлигини бадиий тарзда асосли изоҳлаб берган.

Яна, муаллиф ул муборак зотни таъриф этиш ва сифатлашда ҳалқона ибораларни қўллашга ҳаракат қилган. Масалан, пайғамбаримиз (с.а.в.) Абубакр (р.а.) билан биргаликда Маккадан Мадинага томон кетаётгандарнида бир чўпоннинг хонадонига тушадилар. Мўъжиза кўрсатиб, сутдан қолган бир озғин кўйдан сут олишади ва шу билан озиқланиб кетишгач, чўпон келади ва аёлидан пайғамбарнинг «сифатини яхши баён қил»ишини сўрайди. Шунда чўпоннинг аёли Умми Муъид тилидан муаллиф ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.)ни шундай таъриф этган:

«Йигит турур. Маҳосини қора турур. Ачук йузлук турур. Овонинда ҳейбет бор. Инген узун бўйлук эрмаз, ашақ бойлук тақи эр-

маз, ўрта бўйлуқ турур. Ачук қошлиқ турур. Инген семуз тақи эрмаз, инген аруқ тақи эрмаз, ўрта тенлиг турур. Тўлек турур, укуш ҳаракетлиг эрмаз. Тишлари сейрек турур. Юзи тўлун айтег қумийур. Сўз сўзласа ачук айра сўзлэйур, булгашиқ сўзламас. Айаси кенг турур. Кўзи ашақча укушрек бақар, йерге бақар; бир аз тақи башини қалдурур, кўкка бақар. Маҳосини қурт йиз турур, ўрта маҳосинлиг (турур), узун тақи эрмаз, куса тақи эрмаз. Қатиғ йуруган тақи эрмаз; йуруйур бўлса ақру йурийур, эркен йетер, йўқ эрса йетмас, теди (17)».

Ушбу парчадан Расууллоҳни муаллиф оддий халқ тилида нечоғлик тасвир этгани кўриниб турибди. Бунда «йигит турур» деганда, ўрта ёшларни назарда тутган. Ул муборак зотнинг очиқ юзлари «тўлун айтег» эканликлари, овозларида ҳайбат бор эканлиги, ўрта бўйликларни, сўзласалар бир маромда фикр билдиришлари, юрсалар ҳам ўртача юришлари ва бошқалар жуда самимий билдирилган.

Булар XIV аср туркий халқларда ҳазрати пайғамбарнинг сийрати ҳақидаги манбаларга таянган аниқ фикрлардир. Чунки бу давргача яратилган «Шамоили Муҳаммадия» асарида ҳам Расууллоҳ (с.а.в.) ни сифатлари сирараб берилган ва кўп жиҳатдан «Наҳжул-фародис» матни шу манбадаги маълумотларга уйғун.¹

«Наҳжул-фародис» муаллифининг нуқтаи назари ва келтирилган ривоятларнинг талқини кўп ҳолда ҳадислар замирида. У бир воқеа муносабати билан пайғамбаримизнинг бир неча хусусиятини аниқ акс эттиришга ҳаракат қиласди. Мисол учун, ул зотнинг мўъжизалари ҳақидаги бешинчи фаслда Ҳандак ғазоти воқеаларини ва саҳобаларнинг ул зотга садоқатларини, пайғамбаримизнинг илохий башоратларини ҳам бир орада жам қилган чиройли, ёрқин эпизодларга бой ҳадисларни келтиради. Шунингдек, бу ҳадисни муаллиф ўз тили билан туркийона талқин қиласди. Қуйидаги парчага диққат қиласлик:

«Салмони Форсий (р.а.) айтур: Қачонким Жобирнинг таомини тановул қилдуқ², тақи ҳандақ қазимоқча бардуқ, меним улушумга теккан ерда тақи бир улуг тош белгурди. Ҳеч кимарса ани қопармақча кучи етмади. Болта тақи ўтмади эрса, бардуқ, пайғамбар (а.с.)га хабар бердук эрса, пайғамбар (а.с.) келди тақи муборак илгинда бир улуг болта олди; тақи «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»

¹ Имом Термизий. Шамоили Муҳаммадия. (Ўзбекча таржима муаллифи Олтинхон тўра.) –Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти. (Араб ёзувидা, санасиз.)

² Ушбу ҳикоядан аввал Жобирнинг уйида тўрт кишилик таомни ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) уч мингдан ортиқ кишига мұъжизавий баракотлари орқали етказганликлари ҳақида ҳикоя килинади.

теди тақи тақбир айди эрса, жумла саҳобалар тақи тақбир айдилар. Андин сүнг пайғамбар (а.с.) болта күтәрди тақи құвват бирла ул тошға үрмии эрди. Ул тошдин ийләдірім менгизлиг ўт чиқды Шом тарафинға барди. Салмони Форсий (р.а.) айттур: «Ул нурқа назар құлмиши эрдим. Шомнинг күшклари, саройлари манга күринди. Яна пайғамбар (а.с.) әкінч қатама тақбир қилип уриши эрди. Яна бир ийләдірім менгизлиг нур чиқти, тақи Яман тарафинға барди. Мен ул нурқа назар құлмиши эрдим, Яман шаҳрининг күшклари, саройлари манга күринди. Яна пайғамбар (а.с.) учунч қатама тақбир қилип ул ташқа үрмии эрди. Яна бурунқитең ийләдірім менгизлиг нур чиқты тақи машық тарафинға барди. Мен ул нурқа назар құлдым эрса, Ироқ әлининг тақи Форс әлининг саройлари күринди. Мен айдим – «Ё Расулаллох, бу не нурларким, оламга мунтасири бўлди? – тен айдим эрса, пайғамбар (а.с.) айди – Ё Салмон, билгил, огоҳ бўлгил, бу нурлар қаю тарафқаким барди, ул тарафта Ислом очилгай, мусулмонлиқ зоҳир бўлгай – теди. Салмон Форсий (р.а.) Умар тақи Усмон (р.а.лар) хилофатинда эрдиким бу айтқан элларда Ислом зоҳир бўлди, тен айди (22).»

Ушбуда пайғамбар (с.а.в.)нинг башоратлари – исломият Араб ярим оролидан бошқа ўлкаларга ҳам тарқалиши келтирилган. Тошға болта урилганда чиққан уч нур илохий каромат рамзи сифатида тасвирланган. Салмон Форсий ҳам ана шу кароматни илғаб олиб, пайғамбарга савол бериши ва бу саволга жавоб олиши, кейинчалик ҳазрати Умар ва Усмон халифаликлари даврида бу жавобнинг тасдифини ўз кўзи билан кўриши қисқа сатрларда аниқ ва чиройли тасвирланган.

«Наҳжул-фародис» асарида пайғамбаримиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири – меъроj масаласи биринчи бобнинг еттинчи ва қисман саккизинчи фаслларида алоҳида ёритилган. Айтиш керакки, «Меъроj воқеаси «Саҳихул-Бухорий» ва «Саҳихул-Муслім» китобларида ҳаққоний баён этилган»¹.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-Саҳих» тўпламидаги меъроj ҳақидаги ҳадислардаги фактлар билан қиёсланганда «Наҳжул-фародис» муаллифи ҳам Имом Бухорий йўлидан бориб меъроj ва исроъ воқеасини ишонарли келтиради. Фақат ҳадисларни туркий тилда ҳалққа тушунарли тарзида ифодалайди².

¹ Мұхаммад Ҳузарий. Нурул-яқин. –Тошкент, 1992. 65-бет.

² Биргина, фасл бошидаги Имом Бағовийнинг «Масобих» номли китобидаги ҳадисни оригинал-араб тилида келтириб, таржимасини изоҳлайди. Асарнинг да-

Фасл давомида Жаброил (а.с.)нинг Буроқни олиб келиши, бир лаҳзада Куддусдаги Масжиди Ақсода бошқа барча пайғамбарларга имомлик қилиб намозлар ўқишлари; сўнг, Жаброил ва Микоил фаришта билан биргаликда ҳазрати пайғамбаримиз (с.а.в.) етти қават кўкка саёҳат қилиши, ҳар қават самоънинг эшиги олдидаги савол-жавоблар, Расулуллоҳнинг ҳар қават осмонда Одам, Иброҳим, Ийсо, Мусо, Ҳорун, Юсуф пайғамбарлар билан кўришганликлари ва ниҳоят қурбат мақоми – Аллоҳга яқинлик даражасига якка ўзлари етғанликлари, беш вақт намознинг фарз бўлиш воқеалари аниқ ва реал билдирилган.

Асаддаги тарихий талқин ўзига хос равишда бадиий меъёрларда берилган ўринлар ҳам учрайди. Мисол учун, пайғамбаримизнинг турли мамлакатлар подшоларига мактублари масаласида. Шундай мактублардан бири Ҳабашистон подшоси Нажошийга йўлланган хатdir. «Нурул-яқин» китобидаги ушбу мактуб матни:

«Пайғамбар (а.с.) Ҳабашистон подшоси Нажошийга Амр ибн Умайя Зумарий орқали мактубни жўнатдилар:

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Ҳабашистоннинг каттаси Нажошийга салом!

Аллоҳ шундай мақтовга сазоворки, ундан бошқа бирон илоҳий ўқидур. Аллоҳ бутун коинотнинг эгаси, айб-нуқслардан холи, мӯъминларга саломатлик баҳи этгувчи, уларни азобдан асрагувчи, жамъики нарсаларни бошқарувчи зотдир. Исо Марямнинг ўғли Аллоҳга мансуб руҳ ва Аллоҳнинг Марямга ато этган сўзидир. Аллоҳ Исони дунёдан алоқасини узган Марямга марҳамат этди ва иффатли, покиза аёл ҳомиладор бўлди. Аллоҳ қудрат қўли билан Одамни яратганидек, Исони дунёга келтирди. Мен сени шериги ўйқ бир Аллоҳга ишонишга, унга итоат қилишга, менга эргашишга, менга келган ваҳийларга имон келтиришга даъват қиласман. Мен Аллоҳнинг элчиси, сени ва халқингни Аллоҳга итоат этишига ундейман. Мен сизларга Аллоҳнинг амрини етказиб насиҳат қилдим, насиҳатимни қабул этинглар. Тўғри йўлга эргашганларга салом.»¹

Энди қиёс учун «Наҳжул-фародис» матнида ушбу мактубнинг ёзилиши ва келиши билан боғлиқ ўринни олсак:

вомида эса ҳар бир фасл бошидаги хадис оригинал-араб тилида, матн давомидағи колган ҳадислар муаллиф таржимасида берилганлиги ҳам, «Наҳжул-фародис» ёзувчisinинг ўзига хос талкинидир, дейиш мумкин.

¹ Нурул-яқин, 178-179-бетлар.

«Пайғамбар (а.с.) тиладиким, Йаман подиоҳи Нажоийи малик-ка битиг изо берса. Аммининг ўғли Жаъфарга буюрдиким, - «Ё Жаъфар, бир қач кимарсалар бирла керакким Йаманга борсанг, тақи Йаман подиоҳи Нажоийи маликка бизинг саломумизни тегурсанг, тақи они Исламқа даъват қилсанг», теди эрса, Жаъфар (р.а.) тақи қабул қилди - «Андоғ қилайин» теди эрса, пайғамбар (а.с.) битигусига буюрдиким – «Йаман подиоҳи Нажоийиқа мендин битиг битигил!» – теди эрса, ул битигчи айди – «Ё Расулатлоҳ, нетег битигейин?» Пайғамбар (а.с.) айди - «Битигил:

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Тангрининг расули Мұхаммаддин Нажоийи тара, тақи Тангрининг саломи ул кимарсага бўлсинким, кўни йўлга уймии бўлса.

Эй Нажоийи малик, огоҳ бўлгилким мен ул биру бор Тангрини ўгарманким андин ўнгин Тангри йўқ; малик туур, мулкининг нуқсо-ни йўқ, тақи керакмаз сифатлардин ариг, пок туур. Яна тануқлуқ берурманким, Марям ўғли Исони ўз қудрати бирла атасиз тақи аласиз яратти. Тақи сени ул Тангрининг дини уза ундарменким биру бор туур, тақи ангар шерик ўртақ йўқ туур, тақи вазир раво эрмаз. Мани жумла халойиқ уза пайғамбарлиққа изо берди, тақи Жаброил (а.с.) манга кўқдин Фурқон эндуруди. Эмди керакким биру бор тангриқа бўтсанг, тақи мени пайғамбар тен мансанг, тақи манга инган Куръонга мансанг, тақи манга уйсанг, тақи сўзумни қабул қиланг. Санга иттибаъ қилип ким мусулмон бўлса, жумласинга не савоб ерса, йалгуз санга ул савоб бўлгай; ва агар мусулмон бўлмасанг, санга кўра ким мусулмон бўлмаса, жумласинга не иъқоб бор эрса, йалгуз санга ул иъқоб бўлгай» теди (58).»

Кўринадики, мактублар матнида айрим фарқлар бор. «Нахжул-фародис»даги мактуб биринчи бобнинг 10-фаслида келтирилган бўлиб, бу фасл ҳазрати пайғамбаримизнинг вафотлари ҳакидаги фаслдир. Фикримизча, ушбу ўринда мактуб пайғамбардан қолаётган улуг диннинг ёйилиши билан боғлик равишда рамзий келтирилган.

Фарқлар эса қуйидагиларда яққол кўринади:

1. «Нурул-яқин»да Нажоийи Ҳабашистон подшоси, «Нахжул-фародис»да эса Йаман малиги дейилган;

2. «Нурул-яқин»да мактубни Нажоийига Амр ибн Умайя Зумарий етказади, «Нахжул-фародис»да эса бу вазифа Аммининг ўғли Жаъфарга юклатилади;

3. Мактуб матни «Нахжул-фародис» бирмунча каттароқ ва шунга кўра мавзуу кенгроқ ёритилган.

Яна «Нахжул-фародис»даги матн бадиий бүёкларда ва туркий наср намунаси сифатида акс этган.

Умуман олганда, ҳазрати пайғамбар ҳаёти ва фаолияти «Нахжул-фародис» муаллиф талқинида ўзига хос ва бирмунча халқона акс этганилиги асарнинг адабий манба сифатидаги аҳамиятини оширади.

Асарда ислом тарихи, пайғамбар ҳаётига оид яна қўплаб фактлар келтирилган, ривоятлар қилинган. Лекин муаллиф асар давомида ўз талқинини беришга ҳаракат қиласди; бирок, ўша даврга хос диний асарлар ёзиш қоида ва анъанаасига қатъий амал қилиб боради. Бу жиҳат айниқса, у бирор бир масала юзасидан ўз фикридан аввал албатта бирор бир мўътабар манбадан, айтайлик, Куръони каримдан оят ёки, ишонарли тўпламлардан ҳадис келтиради ва шунга биноан қисқача фикрини беради, холос. Бу анъана ислом уламоларининг илмий асарлар ёзиш қоидасига хосдир.

Ушбу асарда XIV аср туркий насли нуқтаи назаридан қаралганда «Нахжул-фародис» бадиият бобида ўзига хослик намойиш қилган. Бу эса қўйидаги жиҳатларда кўринади:

Аввало, айтилмоқчи бўлган фикрни ўша давр туркий тилида равон ифодаланиши;

кейингиси, келтирилган ривоят ва ҳикоялар бадиий бўёкларда акс этиши;

учинчиси, оят ва ҳадис таржималарини амалга оширишда муаллифнинг илмий салоҳиятини кўриниши ва мўътабар манбалардан олинган муқаддас калималарнинг фасоҳату балоғатини акс эттира билганлигидир.

Бу жиҳатларнинг ҳаммаси жамланиб муаллифнинг ҳикоячилик борасидаги маҳоратини асар матнида намойиш қилган. Масалан, пайғамбаримиз Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларида, шаҳарга кириб келишлари, халқнинг муштоқ бўлиб кутиши ва кимнинг уйига кирасиз дейишганда, «кимнинг уйи олдига туям чўкса ўша уйнинг меҳмони бўламан» деб, туяларини бўш қўйиб кезиш ва уй танланиш воқеаси «Нахжул-фародис» шундай ҳикоя қилинади:

«Жўмъа куни эрди пайғамбар (а.с.) Қасва отлиғ тевесинга мунди. Жўмла саҳобалар тақи отландилар. Укуш йазаглар тақи чиқип турур эрдилар. Мадина шаҳринда пайғамбар (а.с.)нунг жамолига муштоқ бўлганлар укуши эрди. Пайғамбар (а.с.)ни кўрмадин саҳобалар қатинда имон келтуруп турур эрдилар.

Жўмла ҳалойиқ Мадинага таважжсуҳ қилдилар. Тегме бир қабиладин пайғамбар (а.с.) кечер бўлса, ул қабиланинг улуғи чиқип

пайғамбар (а.с.)дин дархўст қиласа, пайғамбар (а.с.) анларга хайру барака бирла дуо қилур эрди, тақи айтур эрди: «Бу меним Қавса атлиг тевем қайу қапуғда чўкса, ман анда қонуқ бўлгайман», тен айтур эрди. Жумла Мадинанинг улуғлари тақи мунъимлари орзу қилур эрдилар: «Бўлгаймуким, пайғамбар (а.с.)нинг тевеси бизинг қапуғда чўккайму?» тен. Ҳеч чўкмаз эрди, ашип кечер эрди.

Анчага тақи бардиким Аййуби Ансорий қапуғинда чўкти эрса, пайғамбар (а.с.) тақи теведин тушиби тақи месжидка кирди. Жумла саҳобалар тақи кирдилар жумъя намози қилмақ учун. Пайғамбар (а.с.) минбарка ошип ҳутба ўқиди, тақи минбардин тушиби имоматлиқ қилди. Жумла саҳобалар иқтидо қилдилар. Намоздин чиқип пайғамбар (а.с.) Аййуби Ансорий эвинга кирди эрса, Аййуби Ансорий шод бўлди, севунди (18).

Мазкур иқтибосдан ҳазрати пайғамбаримизнинг Мадинага келганларида ўзларига нисбатан халқнинг билдирган ҳурмати ва таклифларга биноан жавоб бериш учун, ҳеч кимни хафа қилмаслик мақсадида, меҳмон бўлинадиган уйни туюнинг танлашига имкон берганликлари жуда ишонарли ҳикоя қилинган. Аслида туюнинг ихтиёри Аллоҳда ва Расуллоҳнинг кимнинг уйига киришлари ҳам Аллоҳнинг ихтиёрида эканлиги парча мазмунидан илғаб олинади.

Муаллиф кўплаб халқона ибораларни ўз фикрини етказиш учун кўллайди ва бу жиҳат асарнинг бадиий жиҳатларини акс эттиришда кўл келган. Мисол учун, туюнинг ҳеч қайси уй олдидা тўхтамай кезиши ва ниҳоят Аййуб Ансорий уйи олдидা тўхташи шундай берилади:

«Жумла Мадинанинг улуғлари тақи мунъимлари орзу қилур эрдилар: «Бўлгаймуким, пайғамбар (а.с.)нинг тевеси бизинг қапуғда чўккайму?» тен. Ҳеч чўкмаз эрди, ашип кечер эрди. Анчага тақи бардиким Аййуби Ансорий қапуғинда чўкти...»

Бу гап замонавий ўзбек тилида шундай бўлади:

«Мадина шаҳрининг ҳамма улуғлари ва мунъим (хайр-саҳоватли, саҳий киши)лари орзу қилар эдиларки: «Пайғамбар (а.с.)нинг туси бизнинг (уй) эшиги (олди)да чўкса бўлармикан-а?» (Аммо тужа) Ҳеч чўкмас (тўхтаб, чўкмас) эди, (уларнинг олдидан) ўтиб кетарди. Ва анчагача борди ва Аййуб Ансорий эшиги (олди)да чўқди...»

Албаттa жумла равон ва содда тузилган. Бу эса ўқувчи шуурида тез жойлашади ва яхлит тасаввур ҳосил қилади. Ушбу ўринда келтирилган бир қанча бирикмалар кейинги асрларда яратилган туркий наср намуналарида, ҳаттоқи эртакларда ҳам кенг қўлланилган. Мисол учун, «Бўлгаймуким» ва «Анчага тақи».

Муаллиф бу ўринда яна бир улуғ ҳикматни беради. Яъни, кўп кишилар кўчага чиқиб пайғамбар уларнинг уйига киришини орзу қилиб таклиф қилдилар. Айуб Ансорий эса ўз уйидаги сабр қилди. Унинг қалбидан не кечганлигин ёлғиз Аллоҳ билади. Лекин унинг исми улуғ пайғамбарлардан Айуб (а.с.) номи эди. Бу жиҳат рамзий маънода Айуб Ансорийни ушбу ҳикоядаги сабр тимсоли сифатида кўрсатган. Ушбу сабри натижасида у улуғ мукофот олди – дунёдаги энг хайрли инсон Мухаммад пайғамбар (а.с.) унинг уйига меҳмон бўлдилар.

Асарда бу каби рамзий ишоралар ва ўхшатмалар реал воқелик билан уйғун равишда, муаллифнинг маҳорати туфайли намоян бўлган.

Ҳикоя қилишнинг яна бир мухим жиҳати – муаллиф бирор мавзуз ҳақида тўхталар экан, шу мавзуз доирасидаги ҳадисларни воея йўналиши ва асос моҳияти асосида жойлаштиради. Масалан, ўзининг ёмон феъл-атвори ва хатти-харакатлари билан пайғамбари-мизга озор берган Абу Лаҳаб ва унинг хотини ҳақида ҳикоя қиласр экан, уларнинг оқибатлари, яъни умрларини ниҳоясидаги аҳволларини ҳикоя охирида келтиради. Ўқувчи эсида коладиган даражада тасвирлар экан, ҳадисларни бадиий ифода этади. Ва шу билан асарнинг асос гояси пайғамбарни улуғлаш ва унга бўлған чексиз хурмат нуқтаи назаридан чекинмайди. Китобхон ушбулардан улкан ибрат олиши лозимлигини билвосита уқтиради. Албатта, бу борада унинг қалам кучи ўзини кўрсата олган. Мисол учун:

«Аббос (р.а.) айттур: Абу Лаҳаб дунёдин бармишидин сўнг тушимда кўрарман, ўт-йалинг ичинде турур. Мен айдим:-Не бўлди сангаким, мундаг уқубат турурсен?-теп. Абу Лаҳаб айттур:-Иман-сиз чиққаним шумлиги, тақи пайғамбар (а.с.)ни озорлаганим шумлиги турур. Мен айдим:-Ҳеч азоб сендин эксулурму?-тедим эрса, Абу Лаҳаб айди:-Тегме бир душанба кун бу азоб мендин кетер. Мен айдим:-Не себабдин, эй қариндашим?-Абу Лаҳаб айди:-Муҳаммад тугмешта манга хабар бердиларким, қариндашинг хатуни Амина хатун душанба кун Муҳаммад атлиг ўғул келтурди, теп. Мен гойят севундум, бир қаравашни озод қилдим. Ул сабабдин азобум душанба кун кетар,- теп айди (14)».

Мазкур парчадаги Абу Лаҳабнинг дўзахдан жой олиши ва ўт-олов ичидаги азобда қолиши тасвирланган. Шу билан бирга муаллиф яна бир жиҳатга эътиборни қаратган. Абу Лаҳабнинг фақат бир кун азобдан фориғ бўлиши душанбанинг фазилати билан эканлиги. Чун-

ки шу куни ҳазрати Расулуллоҳ таваллуд топғанлар. Абу Лаҳаб ҳам шу куни бу улуг өвкеадан хурсанд бўлиб, бир қулни озод қилган экан. Шу яхши ишдан хурсандлиги ва яна бир яхши амални қилғанлиги учун бир кун дўзах азобидан қутулиши, ҳикоя қилинганд. Бу билан эса бу дунёда қилинганд ҳеч бир яхши амал зойе кетмаслиги уқтирилган. Муаллиф нафақат бир ёзувчи балки, донишманд инсон сифатида ҳам ўз асарини шундай сатрости ҳикматлар билан безаб борган.

Асар давомидаги ҳикояларда нафақат инсонлар ва өвкеалар балки, жойлар ва биноларнинг тасвирига ҳам ўринлар ажратилган. Каъбатуллоҳ ва унинг яратилиши ҳақида жуда чиройли ҳикоятлар берилади. Муаллиф ушбу муборак ибодат уйининг дастлабки шаклини, қаерда бўлғанлигини, қаочон жойидан олиниб аршга олиб кетилганини ҳамда ҳозирги ўрнини бадиий тарзда шундай тасвиirlайди:

«...Ҳақ таоло Жаброилга фармонладиким,-Барғил, тақи Йброҳим пайғамбарқа, тақи Исломил пайғамбарқа (а.с.лар) буйурғилким, меним учун Каъба бино қўлсунлар, тен, Байтул-маъмур йеринде – теди. Байтул-маъмур эв эрди, қизил ёқутдин эрди. Ҳақ таоло йа-ратмии эрди ўз қудрати бирла учтмоҳнинг қизил ёқутидин. Кун тугиши тарафинда бир қапуғи бар эрди, тақи кун батиши тара-финда тақи бир қапуси бар эрди. Бу экки қапуғ йашил зумуррудин эрди. Қачанким Одам пайғамбар (а.с.)нуңг тавбаси қабул бўлди эрса, Одам пайғамбар (а.с.) Ҳақ таолога муножсот қилди тақи ай-ди:-Ё Раббий, ул вақтингум учмоҳда эрдим, ҳамиша хотирим ти-ламишиде Ариша таваф қилур эрдим. Эмди андин маҳрум бўлдим. Лутфу қарамунгдин дархўшт қилурман, бу йер йузинда тақи манга мутабаррик, ариг, ҳурметлиг эв бўлса мен анга ҳемиша таваф қил-са эрдим – тен муножсот қилди эрса, Ҳақ таборак ва таоло Бай-тул-маъмурни эндуорди. Одам пайғамбар (а.с.) Ҳиндустандин қирқ қато Байтул-маъмурқа зийорат қилди. Қачанким, Ҳақ таборак ва таоло Нуҳ пайғамбар (а.с.)нуңг қавмини ҳелок қилди тўфон бирла ул Байтул-маъмурни ўетмии фаришителар қўтурдилар, ўетинч қат кўкда қўйдилар. Эмди ҳер кун Байтул-маъмурқа ўетмии минг фа-ришите тавоғ қитуллар, қийаматқа теги. Бир тавоғ қилған экинч тавоғ қилмаз... (28)».

Бу каби ўрнаклар асарда кўп. Улардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Наҳжул-фародис» асарида муаллиф ўз олдига қўйган эзгу мақсадни – XIV аср туркӣ тилдаги бадииятнинг нодир ифодасини, аниқроғи – насрнинг ёрқин намунасини яратса олган.

* * *

“Маснавий маънавий” шархлари ва бир таржима матнига доир

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий-Румийнинг (х.604 / м.1207 – х.672/ м.1273) энг машҳур асари «Маснавий маънавий» ҳисобланади. Алишер Навоий “Махбубул-кулуб” асарининг “Назм гулистонининг күшнағма күшлари зикрида” шундай таъкидлайди: “Яна қойили “Маснавий маънавий”, гаввоси баҳри яқин Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдурки, мақсадлари назмдин асрори илоҳий асоси ва маърифати номутаҳоний имлосидин ўзга йўқтур...”¹

Навоий таърифича: Мавлоно Жалолиддин “Маснавий маънавий” асари билан (Аллоҳга) яқинлик баҳрига гаввос ўлароқ шўнғиган. Бундан мақсад эса илоҳий сирлар ва туганмас маърифатни назмга солиш имлосидан ўзга эмасдир.

Шу улуғ мақсад йўлида яратилган “Маснавий”да Куръони карим ва Ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган ҳолда, инсон ҳаёти, табиат ва жамият, маънавият ва маърифат билан боғлиқ бир катор масалалар бадиий-ирфоний йўсинда баён этилган. Асар б жилд (дафтар)дан иборат; унинг дастлабки қисмигина, (18 байт) муаллифнинг ўзи тарафидан ёзилган. Бу кириш «Найнома» номи билан ҳам машҳур.² Маснавийнинг кейинги қисмларини эса шогирди Ҳисомиддин Чалабий Мавлононинг бадиҳа (экспромт) тарзда айтатётган чоғида ёзиб олган. Чалабийнинг бевақт вафотидан сўнгра муаллиф асар давоми устида яна ўн йил ишлайди.

“Маснавий”да Куръони карим ояллари ва муборак ҳадислар моҳиятини акс эттирувчи, очиқловчи 270 дан зиёд ҳикоя ва юзлаб панду ҳикматлар ўрин олган. Унда Куръони карим оялларидан 760 та иқтибос келтирилган (114 суранинг 107 тасидан). 745 ўринда эса 703та ҳадиси шарифдан фойдаланилган.

Бу асар ўзигача бўлган Шарқ ва Фарб дунёсида кўрилмаган услугуб ва тарзда маърифат ҳамда маънавиятни донишмандлик ва шоирона

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 14-т. Махбубул-кулуб. –Тошкент: Фан, 1998. 25-бет.

² “Найнома” ва уч таржимон томонидан амалга оширилган таржима ҳамда шархлар ўзбек тилида чоп этилган. Қаранг: Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларига шархлар. Найнома. Нашрга тайёрловчи: А.Тилавов. –Тошкент: Мухаррир, 2011. 271-327-бетлар.

улуг бадиият ила бера олганлиги билан ажралиб туради. Муаллифнинг фалсафий-ирфоний қарашлари содда ва ёқимли услубда, равон шеърий маромда ўз бадиий ифодасини топган. Ундаги юксак бадииятгина эмас, балки мантиқ ва фалсафанинг бойлиги ҳам китобхонга кучли таъсир қиласди.

Асар Шарқ мумтоз лирикасининг маснавий жанрида, ҳар байт алоҳида (а-а, б-б, в-в...) қоғияланиб келувчи шаклда ёзилган. У бирмунча содда кўрингани билан, тузилиши жиҳатидан мукаммал, айни дамда мураккаб асардир. Шу билан бирга, «Маснавий» маъно-моҳиятига кўра ўзига хос «тасаввуф комуси»дир. Бироқ, унинг бу жиҳатини фақат шариат ва тасаввуф илмини яхши билганлар ҳамда ирфон таълимидан хабардорларгина илғайдилар. Шунинг учун, Абдураҳмон Жомийнинг:

*Ман чи гўям васфи он олийжсаноб,
Нист пайғамбар vale дорад китоб...*

(Мен бу улуг жаноб васфида нима ҳам дердим, ўзи пайғамбар эмас, лекин китоби бор) дея эътироф этиши ҳам бежиз эмас. Ҳатто, у «Маснавий» асаридан ниҳоят даражада мутаассир бўлиб:

*“Маснавии маънавий” и Мавлавий
Ҳаст Куръони дар забони паҳлавий...*

(Мавлавийнинг «Маънавий маснавий» асари паҳлавий (форс) тилидаги Куръондир) дея ҳаяжон билан улуғлайди.

Кейинги асрлар давомида «Маснавий» кўплаб форсигўй ва туркигўй ижодкорларга катта ареалда кучли таъсир кўрсатиб келган. Ўнлаб буюк ижодкорлар Мавлонони ўзларига улуг устоз деб билганлар, ижодий таъсирланганлар. Шунингдек, тарих давомида маснавийхонлик яъни «Маснавий маънавий»ни ўқиш ва ўрганиш Рум, Хурросон, Эрон, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр ва Туркистонда кенг тарқалган. Ҳозирда «Маснавий»нинг дунё кутубхона ва қўлёзма фонdlарида сақланувчи нусхаларининг ўзи беш юздан зиёддир.¹ Бу эса ўрта асрларда Мавлоно асарларига, хусусан «Маснавий маънавий»га эҳтиёж ва талабнинг ортиқ бўлганини исботлайди.²

Шунингдек, бу машхур асарга ёзилган шарҳларнинг ўзи ҳам кўпчиликни ташкил қиласди. Масалан, XV-XIX асрлар давомида форсий ва туркий адабиётда «Маснавий маънавий» асарига муаллифлари маъ-

¹ Масалан, ЎзР ФАШИ ва бошқа фондларда ҳам ўнлаб нусхалари маълум.

² Китобнинг «Лирикада тарих тасвири» фаслида Эрдонабий (Абдулқаюмхон) билан боғлиқ бу жиҳатга тўхталамиз.

лум киркка яқин та шарҳ ёзилган. Бундан ташқари, жаҳон қутубхона-ларида шориҳлари номаълум яна бир қанча шарҳлар ҳам мавжуд.¹

Демак, Мавлононинг маснавийсига шарҳ ёзган шориҳлар ва уларнинг машхур шарҳлари (форсий ва туркий) қўйидагилар:

1. Камолиддин Ҳусайн Ҳоразмий, “Жавоҳирул-асрор ва завоҳирул-анвор”;
2. Шоҳ Доий Шерозий, “Шарҳи маснавий маънавий”;
3. Муиниддин Абдуллоҳ, “Асрори маснавий ва анвори маънавий”;
4. Аҳмад бин Маҳмуд Мавлавий, “Ихтиёроти маснавий”;
5. Хўбмуҳаммад Чиштий, “Амвожи Хўбий”;
6. Абу Бақр Шоший, “Жавоҳири мавлавий ва лаолии маснавий”;
7. Афзал Аллоҳободий, “Ҳалли Маснавий”;
8. Саид Абдулфаттоҳ Аскарий, “Дурри макнун”;
9. Ҳожа Аюб Порсо Лоҳурий, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
10. Бахлул бин Мирзоҳон Барокий, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
11. Мавлоно Абдулали бин Низомиддин Баҳрул-улум, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
12. Мир Нуруллоҳ Аҳрорий, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
13. Мавлоно Идрис Битлисий, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
14. Ҳожа Ҳусайн Мирий, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
15. Холис Толибоний, “Шарҳи Маснавий”;
16. Оҳунд Мулло Али Нурий, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
17. Вали Муҳаммад Назир, “Шарҳи Маснавий маънавий”;
18. Муҳаммад Обид, “Шарҳи Маснавий”;
19. Муҳаммад Ризо, “Мукошифати Разавий шарҳи Маснавий”;
20. Абдуллатиф бин Абдуллоҳ Аббос, “Латоифи ал-маънавий мир ҳақойиқал-Маснавий”;
21. Муҳаммад Шукруллоҳ, “Шарҳи Маснавий”;
22. Алоъ бин Яхё Воиз Шерозий, “Шарҳи Маснавий”;
23. Мир Муҳаммад Наим, “Шарҳи Маснавий”;
24. Абу Али Соҳиб, “Футухотал-маънавий”;
25. Муслиҳиддин бин Мустафо бин Шаъбон Сурурий, “Шарҳи Маснавий”;
26. Абрӯҳмон Жомий, “Шарҳи байтайни маснавии Мавлавий”;
26. Машраб, “Мабдаи нур”;
27. Шомий, “Шарҳи Маснавий”;
28. Исмоил Русухий Дада Анқаравий, “Фотихул-абёт”;

¹ А.Насриддинов. Проблема художественного восприятия и комментирования произведений персидско-таджикской классической литературы. АДД. –Душанбе, 1990. С.10-11.

29. Суудий Боснавий, “Шархи Маснавий”;
30. Исломил Ҳаққий Бурсавий, “Рухул-Маснавий”;
31. Абдуллох бин Муборак, “Шархи Маснавий”;
32. Зариф Ҳасан Жалолий, “Кошифул-аспор”;
33. Алоуддин, “Шархи Маснавий”;
34. Абдулмажид Сивосий, “Шархи Маснавий”;
35. Мулло Ҳожа Сабзаворий, “Шархи Маснавий маънавий”;
36. Обиддин Пошо, “Таржима ва шарҳи Маснавийи шариф”;
37. Аҳмад Авний Қўнук, “Маснавийи шариф шарҳи”
38. Бадиъуззамон Фурӯзонфар, “Шарҳи Маснавий маънавий”.

Албатта мазкур шарҳлар ҳар бир шорихнинг “Маснавий маънавий”ни англаш даражасидан келиб чиқиб турли савияда ёзилган. Шу билан бирга уларнинг барчаси ҳам тўлиқ эмас. Масалан, Жомий икки байтгагина шарҳ ёзган, холос. Бироқ, шуну камоли қониқиш ила айтиш мумкинки, нафакат Шарқ мумтоз адабиёти, балки жаҳон адабиёти тарихида ҳам “Маснавий” каби қўп ва хўб шарҳга муҳтоҷ асар бармоқ билан санарлидир. Ушбу асар қанча шарҳ-тафсир-таъвил этилса, яна шунча янги ва ажиб мазмунларни бераверарди. Чунки, ҳар бир шарҳ ўз даври ва муҳитининг савияси ва маънавиятидан келиб чиқиб талқин қилинади.

Ўрни келганда илк байт мазмуни ва шархининг бир жиҳатига тўхтальсак. Деярли барча матнларда:

*Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз жудоиҳо шикоят мекунад...*

дэя бошланади. Лекин, “Маснавий”ни ўн икки жилд ҳолида тўлиқ шарҳ ва тафсир қилган турк олими Аҳмад Авний Қўнук дастлабки байтни шундай келтиради:

*Бишнав ин най чун шикоят мекунад,
Аз жудоиҳо ҳикоят мекунад...*

Илк матнга кўра, найнинг ҳикояларидан мақсад айриликлардан шикоят қилиш мазмуни келиб чиқади. Кейинги матнга кўра эса, найнинг шикоятларини тингланса, у айриликлар ҳакида ҳикоялар қилмоқда.

Аҳмад Авний қадим кўллэзма нусхаларда матн айнан шундай берилганини ва “шикоят” “ҳикоят”дан олдин келиши мувофиқлигини таъкидлайди.¹ Бу фикрини эса бир фикра-мисол ҳамда кейинги байт билан боғлаб изоҳ этади. Мазкур жиҳатни батафсил шарҳлаш алоҳида мавзу талаб қиласди. Бироқ, бир нуқтада

1 Mevlana Celaleddin Rumi. Mesnevi-i serif serhi. 1-cilt. Tercüme ve serh: Ahmed Avni Konuk. -İstanbul: Kitabevi, 2006. S.71.

деярли барча шориҳлар бирлашганини кўриш мумкин. У ҳам бўлса “най”дан мурод – комил инсон эканлигидир. Бу фикрни шориҳлар ўз асарларида у ёки бу даражада акс эттирганлар. “Най – ориф ва оқиллик мартабасига ноил бўлган инсони комил” (А. Маҳкам)¹.

Шу тариқа, Мавлононинг вафот этиши билан, “Маснавий”ни юқорида келтирилган каби шарҳлаб ўрганиш ва тушунишга бўлган уринишлар замонамизга қадар тўхтаган эмас. Дастлаб Жалолиддин Румийнинг ўғли Султон Валад, кичик замондошлари Аҳмад Афлокий ва Фаридун Сипоҳсолор бу ишга кўл уришган. Кейинчалик Туркия худудида Шомий, Сарварий, Ислом Анқаравий, Фуод Кўпрулу, Абдулбоки Гулпинорли, Меҳмет Али Авний, Сулаймон Нахифий, Обиддин Пошо, Валад Узбудак, Мидҳат Баҳорий Бойтур ва бошқаларнинг таржима, шарҳ ва тадқиқлари юзага келди. Эронда Али Даشتӣ, Абулҳасан Зарринкӯб, Шафиъ Кодканий, Жамол Ҳумоий, Муҳаммад Истеъломий, Тақий Пурномдориён, Муртазо Беҳиштий, Носириддин Соҳибзамоний, Абдулкарим Сирӯш ва Жаъфар Шоҳидий томонидан ҳам матнлари тайёрланди, шарҳлар ва тадқиқлар ёзилди. Урду тилида эса Мунший Али, Юсуф Алишоҳ Чиштий таржималари, Шиблий Нўъмоний, Абдуали ва Ҳанифа Абдулҳаким шарҳлари пайдо бўлди. Фарб оламида эса Рейнольд Никольсон, Артур Арберри, Карл Эрнст, Камилла ва Кабир Хелминскийлар, Уильям Читтик, Шахрам Шива, Иброҳим Жўмард ва Колман Баркснинг инглизчага, Жозеф Ҳаммер Пургстал, Фридрих Рукерт, Ҳерман Этенинг олмончага, Клемен Ҳуарнинг французчага қилган таржималари орқали «Маснавий маънавий» Европага кириб борди. Ҳ.Риттер, Ж.Фербервагел, Е.А.Браун, Ҳ.Мессэ, Б.Спулер ва А. Шиммел каби олимлар эса «Маснавий»нинг тадқики ва сўзма-сўз таржимаси билан шуғулландилар. Рус олимларидан эса А.Кримский, В.А.Гордлевский, Н.Мартинович, Е.Э.Бертельс, И.Брагинский, А.Мецнинг тадқиқлари, Ф.Корш, И.Сельвинский, Д.Самойлов, В.Державин, Н.Гребнев, Д.Шчедровицкий, Р.Фиш, Л.Тираспольскийнинг шеърий, М-Н.Османов, О.Акимушкина, Ю.Иоаннесян, Б.Норик, А.Хисматуллин, О.Ястребова, Л.Лохутий, Н.Пригарина, М.Русанов ва Н.Чалисованинг насрий таржималари дунёга келди.

Ўзбекистонда ҳам мустакилликдан сўнгра Мавлононинг «Маснавий маънавий» асарига қизиқиш, ўрганиш ва энг муҳими

¹ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд, биринчи китоб. Таржима шарҳи билан. Таржимон: А.Маҳкам. –Тошкент: Шарқ, 1999. 22-бет.

таржима қилишга интилиш кучайди. Шоир-таржимонлар тарафидан эса улуг шоирнинг асарларидан парчалар таржима килина бошланди. Мисол учун, Жуманиёз Жабборов, Шоислом Шомуҳамедов, Жамол Камол, Аскар Маҳкам, Сирожиддин Сайид, Сулаймон Раҳмон кабиларнинг таржималарини келтириш мумкин. Буларнинг ичида Ж.Камол ва А.Маҳкам таржималари ажралиб туради. Негаки, Ўзбекистон халқ шоири Ж.Камол “Маснавий маънавий”ни олти дафтарини тўла ҳолда шеърий йўлда таржима қилиб, нашр эттириди (2002-2005).

А.Маҳкам (1958-2007) “Маснавий маънавий” асарининг таржима ва шарҳига ўтган асрнинг 90 йилларига келиб киришган эди. Ундан парчалар “Гулистон” журналида чоп этила бошлагач, ўқувчилар оммасини жалб қилди. Биринчи дафтардан қилинган шарҳли таржима китоб маънавий-маданий ҳаётимизда чинакам воқеа бўлди. Афсуски, унинг иккинчи китобини¹ нашр этилган ҳолда кўриш шоирга насиб этмади.

Шуни таъкидлаш лозимки, А.Маҳкам дастлаб факат “Маснавий” ва унга Обиддин Пошо ҳамда Карим Замоний шарҳларини таржима қиласди. Кейинчалик эса, шарҳловчи ўлароқ ҳам ўргага чикади. Гарчанд асрнинг 1-дафтаринигина (у ҳам тўлиқ эмас) таржима этиб, шарҳлаган бўлса-да, асрнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли беришга муваффақ бўлолган. У биринчи галда шоир сифатида, шоир бўлганда ҳам рухоният шоири сифатида муҳташам ва муборак асарга кўз ташлайди ҳамда уни маҳорат ила таржима қиласди. Шундан сўнг, бирин-кетин байтларнинг шарҳларини келтиради, ўзига хос талқинларни баён этади.

Аслият: *Баҳри он аст имтиҳони неку бад,*

То бижӯшад бар сар орад зар забад...

Таржима: *Қайнаса зарнинг чиқар зангорлари,*

Имтиҳон – яхши-ёмон кирдорлари... (Биринчи китоб, 130-бет)

Аслият: *Ин ҳадис охир надорад боз рон,*

Жониби Ҳоруту Морут, эй жасон...

Таржима: *Бул ҳадиснинг сўнги йўқ, ўғлим маним,*

Қиссаи Ҳоруту Морутдек қадим... (Биринчи китоб, 158-бет)

¹ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд, иккинчи китоб. Таржима шарҳи билан. Таржимон ва шарҳ муаллифи: Аскар Маҳкам. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.

Бу каби ҳам мазмун, ҳам шакл равон чиққан мисолларни яна келтириш мумкин. А.Маҳкам мутаржим сифатида шундай ҳаракат қиладики, нафакат асар аслияти – форсчадан таржималар, балки матндан арабча парчаларнинг таржимаси ҳам яхши чиққан. Айтайлик, қуидаги байтда мазмун ва бадиият яхлит сақланган:

Аслият: *Тартақий анфасуна билмунтақо,*

Мутҳафан минна ила дорилбақо.

Таржима: *Феъл, нафаслар қудс ила бўлди расо,*

Ҳадя қилдик то дами дорилбақо... (Биринчи китоб, 189-бет)

Шеърий таржимани аслиятга яқинлаштирадиган муҳим унсурлардан бири қофиядир. А.Маҳкам таржимада аслият сўзларини қофияда сақлашга интилади. Бу хусус эса асар аслига китобхонни янада яқинлаштиради.

Аслият: *Он мунофиқ бо мувофиқ дар намоз,*

Аз паш истеза ояд, на ниёз.

Таржима: *У – мунофиқ, бу – мувофиқ – ҳамнамоз,*

Ул бири – тақлид, бири – дилдан ниёз. (Иккинчи китоб, 17-бет)

Ушбу байтда эса кофия бироз ўзгартиш орқали сақланган:

Аслият: *Гарчи ҳар ду бар сари як бозиянд,*

Ҳар ду бо ҳам марвазий ва розиянд.

Таржима: *Гарчи онларнинг иши бир бозидир,*

Лек улар худ марвазий ва розидир. (Иккинчи китоб, 18-бет)

Кофия ўзгарган, лекин байт мазмуни ва шакли ўзгартмаган мисралар:

Аслият: *Ҳар яке сўи мақоми худ равад,*

Ҳар яке бар вағқи номи худ равад.

Таржима: *Ҳар бири борди мақомин истабон,*

Ҳар бири йўл солди номин истабон. (Иккинчи китоб, 19-бет)

Ағсуски, таржимада бузук қофиялар ҳам учрайди. Мисоллар:

Чиқди майдон сари бошқа бир амир,

Қўйнидан туморни олди дадил... (Иккинчи китоб, 199-бет)

Ўлдирилди неча юз минг бегуноҳ,

Ҳам кесик бошлар уюулди тоз-тоз... (Ўша жойда)

Ранг-рўйи, шакл, бўйин зикри ҳам,

Ғазваси ҳам рўзаси, нону таом... (Иккинчи китоб, 207-бет)

Таржима санъатида бир нозик жиҳат борки, таржимон ҳар қанча маҳоратли бўлмасин ҳар доим ҳам тўла муваффақиятга эришавермаслиги мумкин. Айниқса, катта ҳажмли асар ўгирилар

экан, у ёки бу ўринда шакл мутаносиблигини сақлаш учун мазмунга зиён етказилади. Ёхуд аксинча, мазмунни тўлиқ акс эттириш учун эса шаклга путур етиши мумкин. Аскар Маҳкамнинг ушбу сермашаққат ижодий ва айни дамда тадқиқий ишида ҳам бу каби жиҳатлар кўзга ташланади. Айтайлик, куйидаги байтда матннинг асл мазмуни чиқмаган, лекин моҳиятига эътибор берилган.

Аслият: *В-ар иморатҳошро бинй занй,*

Мард пиндорй ва чун бинй занй.

Таржима: *Бир Худони билмасанг бадбахтсан,*

Ўзни мард деб билмагил – авратсан. (Биринчи китоб, 226-бет)

Ёки, тубандаги байтнинг 2-мисрасида вазнга путур етган:

Аслият: *Ин хўрад, гардад палид з-ў жудо,*

Он хўрад, гардад ҳам нури Худо.

Таржима: *Ул егай, бўлгай палид ундан жудо,*

Бул егай, бўлгай ҳама нури Худо. (Иккинчи китоб, 12-13-бетлар)

Шунингдек, бир канча байтларнинг таржимаси ўзбекча эмас.

Асл форсча матнни бироз ўзбекча тус берилган шакли, холос. Улар қуюқ бир қурама тилдан ҳосил қилингандек тасаввур беради. Бу каби сатрларни ағдаришда мутаржим у қадар машаққат чекмаган қўринади. Мисол учун:

Аслият: *Ин хўрад, зояд ҳама бухлу ҳасад,*

Он хўрад, зояд ҳама Ишқи Аҳад.

Таржима: *Бул егай туққай ҳама бухлу ҳасад,*

Ул егай туққай ҳама ишқи Аҳад. (Иккинчи китоб, 13-бет)

Эътибор қилинса, мазкур қўшмисрадаги дастлабки уч сўз ўзгартирилган, қолгани айнан такрорланган. Балки, бу мутаржимнинг ўзига хос услубидир. Шундай эса-да, матн имкон қадар таржима этилаётган тилда бўлса, мақсадга мувофиқ тушади. Аммо бу каби ўринларнинг афзал жиҳати ҳам борки, улар ўқувчи тарафидан равон ўқилади.

Бу каби жузъий нуқсонлар Аскар Маҳкам амалга оширган муносиб ва муҳим ишнинг савиясини камситмайди, албатта. Юқорироқда кўрсатиб ўтганимиздан ташқари, унинг таржимасида бирмунча яхши ва аслидек муваффақиятли чиққан ўринлар кўп. Айтайлик, жуда ҳам равон баён этилган мана бу байт:

Аслият: *Ҳисси дунё нардбони ин жаҳон,*

Ҳисси динй нардбони осмон.

Таржима: *Дунё ҳисси бу жаҳон нардбонидир,*

Диннинг ҳисси осмон нардбонидир. (Иккинчи китоб, 24-бет)

Умуман олганда, “Маснавий”нинг ўзбек тилига қилинган таржималаридан А.Маҳкам таржимаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шуни айтиш зарурки, шарҳ матнидан маълум бўлишича, шориҳ кўплаб манбалар, инчунин “Маснавий”га ёзилган бир қанча бошқа шарҳлар билан танишган. Бу мўътабар асарни таржима ва шарҳ қилишга нафакат руҳан, балки илмий жиҳатдан ҳам анча тайёргарлик кўрган. У айрим ўринларда муаллиф сўзини муаллиф асарлари билан (яъни, Мавлонони Мавлононинг ўзи билан) шарҳ этиш услубидан ҳам фойдаланган. Мисол учун, шарҳ давомида фикрни очиқлаш ва мохиятни тўлароқ бериш учун “Девони кабир”дан фойдаланган. Албаттаки, ундан келтирилган бир неча байтларни ҳам лисоний таржимага киритиб, шарҳларни кенгайтиришга уринган.

Дамларнинг хайрлиси хақида матн

Инсон руҳияти тиклана бораётган иморат кабидир. Иморат курилишига нечоғлиқ яхши ва пишиқ ашёлар қўлланилса, у мустаҳкам бўлиши ва узоқ йиллар хизмат қилиши маълум. Худди шунингдек, инсон руҳиятининг шаклланиши ҳам тарбия билан амалга ошиб, бунинг учун мукаммалликка кафил бўладиган тарбия ашёлари даркор. Албатта бу борада аждодлар қолдирган меросдан ҳам улуғрок ва бойроқ хазинани топиш мушкил. Адабиёт ва бадиий асарлар ана шу хазинанинг мунаvvар дурларидандир. Шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти Куръони карим ва Расуллаллоҳ (с.а.в.) хадисларидан файзу сурур ва илҳом олган. Ушбу адабиёт намуналари орасида панд-ахлоқ ва насиҳат мазмунидаги асарлар айнан инсон камолотини тарғиб этувчи ва унга сари йўл кўрсатувчи сара манбардандир.

Ҳазрат Амир Низомиддин Алишер Навоий (1441-1501) нафакат ўз адабий ва илмий мероси, балки ҳаёт йўли билан ҳам намуна бўлгулик шахс. Унинг панд-ахлоқ мазмунидаги, юксак маърифий асарлари мазмунли умр ва бой ҳаётий тажриба маҳсулидир. Улуғ адаб умрининг сўнгги йилларида ёзган “Маҳбуб ул-қуслуб” (Кўнгилларнинг севгани) асари шундай бадиий тафаккур намунасидир. Асарда жамиятда турли табақалар ва уларнинг ҳолати, инсон учун энг зарур ҳолатлар ва ниҳоят охирида кўпгина танбехлар берилади.

Бу ўринда асардаги 124-танбек ва унга илова тарзидә бир байтга бироз тұхталмоқчимиз. Айтиш мүмкінкі, мазкур байт хикматлардан бирини ўзига жо қылған. Мана у:

*Мозиу мустақбал ақволин тақаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.¹*

Байдың шакырым мен мазмун мутаносиблиги уни теранроқ аңглашда ёрдам беради. “Мозий” (ўтмиш) ва “мустақбал” (келажак) сүзләри қаршилантирилмоқда, яғни тазод. Иккінчи мисрада эса “дам” сүзи тақрорланмоқда – тақрир. Бу шеърнинг бадиий санъат жихатидан шакли.

Шоир айтмоқчи, ўтмиш ва келажак ҳолатларини камроқ гапириб, ўйла; негаки, сен яшаётган дам ҳозирги – бу дамдир. Бир қарагандығы маъноси шу ва улуғ мутафаккир адіб қадимги туркій «Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема» нақлини ҳам күзда тутған.

Лекин байды айттылмоқчи бўлған асл мақсад нима?

Фикримизча, ушбу құшмисра инсон ҳаёти ва унинг турмуш мұммаларига сабр тоқат билан чидай билиши ҳақида дырып. Шоир буни чүкүр мазмун ва ҳикмат, шу билан биргә, киши шуурига кучли таъсир этадын даражада акс эттирган. Бу билан ҳазрат Навоий инсон психологиясини билиш бобида ҳам ўта нұктадон зот бўлғанлиги аён бўлади.

Әътибор қилинса, ҳаёти давомида инсон ўз хатоларидан аччиқ, аммо керакли сабоқни олади. Кўп ҳолларда ўтмиши: кечаги куни, бир ой олдинги, бир йил аввалги, ҳа ана ўн йиллар наридаги ҳаёти ва унда йўл кўйған хато-камчилик ёки, ютуқлари ҳақида фикр юритади. Келажаги хусусида эса албатта ширин ва улкан орзулар қилиб яшайди. Қалб-кўнгил истаклари эса янгиланиб, ҳою ҳаваслари кўпайиб бораверади.

Ҳазрати пайғамбаримиз марҳамат қиласаларки: “Инсон қалби, чўл ўртасидаги дараҳт шоҳига илиниб қолган пар кабидир. Шаббода қай томонга эсса, ўша томонга силкинади”.

Чиндан ҳам инсон рухиятини очиб берадиган гўзал ташбих. Юқоридаги Навоий ҳикмати ҳам қалбнинг ушбу ҳолатига уч ақлий ечим бермоқда. Ушбуни шеърий сатрларга кўра:

1. Мозийда бўлиб ўтган неки бўлса, энди у тарих. Нимани кўлга кириттингу, недан қолдинг?! Бари ўтди. Сени тушунгандар, англамаган бор. Ўз кечмишинг ҳақидаги дарду ҳолни, Навоий таъбири билан айтганда, “золим ва бедарлар сухбатида” сўзлама. Чун-

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том..., 126-бет.

ки, “нукта сурмак” (хикмат)ни бедард қайдан билсин. “Наммол (иғвогар) ва “номард мулоямати” (мулозамати)га ишониб, күнгил бермагилки, афсусланиб қолишиңг мумкин. Неки сен билан ҳаёт-да-ёшлиқда содир бўлди, ҳаммаси ўтиб кетди. Ҳазрат айтадилар: “Доно иликдин боргондин сўз айтмас” (доно одам қўлдан кетганини гапирмайди). Негаки, “ўтган ийгитлик орзу била қайтмас” (ўтган ёшлиқ орзулаш билан қайтиб қолмайди). Сен факат ундан сабоқ олгину, илгари бοқ. Бу биринчи ечим – биринчи “дамдур”.

2. Мустақбал (келгуси)да содир бўлажак ишлар эса гайдир. Сен унда нимани қўлга кириласану, недан қоласан, ёлгиз Ўзига аён. Бу ҳақда ҳам “бош қотириб”, ўзингни турли ситаму синовларга уришга ва бу ҳақда “такаллум айла”шга шошилма. Ҳазрат айтадилар: “Ўтган рўзгор адамдур” (ўтиб кетган ҳаёт йўқлиқдир). Яъни, у энди сен учун мавжуд эмас, ўтди. Танбехнинг давомида ҳикматнинг мағзи ўрин олган: “Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур...” (ҳали келмаган, рўёбга чиқмаган воеа ёки ишдан сўз айтгувчи пушаймон аҳлидан бўлиб қолади). Демак, келажак ҳаёт ҳақида бехуда хаёлларга берилмаслик ва турли етиб бўлмас орзулар уммонига шўнгимаслик оқил одамнинг ишидир. Бу эса иккинчи ечим - иккинчи “дамдур”.

3. Энди ақл ва нафс соҳиби бўлмиш инсонга факат биргина лаҳза қолди – “бу дам”. Яна ҳазрат Навоий давом этадилар: “Ва ҳол муфтанамдур” (ва ушбу ҳол ғаниматдир). Алалхусус, ўтмиш ва келажак “дамини” эмас, ушбу – ҳозир сенга ғанимат бўлиб турган “дам”ни чин инсоний яшагин. Қилаётган амалингни, сўзлаётган сўзингни мулоҳаза қилгинки, улар тўғри бўлсин. Ана шунда сенинг “бу дам”инг, эртага хайрли мозий бўлади. Сен уни ўкинч ва алам билан эсламайсан. Чунки, сен уни хато қилиш учун яшамадинг. Ва келгуси “дам”ингни ҳам қалб ҳузури билан кутасан. Келажак “дам”инг ҳам насиб этса, армонга айланмайди. Бу энди учинчи ечим ва учинчи “дам”.

Юқорида қайғуриб тилга олинган қалбнинг аҳволи қандай, уни қай тариқа ва недан асраш лозим?

Ҳазрат Навоий кейинги 125-танбехда бунга жавоб берадилар: “Сувдин асрагуликдур туфроқ ва балчиғ уйин. Ва ўтдин асрагуликдур ягоч ва қамиш уйин. Ва елдин асрагуликдур бўз уйин. Ва туфрогдин асрагуликдур кўз уйин. Жамиъи мосиваллоҳдан асрагуликдур кўнгил уйин”.

Яъни, туфроқ ва лойдан қурилган уйни сув уриб кетишидан асраш керак; ёғочдан ва қамишдан иморат қилинган уйни ўт-оловдан асраш

керак; бўз матодан тутилган уй (чодир)ни шамолдан асраш керак; кўз уйини (умуман кўзни) эса чангутуфроқдан асраш керак; Аллоҳдан ўзга жами нарсалардан эса кўнгил уйи (қалб)ни асраш керак.

Аввалги тўрт уйни қандай асрашни одам билади. Кейинги, бешинчи уйни қай тариқа сақлаш кераклиги ҳақида бир байт битадилар:

*Нечукким, тўрт уйга тўрт зидди нуқсон шойеъдор,
Бешинчи уй даги агёрдин ул наевъ зойеъдор.*

Яъни, тўрт уйга зарар бўлган тўртта зидди нуқсон машҳурдир (ва улардан сақланиш ҳам маълум); нечукки, бешинчи уйга (қалб уйига) агёр (рақиблар)нинг зараридан юқоридагилар каби ҳимояланиш бекор кетади (унинг ҳимояси ўзгачадир).

Бу борада Навоий ҳазратлари “олам асбоби” (қалб душмани – дунё ҳаваси ва унинг ташвишлари) тугамаслигини, у қалб уйига факат зарар бериши ва унинг батараф қилиниши учун бу уйга дунёнинг ўзини киритмасликни ва кириб қолган тақдирда ҳам унинг ғалвалари ғолиб бўлмаслигини таъминлаш кераклигини таъкидлайдилар.

Навоийнинг ўйтларига амал қилган ҳолда кўнгилни яъни, “қалб уйини” Аллоҳ (берган иймон, эзгулик, муҳаббат, олижаноблик каби юксак туйғулар)дан бошқа нарсалардан асрэйлик. Шундагина ушбу дамимиз қутлуғ ва хайрли бўлади!..

Навоий наътларининг матни ва нашрига доир (“Хайрат-ул-аброр” достони мисолида)

Матбаачилик Туркистон диёрида пайдо бўлабошлагандан эътиборан амири кабир ҳазрат Алишер Навоийнинг муazzзам “Ҳамса” асари бир неча бор нашр этилган. Дастреб, Хивада ҳ.1297 (м.1879) йил Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузнинг фармони билан хонлик тошбосмаҳонасида чоп бўлган. Ушбу илк босма нусханинг котиби Мулло Муҳаммад Юсуф ибн Бердимурод сўфи Хоразмий бўлиб, асарни шоир Муҳаммадниёз ибн Абдулло Охунд – Комил Хоразмий нашрга тайёрлаган ва муқаддима ёзган.¹ Шундан сўнг, “Ҳамса” тўлиқ ҳолда Тошкент шаҳрида XX аср бошларида яна икки бора чоп бўлди.² Собиқ совет даврида ҳам Навоийнинг бу муҳта-

¹ Каранг: М.Ҳакимов. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. –Тошкент: Фан, 1991.

² Шоҳмурод ибн Шоҳнеъматуллоҳ кўчирган “Ҳамса” нусхаси Тошкент Порғев матбаасида 1322/1904 йил; Абдуманноф кори кўчирган “Ҳамса” нусхаси ҳам Тош-

шам асари бир неча бор босилди. Аммо қайта-қайта нашр бўлишига қарамай замона мафкурасига асосан турли қисқартиришлар билан эълон қилинган. Факат, атокли матниниң Порсохон Шамсиев томонидан тайёрланган “Хамса”нинг тўлиқ нашригина бундан мустасно.¹ Нихоят, Навоийнинг 15 (1963-1968 й.й.), 20 (1988-2003 й.й.) ва 10 (2011 й.) жилдлик асарлар тўплами амалга оширилди. Улар таркибида “Хамса” достонлари ўрин олган. “Хамса”нинг яна бир нашри лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувида ҳам чоп бўлди (2006 й.).

Албатта, улуғ ижодкор асарларининг матни йилдан-йилга яхшиланиб бориши зарур. Алишер Навоийнинг достонлари таркибига мансуб ҳазрати Мухаммад Мустафо (с.а.в.)га бағишлиланган қисмлар – наътлар бевосита достон мазмун моҳиятини асослашга хизмат қиласидаган узвий бўлакдир. Шунинг учун, бундай байтларнинг ўқилиши ва шарҳига диққат билан ёндашмоқ талаб қилинади. Фикримизни “Ҳайрат-ул-аброр” достонининг уч нашри – П.Шамсиевнинг юқорида таъкидланган нашри², “Муқаммал асарлар тўплами” таркибидаги 7-жилд (нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, И.Ҳақкулов)³ ва янги имлодаги (нашрга тайёрловчи: В.Рахмонов)⁴ достон матни асосида давом эттирасак.

Алишер Навоийнинг “Хамса” таркиби кирувчи достонларида жъами бўлиб 13та наът ўрин олган. Шулардан бештаси “Ҳайрат-ул-аброр” достонининг бошлангич қисмида бўлиб, қолган саккиз наът кейинги тўрт достонда тенг – иккитадандир.

“Ҳайрат-ул-аброр”даги бешала наът 173 байт (346 мисра)ни ташкил қиласи. Биргина ана шу қисм матнини кейин чоп этилган икки нашр асосида (МАТ, 7-ж., 32-48-бетлар; Hayrat-ul-abror, 27-38-бетлар)да қиёслангандан 60 (олтмиш)та ўзгариш борлиги кўринди. Яъни, 1991 йил нашр этилган достоннинг шу 346 мисрасидан матнини В.Рахмонов шунча хато топган ва 2006 йил янги

кентда яна шу матбаада 1323/1905 йил чоп бўлган.

¹ Алишер Навоий. Хамса. –Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1960.

² Ўша манба; “Ҳайрат ул-аброр” достони бу китобнинг 15-146-бетларида ўрин олган ва кейинги ўринларда шу манбага мурожаат қилинганда “Хамса” дея сахифа ракамигина кўрсатилади, холос.

³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 7-т. –Тошкент: Фан, 1991. Кейинги ўринларда “МАТ, 7-ж.” дея сахифа раками кўрсатилади, холос.

⁴ Alisher Navoiy. Hayrat-ul-abror. –Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. Кейинги ўринларда сахифа раками кўрсатилади, холос.

алифбода чоп этилган матн вариантида тузатишлар киритган. Булар күйидагилардир:

1. Сўзларни тўғри ўқилишида;
2. Имло хатоларини тўғрилашда;
3. Тиниш белгиларини тўғри кўйишда.

Мисолларга тўхталсак.

Зовияи ҳашмға ҳар зотдин,

Рух ёқиб шамъ бу мишкотдин... (МАТ, 7-ж., 33-б.)

Эгнига ёпилди дуввожи шараф,

Қилди макон бошига тожи шараф... (МАТ, 7-ж., 34-б.)

Қайси дур ул, дуржи вафо гавхари,

Қайси гуҳар, буржуи ҳаё ахтари...

Ахтаридин меҳрға фарҳундалик,

Бадру ҳилол айлаб анга бандалиқ... (МАТ, 7-ж., 36-б.)

Ким юзин айлаб қаро ғамнок эрур,

Шаққи эмаским, ёқоси чок эрур...

Тутмоғининг андин эди хомани,

Ким ул этибдур қаро қўп номани... (МАТ, 7-ж., 39-б.)

Рафраф уза пўя қилиб чун кушод,

Ҳамраху руҳравға этиб хайробод...

Ҳамрах анга қолаби хокий насаб,

Гар десалар бор эди йўқтур ажаб (МАТ, 7-ж., 47-б.)

Юкорида остига чизилган сўзлар янги алифбо асосидаги нашр (Hayrat-ul-abrog, 27-, 28-, 30-, 32-, 37-бетлар)да “жисмға”, “давожи”, “буржи”, “фарҳундалик”, “айлаб”, “тутмоғонинг”, “раҳравға”, “хокий насаб” тарзида тўғри ўқилган ва берилган. Яна:

Маккада дин аҳлига мукнат бўлуб,

Уззи ила лотқа узлат бўлуб (МАТ, 7-ж., 35-б.) –

байтидаги “Уззи” ва “лот” сўзлари кейинги нашр (Hayrat-ul-abror, 29-б.)да “Уззо” ва “Лот” тарзида тўғри берилган. Чунки бу жоҳилият даврида Маккадаги бутларнинг номидир ва улар имлода катта ҳарфлар билан берилмоғи керак. Ёки, “асад” бурж номи ва “Фарши бўлуб арш ила лавху қалам” мисраидаги (МАТ, 7-ж., 46-б.) илоҳий илмларда ишлатилувчи истилоҳ ва муқаддас калималардан бўлган “арш”, “лавҳ” ва “қалам” сўзлари ҳам кейинги нашр (Hayrat-ul-abror, 37-б.) да атоқли ном сифатида катта ҳарфлар билан берилган. Натижада кўп равишдаги имло хатосига йўл қўйилмаган. Шунингдек, замонавий матншуносликда тиниш белгиларини тўғри кўйилиши ҳам матнни тўғри ўқилишини таъминлайдиган омиллардандир. Мисол учун:

Сенки юз онча санга ҳақ берди нур,

Тонг йўқ агар соядин ўлсанг нуфур (МАТ, 7-ж., 38-б.) –

байтидаги “Сенки” ундалмасидан сўнг “,” (вергул) тиниш белгиси қўйилганлиги (Hayrat-ul-abror, 31-б.) мақсадни ва ифодани аниклаштирган. Агарда, шу байтдаги “ҳақ” сўзи ҳам “Ҳақ” тарзида катта ҳарф билан берилса эди, байт матни янада аникроқ бўлур эди.

Шу ўринда, мазкур – янги алифбодаги “Hayrat-ul-abror” достони матнининг афзал жиҳатларини таъкидлаган ҳолда, ушбу нашрда ҳам айрим нуқсонларга йўл қўйилганини айтиш зарур, деб ўйлаймиз. Масалан:

Aylamasun deb el ila parda sayr,

Bayzasidin tugma toqib anda tayr (Hayrat ul-abror, 34-б.) –

байти қўринадики, МАТда тўғри берилган ҳолда янги нашрда нотўғри берилган:

Aylamasun deb el ila parda sayr,

Bayzasidin tugma toqib anda tayr (Hayrat ul-abror, 34-б.) –

Бир қараганда билинмайди. Достоннинг илмий танқидий матнида ҳам “йел” дея (икки “йо” ҳарфи билан) берилган.¹ Шу биргина сўз “ел” ва “el” сўзларини янги ва эски алифбо талаффузи билан боғлик ҳолда тўғри (“ел”-“ел” тарзида, “el” эса “эл” тарзида) ўқиб қўрилса, матндан чиқадиган маъно ўзгариб кетаётгани англашилади. Яъни эски алифбодаги “ел” янги алифбодаги матнда “халқ”га айланаб кетаётиби ва албатта, байтнинг маъносига футур етмоқда. Ваҳоланки, янги нашрнинг насрый баёнида “парда шамолда учеб кетмаслиги” таъкидланган (Hayrat-ul-abror, 260-б.).

Албатта, бу каби ўринлар саноқли бўлса-да, лекин асар матнининг савияси нашрдан-нашрга ўсиб боришини кўзда тутсак, бундай камчиликлар ҳам катта ҳисобланади. Ёки, яна бир байтнинг нашрдан-нашрга қай тарзда ўзгариб борганига дикқатни қаратсак.

П.Шамсиев матнида:

“Ҳо”и муҳаббат анга-ўқдур насиб,

Ким ани ҳақ деди ўзига ҳабиб (Хамса, 24-б.) –

МАТ матнида:

“Ҳо”и муҳаббат санга-ўқдур насиб,

Ким сени ҳақ деди ўзига ҳабиб (МАТ, 7-ж., 33-б.) –

В.Раҳмонов матнида:

“Ho”i muhabbat anga-o `qdur nasib,

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат-ул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: П.Шамсиев. –Тошкент: Фан, 1970. 23-бет.

Kim seni haq dedi o'ziga habib (Hayrat-ul-abror, 28-б.) –

Байтнинг аниқлиги учун янги алифбо асосидаги нашр насрый баёнига қараймиз: «“Хо”си сенга муҳаббат насиб бўлганин англатиб, Аллоҳ сени ўзига “Ҳабиб” деди.» Агар диққат қилсақ, баён МАТ матни асосида амалга ошганини кўрамиз. У ҳолда қани сўнгти учинчи матн баёни ўзига кўра шундай бўлиши керак эди: «“Хо”си унга муҳаббат насиб бўлганин англатиб, Аллоҳ сени ўзига “Ҳабиб” деди.»

Яъни, бир байтнинг ўзида бирваракайига иккинчи ва учинчи шахсга мурожаат қилинмоқда. Аслида қандай бўлмоғи лозим?..

Фикримизча, мазмунга мувофиқроғи П.Шамсиев домла вариантидир. Ўша тарзда ўзгартирилмай берилса ҳам камроқ хато бўларди. Агар ўзгартириш керак бўлса қуидагича бериш мақсадга мувофиқ, дея ўйлаймиз:

“Хо”и муҳаббат анга-ўқдур насиб

Ким, ани Ҳақ деди ўзига: “Ҳабиб!”

Яъни, “Ҳақ” ва “Ҳабиб” ҳам катта ҳарф билан берилиши “хо” ҳарфининг муҳаббатдан айнан “анга” (сенга - эмас) насиб бўлиши шунда аникрок чиқади. Чунки бу кўшмисра ўзидан аввалги байтларнинг узвий давомидир. Уларсиз бу мисраларнинг мазмуни чиқмайди. Негаки, матнинг бундан аввалги байтларида, “Одам” исмидаги “алиф”, “дол” ва “мим” ҳарфлари “Аҳмад” исмида мужассам бўлиб, отдан нишон эканлиги айтилади. Ана энди “хо”нинг муҳаббат учун “ортирилган” ва байтда васф этилаётган учинчи шахс – “анга” ва “ани” (яъни, Расулуллоҳ с.а.в.) эканлиги янада ойдинлашади.

Умуман, ушбу нашрнинг савиясини ҳеч ҳам камситмаган ҳолда унда берилган насрый баён ҳақида ҳам бироз тўхталиш керак. “Ҳайрат-ул-аббор”нинг аввалги нашрларидаги насрый баёнига нисбатан бу баён тўлалиги ва нисбатан яхшилиги билан ажралиб туради. Лекин достоннинг кириш - ҳамд, муножот ва наът қисмларининг насрый баёни устида яна бироз ишлаш керакка ўхшайди. Фикримиз аниқлиги учун баъзи байтларга тўхталсак.

Зовияи жисимга ҳар зотдин,

Руҳ ёқиб шамъ бу мишикотдин... (Hayrat-ul-abror, 27-б.)

байтининг насрый баёни шундай берилган: “Жисм (тана) қисмлари (бурчак)ига йигилган, ҳар нарсанинг асл Зоти (дан намуналар) жойлаштирилган токчага руҳ шамъ ёқди.” (Hayrat-ul-abror, 255-б.)

Ушбу ноаниқ баён ўкувчини чалғитади ва фикр тумтоказигига учрайди. Фикримизча, шундай бўлиши керак эди: “У (*Расулуллоҳ*)нинг

жисмининг ҳар бир бурчагига (ҳар бир жузъига Аллоҳ ўз) зотининг ҳар бир сифатидан юқтириди; бу гёё чирокпоядаги шамъни рух ёққанидек.”

Ёки яна:

Ҳар неки Ҳақ важҳи аро мубҳам ул,

Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳамул...

Китоб-насрий баёнида берилган: “Аллоҳ юзида нима яширган бўлса, улар ҳаммаси Ҳабиби юзида ҳам намоёндир”

Кўринадики, гап жуда ҳам тушунарсиз ва хато. Ақида илмига мувофиқ мазмунга дикқат этилса, шундай баён бўлиши керак: “Ҳар нимаики Аллоҳнинг сабаби туфайли яширин бўлган бўлса, ўша ҳабиби (расули)нинг юзи (хотири)дан зоҳир (ошкор) бўлди.”

Яна бир байт:

Шоҳид этиб чехра бу кўзгу анга,

Ул не қилиб, кўргузубон бу анга...

Китоб-насрий баёнида берилган: “Бу кўзгуни унга гувоҳ қилиб, у не қиласа уни кўзгу акс эттириб турар эди”

Бу гапда ҳам мазмун ноаниқ. Фикримизча, у шундай берилиши керак: “Бу чеҳрани кўзгу унга гувоҳ қилди; Ўша чеҳра нима қиласа бу кўзгу унга кўрсатди.”

Бу каби мисоллардан кўринадики, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул-аброр” достони таркибидаги наътларнинг матни, нашрий такомили ва уларнинг насрий баёни устидаги ишлар ҳали узил-кесил ҳал қилинган эмас. Амалга оширилган юкоридаги каби нашрларнинг ютуқлари билан бирга нуқсонлари келгусида барҳам топиб боради, деган умиддамиз.

“Хазойин-ул-маоний”нинг шоҳона қўлёзмаси ва матний хусусиятлари

Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари жаҳоннинг энг бой кутубхона ва манбалар хазинасини безаб турган ёдгорликлардан ҳисобланади. Проф. Ҳамид Сулаймоннинг берган маълумотига кўра “Навоий қўлёзмалари жаҳоннинг юздан ортиқ, йирик кутубхоналарида сақланиб, уларнинг маълум бўлган сони уч яром мингдан ортиқдир”¹. Албатта, бу ҳисобга шахсий кутубхоналар ва кейинги йиллар давомида аниқланган нусхалар кирмайди. Агар

¹ Адабий мерос З. –Тошкент: Фан, 1973. 83-бет.

такрибан ҳисоблаганда ҳам Навоий асарларининг қўлёзмалари сони тўрт мингдан ортикроқ микдорни ташкил этади.

Навоий асарлари энг кўп сақланадиган давлатлар сирасида биринчи ўринда Ўзбекистон тургани ҳолда, Туркия, Россия, Англия, Франция, Озарбойжон, АҚШ, Ҳиндистон ва Эрондаги китоб фонdlарида ҳам улуғ шоиримиз асарларининг нодир қўлёзмалари мавжуддир. Биргина кейингина тадқиқларга кўра Эрон кутубхоналарида ҳали фанга маълум бўлмаган Навоий асарларининг бир неча нодир нусхалари борлиги ўрганилмоқда.¹

Энди, Навоий асарларининг кўчирилиш жойи ва муддатига кўра эътибор қилинса ҳозирги Ўзбекистон худуди ва асосан XVI-XIX асрларга мансуб ёзма ёдгорликлар катта ўринни эгаллади. XIX асрга келиб эса Ўрта Осиё ҳонликлари марказларида Навоий асарларига бўлган эътиборнинг яна ортганлиги бу даврда унинг қўлёзмалари кўпайганидан ҳам маълум бўлади. Мисол учун, собиқ Қўлёзмалар институти (ҳозирда ЎзР ФАШИ фонди)да сақланувчи кўчирилиш таърихлари кўрсатилмаган 62та Навоий қўлёзмасидан 52тасининг палеографик хусусиятларига кўра аниқланган тахминий даври айнан XIX аср эканлигини марҳум манбашунос М.Ҳакимов таъкидлайди.²

Навоий асарларининг XVIII-XIX асрлардаги энг нодир нусхалари Кўкон шаҳрида ҳам кўчирилган. Бу ерда дарж этилган Навоий девонларининг ҳозирча фанга маълум энг қадим нусхаси x.1179 (м.1765-66) йилга оид.³ Бу хаттотлик анъанаси то XX аср бошларига қадар давом этиб келган. Бундай қўлёзмалар Навоий асарларининг катта ҳажмли куллиётларидан тортиб айрим кичик асарларигача ўз ичига олган манбалардир. Уларнинг айрими хаттотликнинг олий намунаси бўлиш билан бирга китобат санъатининг гўзал ўрнаклари ҳам ҳисобланади. Улардан бирига тўхталамиз.

¹ Бу ҳақда қаранг: Dr. Şadi Aydin. Iran kutuphaneleri turkce yazmalar katalogu. İstanbul, 2005.

² М.Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. -Тошкент: Фан, 1983. 194-бет.

³ А.Турдалиев. Кўқон адабиёт музеи ҳазинасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавzuидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Тошкент: Tamaddun, 2017. 42-бет; яна, Мулла Абдунабихон кози томонидан x.1197 (м.1783) йилда кўчирилган “Терма девон” ҳам маълум: ЎзР ФАШИ фонди, X.Сулаймон бўлими, 1048 ракамли қўлёзма.

1930 йил Миён Бузрук Солиҳов ўзининг адабиёт тарихига оид рисоласида¹ Кўқон хони Умархон (1787-1822) “Мұхаббатнома” номли тўплами турк сultonига совға қилиб юборгани ва бу қўлёзмада Навоий, Лутфий ҳамда Амирий девонлари ўрин олганлигини билдиради. Шундан буён кимки бу масалага тўхталса, айнан М.Солиҳов маълумотига таянди. (Мисол учун, академик А.Қаюмов², проф. Ҳ.Болтабоев³.) Хориж олимларидан А.Самойлович, О.С.Левенд, Ҳ.Эртайлон, А.Шчербак, Л.Улуч каби олимлар ҳам факат ўз илмий қарашларини баён қилиш учунгина бу манбани тилга олганлар. Масалан, Огоҳ Сирри Левенд Алишер Навоийга бағищланган тўрт жилдли асарининг иккинчисида Навоий десонлари қўлёзмаларини санаганда унга ҳам тўхталади.⁴ Аммо, ҳеч бир тадқиқотчи “Мұхаббатнома”нинг айнан манбавий ва матний жиҳатлари ҳақида фикр билдиrmайди. Тўғри, охирги йилларда А.Эркиновнинг айрим чиқиши маълум.⁵ Бироқ, у ҳам мазкур қўлёзманинг манба ва матн хусусияtlари ҳақида тўхталиш ўрнига, “легитимация” ҳақидаги мубҳам ғояларига боғлаш билан чегараланади, холос.

Демак, нафақат Кўқон балки Шарқ китобатчилигининг юксак намунаси сифатидаги мазкур манба ҳақида ўрганганларимиз.

Бу қўлёзма Истанбул Университети кутубхонасида №Т 5452 рақами остида сақланади.⁶ Картотекада “Мұхаббатнома” номи билан қайд этилган. Жаъми 492 варак ёзилган (аслида 485 варак, дастлабки уч варак номерланмаган, рим раками қўйилган). Ўлчами: 32x54 см.

Қўлёзма юқори сифатли Кўқоннинг оқ ипак қозозига кўчирилган. Ҳар саҳифага икки устунда ва ҳошияларда матнлар жойлаштирилган; майда ва ўртача катталикдаги ҳусниҳат билан чиройли настальикда қора, кўк, яшил, қизил ва заррин сиёҳ билан дарж этилган. Матн ўрин олган саҳифалар 478 тадир (а-б варак ҳолида). Ҳар бир саҳифага

¹ Miyon Buzruk Solihov. Orta Osiyo ozbek adabiyoti tarihiga umumiy qaras. 1-qism. –Toskent, 1930. 59-60-betlar.

² А.Қаюмов. Кўқон адабий муҳити. –Тошкент: Фанлар академияси, 1961. 36-бет.

³ Ҳ.Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. -Тошкент: Адолат, 2004. 59-65-бетлар.

⁴ A.S.Levend. Alisir Nevai. II cilt. Divanlar. –Ankara: Turk tarih kurumu basimevi, 1966. S.7.

⁵ А.Эркинов. Ноёб қўлёзма изидан // Мозийдан садо. 2009. №4. 20-22-бетлар.

⁶ Қўлёзма билан танишиш имкониятига яқиндан ёрдам берган т.ф.н. Шерзодхон Маҳмудовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

рангли ва нақшинкор жадваллар ишланган. Бу жадваллар бир неча хил кўринишида бўлиб, ҳар уч-тўрт саҳифа оша тақрорланади. Бошланишида, девонлар ораси ва охирида баъзи саҳифалар бўш қолдирилган. Айрим бўш саҳифаларда зарҳал доира, куёш, япроқ ёки ноксимон нақшлар ишланган. Ҳар бир девон бошланиши орнаментли, зарҳал ва рангли нақшинигорли саҳифаларда берилган.

Кўлёзма ўзида тўрт муаллифнинг етти девонини жам этган. Яъни, у мужаллад ҳолидаги девонлар тўпламидир. Улар – Алишер Навоийнинг “Хазойин-ул-маоний” таркибига кирувчи тўрт девони ва яна бошқа уч шоирнинг асари.

1. “Хазойин” дебочаси (аслида “Бадоеъ-ул-бидоя” дебочаси) – III^б-6^б варак;
2. “Фаройиб-ус-сигар” девони – 7^б-96^а варак;
3. “Наводир-уш-шабоб” девони – 96^б-177^а варак;
4. “Бадойеъ-ул-васат” девони – 177^б-262^а варак;
5. “Фавойид-ул-кибар” девони – 263^б-349^б варак;
6. Амир Умархон девони – 350^б-405^б варак;
7. Лутфий девони – 407^а-432^а варак;
8. Фузулий девони – 433^а-475^б варак.

Саҳифалардаги рангли ва нақшли, ўзига хос услубдаги нақшинигорлар китобга ажиб зеб ва гўзаллик берган. Ҳат ҳам равон настаълик, хуснихатнинг ёрқин намунаси. Ҳар унвон ва жадвалларга олтин суви билан зарҳал юргизилган. Навоий, Амир ва Фузулий девонларининг унвон саҳифаларининг матн ичига ҳам тилладан зийнатли зарҳал ишланган. Бир сўз билан айтганда қўлёзма шохона безатилган.

Муқоваси ҳам нақшинкор бўлиб, беш унвонли қизил, яшил ва кўк рангли. Бундай муқовалар жуда камсонли қўлёзмаларда учраши билан аҳамиятли. Мазкур муқованинг ич табақасига ҳам нақшинигор ишланган. Шуниси қизиқки, ҳар икки муқованинг ич томонига хуснихатдаги форсий байтлар ёзилган вараклар ёпиширилган. Уларни ўрганиш шуни кўрсатдики, унда “Ал-абдул-музниб Мирали” деб имзо кўйилган.

Бу эса Мирали котибнинг хуснихат намунаси. У зот тарихда “қиблат-ул-куттоб”, настаълик хатининг ихтирочиси сифатида маълум ва машхур, Амир Темур даврида яшаган табризлик хаттотдир.

Демак, Кўқон хонлари саройида Мирали котибнинг хуснихат намуналари сақланган. Нега бу хат китобга ёпиширилган? Чунки, мужаллад мажмууанинг хотимасида хон даргоҳидаги ҳар бир

мунший замонасининг *Мир Али* ва *Мир Имодидир*¹ дея таъриф этилган. Назаримизда, ана шу даъвонинг исботи учун мазкур хат намунаси қўйилган.

Қўлётзманинг китобат санаси ва котиблари аниқ. У ҳ.1234 (м.1818-19) йил Мухаммад Саид Амир Умархоннинг буйруғи билан тўрт хаттот томонидан Қўқон шаҳрида ёзил тугалланган. Котиблар: Турсун Мухаммад, Мирзо Раҳимкул, Мухаммад Юсуф ва Бобо Мир Мирзо.

Бу ҳақда ва умуман қўлётзманинг яратилиши, унинг устида кимлар ишлагани ва котиблару лавҳсоз рассомлар ҳакида батафсил маълумот қўлётзманинг 476^a-478^a варакларидағи хотима қисмида баён этилган. Масала ҳакида кенгрок тасаввур ҳосил қилиш учун ана шу қисмларнинг табдили қўйида келтирилмоқда:

*«Липлаҳил ҳамд вал-масанна бу айноми бадоеъ-ул-низом
хужжати фаржомдаким баҳту салтанат қавқабасини савобат
ва сайдораси жаҳонбонлиқ машриқидин тулуъ қилиб, даҳр бўстони
жамъининг сабз баҳтлари ҳаққигаким бедод синоҳи афсурдалиқлар
солур эрди. Торож еткуруб ферузлиқ наврӯзини роияти кести,
соҳти арсасида бош кўтарди ва адолат сипеҳрини офтоб
оламтоби асолат матлаъидин толеъ бўлуб жаҳон нузҳатгоҳини
айвони баланд арконида жудус шарафин иқболини қўргузуб кетти,
бисотини тарафгоҳига иқболу давлат анворидин партав солиб
иноят айни ламъаси бирла давр аҳли миқорақига рофат саҳобини
зилли мамдудидин сояи тарбият арzon қилди...»*

Ул султон-ус-салотин олинишони гардунмадор ва ул подшаҳи жавонбахт маъдалатосор ва шаҳриёри Жамжоҳи Сулаймонвиқор ва шаҳанишоҳи Скандармакон ҳазрати Сайдид Мухаммад Умар Баҳодурхон доми иқбola ва шавката ҳумоюн алқобида ва шарафлиқ авсофи хитобидаким донишманд уламолар ва хирадманд фузало ва шуаролар расоилу қасоид тартибига шуғл этар эрдилар. Беҳиштосор маҳфилда ва фирмавси олиймисол мажлисида мўътабар девонлардин ўзга ва эътибор сағчалар гайри нима ўқулмас ва бўлмас эрди. Ул ҳазратнинг кимёасар назариким раҳматосорини масдаридур; анвори адолат матлаъи ва айн-ул-камол сарчашмасини манбаъи эрди.

Бир кун айни иноятдин бу тўрт девонлариким Амир Навоийдин шавқу муҳаббат достонидур, назар ясатиб мутолаа қўлмии эрди. Чун аввалқи Гаройиб-ус-сигар ва иккинчи Наводир-үш-шабоб ва

¹ Мир Имод Ҳусайнӣ – XVI асрда яшаган, настаълиқ хатига янгилик, янада гўзаллик киритган хаттот.

учунчи Бадойеъ-ул-васат ва тўртунчи Фавоийд-ул-кибардурлар, мутафарриқа ва паришион эрди ва газаллари ҳам бир-бирларига амираи топиб лаффу нашр мушаввашидек ул бири бу бирга имтизиж бирла ёзилмиси экан. Бу жиҳатдин раво кўрмайким, ул тўрт маъоний жавоҳирни кони бир-бирларидин йироқ тушиуб ҳар қайси бир диёр маҳфилида ва ҳар бири бир ўзга билод манзилида бўлгай; шул соат фармони олий судур топиб давлати жанобидаги бир неча мунишийларким ҳар бирлари Мир Али ва Мир Имоди замондурлар, аларнинг ораларидин тўрт жавоҳиррақам ва аторудқаламким даврон дабиристонини сеҳркор ва мўъжизнигоридурлар; интихоб қилиб буюрдиким бу тўрт девони мутафарриқа ва мураттабу марбут ёзилиб ҳар қайсиси ўз маҳалида воқеъ бўлуб анжом ва интизом тобқай.

Назм:

Амир-ал-муслимин, Дорои даврон
Ки, бордур барча сultonларга сulton.
Туркий шаҳларни олийқадр шоҳи,
Мухаллад бўлгай иқболи илоҳи.
Замона аҳли инсофиға фоҳир,
Халойиқ адлидин осудаҳотир.
Адолат мулкини фармонравоси,
Жалолат шаҳрини кишиваркушоси.
Жаҳон борича ё Раб, бор бўлгай,
Саодат тимнида бархурдор бўлгай.
Кўруб бу тўрт ҳазоний паришион,
Анинг жамъ айламакка қилди фармон.
Жанобда бор эди хушиқаламлар,
Аторудхомалар, зеборақамлар.
Бири – Турсун Мұҳаммад фахри аййом
Ки, қилди дафтари аввални итмом.
Фузулий бирла Лутфийни ёзди,
Қалам мужсгони бирла чоҳ қозди.
Яна бир котиби – Мирзо Раҳимқул,
Хати гул, хомаси минқори булбул.
Икинчи дафтариға хома сурди,
Мулозимларга хизмат лофин урди.
Бири анинг – Мұҳаммад Юсуф эрди,
Учунчи дафтариға зеб берди.
Бириким эрди – Бобо Мир Мирзо,
Қилиб тўртунчи дафтар хатин иниш.

*Ёзилди түрт девони Навойи,
Ки бўлди бир мужаллад ичра жойи.
Яна икиси Лутфийу Фузулӣ,
Ки бўлмиши аҳли донишни қабули.
Бале бу олти девони кироми,
“Муҳаббатнома” янглиг бўлди номи.*

Ва чун ул ҳазратнинг азиматлиқ салтанати ва жалолатлиқ роғатининг миёманидин шавоҳид тасвидот девони балогат низом, маоний интизом Амир Навоий навораллоҳу марқадаҳу бир мајсмуаъ марзида чехра очиб ёкилагар бўлдилар...

Ва ул соҳибқироннинг жуду мукарраматидин гулзор сутур анбар баҳури ақл думогини муаттар қилди. Ва чун хўблук ҳуснида тартиб тобқач некукор мусаввиirlар ва нодиранигор муҳаррирларнинг омизлиқу гулрезлиқ била зебу зийнатига муқаййад бўлдилар.

Маснавий:

*Бор эрди бир неча нақроши беҳад,
Бўлуб ҳар қайси бир ишқа муқаййад.
Хусусан Мир Ниёз устоди моҳир,
Анинг илми эди ҳазратқа зоҳир.
Буюрди лавҳ тазҳибига они
Ки, таҳририга ҳайрон қолди Моний.
На гулким чекти ул фарзона устод,
Анга “аҳсанта” деб Монию Беҳзод.
Бу донии бирла ул устоди даврон,
Гуломи хосу хизматкори сulton.
Муқим хизмат даргоҳи шоҳий,
Хўнар аҳли назокат дастгоҳи.*

Ва яна Мирзо Ёдгор нодиракорким, сеҳрпардоз қаламининг обёрлиги ва санъаттароз килкининг ёрмандлиги бирла саҳойииф авроқларига гулфишионлиқ қилиб, ажойиб гаройиб нақшу яқутларин боғлар эрди.

Шеър:

*Хўнарпардоз Мирзо Ёдгор ул,
Бадоеъ хома-у санъатнигор ул.
Саромад хомаси гулпошларга,
Китобат аҳли-ю нақрошларга.*

Ва яна Мулла Муҳаммад Наманганий ва Муҳаммад Амин Хўқандий ва Мулла Аваз Муҳаммад Истаравшаний ва Мулла Аваз

Марғиноний ва Устод Ҳудоёр нодиракору Ҳожса Азим бадоевнигор.

Байт:

*Қилиб таҳририн ушибу олти наққош,
Бу гулшан сафҳасига бўлди гулпоши.*

*... Ва гулъузорхўблар орази чаманидек мушикосор дилфириб хатлар
бирла оройши тамом тобти. Ва ул нодиракор ҳунармандларнинг
гуҳарбор хоималари ва бадоевнигор саноъеларидин итмолом
суратида анжомга етти.*

Байт:

*Бу зйнатлар била ҳар қайси дафтар,
Ирам богини рашикидур саросар.
Анинг ҳар сафҳасидур бир гулистон,
Гулистон демаким, фирдавси ризвон.
Амир амри била бу олти дафтар
Тамом ўлгунча хизмат қилди меҳтар.
Қадамким қўйди хизмат сарҳадига,
Ҳудо еткургай аниг мақсадига.
На тунқаторки ҳазрат бандасидур,
Шабу даргаҳни сарафканасидур.
Бу хизмат саъин айларда шабу рӯз,
На тун ором тобти ва на кундуз...»*

Хотима сўнггида эса “таммат-ал-китоб 1234” ёзуви ва Фазлийнинг тўрт мисра ўзбекча, Хижлатнинг саккиз мисра форсча таърихлари бор. Фазлий таърихи хотима матни тугаши билан “таммат”дан сўнгра ҳамон бошланади ва хотиманинг хати таърих ёзилган хатдан фарқ қиласди. Фазлий таърихи шундай:

*Бихамдиллаҳу, сар то сар ёзилди
Навоийнинг каломи дилкушоси.
Бу девон хатми таърихида Фазлий
Вафо бирла деди: “Хатм-ун-Навоий”.*

Шундай қилиб, мазкур кўлёзмани кўчирган ва безаган ҳунармандларнинг исмлари юқоридаги парчалардан маълум. Факат, аниқ бўлмагани шуки, хотимада кўлёзмадан ўрин олган Умархоннинг ўз девони ҳакида ҳеч нарса дейилмаган. Ҳатто, уни кўчирган хаттот номи ҳам тилга олинмаган.

Ушбу кўлёзмадаги Амирий девонини кўрсатилган тўрт хаттотдан бири кўчирганлигига ҳеч шубҳамиз йўқ. Лекин улардан қай бири? Матнларни синчиклаб ўрганишимиз давомида Навоийнинг биринчи, Лутфий ва Фузулий девонларидағи хат услугиби ва ёзилиш

белгиларига кўра Умархон девонидаги хатга жуда ўхшашлиги маълум бўлди. Демак, Амир Умархон девонини ҳам айнан Турсун Муҳаммад хаттот кўчирган.

Яна қизиги шуки, девонларнинг олдинма-кетин жойлаширилиши. Бу тартиб фикримизча, қўллэзмани тартибловчилар (котиб, рассом, муҳаррир) харакати билан амалга ошган. Шундай тартиб берилган экан, бизга тушган вазифа унинг манба ва матн жиҳатларини тадқиқ этиш, холос. Лекин, А.Эркинов қўллэзма “*таркиби ҳам муайян гояга хизмат қилиши мумкин*” лигини тахмин қиласди. Ҳатто: «“Муҳаббатнома” таркиби воситасида Умархон тахминан шундай демоқчи: “Шоир сифатида Темурийлар муҳитининг энг улкан туркигүй шоири Алишер Навоий ҳаммадан устун, туркий шеъриятда Навоийдан кейинги ўринда мен тураман; насл-насабда Темурийлар давомчиси эканлигим ва шоирлик маҳоратим шуни намоён қиласди...”»¹ деган ғалат фикрга ҳам боради.

Бу тахлит хулосалаш қанчалик тўғри билмадик. Негаки, қўллэзмада аниқ бир маълумот ёки шунга яқинроқ ишора бўлмас экан, муаллиф ёки тузувчи “*тахминан шундай демоқчи*” дея хулоса чиқариш матншунос учун номақбул.

Манбадан келиб чиқадиган бўлсақ, бундай мулоҳаза учун бирор-бир белги ёки ишора унда йўқ. Юқорида айтганимиздай, хотима қисмида ҳатто Амир девони эсланмайди, ҳам. Агар А.Эркинов айтганидай даъво бўлса эди, албаттa хотимада бунга ургу берилар ёки алоҳида шеър бағишлинар эди. Чунки, тахминимизча, хотима Фазлий ёки Хижлат (ёхуд, ҳар иккиси) тарафидан ёзилган. Умархонни хонлиги ва адолатпарварлигини шунча мақтаган шоир, бироз бўлса-да шеърий иқтидори ҳақида сўзлаган бўларди. Ваҳоланки, қўллэзма мажмууани яратиш гояси хондан чиққан экан, унинг якуний таҳрири ҳам унга тегишилдирип. Агарда, хон истагандан ўзини шоир сифатида истаганча мадҳ қилдириши мумкин эди. Бу жиҳат қўллэзмада акс этмаган. Буни юқорида келтирилган парчалардан ҳам кўрса бўлади. Шунинг учун, манбага соф илмийлик асосида холис ёндашилса ва энг муҳими адабий манбани сиёсий-гоявий эмас, матншунослик нуқтаи назари билан баҳоланса мақсаддага мувофиқ бўларди.

Демакки, Амир Умархон x.1234 йилда Навоий, Лутфий, Фузулий ва ўз девонини бир муковада жамлатган. Бу манба ўз даврининг

¹ А.Эркинов. Ноёб қўллэзма изидан..., 20-бет.

хаттотлик ва китобат санъатининг энг юкори даражасида, гўзал ва бетакрор қилиб кўчирилган ва безалган. Ушбуни хон усмонли-турк императори Султон Махмуд ІІга (1808-1839) совға сифатида йўллаган. Бу билан Умархон ўз давлатида шундай “нодиракор хунарманд”лар борлигини, адабиёт, санъат, маърифат ва маданият юксак даражада бўлиб, ҳатто темурийлар анъанаси давом этиб келаётганилигини таъкидлаш билан бирга, ўзи ва атрофидаги шоирлар учун бу туркигўй салафлар улуғ устоз эканлигини билдирамокда.

Маълум бўлишича қўлёзма дастлаб усмонли султонларининг Тўпқопи саройида сақланган, сўнгра уни Йилдиз (Юлдуз), ундан эса Истанбул университети кутубхонасига ўtkазилган. Чунки, қўлёзманинг III саҳифасининг қуёш шаклида думалоқ зарҳали остида *T 5452* рақами ва “İstanbul Üniversitesi kütüphanesi” муҳри бор. 354^a варакда эса: “Йулдуз кутубхонаси. Девони Амир. Тадқиқ өдилмишидир. 14 теммуз, 1932” деган босма арабий ёзув мавжуд. Яъни, 14 июль 1932 йилда қўлёзманинг “Девони Амир” кисми Истанбулдаги Юлдуз кутубхонасида тадқиқ қилинган. Университет кутубхонасига эса кейинчалик келиб тушган. Шунингдек, манбанинг эски рақами 2753 бўлган. Аммо бу рақамли муҳр қўлёзманинг хеч ерида учрамайди.

Фикримизча, мазкур қўлёзма султон ва унинг атрофидагилар ҳамда турк библиографу тадқиқотчиларига маъкул келган кўринади. Ундан фойдланилганлиги саҳифалардан кўриниб турибди. “Девони Амир” эса 1881 ва 1887 йилларда икки марта Истанбулда чоп этилган. Бу босма миххат нусхаларнинг матни айнан 5452 рақамли қўлёзма билан бир хилми, ёки фарқлими? Бу саволга келгуси текстологик тадқиқлар жавоб беради, деган умиддаман.

Яна бир жиҳат диққатимизни ўзига тортди. 5452 қўлёзма манба ва унинг матни деярли доғсиз ҳамда зарап етмаган. Факат, бир кичик ўрин...

Кўлёзманинг хотима кисмида матннинг бир жуда ҳам жузъий ери атайнин, ҳа айнан атайнин сиёҳиси бўялиб, зарап етказилган (476^b в.). Бу мисра шундай:ларни олийқадр шоҳи.

У Амир Умархон таърифида эканлиги маълум. Бироқ, таърифдаги мадҳ нима учун кейинги ўқувчига маъкул келмай, ўчиришга ҳаракат қилиб, қўлёзмага бироз зиён етказилган.

Комьютер технологиясининг каттартиши туфайли матнни синчилаб ўргандик ва натижада ўчириб ташланган жумла “туркий шаҳ” эканлиги маълум бўлди.

Мисра тугал ҳолатда: “туркий шаҳларни олийқадр шоҳи”дир. Аммо бу жумла “китобхон”га маъкул келмаган ва тўла мисрани

бузишга кўзи қиймай шу жумланигина ўчириб қўяқолган. Хўш у ким?

Назаримизда, бу ўринда қўллэzmанинг халифага, айни дамда усмонли-турк султонига ҳадя эканлигини кўздан қочирмаслик керак. Бу “жиноят” “Муҳаббатнома” қўллэzmasи Султон Маҳмуд II қўлига тушгандан кейинми, ёхуд олдинроқми амалга оширилган?! Чунки, ҳар икки ҳолда ҳам турк султонига бу жумла маъқул келмаслиги маълумдир. Албатта, мусулмонлар халифаси айни вақтда ўзини бутун туркий халқларнинг подшоҳи ҳам хисоблар эди. Ўз-ўзидан “туркий шаҳ” иборасини чекка бир хонлик ҳукмдори – Умархонга нисбат берилмоғи усмонли салтанат саройида мақбул кўрилмаган. Ҳар ҳолда манба ва унинг матнидаги аниқ кўриниб турган белгиларга кўра шундай хulosага келиш мумкин.

Шунга ўхшашиб яна бир ҳолатни гувоҳи бўлган эдик. Ажабки, энди бу Умархоннинг ўғли Муҳаммадалихон (1808–1842) билан боғлиқ.

Муҳаммадалихон ҳ. 1256 (м. 1840) йил Бухоро амири Насруллого муракқаъ хат йўллайди. Бу муракқаъ шарқ китобатчилигининг энг гўзал намуналаридан бўлиб, олтин суви билан зийнатланган, нақши-нигорлар ишланган санъат асаридир.¹ Унинг мазмуни Аллоҳнинг бандаларига шафқатли бўлиш ва меҳрибонлик улуғ фазилат эканлиги ҳақидадир. Хат охирида “*Катабаҳу Муҳаммад Алихон Гозий, қалами шуд. Сана 1256*” дея ёзилган. (Айтгандай, бу Муҳаммадалихоннинг хушнавис, моҳир хаттот ҳам бўлганлигига далолат қиласди.) Лекин, “*хон Гозий, қалами шуд. Сана 1256*” сўзлари атайнинг игна билан ўчирилган. Буни Насрулло ўчирирганми, ёки унинг қабулига киргунча кўрқиб мулизимлар ўчирганми, маълум эмас.

Демак, тарихда бу каби воқеалар бўлиб тураг экан.

Энди “Муҳаббатнома” қўллэzmasидаги асарлар, хусусан “Хазойин-ул-маоний” матнининг қай даражадалигига келсақ. Шуни таъкидлаш лозимки, ўзи ҳам исдеъодли шоир бўлган Умархон Навоий асарлари матнининг ишончлигига маҳсус дикқат қиласди. Юкорида келтирилган хотима кисмда ҳам айтилишича, унинг хузурида факат эътиборли асарларгина ўқилган ва уларнинг матни хоннинг дикқат марказида бўлган. Худди шунингдек, ушбу қўллэzmani ҳам бир жилд остида йиғдиришда ишонарли манбаларга суюнилгани аниқ. Негаки, Умархон кутубхонасида Навоий ҳаётлик даврига доир қўллэzmalар

¹ Абдулғафур Рассоқ Бухорий. Ҳусниҳат дурдоналари. –Тошкент: Мовароуннахр, 2008. 44-45-бетлар.

ҳам бўлган. Мисол учун, Ҳиротда ҳ.898 (м.1492-93) йил Султонали Машҳадий кўчирган Навоийнинг бир “Терма девон”ининг 2^а варагида Амир Умархоннинг муҳри бор.¹ Унда шундай ёзилган: “Амир-ал-муслимин Сайид Муҳаммад Умар ибн Норбўтахон”. (Илк бора буни А.А.Семёнов кўрсатган.²) Бу каби жиҳатлар “Хазойин-ул-маоний” матнининг ишончлилик даражасини ҳам белгиловчи муҳим унсурларданdir. Баъзи матн ўrnakлariга тўхталсан.

Ушбу мажмуа матнини кўплаб эътиборли нусхалар, жумладан Ҳ.Сулаймон илмий-танқидий матни учун асос килиб олинган айrim кўлёзмалар билан солиштирилганда аксар саҳифаларда фарқлиликлар йўқ. Деярли, ҳамон-ҳамон бир хил. Масалан, “Ғаройибус-сигар”нинг 1-ғазалини “Бадоеъ-ул-бидоя”нинг ilk нусхаси (887/1482 йил кўчирилган, Британия музейи, №401, 1^б варак), иккинчи нусхаси (889/1484 йил кўчирилган, Озарбайжон ИА Кўлёзмалар институти, №3010, 1^б варак), учинчи нусхаси (891/1486 йил кўчирилган, ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи, №216, 2^б варак), юкорида таъкидланган Султонали Машҳадий кўчирилган “Терма девон” (1^б-2^а вараклар), “Хазойин”нинг 904/1498 йил кўчирилган (С.Петербург, №55, 1^б варак), яна бир XVI аср (ўша фонд, №58, 2^б варак), 915/1509 йил кўчирилган (Оксфорд, Бодлеан кутубхонаси, №283, 1^б варак) нусхалари билан киёслаганимизда 4-байтдаги “нисор” сўзи ўrнига “эрур” келганини кўрдик, холос. Бошқа фарқ йўқ.

Аммо, бошқа шеърларда фарқлар бир-неча ўринларда учрайди. Мисолучун, “Фавойидул-кибар”нинг 29-, 30- ва 31-сокийномаларини (№5452, 348^б-349^а вараклар) Ҳ.Сулаймон нашри³ билан қиёслангандан матний фарқлар ўттиз ўринда мавжудлиги кўринди.

Айтайлик, “масжидга”-“беҳадга”, “олигаким”-“олидаким”, “жинс”-“жуз”, “дўстлиге”-“дўстлуғни” сўзларининг келишида.

Ёки яна,

Нашрда: Яна бири наъмазани соҳибҳол...

5452да: Яна бири нағмазан соҳиби ҳол...

Нашрда: Ҳар бири ўз торида бешибҳу назир...

5452да: Ҳар бири ўз таврида бешубҳа назир...

¹ ЎзР ФАШИ фонди, 790 ракамли кўлёзма.

² А.А.Семёнов. Описание рукописей произведений Навои хранящихся в государственной публичной библиотеке УзССР. –Ташкент: Гостехиздат, 1940. С.27.

³ Алишер Навоий. Хазойин-ул-маоний. Фавойид-ул-кибар. –Тошкент, 1960. 716-720-бетлар.

Нашрда: Бир шафиъидуру ул пок сифот,
Ким муаммода чиқармишдур от...

5452да: Бири Шақикийки дурур поксифот
Ки, муаммода чиқармишдур от...

Мазкур қиёслардан ҳам кўриниб турибдики, “Хазойин-ул-маоний”нинг “Мұхаббатнома” нусхасининг матни ҳам анча пухта.

Бир сўз билан айтганда, Умархон ташаббуси билан юзага келган “Мұхаббатнома” мажмуи, хусусан, унинг таркибидаги “Хазойин-ул-маоний” асарининг кўләзмаси мумтоз китобатчилигимизнинг ноёб намунаси бўлиш билан бирга, Навоий асарларининг матний тадқиқларида муносиб хизмат қилиши мумкин бўлган мухим манбалардандир. Шунингдек, мазкур мужаллад мажмуудаги бошқа шоирлар – Лутфий, Фузулий ва Амир девонлари ҳам алоҳида тадқиқот мавзуудир. Биргина, ундаги Амир Умархон девони шоир ижодиётига кўп жиҳатдан аниқлик киритиши билан аҳамиятли. Инчунин, бу девон бизга маълум “Девони Амир”лар ичida шоир ўзи хаётлик вактида кўчирилган илк тўлиқ тўпламдир. Шу ва яна бошқа бир қанча жиҳатлар мазкур мажмуани янада атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этишни вазифа қилиб қўяди.

Бобур девонининг саҳих матни борми?..

XX асрда яратилган адабиётимиз тарихида дастлаб: “(Бобур) иккита девон тузиб, бирида ўзбек тилидаги, иккинчисида форс-тожик тилидаги шеърларини тўплайди”¹ дейилса, кейинроқ: “Бобур ўзининг лирик меросини икки девонга тўплаганки, булардан бири 1519 йилда Кобулда тартиб берилиб, уни шартли тарзда Кобул девони деб атасак, иккинчиси Ҳиндистонда 1528-1529 йилларда тузилган бўлиб, уни олима С.Азимжонова Бобурнинг Ҳинд девони тарзида номлади ва нашр эттириди. Аммо Кобул девони ҳозирча номаълум бўлиб қолмокда”² дея таъкидланди.

Шу тарзда адабиётшунослигимизда Бобурнинг икки девон тузганлиги ҳақида “ғалати машхур” пайдо бўлганди. То ҳануз

¹ Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўрта ва Олий мактаб, 1963. 646-бет.

² Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, 3-т. –Тошкент: Фан, 1978. 54-бет.

адабиёт дарсликларида бу тақрорланиб келади. Аслида, устоз олимларнинг гапларида бироз жон бор. Фақат...

Келинг, бир бошдан сўзлайлик.

“Бобурнома”нинг бир ўрнида муаллиф Самарқанд ҳокими “Фўлод Султонга девонимни йибордим” деб ёзади.¹ Бу воқеа 1520 йилга тўғри келади. Шунга кўра, Бобур ўз девонини шу вактда тузган, дейиш ҳам мумкин. Лекин кейинчалик битган яна бир рубоийсида у:

*Девонима не работу не тартибедур,
Не жадавату не лавху не тазхибедур...*
дэя маҳсус таъкидлайди.

Демак, Бобур ўз шеърий тўпламини анъанавий мумтоз девончилик қолипига батамом солишга улгурмаган ва ҳозиргacha унинг мукаммал девони қўлёзмаси маълум эмас.

Ҳақиқатан ҳам Бобур девонининг қўлёзмалари нечта? Қай бири тўла ва саҳиҳ матнга эга?..

Шоир шеъриятини ўрганиш ва тарғиб этишга муносиб хисса қўшган олимларнинг хulosалари эса йиллар оша турлича бўлиб келган. Жумладан, Д.Росс бир (1910), Ф.Кўпрули (1915), А.Самойлович (1917) ва А.Қаюмов (1965) икки, С.Ҳасанов тўрт (1979), Ш.Ёрқин беш (1983) ва Б.Южел олти (1995) нусхаси ҳақида маълумот берган.

Энг сўнгги тадқиқларга кўра, дунё китоб хазиналарида сақла-нувчи, Бобур девони қўлёзма нусхаларининг адади – ўнта эканлиги маълум бўлмоқда. [Шулардан тўққизтаси ҳақида хабар берганмиз.²]

Демак, улар – Ҳиндистонда уч (Рампур Ризо кутубхонасидаги 19 рақамли қўлёзма; Ҳайдаробод Салоржанг музейидаги 4 ва 18 рақамли қўлёзмалар), Туркияда уч (Истанбул Университети кутубхонасидаги 3743 рақамли, Истанбул Тўпқопи саройи Равон кутубхонасидаги 2314 рақамли ва Истанбул шаҳар кутубхонаси, Муаллим Жавдат ёзмалари бўлимидағи 332 рақамли қўлёзмалар), Францияда битта (Париж Миллий кутубхонасидаги 1230 рақамли қўлёзма), Англияда битта (Британия музейи кутубхонасидаги 1402 рақамли қўлёзма), Покистонда битта (Исломобод Миллий кутубхонасидаги 3 рақамли қўлёзма) ва Тошкентда битта (Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги 317 рақамли қўлёзма).

¹ Бобурнома. Нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. –Тошкент: Шарқ, 2002. 174-бет.

² Захириддин Мухаммад Бобур энциклопедияси. -Тошкент.: Шарқ, 2014. 123-125-бетлар.

Буларнинг ичидা, шубҳасиз, энг мўътабари – Рампур нусхасидир. Гарчанд бу кўлёзма 21 варагдан иборат ихчам бўлиб, унда Бобурнинг “Рисолаи Волидия”си, ҳамда атиги: 2 маснавий, 24 рубойй, 2 фазал, 3 қитъя ва “Рисолаи аруз”дан кичик парча ўрин олган бўлса-да, жуда қимматли манба. Аввало, у Бобур тириклик вақтида, унинг таҳрири остида кўчирилган ва муаллифнинг дастхати (автографи) сақланниб қолган ягона кўлёзмадир. 1528 йил чиройли таълиқ хати билан кўчирилиб, саҳифаларига унвон ишланиб, безалган, олтин суви юритилган ва Хумоюн мирзога жўнатилган бу кўлёзманинг дастлабки саҳифасидаги Байрамхон ва 19⁶ варак ҳошиясидаги Шоҳ Жаҳоннинг ёзувига биноан унда Бобур дастхати аниқланган. Айнан ана шу жиҳатларни кўзда тутиб, уни дастлаб инглиз шарқшуноси Денисон Росс¹, кейинчалик ватанимизда академик С.Азимжонова² ва якинда Рампурдаги Ризо музейи мудири проф. Азизиддин Ҳусайн³ факсимильесини эълон қилган эди.

Яна, кўлёзма кадимиyllиги, зийнати, миниатюра билан безалгани ва хатининг гўзаллиги борасида XVI аср иккинчи ярмида китобат қилинган Париж нусхаси ҳам ажralиб туради. Бобурнинг лирик шеърлари энг кўп жамланган кўлёзма эса Истанбул Университетидаги манбадир. Унда бошқа нусхаларда учрамайдиган Бобурнинг бир неча, жумладан форс тилидаги, шеърлари мавжуд.

Бироқ, мазкур кўлёзмалар орасида мумтоз девон тузиш анъанаси аносисида тартиб берилган ва ҳар радиф ҳарфига сарлавҳа кўйиб ҳусниҳат билан настълиқда кўчирилган Лондон нусхасидир. Тахминимизча, уни девон тартибига котиб – Ҳаёт Али келтирган. Манба ҳинд рожаси Ажит Сингх Жайб Баҳодур буйруғи билан x,1190 (м.1776) йил китобат қилинган. Унда яна икки темурий – Султон Ҳусайн мирзо ва Султон Масъуд Мирзо Шоҳий девонлари ҳам бир жилдга келтирилган.

Умуман мазкур девон кўлёзмалари бир бирини такрорлаши билан ажralиб туради. Масалан, Ҳиндистонда кўчирилган (Рампур нусха хориж) кўлёзмаларнинг матни деярли бир хил (Лондон нусха ҳам Ҳиндистонга оид). Исломобод нусхаси эса Париж нусхасининг такроридир. Биргина Тошкент нусхаси XX аср маҳсули бўлиб

¹ E.Denison Ross. A collection of poems by the Emperor Babur. Journal of the Asiatic Society of Bengal. Vol VI. Extra No. 1910.

² С.Азимжанова. Индийский диван Бабура. -Ташкент: Фан, 1966.

³ Diwani Babur. Prof. S.M.Azizuddin Husain. Ministry of Culture, Government of India. Rampur Raza Library, 2014.

(1996), унда анъанавий девончилик шаклидан бири – жанрлар кетма-кетлигиги мавжуд бўлса-да, мумтоз девончиликнинг муҳим шарти араб алифбосининг тартиби сақланмаган. У проф. С.Ҳасановнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан Тўхтамурод Зуфаров томонидан чиройли настаълиқ хатида кўчирилган.

Бобур ижодий меросига қизиқиши туфайли, XX асрга келиб унинг лирик асарларини девон ҳолига келтириш ва шеърларининг сахих матнини яратишга доир айрим уринишлар бўлди. Шу кунга қадар Бобур шеъриятидан намуналар турли тарзда бир неча бор чоп этилди. Бу борада Ф.Кўпрули (1915), А.Самойлович (1917), А.Қаюмов (1965), С.Ҳасанов (1982), Ш.Ёрқин (1983, 2008), А.Абдуғафуров (1994), Б.Южел (1995) ва бошқаларни санаш мумкин. Улар ичida Бобур девонининг йиғма шаклдаги икки нашри муҳим бўлиб, афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин¹ ва туркиялик олим Билол Южел² тарафидан амалга оширилгандир. Улар ўзларигача бўлган жами бошка нашрлардан батафсилик сўзбоши, матнининг нисбатан тўлалиги ва бирмунча илмий аппаратлар билан таъмин этилгани билан ажралиб туради. Лекин, уларни ҳам мукаммал илмий изоҳга эга, тўла-тўқис ва сахих матн даражасида деб бўлмайди.

Негаки: 1) Ш.Ёрқин ва Б.Южел девоннинг Ҳайдаробод, Лондон, Тошкент ва Исломобод нусхаларини тадқиқ учун тортмаганлар;

2) Ушбу нашрлар, тўлиқ равища, анъанавий мумтоз девон шаклида эмас;

3) Ҳар икки нашр матнида қўлёзмалар аро баъзи фарқлар кўрсатилса-да, барча нусхалар истиъфода этилмагани ва танқидий матн принципларидан келиб чиқилмагани боис тўлиқ ҳолда эмас.

Бобур девонининг қўлёзмалари юзасидан изчил текширишлар эса шуни қўрсатмоқдаки, шоир девонининг илмий-танқидий матнини тузиш жуда ҳам зарур экан. Бироқ, масаланинг чигал ва ечишмас жиҳати бор. У ҳам бўлса, Бобурнинг ўзи тузган ёки туздирган ва таҳрирдан ўтказган тўлиқ (ёхуд, нисбатан тўлиқ) девон қўлёзмаси қўлимиизда бўлмас экан илмий-танқидий матнни ҳақиқатда амалга ошириб бўлмайди. Негаки, муаллифнинг ўзи девонни кай тартибда тузган, анъанавий мумтоз девончиликнинг қоидаларига қатъий

¹ Девони Заҳиридин Муҳаммад Бобур. Бо муқаддима, муқобала ва тасхих Шафиқа Ёрқин. Кобул 1362 (1983); Дарё дар гуҳар. (Девони комил Заҳиридин Муҳаммад Бобур.) Бо муқаддима, муқобала ва тасхих Доктор Шафиқа Ёрқин. Кобул 1387 (2008).

² Dr. Bilal Yucel. Babur divani. Gramer, Metin, Sozluk, Tipkibasim. –Ankara, 1995.

амал қилганми-йўқми, деган саволлар қалқиб чиқаверади. Устигаустақ, илмий-танқидий матнга асос асл (таянч нусха бўлгулик) мукаммал қўлёзманинг ўзи амалда йўқ. Чунки, илмий-танқидий матн барча ёки энг мўътабар қўлёзма нусхалар асосида яратилиши матншунослик илмида қабул қилинган.

Зикр этилган қўлёзмалардан маълум бўлмоқдаки, улар шоир шеърларининг девон тузиш учун йигилган жамланма, коралама (мусаввада)си ва кейинчалик улардан кўчирилган айрим зийнатли ва оддий нусхалардир, холос. Тўғри, Лондондаги “Девони Бобур подшоҳ” (у шундай номланган) қўлёзмаси девон ҳолида. Бироқ, у ҳам кейинчалик қўлёзма котиби тарафидангина шундай тузилганини айтдик. Бобур тириклик чоғида кўчирилган Рампурдаги нусха эса умуман девон тартибида эмас ва унда шоирнинг лирик шеърларининг ўзи саноқли.

Мазкур вазиятда матншуносликда қўлланиладиган яна бир муҳим ва илмий тажрибадан муваффақиятли ўтган ишончли матн тури жуда қўл келади. Бу ҳам бўлса – йиғма-қиёсий матндири. Унда Бобур шеърларининг қўлёзмалар аро фарқлари, жойлашиш тартибидаги ўзгачаликлар, сўзларнинг турли шаклда келишини бир тизим асносида ҳам матнни йиғиб, ҳам ўзаро қиёслаб, ҳам уни тузатилгансаҳиҳ матн шаклида кўриш мумкин бўлади. Шу жиҳатларни кўзда тутиб бундай матнни юзага келтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Масалан, Бобурнинг:

Гурбатта ул ой ҳажри мени пир қилибтур,

Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибтур...

дея бошланувчи жуда сермазмун ва тарихий аснога эга беш байтли газали бор. Ушбу ғазал Бобур девонининг икки нусхасидангина ўрин олган (Рампур ва Истанбул Университети қўлёзмаси).

1528 йилда битилганига кўра бу шоирнинг охирги шеърларидан бири. Шеър матнидаги айрим фарқларни ҳисобга олмагандা, у шу кунгача деярли тўғри табдил этиб келинган. Аммо ғазалдаги энг муҳим байт, аниқроғи мисрадаги бир сўз янглиш ўқилган. Бу эса шеърнинг асл мазмунини англашга халақит қиласиди. Учинчи байт шу тарзда бериб келинган:

Тақдирдор ул ёну бу ён солғучи, йўқса,

Кимга ҳаваси Санбалу татийир қилибтур?

Бобур шеърларининг айрим замонавий нашрларида “ҳавас Санбалу, татийир” (1982), “ҳаваси Санбалу Татийир” (1994, 2007, 2008) деб берилган ҳамда “Санбал” ва “Татийир” “Хиндистондаги

жойлар номи” дея изоҳланган. Баъзиларида ҳатто “сунбули татийир” (1976) ёки “сунбулу тақдир” (1996) тарзида ғалат берилган.

“Санбал” чиндан Ҳиндистондаги бир вилоятга бу ном “Бобурнома” да ҳам кечади. Лекин, “татийир” сўзи мавхум бўлиб қолмоқда. Бундай жой номи “Бобурнома”да ҳам, Ҳиндистонда ҳам йўқ.

Аслида байтда Бобур нафақат ўз, балки, ўғли Мухаммад Ҳумоюн тақдирига ҳам ишора қилмоқда. Чунки, воқеаларнинг тарихий ечими, бизга айнан шу ўринда Ҳумоюн ҳаётидан бир ҳикоя қаламга олинганига урғу беради.

Масалани равшанлаштириш мақсадида “Бобурнома”га мурожаат этсак.

Асарнинг х. 932 (м. 1525) йил воқеалари баён этилган қисмида Бобур 13.844.000 танга даромадга “...Санбални даги Ҳумоюнга иноят қилдим...” дея таъкид этади. Шунингдек, асар охиридаги (936/1528-1529 йил) воқеалар қисмидаги сўнгги тарихий ҳодиса ҳам айнан Санбал вилоятига юборилган Ҳумоюн ҳаётининг бир қийин дами билан боғлик:

“...Ва Мұхаммад Ҳумоюн, Санбалгаким, аниңг жойигири эди, руҳсат берилди. Олти ойгача анда эди; зоҳиран ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. То онки биз эшиштук, фармон берилдиким, Деҳлига келтурууб, Деҳлидин кемага солиб келтурсынларким, ҳакими ҳозиқлар кўруб, дардига даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абдулқосимким, улуг киши эди, арзга еткурдиким, ушмундоқ дардларга дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. То инки Тенгри таоло сиҳҳат бергай. Мен кўнглумга келдиким, Мұхаммад Ҳумоюн(нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсан. Хожса Халифа, ўзга муқарраблардин арзга тегурдиларким, Мұхаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Гараз будурким, дунё молидин яхисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушиб эди, Мұхаммад Ҳумоюнга иноят қилиб эдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли аниңг эвазига нечук бўлгай, мен аниңг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкил бўлибтур. Ва андин ўтубтурким, мен аниңг бетоқатлигини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне

дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. У сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуши бўлуб ийқилдим...¹

Остига чизилган мисраларга дикқат этилса, “дунё моли”дан ҳам ортиқ бўлган ўз жони билан фидокорлик қилаётган Бобурнинг эътирофлари жуда ҳам ҳаққонийлиги ўзига мафтун қиласди. Чиндан ҳам унинг фарзанди учун энг азиз бўлган нарсаси, ўша машхур олмосни эмас, ўз жонини фидо этиши росмана мардлик намунаси эди. Кейинги ўринда эса у бутун “аёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб” Хумоюнга байъат қилдиргани, тахтни топширгани ва олдида бор кишилар ҳам уни қабул этгандарини ёзади. Шундан сўнг Бобурнинг ўз тили билан битган воқеалар асарда тугаб, номаълум котиб томонидан бир-неча саҳифада Бобур Мирзонинг эзгу хислатлари, асарлари, фарзандлари ва замонасидаги унинг ҳомийлигида камол топган олиму фузало ҳақида хабар берилади. “Бобурнома” ҳам шу билан тугаган.

Модомики, масала шундай экан байтдаги “татийир” умуман хато бўлади. Шеър тўғри ва аниқ берилган Рампур нусхасида бу сўз “назир” деб, Истанбул Университети нусхасида эса сўздаги “йо” ҳарфи нуқтали, қолган ҳарфлар нуқтасиз берилган. Балки шунинг учун янгилишликлар келиб чиққандир. Демак байтни:

*Тақдирдур ул ёну бу ён солгучи, йўқса,
Кимга ҳаваси Санбалу назир қилибтур??*

дэя ўқиш керак.

Энди, “Бобурнома”дан келтирилган воқелар билан боғласак, (чунки шеър айнан шу вақтда ёзилган,) қўшмисранинг мазмуни аниқлашади. Яъни, кишини дам у, дам бу томон йўллагувчи тақдирдир; агар шундай бўлмаса эди (Хинди斯顿нинг) Санбал (деган жойи)ни ўз фарзандига назир (тенг) қилишни ким ҳам ҳавас қиласди. Чунки тақдир бўлмаса эди, ўша томон борилмаган бўлурди. Ғазалнинг кейинги байтларининг мазмуни ҳам шундай ечимга келтиради.

Бу биргина ғазал байтини қўлёзмалар аро қиёслашдан кейинги натижа. Ваҳоланки, девондаги ўнлаб шеърлар матнидаги янгилишликлар фақат ва фақат ўзаро қиёсларда маълум бўлади.

Матнлардаги ўзгариш ва фарқлар нафакат сўзларнинг турлича келиши балки, бутун-бутун мисраларда ҳам учрайди. Айтайлик,

¹ Бобурнома..., 266-бет.

“Қилғудек” радифли ғазалнинг иккинчи байти Париж, Лондон ва Ҳайдаробод нусхаларида:

Кўнглумизга жаври беҳад қилди ул номеҳрибон,
Жонима юз минг гаму меҳнатни ҳосил қилгудек –
деб берилган. Истанбулдаги ҳар уч қўлёzmада эса:
Кўнглуму кўзум юзига волиҳу ҳайрон бўлдум,
Жонима юз минг гаму меҳнатни ҳосил қилгудек –
тарзиадир.

Бу ўринда, аввало, қўлёzmанинг қадимиyllиги ва мўътабарлиги нуқтаи назаридан байтнинг биринчи варианти олинади. Иккинчи вариант эса матн остида кўрсатиб кетилади.

Кўлёzmалардаги Бобур шеъларини ўрганиш натижасида деярли ҳар бир шеър юқоридаги каби ўзгаришларга эга эканлиги маълум бўлмоқда. Албатта, бундай фарқ ва тафовутларнинг барчасини девон нашрида бериш тор мутахассислар доираси учунгина фойдалидир. Аммо, улар орқали шоирнинг ижодий лабараториясига матншунослик асосида назар солиш имконияти пайдо бўлади. Шоир лирикасини янада теранроқ тадқиқ этишга омил бўлади. Кейин, матнларни илмий аппаратлар билан таъминлаш, ҳар шеърнинг қўлёzmадаги ўрнини аниқлаш ва ҳар саҳифада фарқларни қўрсатиш жуда ҳам муҳимdir. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қўлёzма нусхалардаги таҳрирларнинг қай бири муаллиф, қайсини котиблар амалга оширгани масаласи ҳам буткул ҳал қилинади, деган иддиодан йирокмиз. Факат қўлёzmанинг яратилиш (кўчирилган) вақтидан келиб чиқиб таҳминий фикрлар билдириш мумкин. Шундай эса-да, йиғма-қиёсий матн давомида Бобур лирикасининг энг нозик жиҳатлари, ўзига хос оригиналлиги, услубнинг ўзгачалиги, сўз қўллашдаги маҳорати, шоирона ўхшатишларнинг гўзаллиги каби сифатларга янада яқиндан ошно бўлиш, танишиш, ўрганиш имконияти яратилади. Колаверса, Бобурдай мумтоз шоиримиз девонининг сахих ва мукаммал матни юзага келади. Унда ижодкорнинг ўзбек ва форс тилидаги барча шеълари илк бора яхлит девон ҳолига келтирилади. Нашр тартиби масаласида анъанавий девон тузилиши бўйича йўл тутилади. Бизнинг ҳисобга кўра ўзбекча жами: ғазал (123 та, 2таси нотамом), маснуъ (2 та), маснавий (14 та), китъя (23 та), туюқ (17 та), фард (104 та), муаммо (57 та), рубоий (222 та); форсча: ғазал (2 та), рубоий (9 та), қитъя (8 та), таърих (1 та), муаммо (1 та), фард (15 та) жанридаги шеъллар бир орага жам бўлади.

Хулоса қилганда, кўзда тутилаётган Бобур девонининг йигмакиёсий матни – шоир лирик меросининг энг тўлиқ жамланмаси бўлиб, анъанавий мумтоз девончилик қоидалари асосида, ишончли қўлёзмаларга биноан тузилганлиги ва матн сахиҳлиги билан шу кунгача чоп этилган бошқа нашрлардан ажралиб туради.

“Сув қасидаси”нинг матни хусусида

Туркий шеъриятнинг энг ёрқин сиймоларидан бири Мухаммад Сулаймон ўғли Фузулий Бағдодий (вафоти ҳ.963 / м.1556 й.) ўзининг серкирра ижоди билан жаҳон адабиёти зарваракларидан ўрин олган. Уч – араб, форс ва туркий тилда баракали ижод қилган бу шоир қаламига мансуб қасидалар ҳам бетакрор бадиияти билан ажралиб туради. Бир сўз билан Фузулийни “қасиданавис шоир” деб ҳам аташ мумкин.

Шоир ижодий меросида қасида жанри чиндан ҳам салмоқли ўринни ишғол этади. Бу қасидаларнинг мавзулари ранг-барангдир. Ҳамд ва наът мавзуидаги асарлардан ташқари шоир замонасининг кўпгина арбобларига ҳам қасидалар бағишлаган. Масалан, усмонли-турк сultonни Қонуний Султон Сулаймонга 1534 йилда Бағдод шаҳрини фатҳ этиши муносабати билан бағишланган “*Келди буржси авлиёйа подиоҳи номдор*” дея бошланувчи қасидаси машхур. Шунингдек, усмонли салтанати давлат арбоблари садри аъзам Мақбул Иброҳим Пошшо, Қозиаскар Абдулқодир Чалабий, Нишончи Жалолзода Мустафо Чалабий, Бағдод ҳокимлари Иброҳим Хон Мусулий, Увайс, Жаъфар, Аёз ва Мухаммад Пошшоларга ҳам қасидалар битган.

Фузулийнинг қасидалари борасида турлича фикрлар билдирилган. Хусусан, унинг “Девони қасоиди форсий” ва факат қасидалардан иборат “Девони арабий”даги асарларнинг бир қисми ҳазрати Али, ҳазрати Ҳусайн, Имом Ризо ва етти имомга бағишлангани учун шоирни шиалик тарафдори сифатида талқин этилган¹ ёки, “Матлаъ ул-эътиқод” асаридаги фикрларига кўра унинг аҳли сунна эътиқодида бўлганлиги таъкидланган².

Шунингдек, проф. Е.Э.Бертельс “Фузулийнинг арабча шеърлари”

¹ Қаранг: Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Низами и Фузули. –Москва, 1962. С.499, 507-508.

² Қаранг: Фузулий. Матлаъ ул-эътиқод. Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад бин То-вит ат-Танжий. Таржимонлар: Асад Жўшон, Камол Ишқ. –Анқара, 1962.

мақоласида айтадики: “Бизнинг таснифга кўра, Фузулий қасидалари мавзу жиҳатидан оригиналлиги билан ажралиб турмайди. Ўша икки образ деярли ҳар бир форсий ва қисман арабий девонларда ҳам узлуксиз тақорланади. Факат, у ёки бу ранглар жилосида гоҳ характер моҳияти билан аниқлашиб, гоҳ сўфиёна нуқтаи назарга яқинлашиб, аниқлигини йўқотади¹”.

Бошқа бир фикрга кўра эса: “(Фузулий) қасидаларида сўз санъатлари, ғазалларида маъно санъатлари ҳокимдир. Ғазаллардаги соддалик қасидаларида йўқ. Қасидаларидағи мохир мутафаккир ва санъаткорлиги шоирлигининг безаги сифатида кўринади. Шунингдек, Фузулий бу тарз билан ҳайратланарли бир маданий бирикимни намоянда сифатида юзага чиқарган. Қасидалари – барча ясалган тошлари кўриниб турувчи меъморий ёдгорлик каби тўрт тарафи обод пластик гўзалликка соҳибdir²”.

Шоирнинг туркий қасидалари чиндан ҳам XVI аср туркий адабиётнинг гўзал намуналари. Улардан “Сабо”, “Гул”, “Ханжар” ва мақоламиз мавзуи бўлган “Сув” радифли қасидалари наът типидаги шоҳасарлар даражасида.

Аслида, Фузулий ижодида наътлар алоҳидалик касб этади. Биргина бу тахлит қасидаларининг сонига диққат этсан, масала ойдинлашади. “Девони арабий”да Фузулийнинг 12 қасидаси ўрин олган бўлса, ундан 3 таси ҳазрати Мұхаммад (сав)га, 2 таси ҳазрати Али (р.а.)га бағишланган наътдир. “Девони қасоиди форсийдаги” 46 та қасидадан эса 4 таси ҳазрати Мұхаммад (сав)га, 15 таси ҳазрати Али (р.а.)га, 1 таси Имом Ҳусайн, 1 таси Имом Ризо ва 1 таси етти имомга бағишлангандир. Шоирнинг туркий девонидаги 27 қасидадан 9 таси наътдир ва улардан биттасигина ҳазрати Алига бағишланган.

Озарбойжон ва усмонли-турк адабиётида Фузулийнинг “Сув” радифли қасидаси машхур бўлган. Кейинги давр турк адабиёт шунослигига ҳам бу қасидага кўп эътибор қилинган.³

¹ Е.Э.Бертельс. Ўша манба, С.511.

² Абдулқодир Қорахон. Фузулий// Islam ansiklopedisi. 13-cilt. -Istanbul, 1996. S.243.

³ Macalanan: Abdulkerim Abdulkadiroglu. Fuzuli'nin Su kasidesi'nden bir beyt serhi // Gazi Eg.Fak.Dergisi. Cilt1, Sayi 1. Ankara, 1985. S.309-314; M.Orhan Soysal. Edebi san'atlar ve taninmasi. -Istanbul, 1992. S.117-144; T.Uzgor. Klasik edebiyatimizin metolojisi ve Su kasidesi'nin ilk beyti hakkında spekullatif bazi gorusler // Istanbul Universitesi Edebiyat fakultesi Turk Dili ve Edebiyatı Dergisi. Cilt XXVIII. 1998. S.531-545.

Қасиданинг тўлиқ номи “Қасидаи дар наъти ҳазрати набавий” бўлса-да, кўпроқ “Сув қасидаси” номи билан машхурдир. Ҳажми 32 байт (64 мисра) бўлган бу қасида арузнинг рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган.

Сочма эй кўз / ашқдан кўнг / лумдаги ўд / лора сув

фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Мавзу жиҳатидан наът бўлган бу асар мукаммал бадиий такомилга эга. Фузулийнинг Расулуллоҳ (с.а.в.)га бўлган мухаббати бутун қирралари билан қасидада намоян бўлиш билан бирга, асар ўғуз туркчасининг бадиият дурдонаси ўлароқ акс этган. Чунки, Фузулий туғилган ва яшаган жой ўғуз туркчаси қўлланилган Йроқнинг туркманлар яшайдиган ўлқасидир. Шу жиҳатдан асар тилида бу лаҳжанинг акс этиши табиий.

Мазкур қасида аввалида, шоир қалбидаги ишқ ва изтироб ўтига кўзёши чора бўлмаслиги билан сўз бошлайди. Сўнгра, ушбу ўтларни ўчиролмаяжак “сув”ни тилга олади. Шундан кейин Фузулий таърифида “сув”нинг ҳолату мақомлари навбати билан келтирилаберади.

Қизиқ жиҳати шундаки, асар мазмун-моҳияти билан наът бўлса-да, Расулуллоҳга мурожаат ва ул зоти шарифнинг сиймоси қасиданинг фақат 16-байтидан васф этилган. Шу ўрингача китобхон лирик мазмун билан танишиб боради, 16-байтдан эса асарнинг асл тийнатига очик ишора қилинган:

Тийнати покини равишан қўлмииш аҳли олама,

Икътидо қўлмииш тариқи Аҳмади муҳторнинг кўрсатган тўғри йўлини

яъни, сув – ҳазрати Аҳмади муҳторнинг кўрсатган тўғри йўлини тутиб пок яратилганлигини бутун олам аҳлига очик кўрсатди.

Қасидадаги бу бурилишни Шарқ шеъриятида “Гуризгоҳ” ҳам дейилади. Яъни асл максадга бурилиш жойи. Шу байтдан кейин “Мадхия” байtlар бошланади, то 30-фаҳрия байтгача, сўнгти 31-32-байtlар шоирнинг ўзи учун битган дуо байtlардир.

Қасиданинг бошланма байти таҳлилига эътибор қилсак:

Сочма эй кўз ашқдан кўнглумдаги ўдлора сув,

Ким бу денглу тутушан ўдлара қилмаз чора сув –

яъни, эй кўз, кўнглумдаги ўтга ашқдан сув сепмагинки, бу янглиф туташган оловга бу сув чора бўлмайди.

¹ Девони Фузулий. Истанбул, Тўпқопи музейи, Равон кўшкни кутубхонаси, 749 ракамли қўллозма, 13^a-14^b вараклар. (Кейинги мисолларнинг ҳаммаси шу манбадан келтирилади.)

Шоир нега бундай кескин, айни дамда тушкун кайфиятда шеърни бошлади. Ваҳоланки, бу қасида инсонларнинг энг хайрлиси, шон-шарафлар тожи пайғамбаримиз (с.а.в.)га бағишлиган-ку?! Ул затга нисбатан эҳтиром ва муҳаббат мисралари билан бошланса бўлмасмиди?..

Фикримизча, айнан шундай ғамгин оҳанг билан, бир караганда бошқа кайфиятдаги асарни ёзаётгандай, қилинган кириш муаллифнинг асл мақсадни ёрқинроқ бериш учун қўллаган бадий усулидир.

Фузулий қасидалари, жумладан, ушбу асар ҳам жумла қурилиши ва баён гўзаллиги билан ажralиб туради. Аввал мақсад айтилади, сўнгра фикр изҳори ва ундан кейин мисол ёки асос келтирилади. Шу тарика, мазкур қасидадаги бадий гўзаллик, ғоявий мукаммалик билан бирга акс этган, дея оламиз.

Маънавий санъатлардан – ташхис, нидо, илтифот, истиора, ташбих, ҳусни таълил; лафзий санъатлардан – тазод, акси муфрад, таносуб иштирокида мазкур байтнинг бадий такомили кўринган.

“Кўз”ни жонлантириб – ташхис; “эй” ундалмаси – нидо; “сочма эй кўз” – илтифот; истиоранинг икки тури – истиора мусаххари мутлақо (1-мисра), истиора мураккаба (2-мисра); “ашк”ни оловга сепиладиган сувга ўҳшатилиб – ташбиҳи муаккад; тўрт унсурдан икки қарама-қаршиси “ўт” ва “сув” – тазод; арабча “эй” ундалмаси тескари ўқилганда яна бир арабча ундалма “йо” ундалмаси чиқади – акси муфрад; “кўз-ашк-сув-сочма, ўт-тутушан” – таносубдир. Буларнинг ҳаммаси йигилиб, яъни тўқилиб сочилган кўз ёшларини бир мақсадга – кўнгилдаги оловни тиндириш, сўндириш асносига йўналтириб ифода этилишининг бир яхши сабабга боғланиши нуқтаи назаридан – ҳусни таълил.

Шоир бутун қасида давомида юқоридаги каби санъатлар ёрдамида ўз фикрларини изоҳлабгина қолмасдан, ўқувчини ишонтира олган. Ушбу асардан ҳазрати пайғамбаримизга бўлган чексиз муҳаббат ва унинг моддий оламдаги кўриниши оддий сув тимсоли орқали очиб берилган. Мисол, 25-байт:

Зикри наътина дардина дармон билур аҳли хато,

Ўйлаким, дафъи хумор учун ичар майхора сув –

яъни, наътинг зикрини хато аҳли (гуноҳкорлар) ўз дардларига дармон деб биладилар; бу шунга ўҳшайдики, маастлар сархушликдан сўнг хуморни сўндириш учун сув ичганларидек.

Ушбу байтдаги фузулиёна ифода кучи дунёвий воқеотни ўринили мисол қилиб, гўзал тарзда баён этилганлигидадир. Албаттаки,

байтдаги ташбих, лаффу нашр, хусни таълил таносуб санъатлари бу мақсадни амалга оширишга катта хизмат қилган.

Қасиданинг 30-байтида Фузулий ўз назмидан фаҳр туяди. Буни «фаҳрия» ёки «тож» байт ҳам дейиш мумкин:

Йаммни наътингдан гүҳар ўлмиши Фузулий сўзлари,

Абри найсондан дўнантек луъ-луъи шаҳвора сув –

яъни, наътинг денгизида Фузулий сўзлари гавхар бўлди, абри найсондан (бир томчи) сув луъ-луъи шаҳворга айланиб қолгандек.

Гўёки, найсон булутидан тушган томчи инжуга айланиб шараф топгандек, Фузулийнинг сўзлари ҳам пайғамбар (с.а.в.)ни улуғлаш билан баракотланди.

Шоир бу ўринда ўз сўзларини гавхарга ўхшатиб ташбехи муakkад санъатини қўлляяпти. Дастрлабки мисрада “йаммни наът”, “гуҳар” ва “Фузулий сўзлари”ни сиралаб, кейинги мисрада уларга маънода тенглаштириб “абри найсон”, “луъ-луъи шаҳвон” ва “сув” келтириб лаффу нашри мураттаб санъатини ишлатган. Шунингдек байтда яна талмех, хусни таълил ва таносуб санъатлари ҳам бор.

Хулоса қилганда, Фузулийнинг бу қасидаси ўзининг бадиияти, ғоявий қўламдорлиги ва матн хусусиятлари билан туркий қасида-чиликнинг энг гўзал намуналаридан биридир.

Навоий даври девончилигининг XIX аср Кўқон адабий мухитига таъсирига доир

Девон – мухим адабий манбалардан ҳисобланади. Навоий асридаги девон ва девончилик анъаналари кейинги асрларда ҳам давом этиб келган. (“Девончилик” деганда “девон тузиш”, “девон тартиб бериш” ва “девон тасниф этиш” кўзда тутилмоқда.) Аввало, XV аср биринчи ярмида аникроғи, Навоий адабий гигантини юзага чиққунигача ҳам туркий шеъриятни, том маънода, шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар – Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Гадойй, Атоий ва Лутфий, дейиш мумкин. Уларга мансуб девонларнинг жанрий таркиби ва ҳажмига кўра таснифи эса давр девончилиги ҳақида тасаввур берувчи жиҳатлардан биридир. Мисол учун, Ҳофиз Хоразмий девонининг ягона қўлёзма нусхаси¹ тўққиз

¹ Девони Ҳофиз Хоразмий ба забони туркий. Ҳиндистон, Ҳайдаробод Салоржон музейи қўлёзмалар фонди. 4298 ракамли қўлёзма. (Қаранг: Ҳофиз Хоразмий. Девон. 2 китоб. Нашрга таёрловчилар: Ҳ.Сулаймон ва Ф.Сулаймонова. –Тошкент, 1981.)

лирик жанр (ғазал, мустаҳзод, мухаммас, таркиббанд, таржеъбанд, қасида, маснавий, қитъа ва рубоий)дан иборат бўлиб, унда ғазал етакчилик қиласи (1052 та). Саккокий девони эса кичикроқ ҳажмли ва икки нусхада¹ бўлиб, у ғазал (54 та) ва қасида (7 та)дан иборат. Гадоий девонининг бир қўллёзмаси² бор ва унда ғазал, мустаҳзод, қасида ҳамда қитъалар ўрин олган (жами: 237 та). Факат бир лирик жанр – ғазал (умумий ҳажми 1718 байт) асосида тартиб берилган Атойи девонининг қўллёзмаси³ ҳам битта. Улар орасида факат Мавлоно Лутфий девонининг нусхалари кўп бўлиб, фанга 34 таси маълум (улар XVI асрнинг биринчи ярмидан, то 1935 йилгача бўлган вақт оралиғида кўчирилган).⁴ Бу эса, Лутфий ижодиёти, замондошлиридан фарқли равишда, нафақат ўз даври ҳатто, кейинчалик ҳам машхур бўлганига далолат қиласи. Мазкур жиҳат XIX аср Кўкон адабий муҳитида ҳам ўз аксини топган [айтайлик, муҳит шоиrlарининг Лутфий ғазалларига тахмислари (Амир 4 та, Хон 2 та, Жалолий, Адо, Муҳаййир ва Қорий биттадан)].⁵ Лутфий девонида эса 450 дан ортиқ шеър бор (ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард ва қасида).

Шу ўринда, темурийлар хонадонида ҳам девон тартиб бериш анъанасига алоҳида эътибор берилганини айтиш керак. Навоий “Мажолисун-нафоис”да темурий шаҳзода-хукмдорлардан Халил Султон, Сайд Аҳмад Мирзо, Шоҳ Фарид Мирзо ва Султон Ҳусайнинг девони ҳақида маълумот беради.⁶ Ҳусайнин (Султон Ҳусайн

¹ Девони Саккокий. Британия музейи қўллёзмалар фондси. 2079 ракамли қўллёзма; Девони Саккокий. Беруний номидаги ШИ фондси, 7685 ракамли қўллёзма.

² Девони Гадо. Париж Миллий кутубхонаси қўллёзмалар фондси. 981/II ракамли қўллёзма. 96⁶-161^a вараклар. (Каранг: Гадоий. Девон. Нашрга тайёрловчи: Э.Аҳмадхўжаев. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973; Гадоий девонининг лугати ва матни. Нашрга тайёрловчи: М.Рустамов. –Тошкент, 2007.)

³ Девони Шайхзода Атойи. Россия ФА ШИ С.Петербург бўлими қўллёзмалар фондси. 22B-2456 ракамли қўллёзма. (Каранг: Девони шайхзода Атойи. Нашрга тайёрловчи: С.Сайфуллоҳ. –Тошкент: Фан, 2008.)

⁴ Э.Аҳмадхўжаев. Лутфий асарлари қўллёзмаларининг каталоги. –Тошкент, 1987.

⁵ Лутфий девонининг Кўконда кўчирилган ўндан ортиқ нусхалари мавжуд (каранг: Лутфий асарлари қўллёзмаларининг каталоги, 22-, 24-, 30-, 33-, 36-37-, 45-, 49-, 52-бетлар).

⁶ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 13-т. Мажолисун-нафоис. –Тошкент: Фан, 1997. 166-, 168-, 170-, 173-206-бетлар. Асарда “назм зеб ва зийнат итмо-миди абнои жинска максуд” деб таърифланган Султон Масъуд Мирзо ҳам девон тузган. Унинг (Султон Масъуд Мирзо Шоҳий. Девон. Нашрга тайёрловчи: А.Абдуғафуров. –Тошкент, 2001), Ҳусайн Бойқаро (Девон. Рисола. Нашрга тайёрловчи: С.Фаниева, Ш.Абдуллаева. –Тошкент, 1968; Рисола. Девон. Нашрга тайёрловчи:

Бойқаро) қаламига мансуб девон қўлёзмасининг ҳам хозирча 21 нусхаси маълум.¹ Бу девонда ғазал (202 та), мухаммас (2 та), рубойй (6 та) ва фард (3 та) ўрин олган.

Ушбу давр шеъриятидаги етакчи ғоявий-бадиий жиҳат хақида сўз юритилар экан, аксар тадқиқотчилар асос мавзуу ошиқлик лирикаси, тўғрироғи, дунёвий муҳаббат бўлганилигини таъкидлайдилар.² Аммо кейинги йилларда тасаввифий-ирфоний масалалар ҳам бу давр шеърияти учун ёт бўлмаганлиги айрим ишларда билдирилмоқда.³

Умумкўламда XV аср туркий девончиликда қуидаги жиҳатлар акс этган:

1. Девон тузишда Шарқ (араб, форс) девончилик анъанасини тўла ўзлаштирган ҳолда девон тартибига эътибор берилиши;
2. Жанрлар ранг-баранглигигига интилиш, аммо, ғазалнинг етакчи жанр сифатида ўрин эгаллаши;
3. Аксар девонларда ҳажмнинг у кадар катта эмаслиги;
4. Ишқий лирикага эътиборнинг кўчайиши, хусусан ғазалларда;
5. Бадиият борасида ўзига хосликка эриша билганлик ва туркий назм балогатининг форсий шеърдан қолишмаслигини кўрсатишга интилиш;
6. Тил жиҳатидан туркий сўзларни кўпроқ қўллашга ҳаракат қилиш.

Айнан шу ва яна бошқа бир қанча жиҳатлар ривожлантирилган ҳолда Амир Алишер Навоий девонларида давом этди. У, нафакат

А.Эркинов. –Тошкент, 1995) ва Шоҳ Фарид Мирзо Ғарифийнинг (Девон. Нашрга тайёрловчи: Ш.Ёрқин. –Тошкент, 2001) девонлари чоп бўлган.

¹ T.Yıldırım. Hüseyin Baykara divanı (metin, inceleme, dizin). Doktora tezi. –Ankara, 2002. S.10-12.

² Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб..., 374-385-бетлар; Э.Р.Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV века. –Москва, 1963; С.Эркинов. Лутфий. –Тошкент: Фан, 1965; Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. –Тошкент: Адабиёт санъат, 1969. 30-85-бетлар; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 1-том. –Тошкент: Фан, 1977. 236-242-бетлар; Э.Ахмадхўжаев. Мавлоно Лутфий. –Тошкент: Фан, 1991; Ўша муаллиф. Туркий назмнинг сехгари. –Тошкент: Фан, 1992; А.Хайитметов. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997; А.Абдугафуров. Темурийлар ва ўзбек адабиёти равнаки. Тўрт макола// Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. №5-8. –Тошкент, 2000-2004.

³ С.Рафъиддинов. Мажоз ва ҳакиқат. –Тошкент: Фан, 1994; Д.Салохий. Мавлоно Лутфий ва туркий шеърият тараққиёти// Мавлоно Лутфий шеърияти ва давр адабий муҳити муаммолари. Тўплам. –Самарқанд, 2010. 9-бет.

туркий балки, жаҳон девончилигининг ҳам энг ёрқин ва мукаммал намунаси бўлмиш асарларини яратди.

Қайтариқ бўлса-да таъкидлаш жоизки, фанга “Илк девон” номи билан машҳур биринчи девони шоир ҳали 24-25 ёшда экан мухлислар томонидан тузилган. Девоннинг гўзал хуснихатли, муҳташам ягона кўлёзмаси “хаттотлар султони” – Султонали ибн Муҳаммад Машҳадий томонидан х. 870 / м. 1466 йилда китобат қилинган.¹ (1471 йил оққуонлилар ҳукмронлигида мухлислар тарафидан Шерозда тузилган девон ҳақида сўнгти йилларда маълум бўлди.²)

Кейинчалик, “Бадоеъул-бидоя” ва “Наводирун-ниҳоя” номлари остида Навоий мумтоз девонлар тузди (1480-йиллар). Бу икки яратма ўз даври девончилигининг энг яхши намуналаридан саналсада, бироқ девон тузишнинг мукаммал ўrnаги сўzsиз маънолар ҳазинаси – “Хазойинул-маоний”дир. Мажмуя “Чор девон” (Тўрт девон) деб ҳам юритилади. Навоий “Хазойинул-маноий”ни (илк таҳrir – 1492 йилгача ёзилган бутун лирик шеърлар), ўз хаёти мисолида, инсон умрини тўрт фаслга бўлиб, ҳар фаслга бир девон бағишлиб, таснифот қилган. Улар – “Фаройибус-сигар”, “Наводируш-шабоб”, “Бадоеъул-васат”, “Фавойидул-кибар”дир. “Хазойинул-маоний”нинг иккинчи – сўнгти ва тўлиқ таҳрири муаллиф томонидан 1498 йилда амалга оширилган. “Бадоеъул-бидоя” ва “Хазойинул-маоний” дебочаларида шоир шеър ёзиш ва унинг қонуниятлари, бадиият ва унинг унсурларини билдириш билан бирга девон тузиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳам бирмунча маълумот беради.³

Шунингдек, ушбу девонлар ўз тузилиш хусусиятлари билан девончилик анъанасини бойитди. Нафакат бойитди, балки, бу ижод намунасининг энг юкори, гўзал ва муҳташам тимсолини ҳам яратиб, ҳам кўrsатиб берди. Албатта, унинг ўзига хос жиҳатлари кейинги даврлар адабиёт аҳлини эътиборсиз қолдирмаган ҳамда XVI-XIX асрларда бу асарлар девон тузишнинг ёрқин бир дастури ўлароқ хизмат қилган. Шу жиҳатдан ҳам давр адабиётининг

¹ Алишер Навоий. Илк девон. Факсимил нашр. Тайёрловчи: проф. X.Сулаймон. –Тошкент: Фан, 1968.

² А.Эркинов. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девон // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012. №1. 8-16-бетлар.

³ Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-т. Бадойиъул-бидоя. –Тошкент: Фан, 1987. 11-25-бетлар; Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-т. Хазойинул-маоний. Фаройибус-сигар. –Тошкент: Фан, 1988. 9-22-бетлар.

бу нодир намуналари беш аср давомида жуда кўп маротаба энг мохир хаттотлар¹ томонидан хусниҳат билан китобат қилинди. Мавзу эътибори ила XV аср девончилигининг бу тахлит анъана ва таъсирини XIX аср ўзбек шеърияти, хусусан Кўқон адабий муҳитида юз кўрсатишига дикқат этсак.

Мумтоз адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутган мазкур муҳитда туркигўй қалам ахлидан уч ижодкор – Лутфий, Навоий ва Фузулий этапон ҳисобланган. Алоҳида билдириш керакки, Алишер Навоий адабий таъсирининг қуввати ортиқроқ. Шоир шеъриятининг ўзига хос ўрни, санъат ва бадиий жозибасидан таъсирланиш ҳам адабий муҳит ижодкорларида сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, муҳит шоирлари учун Амир Навоий бадиият устаси, қалом соҳири ўлароқ тимсолланиб қолган, дейиш ўринли. Баъзи далиллар:

I. Кўқон хонлари Ўрта Осиёдаги бошқа хукмдорлардан фарқли ўлароқ ўз шажараларини темурийларга боғлаганлар (Олтин бешик воқеаси). Темурийлар даврининг икки улуг адабий сиймоси – Лутфий ва Навоий асарлари Кўқон хонлари наздида юксак эътиборга сазовор бўлиб, уларнинг энг нодир нусхалари хазинадан ўрин олганди.² Навоий девонлари кутубхоналар, элчилик совғалари ва мамлакат бўйлаб тарқатиш учун маҳсус кўчиртирилган. (Мисол учун, Умархон жамлатган “Муҳаббатнома” ҳакида аввалроқ тўхталдик.) Ёки, Муҳаммадалихон буйруғи билан Навоий, Фузулий ва ўз шеърлари ўрин олган безакли мажмуа дебочасида таъкидланадики: “...Ва бу султони олиқадрнинг (Муҳаммадалихоннинг) муборак хотирига барча мусанифотлардин девонлариким алфози туркий билан тасниф тобган бўлса марғуброқ эди. Ва бу навъ девонлардин

¹ Улар – Султонали Машҳадий, Адбулжамил котиб, Дарвеш Муҳаммад Токий, Али Ҳижроний, Давлатшоҳ ибн Ҳусайн Калта Сарахсий, Ризокули ибн Мустафоқули, Муҳаммад Мусоҳожа ибн Саййид Аминхожа Ҳусайнний, Муҳаммад Олим ибн Охунд Домулло Муҳаммад Шариф, Муҳаммад Латиф ибн Муҳаммад Шариф, Муҳаммад ал-Мусавий, Абдураҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий, Ҳожаниёз ибн Мулло Муҳаммад Мўъмин Қулихожа, Абдулмўъмин ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий, Мулло Муқим Самарқандий ибн Уста Бобоҷон, Муҳаммад Юсуф қабилар

² Мисол учун, Султонали Машҳадий томонидан хусниҳат билан кўчиртилган бир зийнатли Навоий девонида Амир Умархон муҳри борлиги ва у хон кутубхонасида сақлангани ҳакида юқорироқда тўхталдик.

хусусан мусаннифоти жаноби Амири кабир ҳазрат Амир Алишер жсаннатмасир ва девони дони аржуманд Фузулии хирадманд маҳбуброқ эди... ”¹

Англашиладики, Мухаммадалихон ҳам Навоий ижодиётига кўпроқ эътибор қаратган, ҳатто кенг миқёсда тарғиб ҳам этган. Бунинг исботи эса, 1838 йилда унинг маҳсус фармойиши билан “Хазойинул-маоний” 300 нусхада кўчирилиб хонликнинг турли шаҳарларига жўнатилганидир. Ана шу девон нусхаларидан намуналар кўлёзма фондларимизда сақланиб қолган.²

II. Навоий назмининг бадиияти таъсирида манзумалар битилгани ва қатор шеърларига жавобия ва тахмислар яратилиши адабий қонуниятга биноандир. Навоий девонларидан ўрин олган ўнлаб дилбар ғазалларга кўқонлик шоирлар томонидан ҳам муносиб тахмислар боғланган. Мисол учун, Амир Умархон 25 мухаммас қилган³. Яна, Фазлий, Нодира, Увайсий, Фано, Мухъий, Муқимий, Фурқат, Корий, Мухаййир, Завқий каби ўнлаб шоирларни санаш мумкин. Ўрнак учун, Амирнинг Навоий газалига бир мухаммаси мактаъи:

*Кел эй, жону кўнгил боргил Амир сори сойил бўл,
Тахаййур ихтиёр айлаб, жамолига муқобил бўл,
Қаро шомимни ёрутти юзи ойи зулфи ҳойил бўл,
Навоий азм кўйин эт, юзу қаддига мойил бўл
Ки, боз этмас мани хушидил, гул асрру айламас хуррам -*

Санъаткорлик билан битилган ушбу мисралардан Умархон Навоий шеъриягининг бадиияти ва гоявий оламига нечоғлик тўғри йўл олабилганини илғаш мумкин. Салаф шеъриятидаги бадиий пафос, рух, образлар олами ва энг мухими соғ навоиёна тил унсури халаф томонидан изчил сақланган ҳамда гоявий-бадиий шукухи ортирилган.

Албатта, бу ўринда мавзуни тўлаконли қамраб олиш мушкул ва уни яна бошқа масалалар доирасида давом эттириш мумкин. Лекин, юқоридагилардан хулоса қилганда, темурийлар, аникроғи Навоий даври девончилигининг Кўқон адабий мұхитига мансуб девонларга таъсири кўйидаги жиҳатларларда яққолроқ кўринади:

¹ Мажмуя. Россия ФАШИ С.Петербург бўлими кўлёзмалар фонди. D400 раками кўлёзма, З^{a-b} вараклар.

² Хазойинул-маоний. ЎзР ФА ШИ фонди 1230, 1709, 7409, 7864 ва шу фонд X.Сулаймон бўлими 1261 раками кўлёзмалар.

³ Каранг: О.Жўрабоев. Амирийнинг Навоий ғазалларига тахмислари хусусида // Филология масалалари. 2005. №2-3. 21-27-бетлар.

1. XV аср туркий девончилигига акс этган бир қатор жиҳатлар деярли ўзгармаган ҳолда XIX аср Кўконда яратилган девонларда ҳам намоян бўлган. Айрим жиҳатлар эса ривожланди. Жумладан:

а) девонлар ҳажм салмоғи ортганида (Амир, Нодира, Азимий, Фано, Муқими, Мұхайир, Қорий, Мұхсиний девонлари каби);

б) ишқий лирика билан бирга ижтимоий воқеълик акс этган шеърларнинг пайдо бўлиши, ҳажвиётга ургу берилиши (Махмур, Муқими, Завқий, Мұхий, Мұхсиний, Ёрий каби шоирларда).

2. Адабий мухит энг гуллаган вакт (1810-1840-йиллар)да XV аср адабиётининг икки улуғ намояндаси – Навоий ва Лутфий доимо хонлар диккат марказида бўлган (Умархон, Мұхаммадалихон); темурий хукмдорлар каби девон тузишга хон хонадони алоҳида эътибор билан қараган (Амир, Нодира, Хон).

3. XVIII–XIX асрлар давомида Кўкон шаҳрида яшаб ижод қилган ўнлаб хаттотлар Навоий асарларини гўзал хат билан бунёд этган¹; шу билан бирга муаллифнинг бошқа асарларига нисбатан ҳам ортиқроқ ададда девонларининг бир неча ўн нусхалари Кўконда кўчирилган².

4. Адабий мухитда Навоийнинг ғазалларига юзлаб тахмису назиralар битилган (Ғозий, Амир, Нодира, Увайсий, Муқими, Фурқат, Қорий, Мұхайир, Завқий ва бошқ.); Лутфий шеъриятига муносабат ҳам жуда яхши бўлганлигини унинг ғазалларига қилинган тахмислар ва девонининг Кўконда кўчирилган бир

¹ Бу хақда қаранг: А.Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Тошкент: Фан, 1971; М.Ҳакимов. Алишер Навоий асарларини кўчириган хаттотлар. [Бизнинг ҳисобимизда улар – Мулло Абдунаbihон қози, Мулло Азиз ибн Мулло Жоруб, Аваzберди ибн Тилов Мұхаммад Бешарикий, Мулло Рўзи котиб, Мирзо Мұхаммад Назар, Турсун Мұхаммад, Мирзо Раҳимқул, Мұхаммад Юсуф, Бобо Мир Мирзо, Абдулғаффор Хўқандий, Мирзо Али Хўқандий, Мұхаммад Шариф Дабир, Мулло Саримсок Хўқандий, Мулло Мұхаммад ибн Мулло Ашур Мұхаммад Хўқандий, Мулло Мұхаммад Юсуф ибн уста Қаландар, Мұхаммад Тохир ибн Мулло Тангриберди, Ниёз Мұхаммад, Абуғозихожа ибн Тўраҳожа Ҳусайний Хўқандий, Мулло Исмоилхожа ибн Мұхаммад Шарифхожа, Каримжон ибн Раҳимжон, Мұхаммад Хўқандий, Мулло Мираёнб ибн домла Мирсаид Шариф Масихойи, Сулаймонқул Суярқул ўғли Рожий Хўқандий, Юнусжон Дадамухаммад ўғли Оғалиқ Хўқандий, Носиржонҳожи Хўқандий.]

² Қаранг: О.Жўрабоев. Навоий девонларининг Кўкон нусхалари ва уларнинг баъзи хусусиятларига доир// Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти. Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Тошкент: O’zbekiston, 2011. 132-134-бетлар.

неча гўзал нусхалари тасдиқлайди (*Муҳаббатнома*, 407^а-432^а варақлар).

5. XV аср шеъриятидаги бир қанча образ, ўхшатиш, ўзига хос тасвирлар кўқонлик шоирлар (Ғозий, Амир, Нодира, Увайсий, Фано, Муқимий, Муҳаййир, Фурқат ва бошқ.) ижодида кузатилади.

6. Кўқонда тузилган ва тартиб берилган ўнлаб қўлёзма баёз ва мажмуаларда ҳам темурийлар даври шоирларининг шеърларига кенг ўрин берилган. (Мисол учун, Муҳаййир томонидан китобат килиниб, Фурқатга ҳадя этилган бир баёзда¹ Лутфийнинг 20 тағазали кўчирилган. Ёки, Навоий шеърлари кирган юздан ошик Кўқон баёзлари сақланган².)

Бир сўз билан айтганда, Навоий давридаги туркигўй ижодий меросга муҳаббат, хурмат ва эътибор Кўқон адабий муҳитида юксак даражада сақланиб қолди; мумтоз девончиликнинг энг ёрқин намунаси сифатидаги Навоий девонлари эса XIX аср Кўқонда тартиб берилган девонларнинг тузилишида ҳам муҳим роль ўйнади; лирик жанрлардаги асарларда ўзига хос анъаналарнинг сақланиб қолишида муҳим омил бўлди.

XIX аср ирфоний девонлари ва уларнинг матнига оид бир жиҳат

“Ирфон” (*ирфанун*) – аслида «арафа» сўзидан бўлиб, “билим” ва “билиш” маъноларида келади.³ Шунингдек, “англамоқ, тажриба ва закодан ҳам юқори бўлган зеҳний камолот” мазмуни ҳам бор⁴, яна бири “икрор”дир. Фанда эса кўпроқ “Тангрини илм ила танимок” мазмуни билдирилади. Шунга кўра, илоҳий маърифатга чақирувчи ва уни тараннум этувчи шеърият – “ирфон шеърияти” атамаси билан юритилиб, тарих давомида ирфоний мазмундаги асарлар яратган шайху шоирлар ҳам кўп ўтган. Кўқон адабий муҳитидаги ана шундай ижодкорларга тўхталсак.⁵

¹ Кўлёзма баёз. (Рақамсиз.) ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи, Ўзбекистон ёзувчилари архиви, Фурқат фонди.

² Улар ЎзР ФАШИ, ЎзР Давлат адабиёт музейи ва Кўқон адабиёт музейи фондларида сақланади.

³ Ах-На’йм. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент, 2003. 534-бет.

⁴ Исломий, илмий, адабий, фалсафий Янги Луғат. –Истанбул, 1992. 445-саҳифа.

⁵ Муҳитдаги тасаввуф адабиёти ҳакида қаранг: А.Джурабаев. К вопросу о Суфий-

Мазкур мұхит асосан XIX асрда кенг күламда равнақ топған бўлса-да, XVIII асрда ҳам унга мансуб Акмал, Шўхий, Жазбий каби забардаст шоирлар етишиб чиққан эди. Улардан бири “Низомий Хўқандий” номи билан адабиётимиз тарихида маълум¹, лекин ҳаёти ва адабий мероси ҳануз изчил ўрганилмай келинаётган ирфоний асарлар муаллифицир. У ҳақда “Тазкираи Қайюмий”² ва “Кўқон тарихи ва унинг адабиёти”³ асарларидағина бирмунча маълумот берилган.

Низомий Хўқандий – “...буюк олим, шайх ва шоир... *Foym фақир дарсгўй* эди. *Тасаввуфга оид форсча бир китоби ҳамда 300 газал ва мухаммаслардан иборат бир култиёт девони... машҳурдир*”. Тасаввуфга доир шеърий асари – “*Мажмуатул-мақосид*” (Максадлар мажмуаси) бўлиб⁴, афсуски, у ва юкорида таъриф этилган девоннинг тўла нусхаси ҳозирча топилган эмас. [1910 йилларда шоир ва моҳир хаттот Рожий Хўқандий хўжандлик бир киши учун мазкур асардан бир нусхани ҳусниҳат билан кўчириб бергани ҳақида маълумот бор.] Шунингдек, ундан айрим парчалар баъзи кўлёзмаларда учрайди. Лекин асарнинг тўлиқ нусхаси ҳануз маълум эмас. Фақат, бир неча шеърлари баъзи кўлёзма баёз ва мажмуаларда, шунингдек, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентда босилган айрим тошбосмаларда учрайди. Фурқат (1859-1909) ҳам ўз кўлёзмасида унинг 13 байт газалини ҳушнат билан кўчирап экан “Аз Шайх Низомиддин валий” дея сарлавҳа қўйган.⁵ (Яна бошқа айрим манбаларда ҳам “Шайх Низомий” тарзida келади.)

Шу ўринда, бу шоирнинг туғилган ва вафот санасига аниқлик киритишга эҳтиёж сезилади. Пўлатжон домла дастлаб унинг x.1122

ской литературы XIX века (на основе источников Кокандской литературной среды)/ Arasan Sosyal Bilimler Enstitusu ILMI DERGISI. 2008, №5-6. С.227-230; О.Жўрабоев. Кўқон адабий мұхитида яратилган тасаввуфий асарлар/ Республика ёш олимлар илмий тўплами. –Тошкент, 2008. 29-31-бетлар; Ўша муаллиф. Нақшбандия ва Кўқон адабий мұхити/ Бахоуддин Накшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. –Бухоро, 2008. 74-77-бетлар.

¹ А.Қаюмов. Кўқон адабий мұхити. –Тошкент: Фанлар академияси, 1961. 50-54-бетлар; В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 73-бет.

² П.Д.Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. –Тошкент: ЎзР ФАҚИ, 1998. 105-107-бетлар.

³ П.Қайюмов. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. –Тошкент: Tamaddun, 2011. 304-305-бетлар.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Тазкираи Қайюмий..., 105-бет; Кўқон адабий мұхити. 50-бет.

⁵ Фурқат мусаввадаси, 90^а варак. ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи, Фурқат фонди.

(м.1710-11) йилда вафот этган,¹ дейди. Академик А.Қаюмов ҳам шу маълумотга бинонан 1121/1709-10 санасини беради². Бироқ, кейинчалик П.Қайюмий ўз тазкирасида тузатиш киритиб: “...Қачон туғулгани маълумимиз бўлмади... 1800-йилда ижоди ривожда экани, XVIII асри мелодийнинг охиридаги шоиrlардандур...” деган мулоҳазани баён қиласиди³.

Бизнингча ҳам, шу сўнгги тўхтам тўғрироқ. Чунки, Низомийнинг вафот санаси дея кўрсатилган рақам аслида “1122” эмас, “1222”дир. [Низомийнинг бобоси Хожа Имло 1162/1748 йилда вафот этганлиги ҳам айнан “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти”да таъкидланган (305-бет). Шундан келиб чиқиб, мантиқан қараганда ҳам бу вафот санаси 1122 йил бўлиши мумкин эмас. Агар 1222 бўлса домланинг кейинги фикри асосланади.] Ҳ.1222 (м.1807) санаси Қўқон хонлигига Олимхон хукмронлик қилаётган (1800-1810) даврга тўғри келиб, аниқликни бошқа маълумот ҳам тасдиқлади. Мисол учун, бир ўринда “Самарқанддан халифа Сиддиқнинг бу кишининг (Низомидин Хожсанинг – О.Ж.) зиёратига келгани, машҳур халифа Ҳусайн, ул вақтда ёш эканлиги, бирга келгани, Эшони Богдорнинг илтифотига мазҳар бўлгани...” айтилади.⁴ Халифа Ҳусайн эса XVIII-XIX асрнинг биринчи чорагида машҳур бўлган шайх Ҳусайн ибн Юсуф Янгиқўргоний-Бухорий бўлиб, у х.1168 (м.1754) – х. 1250 (м.1834) йиллар орасида яшаган зот.

Демакки, Шайх Низомий XVIII асрнинг биринчи ярмида туғилган ва х.1222 (м.1807) йилда Қўқонда вафот этган (қабри Сармозорда).

У Бухорода таҳсил олиб келгач, мансабларда бўлмаган ва умрини ҳалол меҳнат – боғдорчилик билан кечирган. Ўз даври ва кейинча ҳам ҳалқ орасида “Боғдор бобо” ёки “Эшони боғдор” нисбаси ила машҳур бўлган бу зотнинг тўлиқ исми – Низомиддин Хожа ибн Мухаммад Амин Хожа ибн Мухаммад Боқир Хожа эшон. Номлари санаалган бу зотлар ўз навбатида силсилавий равишда хожагон-нақшбандия сулукини тебратган пирлардир. Низомийнинг бобоси Мухаммад Боқир эса бухоролик машҳур шайх ва шоир Ҳабибуллоҳ Хожа Имлои Бухорийнинг ўғлидир. Шоир Низомийнинг бир фазалида ҳам шунга ишора бор:

¹ Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти..., 305-бет.

² Қўқон адабий мухити. 50-бет.

³ Тазкираи Қайюмий..., 105-бет.

⁴ Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти..., 304-бет.

Биҳамдиллаҳки, жаддим муршиидим – Шайх Ҳабибуллоҳ

Хожам бор...¹

Низомиддиннинг фарзандлари – Камолиддин Ҳожа, Довуд Ҳожа, Тўра Ҳожа ва бир қизидан замонасининг улуғ кишилари етишиб чиққан.² Ана шу авлодга мансуб “Жалолий” ва “Азимий” тахаллуслари билан ижод қилган Муҳаммад Жалолиддин Ҳожа ва Азим Ҳожа эшонлар нафақат ўзаро ҳамфикр ирфон шоири, балки ҳампир ва ҳамсабақ, бир умрлик вафодор дўст ва қадрдан ҳам бўлишган.³ Улар деярли тенгқур бўлишиб, тахминан 1770 йилларда Кўконда туғилганлар. Жалолиддин Ҳожа x.1261 (м.1845) йилда Қудаш қишлоғида вафот этган (қабри Ёрбошида). Азим Ҳожа эса 1263 (1847) йилда Кўконда вафот этган (қабри Сармозорда).

Бўлажак шоирлар дастлаб боболари Низомиддин Ҳожа қўлида илм олишади. Сўнгра, Кўкон мадрасаларида, кейинчалик эса боболарининг изни билан Бухорога бориб, халифа Ҳусайнга мурид тушиб, бир неча йил тасаввуф ва мадраса таҳсилини кўрадилар. Икки дўст пирдан ижозат (иршод)ни ҳам баробар олиб, Кўконга қайтадилар.⁴

¹ Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти..., 305-бет.

² Довуд Ҳожанинг ўғли Сулаймон Ҳожа эшон Кўкон хонлигига шайхул-ислом вазифасида ишлаган. Унинг ўғли Сафохон тўра Худоёрхон бошқаруви йилларида машҳур ва эътиборли шайх бўлган. Унинг ўғли Исоҳон тўра ҳам хонликнинг шайхул-исломи мартабасини эгаллаган. Камолиддин Ҳожадан эса яна бир улуғ ирфон шоири – Жалолиддин Ҳожа каби фарзанд дунёга келган. Низомиддин Ҳожа қизини замонасининг яна бир нақшбандия шайхи, “Мавлавий Наманганий” номи билан танилган, Мулла Ҳожа эшонга беради. Ўз навбатида Мулла Ҳожа эшон Кўкон шаҳрида муқим бўлиб қолади ва бу кутлугу никоҳдан келажакда “Азим Ҳожа эшон” номи билан машҳур бўлган шайх ва шоир дунёга келади. Яна бир маълумотга кўра эса Азим Ҳожанинг отаси Бузрук Ҳожа дейилади. Бузрук Ҳожа эса Низомиддин Ҳожанинг укасидир. Аммо нима бўлса-да, шуниси аниқки, сўзимиз мавзуи бўлган ҳар икки шоир ҳам тенгдош ва якин қариндош бўлиб, улар Низомиддин Ҳожага шажаравий боғланадилар. Келгусида бу масалага янада батафсилоқ аниқлик киритишга ҳаракат қиласиз.

³ Қаранг: О.Жўрабоев. Ирфон шеъриятининг сулолавий намояндлари/ Шарқ юлдузи. 2009, 2-сон, 164-171-бетлар; Яна, бир энциклопедик луғатнинг “Азимий” мoddасида ҳам шоир ҳақида баъзи маълумотлар берилган (каранг: Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 4. –Москва, 2003. С.7.)

⁴ Кўконга қайтаётгандарига эса Ҳиндистондан нақшбандия-мужаддиия тарикати бошчиси Имом Раббоний авлодларидан тўрут нафари Муҳаммадалихоннинг (1822-1842) таклифига кўра Фарғонага кириб келгани маълум бўлади. Улардан

Улар ҳам бир умр ҳалол кун кечирадилар ва ҳалқ ўртасида бу пирзодаларнинг обрў-эътибори ниҳоятда юксак эди. Азим Ҳожа кейинчалик Қатагон даҳаси Ҳайдарқул маҳалласида зикр мажлиси ўтказиладиган бир хонақоҳ барпо этган. У Жалолий вафотига багишланган “Айрилдим” радифли марсия-мусаддасида қиёматли биродарини “улуғ, ортуғ, ақа” деб эъзозлайди, “Хисрави шайхи замон, муршиди соҳибқирон, сарвари сархайл маҳдум зодагон” дея алқайди.¹ Ўзи эса умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолади.²

Ҳар икки набира пир-бобоси – Низомиддин Ҳожа номини фахр билан тилга олади. Масалан, Жалолий ҳикмат йўлидаги 13 банд шеърининг ҳар банди охирида “*Пирим Шайх Низомиддин мадад қилсун...*” мисраини қайтариқ қилса³, Азимий девонининг бир ўрнида:

Масти шароби илоҳо Султони Низомиддин валий,
Он орифи аз худ танҳо Султони Низомиддин валий...⁴

Мазмуни: Илоҳнинг (ишқ) шароби билан маст Султон Низомиддин валий, У орифлар ичра танҳо ўзи Султон Низомиддин валий... дея таъриф этади.

Кейинги вақтларда ҳам бу сулук мансублари анъянани давом эттириб, ҳалқ ва зиёли катлами ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлгандар. Масалан, машҳур шоир Ҳазиний тўра Ҳўқандий (1867-1923) шажарасининг бир учи ҳам шу зотларга боғланади.⁵ Шоир Завқий (1853-1921) эса бир ўринда ёзади:

бири – Соҳибзода ҳазрат Кўқонга жойлашади. Шунда халифа Ҳусайн Жалолиддин ва Азим Ҳожага: “Кўконда пирзодаларимиздан бири ерлашдилар, уларга одоб юзасидан сизлар шаҳарга кирмай ташкарида истиқомат қилинглар” дея амр беради (Ҳўқанд тарихи ва унинг адабиёти..., 312-бет). Шунга кўра бу маҳдумзодалар шаҳарга яқин икки қишлоққа – Қудаш ва Калдўшонга жойлашадилар.

¹ Ҳўқанд тарихи ва унинг адабиёти..., 322-323-бетлар.

² Азим Ҳожа эшоннинг “...олим, обид, тақвадор, сергўя, муҳаббатли, нотик ва кўркам, тўла гавдали, оқ юзли, катта соколли, покиза одам эканликлари тўғрисида сўзланиб келинади. Ярим ёшидан бошлаб тарки тажрид қилган, сўфий ул-машраб, жозибали киши бўлиб, сухбати файзлик бўлган. Булар хонлар саройига яқинлашмаган, имомлиқдан бошқа мансабда бўлмаган, содда турмуш ўтказган бўлиб, мурид ва муҳлислари кўп бўлган...” (Ҳўқанд тарихи ва унинг адабиёти..., 321-бет.)

³ Ўша асар, 323-бет.

⁴ ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи фонди, 189 ракамли кўлёзма, 111a-112a варак.

⁵ Кўл остилиздаги баъзи ҳужжатларга кўра Зиёвуддинхон Ҳазинийнинг катта боболаридан бири Низомиддин Ҳожжанинг ўғли Бузрук Ҳожа. Таъкидлаганимиздек, яна бир манбага кўра, бу зот Азим Ҳожа эшоннинг отасидир. Янада, аниқ маълумоттага эга бўлгунимизча шу билан кифояланамиз.

*...Офоқи вакт, Гавси маҳал, Саъдийи сонийдур,
Анқойи ҳол, Завқий, баланд ошиён қани?*¹

Мазкурда эътироф этилган “Саъдийи соний” Азим Хожанинг ўғли бўлиб, бу зот муборак Ҳаж зиёратига кетиб, ўша ерда вафот этади. Завқий эса унга мурид тутинган ва “Айрилдим” радифли марсия-мухаммасида жумладан шундай келтиради:

*...Сулуки орифи Раббоний, нисбат эрди Нақибандий,
Эдилар ҳазрати эшон Азим Хожамни фарзанди,
Ики-уч насл бирлан Богдор эишонни пайванди,
Аларнинг ким ризосин топса, Мавлосини хурсанди,
Замона хосларига муқтадо пирамидин айрилдим.
Насабнинг асли таҳрири эдилар оли Аббосий,
Ҳасаб важҳига якто эрди, билсанг, поси анфоси,
Муборак номи Саъдийи соний, Ҳўқанд эрди маъвоси,
Уради мавжси илму ҳикмату тавҳид дарёси,
Ҳақиқат баҳри дурри бебаҳо пирамидин айрилдим...*²

Насаб ва иршоддаги анъана ижодда ҳам камоли муваффақият билан давом этганлигини ҳар икки шоир ижодидан ҳам кўриш мумкин. Ҳатто, Азимий девонининг бир кўллэзмаси (№189) “Муродул-ошиқин” дея номланган³ ва унда ўзбек ҳамда форс тилларидағи ғазал, мустаҳзод, мураббаъ, мухаммас ва мусаддаслари ўрин олган. Жалолийнинг ҳам зуллисонайн девон тартиб бергани маълум.⁴ Шунингдек, уларнинг Ҳожа Аҳмад Яссавий йўлида яратган ҳикматлари ҳам бўлиб⁵, бу эса ўша давр адабиётининг яна бир киррасини акс эттирадиган хос жиҳатдир. Бу анъанани яна Фиёсий, Дастагул (ёки Гулдаста), Солих, Маҳжур каби шоирлар ҳам давом эттирганлар.

Шу ўринда бир масалага дикқат этиш зарурки, бу каби шоирлар ижодиётiga тўхталганда, аввало, уларнинг тасаввуфий маслаги ёки иршодий боғлиқлигига кўра баҳоланса мувофиқдир. Кейинги

¹ Завқий. Ажаб замона. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи: А.Мадаминов. –Тошкент: Шарк, 2003. 56-бет.

² Ўша манба, 73-бет.

³ Ҳозирга қадар бу девоннинг ўнта қўллэзма нусхаси аниқланди. Қаранг: О.Жўрабоев. Азим Ҳожа эшон ва унинг девони қўллэзма нусхалари борасида/ Адабиёт кўзгуси. №11. –Тошкент, 2009. 18-23-бетлар.

⁴ Афсуски, ҳозирча бу девоннинг тўлик нусхаси топилганича йўқ.

⁵ Мисол учун, XX аср бошларида Тошкент литографияларида “Ҳикмати Азим Ҳожа эшон” номи остида унинг ҳикматлари чоп этилган (қаранг: Азимхожа ҳожа эшон. Ҳикмат. Нашрга тайёрловчи: С.Рафиддинов. –Т., 1993).

вактларга келиб, ҳикмат йўлида асар ёзган муаллифларни бирдек “Яссавий мактаби шоирлари” сифатида талқин этилмоқда.¹

Ўз вақтида проф. Абдурауф Фитрат ҳам: “Аҳмад Яссавийни таъкиб этган кишилардан бизга маълум бўлғонларидин бири x.1263да вафот қилғон Азимхожадирким, ҳикматлари x.1312да Тошкентда “Ҳикмати эшони Азимхожа” унвони билан босмада босдирилғандир...” дея қайд этган эди.²

Фикримизча, Фитрат ўша пайтда Азим Хожанинг тўлиқ девонидан бехабар бўлган ва фақатгина ўзи айтган босма ҳикматлар билан танишган, холос. Ваҳоланки, ҳикматлар бу шоир ижодининг асосини ташкил этмаслигини, унинг девони таркибини кўриб чиқиш ҳам кўрсатиб турибди. Мисол учун, шоир девонининг тўлиқ нусхаларидан бирида жами 212та шеър мавжуд (№189). Жумладан, ғазаллар – 158та (44та ўзбекча, 114та форсча), мураббаълар – 29та, мустаҳзод – 3та (2та ўзбекча, 1та форсча), мухаммас – 7та (6та ўзбекча, 1та форсча), мусаддас – 13та (12та ўзбекча, 1та форсча), маснавий – 2та (форсча).

Таъкидланган мураббаъларнинг ҳаммаси ўзбекча ҳикмат тарзидаги шеърлардир. Демак, ҳикматнамо асарлар Азимий асарларининг факат бир – жузъий қисминигина ташкил этар экан.

Маълум бўлганидек, Азимий ва Жалолий яссавия эмас хожагон-нақшбандия тариқатига мансубдирлар. Уларнинг яссавиёна ҳикматлар ижод қилишларига сабаб, ўша даврда авом ҳалқнинг оддий ва содда тилдаги асарларга эҳтиёжи ортиқ бўлғанлигидар, дейиш мумкин.

Бобо ва набира шоирлар эса ўзларининг классик жанрлардаги асосий ижод маҳсулларида биринчи галда ирфонни васф этганлар. Замонасининг шайхи ўлароқ инсонларнинг руҳий тарбияси ва маънавий камолоти билан шуғулланган бу шахсларнинг асарларида маърифий-ахлоқий қарашлар, панд-ўгитлар билан бирга Аллоҳни маърифат билан таниш, унинг шуури ва тажаллиси мукаррам инсонда зуҳур топганини таъкидлаш устундир. Айнан шу жиҳатлар

¹ Масалан, юқорироқда таъкидланган энциклопедик луғатдаги мақола муаллифлари А.Мадаминов ва А.Турдалиевлар ҳам Азимий ҳакида бир ёқлама таъкидлайдилар: “...Особое место в его творчестве занимают стихи в жанре хикмат, написанные под влиянием одноименных стихотворений, приписываемых мистику, эпониму суфийского братства яласавия Ахмаду Яласави...” (Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 4. С.7.)

² Фитрат. Аҳмад Яссавий/ Яссавий ким эди? –Тошкент: Ёзувчи, 1994. 21-22-бетлар.

ирфон адабиётининг бош вазифаларидан бири эканлиги эса маълум ҳақиқат.

Ўша давр адабиёти учун ирфоний мохиятдаги бу тахлит девонлар тузишни ўзига хос нодир ходиса, дея баҳоланмоғи тўғри бўлади. Яъни, уларнинг соҳиби соф тасаввуф – ирфоний адабиётнинг намояндаси ўлароқ кўзга ташланадилар. Низомий, Жалолий ва Азимий сафиға яна Қўқон адабий мұхитига мансуб Мажзуб, Зокирий, Эшқул халифа (Дастагул), Солих халифа, Махмур II, Акмал II ва Махжур тахаллусли ижодкорларни ҳам киритиш мумкин.

Шу билан биргага, мұхитнинг яна бошқа ижодкорлари Амир, Фано, Мұхыйи, Мұқимий, Фурқат, Ҳазиний, Қорий, Мұҳсиний, Садой қабиларнинг ҳам сўфиёна ҳарактердаги бир қанча асарлари маълум. Лекин уларнинг ижодида асос ғоя ва мотив бу эмас балки, диний-маърифий, ижтимоий ва лирик қайфиятдаги асарлар етакчилик қиласи. Аммо, биринчи таъриф этган шоирларимиз ижодида ирфоний маъно бирламчи бўлиб, уларнинг аксариятида диний-маърифий ҳарактердаги шеърлар учраса-да, ижтимоий ва лирик мавзудаги асарларини деярли кўрмаймиз.

Тўғри, юқорида таъқидланган ижодкорлардан факат, Абдулазиз Мажзуб ва Азимийнинг тўлиқ девонларигина бизга маълум, холос. Лекин, бошқаларининг ғазал, мухаммас, мусаддас ва ҳикматлари ҳам кўплаб кўлёзма баёз ва мажмуя саҳифаларида учрайди. Бу шоирлар тариқат таълимотларини ўз шеърларида васф этиш билан бирга турли сўфиёна истилоҳлар ва чукур мазмуний ишоралар илиа ирфонни таъриф этадилар.

Жумладан, Низомий Ҳўқандий бир ғазалида:

...Бираф тақвосига магрур, бираф фатвосига масрур,

*Мұҳаббат аҳли дард бирлан эрур ҳар тонгда бир дөг...*¹

деса, Азим Ҳожа бу борадаги фикрларини содда қилиб туркий (ўзбекча) баён этаётганини шундай шеърга солади:

Масъалага мувоғиқ қилиб бизлар туркийни,

Ёронларга қилурмиз мавъизани буркини.

Ерга кирсанг имкон бор, қўкка чиқсанг имкон бор,

Шариатсиз йўл топмоқ сенга йўқтур мумкини.

Нодон бўлсанг муни бил, оқил бўлсанг ўзга кел,

Нелар дедим, билдингму шариатни кўркини.

¹ Баёзи Мухалло. –Тошкент: Орифжонов матбааси, 1330. 102-саҳ.

*Фосиқ муни фаҳм эттас, гоғилликдин зикр эттас,
Одам бўлуб ариттас кўнглидаги чиркини.*

Ҳақдин кўркқан солиҳлар кўрқунчидан дам урма,

Боши гўрга киргунча минг йўл ўлар ҳар куни.

Адаб билган олимлар, ориф, ошиқ хос қуллар,

Ўзларини олмаслар Ҳақ даргоҳе эркини.

Азим, ўзга келокўр, ўлорингни билокўр,

Ўлмас бурун қилокўр фоний дунё маркини.¹

Кузатишларимизга кўра, бу тахлит асарлар чукур мазмун-моҳият ташигандан ташқари, уларнинг матни билан боғлиқ айrim хусусиятлар ҳам мавжуд. Бу эса XIX аср Кўкон адабий мухитида яратилган ирфоний девонлардаги асарларнинг ўзига хос оҳанг ва услугуга эгалиги масаласидир.

Даврнинг машҳур шоири ва шайхи Мажзубнинг бир неча шеърлари, хусусан, соқийномасини мажзуубийлар ёд олиб, маҳсус мақом билан ижро этишгани ва жазб ҳосил қилиб, рақс қилганлари маълум.²

Фикримизни Азимий девони мисолида изоҳласак. Унинг кўлёзмалари билан танишар эканмиз матн билан боғлиқ қизик бир ҳолатга дуч келамиз. Азим Ҳожанинг кўпгина шеърлари, тўғрироғи, айrim мисралари ёнига “2”, “3” ёки, иккита “2”, ёхуд, иккита “2” ва битта “3” рақамлари кўйилган.³ Масалан:

Эй дарду гаминг ҳосили дунё била уқбо,

На манда гами оламу, на манзилу маъво,-----2

Ўлгунча ҳазми жонимадур ушибу таманно,

Васлинг тиланиб етгусидур мўмини расво,-----2

Ё Раб, ҳама жисмига бериб дийдаи бийно,

Дил тўрига қилсанг на бўлур лаҳза тажсалло...⁴

дэя бошланувчи мусаддас бандининг иккинчи ва бешинчи мисралари олдига кўрсатилганидек “2” рақами кўйилган. Бизнингча, бу мазкур мисраларни ўқиётганда икки марта қайтариш кераклигига ишорадир.

¹ Девони Азим. 189 рақамли кўлёзма, 114а в.; ўша асар, 2694 рақамли кўлёзма, 1126-113а в.; ўша асар, Ҳ.Мухаммадхонов кутубхонасидаги кўлёзма, 1176-118а в.

² Қаранг: Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти..., 330-бет.; Тазкираи Қайюмий. 1-к., 183-бет; О.Жўрабоев. Мажзубни биласизми ёхуд мажзуубийлик нима?// Ўз АС. 2004, 25 июнь.

³ Девони Азим кўлёзмаларининг 189, 2563, 2694 ва 6354 рақамли нусхалари.

⁴ Девони Азим. 189 рақамли кўлёзма, 6б варак.

Бундай қайтариқ ишораси мавжуд Азимий шеърлари эса ўндан зиёд. Мисол учун, девоннинг 189 рақамли кўлёзма нусхасида яна 12б, 26б, 33б, 35б, 39а, 58а, 73б-74б, 80а, 92б, 95а, 106а, 110а, 117а варакларида, 2563 рақамли нусхада 14, 23, 54, 66, 77, 81, 84-89, 91, 94, 101-103, 114-118, 121, 123, 125, 127, 130-131, 135, 142, 144-145, 154, 158, 161, 165, 172, 174, 190-191, 205-207, 232, 234-239, 243-245 саҳифаларида, 2694 рақамли нусхада 10б, 12а-13а, 21а, 27а, 29б, 31а, 33б-35а, 47б, 51а-б, 52б, 56а, 63а, 64а, 68а, 73б, 75а, 76а, 78а, 79б, 83а, 92б, 96а, 97а, 98б, 99б, 101а, 108а, 110а, 119б варакларда, 6354 рақамли нусхада 95б, 100а-б вараклардаги шеърларнинг айрим мисралари олдига (“2”, “3” каби) рақамлар қўйилган.

Афсуски, ушбу кўлёзмаларнинг факат битгасининг котиби маълум, холос. 1289 (1872) йили кўчирилган 2563 рақамли кўлёзма котиби Мулла Муҳаммад Зариф халифанинг исмидан у ахли тариқат, хонақоҳга боғлиқ шахсадир.

Бундан маълум бўладики, Азим Хожа эшон шеърлари ҳам зикр мажлисларида маҳсус мақом ва оҳанг билан ўқилган. Айнан қайси шеърларга ургу берилиши, ўқиётганда қай мисрага дикқат этилиши, неча марта ўқиш зарурлиги, ҳар қайтарганда эса оҳангни ошириши кераклигини уқтириш ва унда оҳанг услубини сақлаш учун матнларга кўрсатгич рақамлар қўйилган. Албагта, бу каби рақамли ишора ҳамма кўлёзмаларда ҳам айнан бир ерга қўйилган эмас. Лекин, баъзи шеърлардаги ишора бир неча манбада бир хил шеърнинг бир жойига қўйилган. Масалан, “Ё Карим, ё Алим, ё Аллоҳ...” дея бошланувчи муножот-маснавий шундай шеърлардан.¹

Бу тахлит ишораларга кўра қайтариқлар тасодифий бўлмай, маълум мазмуний оҳанг ва услубий меъёрни сақлаш учун эканлигига асарлар билан чуқурроқ танишиш давомида амин бўлиб борилади. Айтайлик, “Қил” радифли мусаддаснинг² ҳар банд охиридаги қайтариладиган сўнгги икки мисраси:

...Ўзни ўлгандин илгари ўлган ҳисоб қил,
Мункар-Накир саволига фикри жавоб қил –

1-бандда битта, 2-бандда иккита, 3-бандда учта ва шу тариқа давом этиб 7-бандда етти марта тақрорланиши рақам ила ишора қилинган. Ёки,

Ислоҳимни қилсун дессанг, пишим қабул,
Кулларига им бўлгилу, итига қул, -----2

¹ Девони Азим. 2563, 2694 рақамли кўлёзма, 12^а-13^а варак.

² Девони Азим. 189 рақамли кўлёзма, 74^а-75^а вараклар.

Тарықат адабтуурур асли усул -----3

Ариг адаб бирла этгин пириң тавоғ...¹

бандининг шу тарзда ўқилишидан ҳам айнан нимага эътибор берилиб, диққат марказига олиниши керак бўлган маъно англашилади. (Бу ўринда шеърни соликлар ёки тингловчилар орасида ўқигувчи хонақоҳ ҳофизи ёки зикр мажлисининг бошқарувчиси назарда тутилмоқда.)

Албатта, бу ўз навбатида муаллиф асари ва унга муносабат масаласига ҳам ойдинлик киритади. Бу каби жихатларни янада атрофлича тадқиқ этиш эса бадиий асар моҳияти хусусан, ирфоний мавзудаги асарлар талқинининг тадрижий ҳолатини кўрсатади, деган фикрдамиз.

Кўйилган масала юзасидан эса шундай хуносага келиш мумкин:

Кўкон адабий муҳитида XIX асрга келиб анъанавий шеърият билан бирга ўзига хос ирфоний шеърият ҳам шаклланган ва маҳсус ирфоний девонлар тартиб берилган; мазкур шеърият вакилларининг асарлари, ўзининг ирфоний мазмун-моҳиятига боғлиқ равишда, матнини ўқишида ҳам ўзига хос оҳанг ва услубга риоя қилинган.

* * *

Кўконда тузилган баёзлар

XVIII-XIX асрда Кўконда ўзига хос хаттотлик ва китобатчилик мактаби юзага келгани юқоридаги ўринларда таъкидланди. Ҳар бир манба жумладан, қўллэзмалар муаллифнинг у ёки бу мавзу доирасидаги фикрини кўрсатиш билан бирга, уни кўчирган хаттотнинг дунёқараси, руҳияти, савияси ва маънавий оламидан ҳам дарак беради. Шунингдек, қўллэзма манба нима ва қандай асар бўлишидан ташқари ўша даврнинг ижтимоий ва маданий кўриниши ҳақида маълумотни у ёки бу даражада ўзида жам этган бўлади. Қуйида ўз даврининг муҳим илмий-адабий манбалари – Кўкон баёзлари ҳақида тўхталсан.

«Баёз» сўзи оқлик маъносида бўлиб, кўпгина муаллифларнинг бир неча хил шеърий асарларини жам этган тўпламдир. Бир муаллиф асарлари йигилган ёки бир хил жанрдаги шеърий асарлар жамланган баёзлар ҳам учрайди. Маълумки, баёзчилик анъанаси

¹ Девони Азим. 2694 ракамли қўллэзма, 64^а вараг.

мусулмон шарқида VIII-IX асрларда араб адабиётида дастлабки кўринишларини олган эди¹. Мовароуннахр ва Хурросон худудларида китобат этилган баёзларнинг эса XV асрлардаги намуналари мавжуд. Баёз ва баёзчилик ҳақида, жумладан Кўкон баёзлари ҳақида айrim тадқиқларда тўхталиб ўтилган².

Мазкурда кўзда тутилган мақсад эса, Кўконда тузилган баёзларнинг тавсифий мундарижаси ва манба сифатидаги аҳамиятига кўра талқинидир. (Биз ҳозиргача 103 та кўлёзма баёзни кўздан кечирдик ва мазкур талкин ана шулар юзасидан³.)

Тадқиқот обьекти сифатида танлаган кўлёзма ёдгорликлар – «Кўкон баёзлари» ёки Кўконда тузилган баёзлар қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятлидир:

1. Кўконда баёзчилик анъаналари XIX асрга келиб тўла шаклланганлиги ва бошқа худудлarda яратилган бу тахлит манбалардан ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туриши;

2. Баёзлар асосан, тарихимиздаги энг талотўп ва ўтиш даври бўлган, XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида кўчирилган манбалар эканлиги;

2. Кўлёзма баёзларнинг нафакат адабий манба сифатидаги аҳамияти, балки, аввало, ўзи дахлдор бўлган даврнинг маданий-маънавий ҳаётини ўрганишда, хусусан, аждодларимиз руҳий дунёси, адабий-эстетик қарашлари ва ўша давр адабий меъёр нормаларини билишимизда муҳимлиги;

3. Мазкур кўлёзмаларда у ёки бу даражада айrim тарихий воқеа ёки шахс ҳақидаги бошқа жойда учраши маҳол бўлган ёзма қайдларнинг мавжудлиги;

4. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида кўчирилган кўлёзма баёзларда қайси ижодкорларнинг асарлари кўпроқ ўрин олганлиги;

5. Баёзларда асосан қайси мавзу ва характердаги шеърлар кўчирилганлиги;

¹ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том 2, -М.,Л., 1956. С.21.

² Ҳамирова М. Кўлёзма баёзлар адабий манба. –Тошкент: Фан, 1981; Исҳоков Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи / Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Тошкент: Фан, 1976. 78-100-бетлар.

³ Мазкур манбалар Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқ-шунослик институти (ШИ) фонди, шу институт X. Сулаймон номли кўлёзмалар бўйлими, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи (ДАМ), Кўкон Адабиёт музейи фондлари (КАМ) ва айrim шахсий кутубхоналарда сакланмоқда.

6. Манбаларда кўчирилган шеърлар сираси нимага мувофиқ ҳолда жойлаштирилганлиги;

7. Ўша давр адабий муҳити, бадиият мебёри, асарнинг тушунилиш даражасида ижодкорларнинг мавқеи ва ўрни;

8. Кўлёзма баёзлар котибларининг асар ва матнга муносабати.

Худди шунингдек, бу ва бунинг каби жуда кўплаб кўлёзма манбалар ўз даври кишиларининг шуурига, тафаккур даражасига ва ниҳоят руҳий оламига восита бўлувчи муҳим ёдгорлик намуналариdir. Уларни илмий жиҳатдан изчил ўрганиш яна кўплаб маълумот ва фактларни фанга тақдим этиши шубҳасизdir. Қуйида улардан айримларига тўхталамиз.

* * *

Қўлёзмалар давр рухиятини акс эттирувчи манба сифатида

Манбалар – хоҳ улар тошбитиклар бўлсин, хоҳ қўлёзмалар бўлсин ёки литографик нашрлар бўлсин ўша ўзи мансуб даврнинг инъикосидир. Ватанимиз қўлёзма хазиналарида сакланаётган минглаб қўлёзма ёдгорниклар улуғ аждодларимизнинг тафаккури, ўйу-туйгулари, илму маърифатлари, орзу ва армонларини мужассам этган битмас-туганмас хазинадир. Ушбу манбаларга нечоғлик ёндашиш ва қай йўсинда тадқиқ этиш муаммоси ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Хусусан, собиқ мустабид совет даврида бу манбаларни ўрганиш юзасидан кўплаб ишлар амалга ошган бўлсада, ушбу нодир ёзма намуналарга фақат бирор бир асарнинг манбаси сифатидагина баҳо бериш анъана тусини олган эди.

Истиқлолдан сўнг уларни атрофлича, ҳар жиҳатдан: ҳам асар манбайи, ҳам ўша давр тарихий, маданий, адабий ва ниҳоят руҳий ҳолатини, кишилар дунёкараши ва тасаввур доирасини, илмнинг ёхуд бадииятнинг бирор бир жиҳатига муносабатларини акс эттирувчи манба сифатида қараш ва тадқиқ этиш имкони туғилди. Тадқиқ учун адабий қўлёзма ёдгорниклар, жумладан, тарихимиздаги энг талотўп ва ўтиш даври бўлган XIX аср иккинчи ярми XX аср бошлирида кўчирилган манбаларни олдик.

Ижодкор асарнинг манба сифатидаги аҳамияти маълум. Айниқса, қўлёзма баёзларнинг адабий манба тариқасидаги талқини ҳақида олимларимиз тарафидан қимматли фикрлар билдирилганини юқориrokда эслатдик. Лекин биз қўймоқчи бўлган масала, уларни нафақат адабий манба сифатидаги аҳамияти, балки, аввало, ўзи

дахлдор бўлган даврнинг маданий-маънавий ҳаётини ўрганишда, хусусан, аждодларимиз руҳий дунёси, адабий-эстетик қарашлари ва ўша давр адабий меъёр нормаларини билишимизда муҳимлигидир. Хусусан, ўша даврда энг машҳур бўлган икки шоир Муқимий (1850-1903) ва Ҳазиний асарлари ўрин олган қўлёзмалар мисолида масалага аниқлик киритсак.

Муҳаммад Аминхожа Муқимий Хўқандий ўз даврининг энг илғор, истеъдодли шоирларидан бири бўлиб, унинг адабий мероси 100 дан зиёд қўлёзма баёз ва мажмуалардан ўрин олган. Шоир шеърлари кўчирилган қўлёзмаларнинг энг қадимгиси 1881 йилда тузилган¹ бўлса, энг сўнггиси 1957 йилда тартиб берилган². Кўринадики, шоир асарлари унинг ёшлик йиллариданоқ машҳур бўлиб, вафотидан сўнг ҳам эътиборда бўлган. Зиёвуддинхон Ҳазиний ижодий меросини ўзида жам этган 30 дан ортиқ қўлёзма манбаларнинг таснифи ва тавсифи юзасидан ҳам шуни айтиш мумкинки, уларнинг тарқалиш доираси кенг.

Бу каби фактлар албатта мазкур шоирлар номининг машҳурлиги билан боғлиқ бўлиб, уларнинг бир неча жиҳатдан тадқиқ этилиши ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятли ва қизиқарли маълумот-фактларни келтириб чиқарганини айтиш лозим. Бунда қўлёзмаларнинг илмий аҳамияти билан бирга, адабий-маърифий кўлами тадқиқ этилиб, манбалар талқин этилади. Ушбу жараёнда эса қуидаги жиҳатлар диққатимизни жалб этди:

а) кўра билганимиз XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида кўчирилган қўлёзма баёзларда қайси ижодкорларнинг асарлари кўпроқ ўрин олганлиги;

б) асосан қайси мавзуу ва характердаги шеърлар кўчирилганлиги;

в) манбаларда кўчирилган шеърлар сираси нимага мувофиқ ҳолда жойлаштирилганлиги;

г) ўша давр адабий муҳити, бадиият меъёри, асарнинг тушунилиш даражасида ижодкорларнинг мавқеи ва ўрни;

д) қўлёзма котибларининг асар ва матнга муносабати.

Мисол учун, Ҳазиний шеърлари ўрин олган қўлёзмаларда асосан бошқа мутафаккир шоирларнинг асарлари ҳам мавжудлигини кўрамиз:

1. Ўтмишда ўтган (туркийзабон ижодкорлар): Ҳожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Навоий, Фузулий, Машраб, Сўфи

¹ ЎзР ФАШИ фонди, 1307 ракамли қўлёзма баёз.

² Кўқон Адабиёт музейи фонди, 462 ракамли қўлёзма баёз.

Оллоёр, Ҳувайдо, Амирий, Мажзуб, Азимий Хўқандий, Фазлий, Фозий, Адо, Хижлат ва бошк; (форсийзабон ижодкорлар): Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Бедил, Камол Ҳўжандий, Соиб, Сайидо, Зебуннисо, Имло (Ҳазрати Имлои Бухорий) ва бошк.;

2. Замондош ижодкорлардан: Муқимий, Фурқат, Мухий, Завқий, Қорий, Тажаллий, Рожий, Камий, Махҷур, Насимий, Нодим, Зорий, Шавкат, Хислат, Муҳаййир ва бошк.

Айрим манбаларда эса бошқа ижодкорлар катори Муқимий ва Ҳазиний шеърларининг сони – биттадан ўнтағача, бაъзан ундан ҳам кўп (ҳатто, Муқимийнинг юздан ортиқ, Ҳазинийнинг элликдан зиёд шеърлари кирган баёзлар оз бўлсада бор) келтириб ўтилган.

Яна баъзи манбаларни фақат ушбу шоирлар асарлари ва унинг ғазалларига бошқа шоирлар томонидан қилинган тахмисларидан ташкил топганлигини ҳам кўрамиз. Котибларнинг дунёкараши ва руҳий оламидан келиб чиқиб; ёки қўлёзма буюртмачисининг истагига кўра тузилган, (мисол учун, Ҳазиний шеърлари киритилган) қўлёзмаларни икки гурухга ажратиш мумкин:

1. Диний-тасаввуфий (орифона) мавзудаги асарлар салмокли ўринда бўлган манбалар¹;

2. Лирик ва ижтимоий (дунёвий) мавзудаги асарлар кўпчиликни ташкил қилган манбалар².

Албатта, мазкур таснифлаш нисбий бўлиб, ўтмишда котиблар бу ажримни кўзда тутмаганлар. Биз эса фақат, икки йўналишдаги асарларнинг манбаларда оз ёки қўплиги (сонига) қараб ажратдик, холос.

Бу каби фактлар ушбу баёз ва мажмуаларда ўрин олган асарлар нафақат, бадиий адабиёт намунаси, балки ўша даврнинг маънавий-руҳий ва адабий ҳаётига оид бўлган қўплаб муҳим маълумотларни бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, юқорида қўйилган масалаларга ойдинлик киритади. Негаки, ушбу баёз ва мажмуалар қатъий буюртма ёки, котибининг ўз талаб-ҳоҳишига кўра тузилган бўлиб, воқелик эса жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва албатта, руҳий аксидан иборатдир. Худди шунингдек, бу ва бунинг каби жуда қўплаб қўлёзма манбалар ўз даври кишиларининг

¹ Масалан, ЎзР ФАШИ фонди Ҳ.Сулаймон бўлими 2572, 1502 ракамли ва Қўқон Адабиёт музейи фонди 680, 672, 45 ракамли қўлёзма баёзлар.

² Масалан, ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди, 11414 ракамли, шу институт Ҳ.Сулаймон бўлими 322 ракамли ва Қўқон Адабиёт музейи фонди 27 ракамли баёзлар.

шуурига, тафаккур даражасига ва ниҳоят руҳий оламига восита бўлувчи мухим ёдгорлик намуналаридир.

Лирик асарларда тарих тасвири

Адабиёт ўз вазифасидан келиб чиқсан ҳолда, тарихни, жумладан, тарихий воқеа-ҳодисаларни ва реал воқеъликни тўласича тасвирлашни ҳам мақсад қилиб олмайди. Лекин, адабий манбаларда у ёки бу тарих ҳодисаси ва унинг тасвири бирмунча тўлақонли ва жозибали берилишини ҳам рад этмаслик керак. Ёки, бошқача қилиб айтганда, тарихий ҳодисаларга ижодкор ўз руҳияти ва ғоясидан келиб чиқиб асарида бадиий буёқ бериши мумкин.

Албатта, шу тарздаги масалага у ёки бу даражада турлича муносабат билдириб келингани ҳам эҳтимол. Биз эса унга асосан Кўқон адабий мухити мисолида бир кўр назар ташлашни ният қилдик. Негаки, мумтоз адабиётимизнинг XVII-XIX асрлар даври адабий мухитлар теграсида ривож топган ва уларни изчил ўрганиш адабиёт тарихи тадқиқотчилари олдида кўндаланг турган кўплаб саволларга жавоб бўлади. Худди ўнингдек, мухит ижодкорлари томонидан яратилган асарларда тарихий маълумотларнинг нечоғлик акс этгани ҳамда, уларнинг бадиий қиммати ва аҳамияти кабилар шулар жумласидан. Диққат марказига олмоқчи бўлганимиз эса лирик турдаги шеърлардир. Лекин масаланинг моҳиятига кириш учун аввало, мазкур мухитда яратилган тарихни акс эттирувчи бадиий асарларнинг мавзу кўлами ва жанр хусусиятига кўра таснифини келтириш лозим. Улар:

1. Тарихий-бадиий достонлар;
2. Адабий-наср намуналари;
3. Мумтоз лирик жанрдаги бальзи шеърлар.

Биринчи турдаги асарлар.

XIX аср давомида хонликдаги айрим ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихини бадиий тарзда ифодалаган бир неча достонлар яратилгани маълум. Мисол учун, Абдулкарим Фазлий («Умарнома»), Жаҳонотин Увайсий («Воқеоти Муҳаммадалихон»), Мутриб («Шаҳномаи девона Мутриб»), Андалиб («Шаҳномаи девона Андалиб»), Абдулғафур Исматий («Зафарномаи Худоёрхон»), Шавкий Намангоний («Жангномаи Худоёрхон» ёки, «Жомеъул-ҳаводис») ва Умидий Марғilonий («Мактубчай Хон») достонларини келтириш мумкин.

Улар маснавий йўли билан яратилган бўлиб, ҳажми ҳам турличадир. Шуниси аҳамиятлики, улардан Фазлий қаламига мансуб достонгина форс тилида бўлиб, қолганлари ўзбекча ёзилган. Шубҳасиз, мазкур достонлар ўз даври воқеа-ҳодисаларини ёритишда қимматли маълумотларни берувчи манбалар ҳисобланади. Масалан, Увайсийнинг (1780-1845) асарида Муҳаммадалихоннинг Кошғар юришига чиқиши тасвирланган. Гарчанд, бу достон тугалланмаган бўлса-да, у ўша давр ва сўз юритилаётган воқеани ўрганишда ҳамда тарих ҳақиқатини ёритишда ёрдам беради. Ёки, «Мактубчаи Хон»да Худоёрхон хукмонлигини сўнгти йиллари бадиий аснода ҳикоя қилинган. Асар муаллифи, истеъододли шоир – Умидий (Ҳавоий) мазкур воқеаларнинг кўпига ўзи шоҳид бўлган ва ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилган. Масалан, бир ўринда шоир, рўй берган кўп қирғинларга сабабчи – Мусулмонқулнинг катл этилишини тасвирлар экан, унинг ўғли Абдураҳмон (Офтобачи)нинг ҳолатини шундай ифодалайди:

*Йигит гўдак эди Офтобачи бил,
Ажал етмай, тириклий қолди ул йил.
Хўқандлик илкида қифчоқдин ўн минг
Тамоми бош кесилди, хок ила менг.
Қолиб Офтобачи дилда ниқори,
Кўнгил оиласида бир губори.
Қасосин хондин олмоқ эрди бир кун,
Адоват кўнглида эрди анингчун...¹*

Ушбу мисраларда муаллиф, келажакда отасидан ҳам ўтказиб жаҳолат, хиёнат ва разолатга борадиган, Офтобачининг кўнглидаги адоватни ҳаққоний равишда ёритиб бера олган.

Иккинчи турдаги асарлар.

Айнан хонлик тарихи билан боғлиқ бўлган наср билан ёзилган тарихий асарлар кўп сонли (40та атрофига) эканлиги маълум². Аммо, кам бўлса-да, шундай прозаик асарлар ҳам борки, уларни шу муҳитда яратилган бадиий насрнинг ўзига хос намуналари, десак янглишмаган бўламиз. Улар жумласига «Тазкиратул-авлиё», «Маъмулоти Соқибий», «Тазкираи Қайюмий», «Кўқон тарихи ва унинг адабиёти», Фурқатнинг айрим асарлари ва Муқимий мактубларини киритиш мумкин.

¹ Муҳаммад Умар қори Умидий Марғилоний. Мактубчаи хон. –Тошкент: ЎзР ФАШИ, 2007. 14-бет.

² Каранг: Ш. Воҳидов. Кўқон хонлигига тарихнавислик. –Тошкент: Akademnashr, 2010.

Абдулазиз Мажзубнинг (XVIII аср – 1850 йиллар) «Тазкиратул-авлиё» (ёки “Тазкираи Мажзуб”) ёдномаси манқабавий (агиографик) форс тилидаги асардир.¹ Унда XVIII-XIX аср биринчи ярмида (асосан, Туркистонда яшаган) авлиё, олим ва ижодкорлар ҳақида турли ривоят ва ҳикоятлар берилган; шунингдек, тасаввуфнинг баъзи масалаларига тўхтаб ўтилган. Масалан, Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий, Мусохон Даҳбедий, Шариф Ҳожа Тошкандий, Мирмақсуд Ҳожа эшон, Оғоқ Ҳожа Эшон, Ҳазрат Имлои Бухорий, Домла Исо Охунд, Халифа Ҳусайн, Мавлавий Намангоний, Мавлавий Жабалий, Халифа Ашур, Мулло Лутфуллоҳ Чустий, Халифа Абдуқаюм ва ҳоказо. Яна, Сўфи Оллоёр, Машраб, Мирзо Жони Жонон, Мирзо Бедил каби машҳур шахслар ҳаёти ҳақида ва айrim тарихий воқеаларнинг мавжудлиги ҳам асар мундарижасини бойитган. Шу билан бирга, асар муаллифи ўзи кўрган ва билган тасаввуф билан боғлиқ воқеалардан ташқари, айrim муҳим тарихий фактларни ҳам ҳикоялар воситасида келтириб ўтади. Мисол учун, Кўқон тарихига бағишиланган аксар асарларда хонликнинг айнан XVIII асрдаги тарихига оид маълумотлар нисбатан кам учрайди. Ҳусусан, бу даврдаги хукмдорларнинг ижтимоий-маданий фаолияти ҳақида манбалар деярли “инدامайди”. Ушбу тазкирада эса хонлардан – Абдулкаримбек, Абдулраҳимбек, Эрдонабий ва Норбўтабий билан боғлиқ айrim воқеалар ҳам сўзланади. Асарнинг бир ўрнида 1751-52 ва 1753-1766 йилларда таҳтда ўтирган Эрдонабий (Абдулқаюмхон) нинг саройида бўлиб ўтган бир маснавийхонлик ҳақида маълумот бор. Унда хоннинг Мавлоно Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини шарҳловчи олим Мирмақсуд Ҳожа эшонга эҳтироми, у билан кўп бора ҳамсуҳбат бўлгани ва унинг маърифатли хон сифатидаги сиймоси акс этган.

Пўлатжон Қайюмовнинг (1885-1964) «Тазкираи Қайюмий» асари гарчанд, ўзбек адабиётининг қадимги даврларидан то XX аср бошигача бўлган жараёнини, алоҳида фигуруларни сиралашасносида ёритилган, антология тарзидаги асар бўлса-да, адабий ҳодисалар ва шоиrlар ижодиётини баҳолаш давомида айrim тарихий воқеаларга ҳам муносабат билдириб ўтилган.² Домланинг яна бир асари «Кўқон тарихи ва унинг адабиёти»нинг қиммати эса – унда Кўқон тарихига оид баъзи бир уникал маълумотларнинг берилишидир.³

¹ ЎзР ФАШИ фонди, 2662 ракамли қўллэзма, 132 варак.

² П.Д. Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. –Тошкент: ЎзР ФАҚИ, 1998.

³ П. Қайюмов. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. –Тошкент: Tamaddun, 2011.

Асар уч дафтардан иборат бўлиб, тарихий маълумотлар биринчиси (“Тарихий маълумотлар” қисми)дан ўрин олган. Масалан, “Хўқанд шаҳарининг дарбозалари”, “Хўқанд шаҳаридаги бўлган тарихий бинолардан мадрасалар тўғрисида”, “Кўқон хонларининг авлоди”, “Саййид Султоннинг хон кўтарилиши”, “Кўқоннинг таниқли кишилари”, “Ўзбек уруслари”, “Ўзбек элидан етишган машҳур шайхлар” сарлавҳалари остида қизиқарли маълумотлар берилган. Ушбу мақолалар у қадар катта эмас. Лекин, қисқа, аммо аниқ ва пухта бу маълумотлар муҳим факт бўлиб, тасвирланган воқеаларнинг бир қисмига муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлгани билан аҳамиятладири.

Энди, Муқимий ва Фурқат асарларига келсак. Улар ҳақида олимлар тарафидан фикр-мулоҳазалар баён этилган (хусусан, профессорлар F. Каримов¹, А. Абдуғафуров², Ш. Юсупов³, А. Каюмов⁴, Н. Жабборов⁵). Лекин алоҳида таъкидлашни истардикки, ушбу асарлар ўша даврдаги айrim воқеъликлар, хусусан, Кўкондаги колониал тузумдаги ўзгаришлар ва уларнинг аҳоли турмушидаги кўринишлари ҳақида маълум тасаввурлар берувчи, давр шахслари ва уларнинг ижтимоий ҳолатига доир ғоят қизиқарли йўсиндаги тасвирлар берилган асарлардир. Айтайлик, «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг гахволоти, ўзи ёзгони» асари ана шундай асарлар жумласидандир. Муқимий мактубларининг аксари эса шахсий бўлиб, қадрдонларига дил изҳоридан иборат эса-да, улар орқали ўша давр зиёлисининг ахволи-руҳиясини ва ўз замонасига оний муносабатини билиш мумкин. Мисол учун, шоир Москвадаги Шарқ тиллари гимназиясида таҳсил олаётган жияни – Рўзимуҳаммад Дўстматовга ёзган қатор хатларида “камбағалчилик ва бечорачилик”дан нолиса, 1889 йил Тошкентга – Каримжон Камийга ёзган хатида ҳам “Хўқандда ниҳоятда дилгир ва озурда” эканлигини айтади. Ёки, исфаралик дўсти Иброҳим Хожа эшонга йўллаган мактубида ўзининг иссиқ кундаги ахволини шундай муболағали тасвирлайди:

«...Ва лекин дар ин овон дар мадрасаи Ҳазрати Соҳиб шаб-ан ва рўз-ан истиқомат намуда. Даруни шаҳр чунон дўзах аст, ки аз

¹ F. Каримов. Муқимий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970.

² А. Абдуғафуров. Зокиржон Фурқат. – Тошкент: Фан, 1977.

³ Ш. Юсупов. Фурқат йўлларида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984; Ўша муаллиф. Хидоёрхон ва Фурқат. – Тошкент: Шарқ, 1994.

⁴ А. Каюмов. Шеърият жилолари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

⁵ Н. А. Жабборов. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқики, поэтикаси. Да. – Тошкент, 2004.

шиддати тобиши офтоб жигари моҳиён дар қаъри дарё кабобаст ва аз камоли гармийи ҳаво байза аз куни мурғон пухта меафтад...»¹

Мазмуни: «...Ва лекин ҳозирги пайтда “Соҳиб Ҳазрат” мадрасасида кеча-кундуз истиқомат қиляпман. Шаҳар ичи чунон дўзахки, офтоб ҳароратининг шиддатидан дарё қаъридаги балиқларнинг жигари кабобдир ва ҳавонинг камоли иссиқлигидан тухум товуқлардан ерга пишиб тушяпти...»

Учинчи тур асарларга эса биз алоҳида аҳамият бермоқчимиз.

Биринчи галда, “таърих” дея номланувчи хронограммаларни таъкидлаш зарур. Бундай асарларнинг энг ёрқин намуналари Имомали Қори Қундузийнинг (1786-1857) “Таворихи манзума”сида мужассам. Унда хонлар ва айрим давлат арбобларининг вафотлари, мансабга келишлари ва яна бошқа воқеалар шеърий йўл билан қисқача тасвирланиб, абжад ҳисоби билан чиқадиган таърих айтилган. Яна бошқа Қўқон шоирлари томонидан ҳам бу жанрда ижод қилинган. Масалан, Акмал Хўқандий (XVIII аср –1810) қаламига мансуб бир форсча таърихда шундай дейилади:

*Бар он ҳатм шуд мансаби сарварӣ,
Ба Абдулкарим он шаҳи бобурӣ.
Бино кард шаҳре ба ин обранг
Ки, зад шишаи ҳафт кишвар ба санг.
Аз он табъи аҳли сухан шод буд
Ки, таърихи у Мазоҳиробод буд.²*

Мазмуни:

Сарварлик (подшоҳлик) мансаби бобурӣ шоҳ Абдулкаримга ҳатм қилинганда, (У) сув рангидек (шаффоғ) шаҳарни бино қилди. Бу билан етти кишвар (етти иқлим мамлакатлари)нинг шишиаси тошга урилди. Бундан сўз аҳлининг табъи шод бўлиб (айтдилар), Унинг таърихи Мазоҳиробод бўлди.

Мазкурда таърих моддаси “Мазоҳиробод” сўзи бўлиб, ундан абжад ҳисобида чиқадиган 1154 ҳижрий қамарий санани милодийга айлантирилса 1741 йилга тўғри келади. Бу эса Қўқон шаҳрининг ҳозирги ўрни янгидан бино бўлиб, иморатлар солинган санадир. “Мазоҳир” калимаси “ашёнинг кўриниши ва чиққан жойи” маъносини билдириши билан бирга яна “шарафланмоқ”

¹ Қўқон ўлкашунослик музейи фонди, алоҳида қўллёзма саҳифа.

² Тухфатут-таворихи хоний. Россия ФАШИ С.Петербург бўлими фонди, 440 ракамли қўллёзма, 5^a варак; Ансобус-салотин ва таворихул-хавокин. ЎзР ФАШИ фонди, 1413 ракамли қўллёзма, 15^a варак.

мазмунини ҳам беради. Яъни, зукко шоир Ақмал ўз шаҳрини “пайдо бўлиши ва чиқсан жойи билан шарафланган, обод маскан” деб тарихга муҳрлаган. Шунингдек, унда яна Кўқон хонларининг келиб чиқишини Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳга боғланишига ҳам ишора қилинмоқда. Демакки, Кўқон хонлари шажарасини темурийларга боғлаш, айрим тадқиқотчилар таъкидлаганидек, XIX аср бошларида эмас, балки ундан қарийб бир аср аввалроқ ҳам мавжуд эканлиги аёнлашади.

Ёхуд, Хусайнқули Муҳсиний (1860-1917) девонида ҳам ўндан ортиқ таърихлар бор. Улардан бири қўқонлик машхур нақшбандия шайхи Муҳаммад Ҳакимхон халифа вафотига айтилгандир. Унинг охири шундай:

...Суруши ғайб дедики, Муҳсин:
“Ба фавти таърих лак казолик.
Қаронгулигдур муридолариға
Ки, бирдин ўчти чироги солик”.¹

“Чироги солик” бирикмаси таърих моддаси бўлиб, абжад ҳисобида ҳарфлар ракамга айлантирилганда 1315 чиқади. Энди, “ки, бирдин ўчти чироги солик” мисрасига кўра, солик (тариқат йўлчиси)нинг чироги ўчирилса: яъни, “чироғ” сўзидаги 1 сонига тенг “алиф” ҳарфи олинса Ҳакимхон халифанинг вафот санаси келиб чиқади. Яъни, 1315-1=1314 (милодий ҳисобда 1897 йил).

Бу ерда тўғри шаклга эга “алиф” ёнаётган чироғ пилигини билдириб, “чироғ” сўзи ўртасидан “алиф”ни олиб қўйилса, бу сўз чиқмайди; яъни, “чироғ ўчади”. Шоир бу ўринда Ҳакимхон халифани ўз даври тариқат ахлининг йўлини ёритиб турган чироғ-ёруғлик сифатида тасвирламоқда. Ҳамда, ул зотнинг вафоти билан ана шу нур ҳам сўнди, деган фикрни чиройли тарзда ифодалай билган. Муҳсинийнинг бу йўсин фикрларини Ҳакимхон халифа вафотига бағишлиланган бошқа (Ҳазиний ва Фидоий) таърихлар ҳам тасдиқ этади.

Яна, мумтоз лирик турдаги асарлар – ғазал, мухаммас, мусаддас кабилардан ҳам унча-бунча тарихий асарда берилмаган ёки эътибор қилинмаган фактни илгаб олиш мумкин, деб ўйлаймиз. Ўрнак тариқасида уч тахаллусда (“Нодира”, “Комила”, “Макнуна”) ижод қилган Кўқон маликаси Моҳларойим (1792-1842) шеърларига мурожаат қилсак. Унинг ўнлаб асарлари турмуш

¹ Девони Муҳсиний. ЎзР ФАШИ фонди, 7392 ракамли қўлёзма, 150^{a-b} варак.

ўртоги, шавкатли хон ва истеъдодли шоир Амир Умархон ёди ва унга бағишланган фирокномалардан иборат. Аммо, Нодиранинг кейинчалик ёзган бир неча шेърида ўғилларига мурожаати хам ўрин олган. Уларда биринчи галда Муҳаммадалихонни – “Хон” дея тилга олинади. Сўнгра, набираси (Муҳаммадалихоннинг ўғли) – Муҳаммадаминни ва ундан кейингина кичик ўғли Султон Маҳмудхонни эслайди. Бироқ, кўп ўринда унга “Валинаъм” ёки “Валнаъми Султон” деб мурожаат этади. Баъзи мисраларида эса, Султон Маҳмудхоннинг “чечак” касали билан узоқ муддат бетоб бўлганидан қайғу чеккани ва унинг тузалганига шукронасини билдиради:

*Лиллаҳил ҳамд ки аз хосияти давлати Хон,
Офият топди чечакдин Валнаъми Султон...¹*

Албатта, онанинг фарзандига қайғуриши табиий ҳол. Лекин, ўша давр ҳукмдор табақасининг бир-бирига муносабатини ва хонларнинг аҳволи билан боғлиқ бундай ўринларни лирик кайфиятдаги шу каби шеърлар воситасида ҳам билиб олса бўлади.

Мавриди келганда, яна бир муҳим масалага муносабат билдириш ўринли. У ҳам бўлса, мумтоз адабиётга мансуб бирор лирик асардаги у ёки бу ибора ёхуд ўхшатишни айнан бирор бир воқеа-ҳодисага тақаш. Чунки, бадиият намунасида, хусусан, лирик асарда аниқ ном ёки ишора (адресат) кўрсатилган бўлсагина, маълум бир хулоса чиқарилса ўринли ва тўғри бўлади. Мисол учун, ўтган асрнинг 60 йилларида Муқимийнинг жуда гўзал ёзилган баркамол асарларидан бири – “Ахтаринг” радифли ғазалини шундай сиёсий тус бериб таҳлил этилган эди. Ўша талқинда жумладан шундай дейилади:

«Рамзлар, кинояли иборалар билан ёзилган бу шеър мазмунини диккат билан ўрганиш шуни кўрсатдики, Муқимий қандайдир бир “жиноят”да айбланиб, ҳукумат маъмурлари томонидан таъқиб этилган ва қочишга, яширинишга мажбур бўлган...»²

Бундай ғалат талқинга эса ғазалнинг қуидаги матлаъси сабаб:

*Подиоҳ иўқлатсалар ногаҳ, гадо, деб ахтаринг,
Тутманг ҳаргиз номими, баҳти қаро деб ахтаринг...*

Ваҳдоланки, шоир таржимаи ҳоли юзасидан олиб борилган

¹ Нодира-Комила. Девон. Нашрга тайёрловчи: М.Қодирова. –Тошкент: Халқ месори нашриёти, 2001. 273-бет.

² F.Каримов. Муқимий хаёти ва ижоди. –Тошкент: Адабиёт ва санъат 1970. 77-бет.

сүнгги тадқиқотлар бундай воқеа аслида бўлмаганини кўрсатмоқда. Мазкур шеърда эса ошикнинг маъшуқасига нисбатан мурожаати ва висолга етолмаганидан афсус надомати акс этган, холос.

Ёки, севимли шоиримизнинг яна бир машхур – “Ақлу ҳуши учти бошимдин, эй пари, девонаман...” дея бошланувчи дилбар ғазалидан мувашшаҳ санъатига кўра чиқадиган “Адолхоним” исми ва:

...Мулки Ҳинду Марвдин келсан топардим эътибор,

Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

дэя тугалланадиган мактабсидан келиб чиқиб, Муқимий ва Муҳий (1835-1911) ўртасидаги “совуқчилик”га сабаб қидириш баҳси ҳам бир неча йил муқаддам кўтарилган эди.¹

Бизнингча, аввало, ким нима дея фараз билдиришидан қатъий назар, “Мулки Ҳинду Марвдин” иборасидан шоир Муҳийнинг исми – “Муҳийиддин” сўзи араб ёзуви талабларига кўра чиқмайди; мисрада муаммо санъати ва унга ишора ҳам йўқ.

Иккинчидан, мазкур исм чиқмагач, аслида ғазал Муҳий билан боғлангани ва унинг Адолхонимга аталиб, шу аёл туфайли икки ижодкор ўртасидаги муаммонинг қўйилиши ҳам асосланмайди.

Мувашшаҳ масаласи эса анъана билан боғлиқдир. Маълумки, XIX аср иккинчи ярми мумтоз адабиётимизда мувашшаҳчилик кенг урф бўлган. Масалан, ўша давр ижодкорларидан Ҳазинийнинг йигирма, Қорийнинг ўттиз, Фуркатнинг қирқ, Муҳийнинг эса қирқдан ортиқ ва ниҳоят, Муқимийнинг ўзида етмишдан зиёд мувашшаҳ бор. “Адолхоним” мувашшаҳ-ғазали ҳам ана шулар сирасидан бўлиб, шоирнинг кўп сонли муҳлисларидан бирининг илтимоси ёхуд таклифига биноан ёзилган. Бундай дейишимизга сабаб, ўша даврдаги аксар мувашшаҳлар, бирор бир шеърият ихлосмандининг ўзи ёқтирган киши номига атаб шоирдан шеър ёзиб бериш ҳақидаги сўровига мувофиқ яратилар эди.

Учинчидан, Муқимийнинг бу шеъри 1880 йиллар охири – 1890 йиллар бошидаги ижод маҳсулларидандир. Ҳақиқатда яшаган Адолхон эса бу икки шоирдан анча ёш бўлиб, баҳсга сабаб шеър дунёга келганида, у тахминан 7-8 яшар қизалоқ бўлганлиги эҳтимол. Чунки, Адолхонга дугона дея таъқид этилган халқ артиси, моҳир санъаткор Лутфихоним Саримсоқованинг (1896-1991) ёши билан қиёслаганда ҳам бу ўринда бир англамсизлик бор. Устига-устак, Муҳийнинг ўзи ҳам Муқимийдан 15 ёш катта эди. Энди унинг Адолхондан қанча

¹ Ш.Юсупов. Муқимий ва Муҳий // Ўз АС. 1996, 21 июнь.

ёш улуг эканлигини бир чамаласак ҳам, бу “муҳаббат учлигини” тасаввур этишнинг ўзи мантиққа хилоф. (Балки, бу Адолхон Муқимий шеърида номи мувашшаҳ қилинган шахс эмасдир.)

Ваниҳоятт~~түртингидан~~ мунозарағасабаб бўлиб, тадқиқотчиларни ўзига бу қадар жалб этган асосий жиҳат назаримизда ғазалдаги сўнгги байт яъни, мақтаъдир. Шоир унда бошқа бир ердан келиб эътибор топиш мумкинлигини ва ўзининг “айби” “мардуми Фаргона” эканлигини “афсус-надомат” билан билдиради.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай мотив, яъни ўз-ўзини қайсиdir маънода маломат қилиш ва нолиш оҳангি, Муқимидан олдинги шоирлар ижодида ҳам учрайди. Тўғрироғи, бу жиҳат мумтоз шеърият услуби учун анъанавий хусусиятлардан биридир. Масалан, ўша – XIX асрнинг биринчи чорагига қадар яшаб, ижод қилган Фозий Хўқандий ҳам бир мухаммасида шундай ёзади:

...Ўзга ердин келсан эрди, ортар эрди иззатим,
Гозиё, айбим будурким, шоири Хўқандийман.¹

Шу билан бир қаторда, кўплаб Кўкон шоирларининг конкрет ва реал ижтимоий воқеъликни тасвирлаган ғазал ва мухаммаслари борки, унда ўша даврдаги ҳалқнинг ҳаёти, баъзи хонларнинг сиёсатидан норозилиги каби ҳодисалар акс этган. Айтайлик, Махмур сатиралари бу каби шеърларга мисол бўла олади. Ёки, кейинги даврдаги Қорий, Муқимий, Завқий, Зорий, Ёрий каби шоирларнинг баъзи шеърларида мустамлака шароитида Кўкон ва унинг атрофида яшаётган ҳалқнинг аҳволи, жамият ҳаёти ва тарихий воқеълик акс этган. Масалан, Муқимий ҳажвиётининг воқеалари ва қаҳрамонлари айнан юқорида тилга олинган ҳалқ вакиллари ва тарихий шароитидир. Унинг замондоши Завқий шеъриятида ҳам ижтимоий-сиёсий мотивлар яққол сезилади. Айниқса, шоирнинг бир неча мухаммас, мусаддас ва маснавийларида Кўконда рўй берган тарихий ҳодисалар тилга олинади ва уларга муносабат билдирилади. Масалан, “Қиссаи Фаргона” шеърида:

...Куюб икки тараф Ҳиштлик масжиддин ҳавли, дўконлар,
Билинг, то бу тараф Ҳишткўфруку ҳам Жомеъ, Каффонлар,
Асар йўқ рассталардин, куйдуруб бу номусулмонлар,
Куюб кул бўлди беҳад кўп “Далойил” бирла “Қуръон”лар,
Худодин ўзга билмас, бу нечук асрор, Фаргона...²

¹ А.Қаюмов. Кўкон адабий муҳити..., 92-бет.

² Завқий. Ажаб замона. Шеърлар..., 74-бет.

Парчада келтирилган Қўқондаги мавжуд жой номлари асар ёзилган вақт – 1918 йил, февраль ойида шаҳар босқинчилар хужумидан қай ахволга тушганини билдиради. Бу ишларнинг сабаби ва “номусулмонлар” кимлигини эса Завқий шундай изоҳлади: “*Мусаллат қилди ноҳақ феълимиздин бошлиқларни...*”

Бу каби узвий ва аниқ тасвир эса ҳамма шоирлар ижодида ҳам кузатилавермайди. Шу ўринда бир муаммога диққатни қаратсак. Ижодкорнинг воқеликка муносабати ихтиёрийми, мажбурийми ёки тақлидийми?..

Албатта, ҳар қандай ижодкор ўзи хоҳлаган вақтда, истаган асарини ёзади. Аммо, мумтоз адабиётимиздаги айрим тарихий-ижтимоий мавзудаги асарларнинг яратилишига эътибор қилинса, доим ҳам биз айтгандай бўлавермаган чиқади.

Маълумки, XIX асрнинг сўнгги чорагига келиб бадиий адабиётда туркум (цикл) шеърлар яратиш ўзига хос тарзда урф бўлган. Мисол учун, Псандий, Мухий, Муқими, Завқий, Зорий, Қорий, Рожий ва Ғурбатнинг фирибгар Виктор Ахматов ҳақидаги “Бектур”, “Бектурбой” ҳажвларини эсласак. Ёки, Худоёрхон тақдири билан боғлиқ манзумалар Фурқат, Завқий, Зорий, Мухайир ва Котиб томонидан қаламга олинган.

Яна бир катта туркумга сабабчи бўлган воқеа 1902 йил 16 декабрь куни Андижонда рўй берган даҳшатли зилзила эди. Мухий, Муқими, Зорий, Псандий, Ҳазиний, Камий, Ибрат, Насимий, Шавқий, Фаёз, Ҳатмий, Дабирий, Шоҳий, Олим Нурий ва Ҳамза (Ниҳоний) каби шоирлар бу фожея таъсирида ғазал, мухаммас, мусаддас ва таърихлар биттганлар. Туркумни Мухий ва Насимий бошлаб берган, дейиш мумкин. Муқимиининг бу ҳақдаги шеъри эса вафотидан сал аввалроқ «Туркистон вилояти газети» (ТВГ)да босилган (1903, №15). Умуман, ўша – 1903 йилнинг январь-май ойлари оралиғидаги «ТВГ»нинг бир неча сонида шу туркумда турли шоирларнинг асарлари кетма-кет босилиб турган.

Муқимиининг таъкидланган асарни ёзиш тарихига назар солсак қизиқ бир жиҳат равшанлашади. У жиянига юборган сўнгги (сана қўйилмаган, тахминан, 1902 йил охири ёки 1903 йилнинг аввалида ёзилган) мактубида шундай дейди: «...*Ва яна ушибу Фарғона мамлакатлари ичра Андижон деган бир шаҳримиз бўлур эрди, бунда зилзила бўлди. Баъзи одамлар илтимоси бўйинча, ночор бетоб одам бўлсан ҳам, беши-олти мисра назмга келтуруб, таърих бўлиб эрди. Бойларга ўқуб эшиклизилса, керак бўлур, деб ҳатга қўшиб юбордим...*»

Эътибор қилинса, шоир негадир “баъзи одамлар илтимоси бўйинча” демоқда ва жиянига ҳомий бўлган Москвадаги “бойларга ўқуб эшиткизилса” дея “хатта қўшиб” юбормоқда. Муқимий, бу таҳлит мактубларига кўра, умрининг охирги йилларида кўп касал бўлган ва беҳолликдан ижод қилишга ҳам қўли бормаган. Бундан эса шоирнинг бетоблик ҳолида ноҷорлигидан деярли шеър ёзмаётгани ва ушбу таърихни ҳам ўз хоҳиши билан эмас, балки, айнан “илтимос бўйинча” битгани англашилади.

Биз бошқа шоирларнинг мазкур – “зилзила туркуми”даги асарларини яратиш тарихига доир маълумотга эга эмасмиз.

Аммо, даврнинг яна бир истеъододли шоири Абдуллајон Насими (Хўқандий (1866-1941) ҳам “Бечора андижонлик” шеърида зилзила воқеасига ўз муносабатини билдиргани маълум (*ТВГ*. 1903, №8). Бироқ, аниқланишича, у мазкур воқеа билан боғлиқ яна бошқа асар ҳам яратган. Дастхат мусаввада (қоралама)сида бу шеърига шундай кириш сўзи ёзган:

«*Таърих санаи 1320 йилда гурраи моҳи шавволда эрди. Хўқанд шаҳрини “Жомеъ”сига азбаройи намози Ийди Рамазон учун ииғилган мардум ҳузурларида мазкур Хўқанд шаҳрини қўрбошиси – Кўрбоши доддоҳ лутфу марҳамат узасидин камоли маъюслик даражасида жсаноби ҳазрати Вожибул Вужуд даргоҳига зореъ ва тазарру бирла бош уруб Андижон мамлакатидаги бечораларни, бу юрган бенамоз, шаробхўр, фосиқларни инсофин тилаб, жумла мўъмин бандаларни ушбу замони ибратнамонинг оғатидин сақлагил, деб қўл кўтариб дуо қилғонларида мазкур жамъ бўлғон мардум “омин” деб, ииғлаб турганларини камина Хўқанд шаҳрида баққоллиг расстасида тургувчи фақирул-аҳтар Мулло Абдуллајон батахаллуси Насими назм силкига тартиб берди*»¹

Йигирма байтдан иборат мазкур маснавий эса шундай бошланади:

Кўрқаманким ер ютар деб элни бул афъолига,

Кўб хиёнат содир ўлди амлақу амволига...

Шеър давомида эса одамларнинг йигилиб дуо килгани, мусибатга учраганларнинг тавба қилишлари лозимлиги кабилар баён этилган. Ва у шундай яқунланади:

...Эй Насими, тавба қил, тақдир ишига чора йўқ,

На ёзилмиш, банда кўргай сафҳаи девонига.

¹ Абдуллајон Насими мусаввадаси, 107^а варак. Шахсий кутубхона.

Кузатишимизга кўра, Насимиининг ушбу маснавийсидаги воқе-ага ёндашув “Бечора андижонлик” шеъридагидан ўзгачароқ.

Албатта, қай бир шеърини аввалроқ яраттани ҳақида кескин бир сўз дейиш қийин. Лекин, муаллиф сўз юритаётган воқеани ва шу шеър тарихини “1320 йил фурраи моҳи шавволда” деб кўрсатишига биноан, “Ийди Рамазон” намози ўқиладиган шаввол ойининг боши яни, 1-куни ёзган. Агар, зилзила ўша йил рамазон ойининг 14-куни (16 деқабр)да содир бўлганини назарда тутсак, шоир айтаётган воқеа бундан 15 кунча кейинрок, аникроғи 1903 йилнинг 2 январига тўғри келади.

Демакки, Абдуллажон Насими олдин ушбу маснавийни, сўнгра “Бечора андижонлик” шеърини ёзган (*ТВГ. 1903, №8*) ва унда аввалги фикрини бирмунча ўзгартирганини кузатиш мумкин. Чунки, бу шеърни Насими ўзи ихлос қўйган устози Мухйининг шу туркумдаги “Андижона” радифли мухаммаси йўналишида яратади. 18 банд (90 мисра) ҳажмдаги каттагина ушбу мухаммасида Муҳий – даҳшатли зилзила воқеаси учун Андижон ҳалқига итоб қилмаслик, бу тақдирнинг иши эканлиги, шаҳар зилзиладан аввал обод ва яхши эди, қабилидаги фикрларни таъкидлайди (*ТВГ. 1903, №3*). Мана унинг дастлабки банди:

*Таън айламанг азизлар, зинҳор Андижона,
Ҳақ амри бирла бўлган ҳамвор Андижона,
Қилган экан муқаддар Жаббор Андижона,
Доим дуо-у ҳайрат даркор Андижона,
Сан айлама маломат зинҳор Андижона...*

Зиёвуддинхон Ҳазинийнинг шу туркумдаги “Этма” радифли мусаддасида эса буткул бошқа кайфиятни кўрамиз. Шоир руҳиятига хос мискинлик ва хоксорлик ила Яратгандан бандаларнинг гуноҳини тиаш шеър моҳиятини ташкил этган. Туркумга оид яна шундай мусаддасни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг (1889-1829) “Ниҳоний” тахаллуси билан, 1906-1914 йиллар давомида ёзиб борган, мумтоз жанрдаги шеърларидан иборат девонида ҳам кўриш мумкин. Ҳар икки шоир шеърининг бошланғич бандлари шундай:

*Ҳазиний –
Гуноҳимни, Худоё, рўзи маҳшарда ҳисоб этма,
Манга мушрику коғирлар қаторида азоб этма,
Жаҳаннам оташига куйдуруб жиссим кабоб этма,
Санга қилдим тазарруть, ноумид айлаб итоб этма,
Ўзинг раҳм айлагил, Фарғонани зери туроб этма,*

Бу дорул-мулкни Тошканد, Андикжон янглиг хароб этта...¹.

Нихоний –

*Худоё, ҳолимизни ушибу кундин ҳам батар қилма,
Балолар тийги келса, бошимизни беситар қилма,
Биза бу зиндаликни оқибат бир күн заҳар қилма,
Бу беш кунлик жаҳондин ҳасрато бирла ўтар қилма,
Илоҳо, Андикжондек зилзила бирла хабар қилма,
Бизи Фарғонани ҳам бир куни зеру-забар қилма...²*

Шу муносабат билан проф Л.Қаюомов таъкидлаган эди: «Табиий оғатларнинг одамлар хулқ-авторига алоқаси йўқлигини тушуниб етмаган ёши шоир Ҳамза ҳам устозларига эргашиб ёзган шеърида мавжуд жасиятда ёмон кишилар кўпайиб кетганлиги, ноҳақлик авж олганлиги туфайли зилзила бўлганлигини қайд қиласди...»³

Албатта, бу фикр ўша давр мағкураси яни, собиқ шўро тузуми туфайли юзага келган, ҳам дейлик. Лекин, шундан кейинги мулоҳаза илмий нуқтаи назардан мунозаралидир. Унга кўра: «...Андикжон зилзиласи 1902 йил декабрь ойидаги бўлган. Демак, Ҳамза 14 ёшлирида, Муқимий тириклигида у билан бир шаҳарда, бир руҳда ижод қила бошлаган ва демократик адабиётнинг ёши вакили сифатида адабиётга кириб келган..»⁴

Биринчидан, Ҳамза Муқимий билан ҳамشاҳар бўлганидан фахрланган ва ундан ўрганганлиги табиий ҳол. Аммо, бу унинг “демократик адабиётнинг ёши вакили” бўлди дегани эмас. Негаки, «Девони Нихоний»нинг “демократик” эмас анъанавий мумтоз адабиёт таъсирида яратилгани баҳсталаб эмас. Хусусан, сўз мавзуи бўлган асари ҳам.

Иккинчидан, Ҳамзанинг Андикжондаги зилзилага бағишланган шеъри, гарчанд бир хил мавзуда бўлса-да, Муқимий асаридан тубдан фарқ киласди. Ва, юкорида кўриб ўтганимиздек, у Ҳазиний тўра шеърининг “қолипи”дадир. Айтиш мумкинки, Ҳамза ушбу шеърни ёзишда, бошқа шоирларнинг бу таҳлит асарига эмас, айни жанр ва бир хил вазнда, Ҳазинийга назира қилган. Яъни, таъкидланган туркумдан Ҳазиний услуби ва анъанасига амал қилиб асар яратган.

¹ Ҳазиний. Девон. Нашрга тайёрловчи: О.Жўрабоев. –Тошкент: Tamaddun, 2010. 225-бет.

² Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик, 1-т. –Тошкент: Фан, 1988. 266-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, 5-т. –Тошкент: Фан, 1980. 387-бет.

⁴ Ўша ерда.

“Девони Ниҳоний”даги ушбу ва яна бошқа бир қатор шеърларда ҳам Ҳазинийга эргашиш кучли. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш зарурки, аслида Ҳамзанинг руҳиятида Ҳазиний каби ғам ва мунг сезилмайди. Чунки, ижодкор Ҳамзанинг кўнгил олами ва кайфиятида жўшқинлик ва ҳақпаратлик яққол намоёндир.

Учинчидан, Ҳамза ушбу шеърини айнан “14 ёшлирида” эмас 17 ёши (1906 йил)да яратган. Бунга доир ҳужжатни шоир ўз қўли билан тузган.¹

Муаллиф «Девони Ниҳоний»ни тартибга солаётган 1914 йилда Ҳазиний тўра нафақат Фарғона балки бутун Туркистонда “шоири оташзабон” сифатида танилган, унинг асарлари “машхур ва марғуб” эди. Шунингдек, шоирнинг тўплами – «Баёзи Ҳазиний» 1910 ва 1915 йиллар давомида пайдар-пай саккиз маротаба Тошкентнинг Орифжонов, Лахтин ва Порцев матбааларида босилиб турган; кўплаб шеърлари куйга солиниб, қўшиқ қилинган эди. Ҳазиний шеъриятидан таъсиrlаниш масаласи ҳам айнан шу жиҳат билан алокадордир. Фикримизча, янгиликка интилувчан ёш Ҳамза Ҳазиний шеърларидан ўргангандан унга маълум қадар тақлид ҳам қилган. Буни эса, шаклланаётган ижодкор учун, табиий хол дея қабул қилиш керак.

Шундай қилиб, Андижон зилзиласи ҳақидаги асарларнинг яратилиши билан боғлиқ айrim жиҳатлар борасида, куйидагича натижаларга эга бўлиб чиқмоқдамиз.

1) Муқимийнинг зилзилага бағишланган шеърида фожеадан ҳароб бўлган халқ ва унга ёрдам берувчилар тавсифланган эди. Фикримизча, бу таҳлит асарлар орасида энг реал ва аниқ тасвирлар ҳам айнан Муқимий асарида мужассам;

2) Гарчанд, мавзу бир хил бўлса-да унга ёндашув, тўғрироғи, муаллифнинг қай ҳолатда воқеадан нечоғлиқ таъсиrlангани муҳим ўрин тутган;

3) Бир хил тарихий мавзуда Муқимий каби “илтимосга биноан”, Мухий каби таассуф билан, Ҳазиний каби мусулмонлар учун қайғуриб, Насимий каби замона ахволи, воизнинг маърузаси ва устоздан таъсиrlаниб, Ҳамза каби эса устозларга тақлидан асар яратиш мумкин экан.

Албатта, бу ўтмиш муаллифларга заррача бўлса-да итоб қилиш эмас. Факат, бадиий асардаги тарихий воқеликнинг тасвирланиши

¹ ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи, Ҳамза архиви, 590 ракамли ҳужжат.

биринчи галда ижодкорнинг ахвол-руҳиясига боғлиқ эканлигини таъкид этмоқ, холос.

Адабий манбалар, хусусан лирик асарларда, тарихий ҳодисаларнинг тасвирланиши ҳақида яна кўплаб бошқа ижод намуналари мисолида ва яна ўзгача бир тур нуктаи назар билан ҳам талқин қилиш мумкин. Аммо, юқорида таъкидлаганларимиздан, хулоса қилиб айта оламизки, Кўқон адабий муҳити доирасида яратилган айрим бадиият намуналари, жумладан баъзи лирик жанрлардаги асарлар, хонлик ва кейинги мустамлака даври тарихи билан боғлиқ бир неча фактларни беради, ёки бирор реал воқеага аниқ муносабатни акс эттиради. Уларни атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш эса тарихни тўлақонли акс эттиришда ёрдамчи манбалардан бири бўлиб қолиши шубҳасизdir. Адабиёт эса ўзининг энг олий вазифаси – инсони комилни васф этиш ва таърифлашдан тарих давомида чекинмагани аён бўлиб бораверади.

* * *

*Хар бир тұғрию нотұғри, ютуғу
нүкssonни унинг ўз жинсідан қидір.*

Абу Райхон Беруний

**II боб.
Абдулла Қаҳхор асарлари:
қўлёзмалар, нашрлар ва талқинлар**

Алишер Навоий ва Абдулла Қаҳҳор

А.Қаҳҳор (1907-1968) XX аср ўзбек халқи маънавияти, маданияти ва адабиётининг энг унутилмас сиймоларидан бири эканлиги шубҳасизdir. Республикамиз 1-Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон халқ ёзувчisi Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги карорида ҳам “Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўйиган атоқли адаб” дея алоҳида таъкидланган эди.¹

Ёзувчи ўз ҳаққоний сўзи билан даврининг фарзанди ва адаби. Унинг асарлари ҳамон ўз бадиий жозибаси билан ўқувчилар оммасини жалб этиб келмоқда. Шунинг учун, Қаҳҳор асарлари истиқлол йилларида ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган эмас.

“Нурли чўққилар” хикоясининг бир ўрнида шундай тасвир бор:

“Зуҳра юзи шувут эмас, хотинларнинг кўнгил сўрашини ҳам, бунга жавобан «кўнглимни кўттаргандаринг учун раҳмат» деган маънодаги гапни ҳам эскилиқ деб билгани учун шунача қилиб турган экан, Фотимага ялт этиб қаради:

— Нимадан уяламан, эркин муҳаббат масаласини Навоий, Толстойлар кўттарган! — деди-ю, бурилиб уйга кирди-кетди.”²

Муаллиф хикоя қаҳрамони Зухрани характерини очиш учун шу гапни киритган. Бу биринчи жиҳатдан. Иккинчидан асар 1965 йил ёзилган. Бу даврда эса нафақат собиқ мустабид совет давлатида балки дунёнинг жуда кўп ривожланган мамлакатларида “эркин муҳаббат” тарафдорлари кўпайиб кетган эди. Улар фикрларига асос топиш учун улуғ классикларнинг ишқ ҳақидағи асарларини ўз таъбирларича талқин қилишарди. Бу ўринда ҳам гўёки Навоий ва Толстойни “эркин муҳаббат масаласини кўттарган” дея Зуҳра ўз номашру юнусида ғайриахлоқий қилмишини оқламоқда.

А.Қаҳҳорнинг ёзувчи сифатидаги маҳорати шундаки, ҳикоя давомида Зухранинг қанчалик ношуд ва ҳаётга номувофиқ эканлигини унинг ўз хатти-ҳаракатлари орқали очиб берган. Навоий номи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2007 йил, 8 январь. № ПҚ-556.

² А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 2-ж. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. 354-бет.

ни ҳам у ишонган “эркин муҳаббат”га зарра қадар алоқасизлигини мана шу чизгиларда кўрсатган...

Энди бевосита мавзуга кирсак.

Сарлавҳанинг ўзиёқ мавзу ҳақида сўзлайди. Лекин масала шундаки, ушбу тадқиқ учун танланган мавзу моҳиятидан келиб чиқиб, иккинчи бобни айнан ҳазрат Навоий асарларига А.Қаххорнинг муносабатини ёритишдан бошлишни лозим кўрдик. Бунинг эса ўз навбатида яна икки сабаби бор. Биринчиси, Алишер Навоий ижодиёти адабиётимиз чўқкиси бўлиш билан бирга, бу даҳо ижодкорга кейинги авлод адиллариниг муносабати ва унинг асарларини нечоғлик англай билганликлари ҳам қизиқ. Шунингдек, тадқиқимизнинг иккинчи қисмини Навоий номи ва асарлари билан бошлишни хайрли, деб билдик. Қолаверса, биз матн талқини ва уни тадқиқ этиш билан боғлиқ айrim масалаларни мумтоз ва замонавий адабий матн дея ажратмасдан, умумадабиётимиз матнларини яхлит олишга жазм этганимиз.

Абдулла Қаххор XX аср ўзбек адабиётидаги Ойбек, Максад Шайхзода ва Иззат Султон каби Навоий ижодиёти билан профессионал даражада шуғулланмаган. Унинг бу борада бирор маҳсус мақоласи ҳам маълум эмас. Бироқ, ёзувчи қаламига мансуб бир неча асарлар борки улар орқали А.Қаххор Навоий ижодий меросини нечоғлик яхши билганига амин бўламиз. У айrim асарларида улуг шоирнинг бир неча асарларидан шундай кўчирмалар келтиради, бу билан Навоийни терананглай олгани ва унинг асарларидағи ғояларни ифодалашга интилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ёзувчи “Барон Фон Ринг” фельетонига эпиграф сифатида қуйидаги байтни келтирди:

Бирорким тамаъ ришиштае қилғуси,

Анинг бирла бўғезидин осилғуси.

Бу “Садди Искандарий” достонининг 35-бобидан¹. Мазкур боб эса Искандарнинг жаҳонгирлик муддаоси билан Хурросон, Мовароуннахр ва Кашмирни фатҳ этиш учун юришлари, бу йўллардаги айrim саргузашлари ҳақидадир.

А.Қаххор фельетони 1942 йил – фашистлар Германиясининг дунёга дағдагаси авжига чиққан вақтда ёзилган. Асар қисқа. Унда Қаххор-

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-т. Ҳамса. Садди Искандарий. –Тошкент: Фан, 1993. 251-бет.

га хос сатира билан фашистлар орзу қилаётган келажак сароб эканлиги кўрсатиб берилган. Уларнинг фотиҳлик иддаоси ва орий (олий ирқ)лик даъвосининг таги пуч эканлиги, бу айнан тамаъни ришта қилиб олганлик билан баробарлигига ишора қилинмоқда. Тарих ҳам буни исбот қилди. Яъни, фашистлар айнан “бўғзидан осил” дилар.

Ўткир мунакқид бўлган Абдулла Қахҳор “Шакл ва мундарижа ҳақида” мақоласида арузда ёзилган шеърлардаги мазмун-маънога тўхталиб, уларда ўзбекча сўзлар қанча-ю, араб ва форсча сўзлар нечта қўлланилаётганига эътиборни қаратади. (А.Қахҳорнинг арузга муносабати ҳақида кейинги фаслда батафсил тўхталамиз.) Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг биратўла учта байтини келтирадики, бу билан ўз фикрини асослашга ҳаракат қилган. У дастлаб келтирган байт машҳур бўлиб, А.Қахҳор мақоласида шу шаклда берилган:

Аириқат мин акси шамсул-каъс анворул-ҳудо,

Солики роҳи ҳақиқат ишқи айлар иқтидо...

Ушбу мақола кейинчалик А.Қахҳорнинг беш жилдлик асарлар тўпламиининг охирги жилдига киргизилган¹. У эса 1989 йил нашрдан чиқкан. Ваҳоланки, Навоий асарларининг йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўплами бу вақтда нашр этила бошлаган. Устига-устак, айнан мазкур fazal ўрин олган икки жилд (“Бадой-иъ-ул-бидоя” 1- ва “Фаройибус-сигар” 3-) 1987 ва 1988 йиллардаёқ китобхонлар қўлига етиб борган эди.

Албатта, матнни инжা тушунувчи Кибриёхоним бу нашрлардан хабардор эканлигига шубҳа килмаса ҳам бўлади. Аммо нимагадир Қахҳор асарларини нашрга тайёрловчиси бўлган К.Қахҳорова Навоий газали матлаъсини аслиятдагидек – тўғри шаклда бермайди.

Асли эса қўйидагича:

Аирақат мин акси шамсул-каъси анворул-ҳудо,

“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқти садо...²

Мазмуни: “Эрталаб чиқкан қуёш косасининг аксидан хидоят нурлари порлаб кўринди ва Худонинг жамолини унинг тажаллисида кўр, деб оламдан садо чиқди”³.

¹ А.Қахҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж. –Тошкент: адабиёт ва санъат, 1989. 186-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-т..., 29-бет; Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том..., 25-бет.

³ Н.Комилов. Маънолар оламига сафар (Алишер Навоий газалларига шарҳлар).

Абдулла Қаҳҳор келтирган байтнинг иккинчи сатри эса “Ҳақиқат ўйлига кирган солик (йўловчи) ишққа иқтидо (эрғашиб) килиши керак” деган мазмунда келмоқда.

Афсуски, ёзувчи архивида мазкур мақоланинг қўлёзмаси сақланиб қолмаган. Шунинг учун, К.Қаҳҳорова тайёрлаган матнга кўра шундай хулоса қилиш мумкинки, Абдулла Қаҳҳор ўз мақоласида Навоий матлаъсини келтиришда анъанавий ва машҳур девон матнидан эмас, бошқа бир нусхадан фойдаланган. Шунга кўра, байтнинг иккинчи мисраси маълум нашрларницидан фарқ қиласди.

Аммо кейинги келтирилган матлаъ аслиятга мувофиқ. У улуғ шоирнинг “Бадоевул-васат” девонининг 314-ғазалидандир.

Эй, жамолу нозу ишванг бир-бираидан хўброқ,

Қоматинг маргубу андин пайкаринг маргуброқ...¹

Кейинги келтирилган кўшмисра “Махбубул-қулуб” асарининг 123-танбехида берилган маснавийнинг дастлабки икки сатридир.

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,

Вале бари чин ҳам дегулик эмас...

Шеърнинг тўлиғи эса шундай:

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,

Вале бари чин ҳам дегулик эмас.

Киши чин сўз деса зебо дурур,

Неча муҳтасар бўлса, авло дурур.²

Гарчанд ёзувчи ўз нуқтаи назарини акс эттириш учун мисол тариқасида бу мисраларни келтирса-да, фикримизча, улар Қаҳҳор учун тасодифий шеърлар эмас. У, мумтоз адабиётни айникса, Навоийни яхши англар ва доимо мутолаа қиласди. Кибриёхонимнинг хотирлашича:

“Абдулла Қаҳҳор шеъриятни яхши кўрап, Навоий, Муқимий, Фурқат, Бобурнинг жуда кўп газал, рубоийларини ёддан билар эди... ”³

Бу эътирофга шахсан тўлиқ ишонаман. А.Қаҳҳор уй-музейидағи ёзувчи кутубхонасида Муқимий шеърлар тўпламининг кўплаб

-Тошкент: Tamaddun, 2012. 13-бет.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 5-т. Хазойинул-маоний. Бадоевул-васат. –Тошкент: Фан, 1990. 227-бет.

² Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 14-т..., 125-бет.

³ К.Қаҳҳорова. Чорак аср ҳамнафас. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987. 68-бет.

саҳифаларига ёзувчи турли белги ва қисқа фикрлар битиб күйганини кўрганман. Ҳақиқий билимдон ўқувчи китобни шундай мутолаа қиласди.

Адиб 1941 йил ёзилган “Поэзия – юксак санъатдир” мақоласида таъкидлайди:

“Бирдан ялат этган шоирдан катта аланга чиқишини күтдик. Лекин афсуски, мана шу алангани кўрмадик ва кўрмаётирмиз. Чустий ҳамон «йилт» этганича турибди. Унинг аланга олишига кўп нарсалар халал бераётитти. Бу халал бериб турган нарсалар уни кўзга шу қадар майиб қилиб кўрсатадики, ҳатто Навоий айтган тиңдаги шоирлардан ажратолмай қолади киши.

«Яна адно табақасида жамоатедурларким, назм била фақат кўнгуллар хушинуд ва хурсанд, розию баҳраманддурулар. Ва юз машиқкат бирла бир байтким боғлаштургайлар, ва даъво овозасин етти фалакдин ошургайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшиидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишиқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуъла-афкан. Баъзидин агар гоҳе бираф яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ёмон даъво ҳам зоҳир бўлурки, ул ҳам зойеъ бўлур.

Агар бир нозук маънида писандида печ қилур, аммо ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч қилур. Гўё ўзларига ақидада мувофиқ-дурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ. Турфароқ буқим, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ...» («Махбубул қулуб».)

Чустийнинг алангаланишига тўсқинлик қиласига нарсаларнинг биринчиси, Навоий айтгандай «даъво овозасин етти фалакдин» оширгани, иккинчиси саводсизлигидир...”¹

Бу ўриндаги шоир Чустийга нисбатан А.Қаҳҳорнинг танқиди баҳ-симиз мавзуи эмас. Бироқ, таъкидлаш жоизки, муаллиф ўз фикрини ҳам аниқ, ҳам тўғри, ҳам етарли далил билан асослаб берган. У келтирган парча эса “Махбубул-қулуб”нинг “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” дея аталувчи қисмининг охирги ўринларидир².

Не тонгки, А.Қаҳҳор Навоийдан жуда ўринли далил келтирган. Бу мақоланинг номига ҳам, у ёритаётган мавзуга узвий боғлиқдир.

Худди шу мақоласида у яна ёзади:

¹ А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж..., 59-60-бетлар.

² Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 14-т..., 26-бет.

“Маълумки, замон ўтиши, давр алмашуви билан кишиларда фикр ўзгараради. Ҳозиргидек бурунги шоирлар ҳам ўқувчининг ҳиссига таъсир қилиш учун аксари унинг ўзида бўлган тайёр ҳисдан фойдаланганлар. Масалан, маълум давр кишиларида Ҳудо, Каъбага нисбатан маълум бир ҳис бўлган. Шунинг учун:

*Муаззин Каъба тоқи узра гулбонги самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти –
– деган мисралар уларга таъсир қилган.”¹*

Эътибор қилинса, мақола ҳали манфур Сталин қатағонлари давом этаётган йилларда ёзилмоқда. Бу вактда бутун бошли мақолада ўтмишда халқимизнинг эътиқодий қарашига дахлдор фикр айтиш ва “Ҳудо”, “Каъба” сўзларини келтириб, исбот учун Навоий байтини бериш жасорат ва ҳақгўйлик эди.

Абдулла Қаҳҳор жуда усталик билан, бадиий приём ишлатиб фикр маромини эътиқодий заминга бурмоқда. У “маълум давр” деб ўтмишга ишора қиласа, шу юрт шоирлари ўша ўтмишдош шоирларнинг авлоди эканлигини ҳам эслатиб, уларнинг эътиқодий қараашлари бадиий адабиётда, хусусан шеъриятда баралла бўй кўрсатганига ишора килмоқда. Энг муҳими “маълум бир ҳис” доимо бўлишини таъкидламоқда. Буни энди ёзувчи Навоийнинг “Наводируш-шабоб” девони 606-ғазалидан² келтирган байт билан далилламоқда. Албатта, мақолани бир кур кўз югуртирган китобхон ундаги танқид билан андармон бўлиб, мақоланинг асл муддаосидан бебаҳра қолади. Лекин матнга теран назар ташланса, унинг матностидан мазмунлар чикиб келади.

Ёзувчининг “Гап арузда эмас” мақоласида (у 1946 йил ёзилган) шоир Собир Абдулла шеъриятига танқидий нигоҳ бор. Аммо мақоланинг сарлавҳасиёқ арузни эмас муқаддас тилимиз бойликларини билмай, муносиб асар яратса олмаётган ижодкорларни танқид қилингани сезилади. Унга кўра: *“Шўро даврида ўсган, шўро мактабида ўқиган, шўро ёзувчиси деб аталган шоирни нима учун шўро даври китобхони лугатсиз ўқиёлмайди? Шўро даври ёзувчиси асарни кимга деб ёзади? Жаҳон адабиёти классикларининг энг машҳур асарларини бутун маъноси, гўзаллиги билан таржима қилишига яраган ўзбек адабий тили наинки Собирнинг ан-*

¹ А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-жилд..., 60-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4-т. Хазойинул-маоний. Наводируш-шабоб. –Тошкент: Фан, 1989. 437-бет.

чайин фикрларини, сира ҳам мураккаб бўлмаган туйгусини ифода қилишидан ожиз бўлса?! Ўзбек тилида яхши фикр ва туйгуларни ифода қилиб бўлмайди, деган назарияни Навоий бундан беш юз йил бурун тор-мор қилган!”¹

Хўш, муаллифнинг бу мулоҳазалари ҳозир ҳам ҳақ ва дол зарб эмасми?! У тилимизнинг кудрати, жозибаси, гўзаллиги ва энг муҳим бадиий мукаммал асар яратадиган мумтоз тил эканлиги исбот талаоб қилмайдиган қонунлигини Навоий номи билан ҳақли кўрсатмоқда.

1956 йил ёзилган қисқа ва сермаъно “Талант” номли нутқ-мақоласида эса: “Биз бугун поэзиямизда кўпдан учирма бўлиб юриб, энди дадил қанот қоқаётгай, баъзан йиқилиб тушса ҳам, лекин шеъриятнинг баланд чўққиларини кўзлаётган бирмунча ёшлиаримизни кўриб қувонгани йигилдик.

Ким билади, бу ерда кимлар ўтирипти экан! Ҳали чиқиб ўз асарларини ўқиб берадиган ёки кейинги шунаقا йигилишларда ўқигани навбат кутиб турган ёшлиар орасида ўз замонасининг Навоийси, Пушкини бўладиган одам йўқ деб ким айта олади? Агар бўлса битта- иккитамикан?

Ўша муборак кунларга етишиганимизда бугунги ва шунга ўхшиган бошқа йигилишларимизни ўз замонасининг Навоийси, Пушкини бўлиб қолган одамлар ҳам эслайди, бу ерда унинг биринчи парвозини кўрган одамлар ҳам эслайди.

Ўшандоқ муборак кунларга етишишига умидимиз катта. Умид қилиши учун ҳамма шарт-имконият мавжуд: талантимиз бор, талантни ҳалқимиз бағрининг ҳарорати билан ундиради, ўстиради. Лекин талантни ўстириши аввало талант эгасининг ўзига боғлиқ.

Навоийнинг бир ҳикматли сўзи бор:

Гарчи қуёштин парвариши олам юзига омдир,

Саҳрода қумгогу тикан, бўстонда сарву гул бутар.

Яъни: қуёшининг нури барчага баробар бўлса ҳам, саҳрода тикану бўстонда сарву гул битади.

Бу жуда чуқур, жуда зўр гап, дўппини ерга қўйиб, хўп ўйлаб кўрадиган гап... ”² дея таъкидлайди. Мақола ёш истеъодод (талант)ларни тарбиялаш, камол топтириш ҳақида. Келтирилган матн давомида

¹ А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж..., 76-77-бетлар.

² А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж..., 102-103-бетлар.

диққат этсак “ўз замонасинг Навойси, Пушкини” жумласи икки бора тақрорланади. А.Қаххор ургу бермоқдаки, ҳар бир халқнинг абадий буюк шоири бўлади. Бу руслар учун А.С.Пушкин, биз учун Алишер Навоий. Ўсиб келаётган ижодкор авлод биринчи галда шулардан озука олган ҳолда, тарбияли равишда улғайиши зарур. Шундан сўнггина “ўз замонасинг Навойси, Пушкини” чикиши мумкин.

Бу фикрни кувватлаш учун эса “жуда чуқур, жуда зўр гап, дўпини ерга қўйиб, хўп ўйлаб кўрадиган гап”ни яъни ҳазрат Навоий байтини баёни билан келтиради. Ушбу қўшмисра аслида “Бадо-еъул-васат” девонидаги 37-қитъадандир.¹ Қитъага Навоий қўйган сарлавҳага эътибор берайлик: “Шаҳ лутфи ом бўлса ҳам, барчага тенг тарбият бўлмасқа жиҳат айтур ва хурииодин равишан далил кўргизур”.

Гарчанд шохнинг оммага лутфи ҳақида сўз кетаётган бўлса-да, моҳиятан қитъанинг ўзи тарбия ва унинг маҳсули ҳақидадир. Демак, бу ўринда ҳам Абдулла Қаххор улуғ Навоийнинг мутаффакирлик ва мураббийлик ёғдусини теран хис қилган ҳолда унинг энг мувофиқ битикларидан бирини келтиради.

Умуман, Навоийни тушуниш ва шарҳлаш даъвосида бўлмаган Қаххор ўз чиқишиларида Навоийни чуқур эҳтиром қилувчи, ҳассос англовчи сифатида кўзда ташланади. Юқорида келтирилган мисолларнинг ўзиёқ у Навоий ижодини яхши билгани ва доимо мутолаа килиб турганига далолатдир.

Шу билан бирга у Навоийни халқимиз учун доимо ўrnак шахс эканлигига ургу берган. 1962 йил ашулачилик муносабати билан Камтар, Ямин Курбон, Маъруф Кориев номли қўшиқчи шоирлар ўринсиз танқид қилинган мақолага жавобан “Ашула тўғрисида” номли чиқиш қиласи. Унда жумладан шундай келтиради:

“Муаллифлар ҳеч бир далил-исботсиз Камтарнинг шеърларини ёмонга чиқариб, унинг «Унумта» деган шеърига сиёсий айб тақ-моқчи бўлишиади. Бу шеърда шундай сатрлар бор:

Ёш умринг ўтар, фасли баҳорингни унумта,

Халқингни безар қабру мазорингни унумта.

Бу: «Ёшлигинг ўтиб кетади, қабринг Навоий, Улугбек қабри сингари халқингни безаши кераклигини унумта», деган сўз.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 4-т..., 498-бет.

Мақола муаллифлари қоровул чақиришиади: «Вой-дод, ҳозирғи замон одамлари коммунизм қуришини қўйиб, қабру мозор тўғрисида ўйлаши керакми!»

Бундан ортиқ шаллақилик, бундан ортиқ шармандароқ «того-рабозлик» бўлмас!»¹

Мақоладаги ҳажвий оҳанг остида эса миллий меросимизни ҳар турли йўл билан топташга интилаётган мустабид шўро тузуми мағкураси тарғиботчиларига зарба берилмоқда. Иккинчи жиҳатдан эса мумтоз адабий ва маданий меросни асраш миллат фарзанди бўлган барчага бурч эканлигига ишора қилинмоқда. Инчунин, “Шижаот ҳақида” мақоласида у келтиради (мақола 1963 йил ёзилган): “Улуг Навоий ҳаққониятга келганда, вазирлик либосини ечиб ташлаб «қора халқ» қучогига отилган...”²

Аruz масаласи ва шеър матни

Мумтоз адабиётимизнинг не-не ноёб асарлари аruz вазнида яратилгани сир эмас. Навоий таъбири билан айтганда “аруз фани шариф фандур”³. Аввал араб, сўнг форс ва туркий шеъриятда асосий ўлчов вазни сифатида аruz қўлланилган. XI асрга оид туркий ёзма ёдгорлик – “Кутодғу билиг” тўлиғ аruz вазнида ёзилган. Юсуф Хос Ҳожиб, гўё аruz туркий халқлар ижод маҳсулидек шундай ёзганки, бу мухташам асар равон ва енгил ўқилади.

Умуман ўтмишда аruz вазнига ҳеч бир ижодкор қарши чиққан ёки эътиroz билдиргани ҳақида маълумот йўқ. Аксинча, аruz конун қоидалари бузуб ёки унга риоя қилинмай ёзилган асарлар қораланган. Яъни, аruz гўёки канон сифатида қаралган.

XX асрнинг биринчи чорагида эса ўзбек шеъриятида бармоқ вазни етакчилик қила бошлади, Европа адабиётига хос шеърий ўлчамлар кириб кела бошлади. Ўзига хос ажойиб шеърият намуналари пайдо бўлди. Аruz эса борган сари “истеъмолдан тортила” бошлади. 30-40-йилларига келиб аruz шеър тизимиға бирқадар

¹ А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж..., 169-бет.

² А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж..., 179-бет.

³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 16-т. Мезонул-авзон. –Тошкент: Фан, 2000. 45-бет.

ёвқарааш, “эскилик сарқити” дея менсимаслик ва умуман мұмтоз меросга беписандлик оқанғлари пайдо бўлган эди. Ўша давр матбуотида арузга қарши баъзи чиқишлиар бўларди. 1946 йилда Абдулла Қаҳхорнинг ҳам “Гап арузда эмас” номли мақоласи эълон қилинади.¹

Бироқ, “Абдулла Қаҳхорни ундан олдин аруз ғанимлари деб танилган кимсалар қаторига кўшиб бўлмайди. Чунончи, ёзувчи арузли шеърларда, биринчи навбатда, ўткир фикр ва теран гояни талаб қилди, уларнинг шаблон ва мавхум фикрлардан холи бўлишини хоҳлади”.²

У китобхон тушуна олмайдиган, унга эстетик завқ бермайдиган, бир қолипдаги сўзлар йифиндисидан иборат арузий шеърларни тоқат қилолмайди. Аруздаги шеърлар ҳам биринчи галда чукур фикр ва теран гояни бера олишини истайди. Бир хилдаги “шеър ёзиш мажбурияти” шоирни бўғиб қўйиши, ўстирмаслигини таъкидлайди.

Ўша вактдаги – Қаҳхор танқидига дучор бўлган аксар арузий шеърлар шундай эди. У кейинчалик “Шакл ва мундарижа ҳақида” мақоласида: “арузнинг мусиқаси билан ниқобланган, аслида пуч, бадииятга алоқаси йўқ шеърлар кўпайиб” кетаётганидан қайғуради.

Ёзувчининг аруздаги шеърларни бадиий мукаммаллиги ҳақидағи фикрлари жуда ўринли. Улар куюнчаклик билан айтилган. Факат бир нарсага ойдинлик киритиш керакки, унинг ўзи арузни яхши билганмиди?

Бу саволнинг туғилиши табиий. Бунга эса бироз батафсилроқ жавоб излаш керак. Негаки, аруздан бехабар ижодкор арузда ёзилган шеърлар ҳақида баҳс юритиши, айниқса танқидий руҳда фикр билдириши учун, унда аруз илмидан боҳабарлик албатта зарур.

Маълумки, Абдулла Қаҳхор дастлабки ижодини шеър машқи билан бошлаган ва ҳатто, улардан бир қанчаси матбуотда ҳам чоп этилган эди. Ҳажвий характердаги “Ой куйганда” номли илк шеъри “Муштум” журналининг 1924 йил 8-сонида эълон қилинган. Шундан сўнг, “Омин”, “Салла-тўн”, “Эшагим”, “Эшонлар”, “Эшоним-

¹ А.Қаҳхорнинг арузга муносабатига доир бирор жиддий тадқиқ ёки мақола эълон қилинмади. Факат, проф. Аҳмад Абдуллаевнинг “Абдулла Қаҳхор ва аруз муаммоси” мақоласидагина бу борада яхши муроҳаза билдирилган (қаранг: “Сино” журнали. 2007/куз. №27. 20-23-бетлар).

² А.Абдуллаев. Абдулла Қаҳхор ва аруз муаммоси..., 20-бет.

нинг бошларидан ўтганлари” каби шеърлари ҳам “Муштум” журнали саҳифаларида дунё юзини кўрган.

Афсуски, бу шеърларнинг қўллўзма нусхалари бизга етиб келмаган. Бироқ, ёзувчи уй-музейи А.Қаҳҳор архивидаги арабий хатдаги ёзмалар орасида бошқа бир неча шеърлар ҳам сакланиб қолган (2971, 3516, 3517, 3647, 3648, 3726, 3737, 3800 рақамли ҳужжатлар).¹

Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам Абдулла Қаҳҳор томонидан битилган эмас. Жумладан, 3517 рақамли ҳужжат аслида 1920 йилларга оид газетадан кесиб олинган саҳифа бўлиб, унда Ботур тахаллусли шоирнинг тўртликлари ўрин олган. 3516 рақамли ҳужжатда эса Тиллахонова имзоси чекилган уч тўртлик ёзилган. Шунингдек, 3647 рақамли ҳужжатда “Бургалар шаънига байт” номли фазал (8 байт), 3648 рақамли ҳужжатда “Бўламиз борча колхўз” радифли ғазал (14 байт), 3800 ҳужжатда эса форс тилида шеър бўлиб, уларнинг муаллифи кўрсатилмаган.

Лекин, 2971, 3726 ва 3737 рақамли ҳужжатлардаги шеърлар Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб асарлардир.

Аввало, ҳужжатлардаги маълумот, қолаверса, назм намуналарининг услугуб ва мазмуни уларнинг А.Қаҳҳор ижодига оид эканлигига далолат қиласди. Қолаверса, Кибриё Қаҳҳорова ҳам буни тасдиқ этган.²

Мисол учун, 3737 рақамли ҳужжатда Қаҳҳорнинг аruz вазнидаги машқи – мухаммас жанридаги ҳажвий шеъри ўрин олган. Матн араб ёзувида сарғиши қоғозга қора сиёҳ билан 1932 йил 22 май куни ёзилган. Унга ёзувчининг насрдаги кичик мукаддимаси ва охирида якунловчи хуносаси ҳам берилган. Матн кўйидагicha:

“Мулло Абдуллоҳ Хўқандийнинг истироҳат ва ижод боғида ташналик ва гўристоналик ва танҳоликдин ранжида бўлгани ва яна хоб жойининг бесаранжомлигина азият тортқони ваҳмидин камоли бетоқат бўлиб бир мухаммас айгони.

Мухаммас

*Вой дегум, Холиқо, ҳар ким боғни этса интисоб,
Очимдин ўлдим эй буродарлар, бўлак йўқми азоб?
Берса бир коса карам шўрбо бўлур эрди савоб,*

¹ Абдулла Қаҳҳор архиви каталоги (араб ёзувидаги ҳужжатлар тавсифи). Нашр га тайёрловчи: О.Жўрабоев. –Тошкент: Муҳаррир, 2011. 110-113-бетлар.

² Чорак аср ҳамнафас..., 69-бет.

*Бошима бўлди бало ё шошқолоқлиқ, ё “Сароб”,
Қайга кетди ўтга мойи томчилаб турғон кабоб.*

*Пашша қўнса бурнима қўрмоққа ҳолим йўқ нафар,
Айтқоли розу дилим йўқ одамизоддин асар,
Бошима тушкан минг мушкиларимдин ол хабар,
Хофизим қўрбақаю, чолгучилар исқабтопар,
Бўлгуси заҳару заққум узлатда нўши этсан шароб.*

*Чодире ўрусча тобуд дер ва ёки тақла ҳад,
Кўрпанинг ўнг бетида “қоттиқ ёмоқлар” беадад,
Сўрининг устига чиқсан чарс эшикдай феъли бад,
Бир кечча Литфўнду мудири ўзи ётсин бўлса мард,
Калта-ю, синган оёққа гишит қўйиб бўлдим хуноб.*

Ўртоқ Сафарёв ёки Ойдин она!

*Мухаммаснинг биринчи бандида айтилғонлар албатта муболага,
кечки овқат келгунча нафс чукилагандага келган илҳом. Аммо иккинчи
бандида муболага йўқ. Ишдан қўйса ҳам битта-иккита одамнинг бўлга-
ни дуруст экан, агар шу бир-икки кунда одам келмаса қочиб кетаман.”*

Маълум бўладики, 1932 йилнинг май ойида Абдулла Қаҳҳор Ўз-
бекистон ёзувчилар уюшмасининг боғига ижод қилиш учун чиқа-
ди. Аниқроқ қилиб айтганда, “Сароб” романи устидаги ишлари-
ни давом эттириш учун. Афтидан, ўша даврдаги уюшма боғидаги
шароит у қадар яхши бўлмаган. Ёзувчи енгил ҳажв билан у ердаги
ахволдан шикоят қилиш билан бирга, “истироҳат ва ижод бозига”
маълум муддат ёлғиз қолганини ўша вақтдаги уюшма мутасаддила-
ри (Н.Сафаров ва Ойдин)га билдиримоқда.

Мухаммас арузнинг рамал баҳрида ёзилган (рамали мусаммани
маҳзуф).

Вой дегум, Хо / лиқо, ҳар ким / боғни этса / интисоб

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

А.Қаҳҳор илк мисрадаёқ мумтоз анъана ва услугга биноан Хо-
лиққа (Яратгувчи Аллоҳга) мурожаат қилиб, ўз холи ва боғнинг
ахволидан шикоят қиласади. Шеър давомида А.Қаҳҳорга хос мутойи-

ба оханги бўртиб турса-да, услугуб ва бадиият жиҳатидан Муқимий ва Завқий сатираларининг йўналишини илғаш кийин эмас. Бир қанча ўринлар, жумладан “Хофизим қурбақаю, чолгучилар исқаб-топар...” мисраси ҳам Муқимий ҳажвларидағи тасвирларни ёдга солиши шубҳасиз.

Худди шунингдек, яна икки шеър ҳажвий тематикададир. Бири А.Қаҳхорнинг бир ош базми ҳақидаги шеъри бўлиб, у 1934 йил сентябрь ойида ёзилган (2971 рақамли ҳужжат). Матн араб ёзувида кўк сиёҳ билан сарғиши қоғозга битилган. Мана у:

*Билмадик оши қолди усталда совуб, мулла Сафар,
Ол, олиб кетса хотунингга тортуқ айла наст назар,
Бир ота ўғулларини шунча ажратса магар,
Биз қозонбошга бормасмиз ўшал гар бўлса зар
Капгиру кўсовини бошингга ургил, баччагар.*

*Оини хўб урдинг, оқиздинг тирсакдан ёёлар,
Ўйнадинг тарбузни еб ҳар ён отиб пўчоғлар,
Дедилар: “Айб этмангиз Мажнунни ақли соғлар”,
Термулиб ўртода ўлтурган гариб ўртоғлар
Борму инсоннинг отаси – ҳар, онаси – мочахар.¹*

Бу ҳам рамали мусаммани маҳзуф вазnidаги мухаммас бўлиб, унинг матнидан бир ошхўрикдан сўнг ёзилган машқ эканлиги маълум бўлади. Ўша даврадаги ҳолатни Қаҳхор кулгили тасвирлашга ҳаракат қилган. Мухаммас бир қадар равон, ўхшатиш ва тасвирлаш бор. Лекин зўраки чиққан. [Шундай бўлса-да, ҳужжатнинг ўзи фактik жиҳатдан мухим қийматга эга. Бу ҳақда китобнинг “Сароб” романи ҳақидаги ўрнида тўхтalamиз.]

Архивдаги учинчи шеър эса анча йил кейин – 1964 йилнинг 5 июлида ёзилган (3726 рақамли ҳужжат). Бу А.Қаҳхорнинг хотинлар ҳақидаги ҳажвидир. Дастхат матн сафсар сиёҳи билан оддий сарғиши қоғозга араб ёзувида ёзилган.

Шеър жанрини қитъя деб белгилаш мумкин. Арузнинг ҳазажи мусаммани солим баҳрида:

*Оқарди соч, кетди нури кўзинг бўклишиди аммо шоир,
Битар бас мода аҳли сўрамас манбаи рў додгинги.*

¹ Бу сўнгги мисра “Чорак аср ҳамнафас”да берилмаган.

*Бу мода аҳли сўргай бор янгилик шарбатинг, гофил,
Мадоринг қуриганда ташлагай пуфлаб пўчогингни.
Жимоъ важҳига бирдин узгай, ҳеч азият этма,
Дилинг комига ҳосил ўлди, ўғур орқа ёғингни.¹*
Парадигмаси: v - - - / v - - - / v - - - / v - - -
Рукни: мафойлун мафойлун мафойлун мафойлун

Мазкур шеърлар матнидан А.Қаххорнинг аruz вазнидан анчайин хабардор эканлиги ва бу вазнда ижод қила олиш қобилиятига ҳам эга бўлган, дея оламиз. Бу эса ёзувчининг арузни билмаганидан эмас, аксинча уни яхши билиб, ўзбек тилига хос бўлмаган жиҳатларинигина танқид қилганига ишора қиласди.

“Гап арузда эмас” мақоласида шундай ёзади: “Аруз вазнининг адабиётимизда қайтадан жонланиси кўпроқ Навоий юбилейига тайёрлик кўра бошлаган кунларимиздан бошлианди. Жиндаккина табъи назми бўлиб, арузда ўзича машқ қилиб юрган бирмунча кишилар ҳам шу юбилей муносабати билан адабиётга яқинроқ келиб, матбуотда аруз вазnidаги бир-иккита шеър — назми билан кўрина бошлиади.”²

Мана ўша вақтда ўзига хос “арузбозлик”нинг пайдо бўлиши. Ана шу кампаниянинг пешқадам вакилларидан бири шоир Чустий ва Собир Абдулла эди. Шубҳасиз, Набиҳон Чустий (1904-1983) ва Ўзбекистон халқ шоири С.Абдулла (1905-1972) XX аср ўзбек адабиётидаги энг яхши арузвавис шоирларимиздан.

Лекин, Қаххорнинг бу икки мақоласи 1941 ва 1946 йилда ёзилганини кўзда тутсак, унда бу шоирлар ижодининг дастлабки палласи ҳакидаги қарашларни акс эттирган. Ва уларнинг ижодий қокинишларини Қаххор мунаққид сифатида тўғри илғай олганига ва ҳақли танқид қилганига шоҳид бўламиз.

Масалан: “Чустийнинг ҳамма ишқий шеърларида деярли классик Эрон адабиёти, Навоий даврида оригинал бўлган, Умархон даврида бир қадар сийқаланган ва Муқимий, Фурқатлар даврида тамом шаблон ҳолга кириб қолган образли сўзлар, ифодалар қайтарилади: сарв, қомат, оҳу кўз, лаъл ва шакарлаб, жон мурғи (ҳеч бўлмаса “жон қуши” ҳам эмас!), шамишод қад, булбули хушилҳон, маҳлиқо, моҳи тобон, қоши меҳроби, шаҳду шакар, қанду набот, бодаи васл...

¹ Абдулла Қаххор архиви каталоги..., 111-бет.

² А.Қаххор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж..., 71-бет.

Гап буларнинг кўпу шаблон эканлигидагина эмас. Бундан ташқари яна икки нарсани кўзда тутиши керак:

1. *Шу ташбехлар, шу ифодалар ҳозирги катобхонга етадими?*

2. *Етган тақдирда шулар воситаси билан яратилган гўзаллик ҳозирги бизнинг китобхоннинг эстетик завқига тамом мос тушидими?*

Ташбехнинг вазифаси нуқтаи назаридан қараганда биринчи саволга ҳеч иккilanmasдан салбий жавоб берииш мумкин. Китобхон сарв-шамиодга ўхшатилган қад-қоматни тасаввур қилиши учун аввал сарв билан шамиодни яхши билиши керак...¹

Мазкур фикрларга кўшилмасликнинг иложи йўқ. У нафақат Чустий, умуман арузда ижод қилишга бел боғлаган ҳар бир ўзбек шоирига тегишлидир.

Демакки, Абдулла Қаххор аруздаги шеърлар ҳакида фикр юритганда, аввало, унинг матнига дикқат қиласди. Матн ўзбекчами? Яъни, уни ўқиган ўзбек шеърсевари ундан янги нарса олабиладими, завқланадими? Ўз тилининг лугавий бойлик хазинасидан ярарлана оладими? Ниҳоят, замондош учун бу ижод маҳсули нима беради?

Шу ва шундай саволлар А.Қаххорни гўё “арузни қораловчи” сифатида кўрсатарди. Аслида-чи? Аслида эса у қўйган масалалар ҳақли, кўяётган саволлар эса жавоблантирилиши керак, муаммони эса ҳал этиш лозим. Дикқат қилинса, ўша машхур мақолосини “Гап арузда эмас” дея номлаган. Шунинг ўзиёқ масала моҳиятига аниқ ишора қилиб турибди. Маколада тилга олинган шоирларнинг ижодини эса А.Қаххор факат равнақ топишини истаган.

Ёзувчининг архивида яна бир шеър тўплами бор. Бу унинг ўқувчилик йилларига оид дафтарчадир (3824 рақамли ҳужжат). Унинг номи “Шарқий дафтари” (Кўшиқлар дафтари) бўлиб, уни А.Қаххорнинг Кўқондаги Фаргона музофот уч йиллик таълим-тарбия билим ютидаги сабоқдоши Рафиқ Искандарий тузган (1922 й.). Дафтарда “Ватан”, “Санжок”, “Шарқ озодлиги”, “Доғбоши”, “Чаноққалъя”, “Улуғ Тангirim”, “Жиҳод марши”, “Озодлик”, “Истиқбол”, “Туркистон” каби марш ва қўшиқлар матни ўрин олган.

Бу нима дегани? Ҳали ўқувчилик чоғидаёқ Ватан, Озодлик ҳақидаги шеър-кўшиқлар билан улгайган бўлажак ёзувчи учун асар мат-

¹ А.Қаххор. Асарлар. Беш жилдлик, 5-ж..., 62-бет.

ни хоҳ арузда бўладими, хоҳ бармоқдами, хоҳ насрдами у албатта бадиият ва сўз салмоғидан айри бўлмаслиги керак эди.

Абдулла Қаҳҳор: ёзувчи – шахс – зиёли

Нобель мукофоти сохиби Уильям Фолькнер “Адабиётда ёзувчи эмас, ёзилган асар мухим” деган эди. Тўғри, адабиёт яратилган асарлари ила ўлчанади. Лекин тарихда қоладиган асар бита олгудек ижодкор, биринчи галда, ўз даврининг пешқадам зиёлиси ва том маънодаги шахс бўлиши зарур.

Ёзувчининг салоҳияти, индивидуал услуби, тили, образ яратиш маҳорати ва ниҳоят бадиий сажиёсининг шаклланиб бориши ўз-ўзидан бўлмай, бунинг учун машаққатли меҳнатга тўлиқ йиллар керак. Бу ўринда А. Қаҳҳор архиви ҳақида сўзлашдан бироз илгарилаб, ундаги мавзумига боғлиқ айrim қайдларни келтириб ўтмоқчимиз. (Архив борасида кейинги фаслда тўхтамализм.)

Битиклар орасида XX асрнинг бошларида истеъмолда бўлган чойқоғозга ёзилган бир ҳужжат бор (№3821)¹. Ўша даврда ё қофоз тақчиллигидан ёки, мазкурга ёзиш қулайлигидан унинг олди ва орқаси ҳам тўла.² Мухими, чойқоғоздаги матн Абдулла Қаҳҳорнинг ёшлиқ (эҳтимол ўкувчилик) йилларидағи араб ёзувидаги дастхати (таксминан 1920 йилларнинг бошлари). Унда шундай берилган:

“Алининг тасвири

Али 9 ёши бир бола. Ёшига қарагандо бўйи узунроқ. Заиф, кучсиз эмас. Бироз бўгдой ранг, вужуди заиф. Ўша. Сиймо, ранг қошининг четида қора холи бор. Бурнини устида бироз чечакнинг доги кўрунади. Али бирдек эскирганроқ қора тузурка киёдур.

Алининг бошқача тасвири (хато тасвир)

Али кичкина бир бола, унинг кўзи, бир бурни, бир оғзи, икки қўли ҳам ва икки оёғи бор. У бизнинг хизматчимиз бўладур. Ўзи етим бўлганидан бизнинг уйда ётиб турадур.

¹ Абдулла Қаҳҳор архиви каталоги..., 113-бет.

² Ўзбекистон халқ шоири Чархийнинг ҳам айнан шундай қофозга ёзган бир шеър матни бизда сакланади.

Хулоса

Бир нарсани ҳеч күрмаган – танимаган кишиларға танирлиқ қилиб таъриф қылмағын тасвири дейиладур. Бир нарсани ё бир киши тасвири қылмақ ұлан уни бошқа кишиларға ўхшаш нарсалардан ва кишилардан айрапту ерларини бирам-бирам топиб сўзламоқ ва ёзмоқлик бўладур.”

Кўриниб турибдики, ёзувчи ҳали ёшлик йиллариданоқ бадиий тасвирилаш, қаҳрамоннинг ҳолатини яратиш ва уни жонлантириш устида кўп ишлашни ўз олдига мақсад қилиб олган. Ҳужжатдан эса муаллиф ёзувчи бўла олмоқ учун, аввало, энг одий тасвири воситаларидан фойдаланишни ўрганиб боргани маълум бўлади. Ундаги “Алининг тасвири” ва “Алининг бошқача тасвири” сарлавҳали кичик бандлар ҳам қаҳрамон тасвирилашнинг ибтидоий турини кўрсатмоқда. Ҳатто, иккинчи тасвирининг ёнига “Хато тасвири” деб ёзиб ҳам қўйган. Балки, бу ёш Абдулланинг адабиёт дарсларида олган ўзлаштируларидандир. Ҳар ҳолда, унинг архивидаги энг кичик қозоғ парчалари ва улардаги ёзувлар ҳам муаллиф ижодий лабораториясини хусусан, унинг ёзувчилик иқтидорига эришиш ва бу санъат сирларини ўрганиш йўлларини билишимиз учун жуда ҳам мухим малзама эканлигини исбот этади.

Ёки, А.Қаҳҳорнинг Тошкентга илк келиши билан боғлиқ бир хотира қайди ҳам маълум (хужжат №3659). Унда жумладан шундай дейилади:

“Тошкентга кетишда аям ирим қилиб мени кузаттади. Дадам станцияга кузатиб чиқди.

- Тошкентга тушишинг билан бир пиёла қатиқ ич, туз, бир чимдим турпоқ егин.

Кўз ўнгимда мачитнинг мадрасасида бир ҳужора. Шаъм. Парвона. (Фитратнинг шеъри. Ўзбекистон шоирлари)...”¹

Матн охирида эса муаллиф куйидаги рўйхатни беради:

“...Устодлар. Қамчинбек, Гози Юнус, Фаҳмидин, Юнус Кофир, Санжар Сиддик, Алошов, Аъзам Аюб, Мир Ҳусайн, Аҳмаджон Ёқубов, Комил Алиев, Усмонхон, Рамз, Наби Расулий. Танишлар. Абдуллоҳ Қодирий, Чўлтон, Элбек, Ойбек, Гайратий.”²

Кўринадики, Қаҳҳорнинг Тошкентдаги “устод” ва “танишлар”и асосан ижод ахли. Демак, у илк дамларданоқ ўз олдига ижодкор бўй-

¹ Абдулла Қаҳҳор архиви каталоги..., 114-бет.

² Ўша манба, ўша бет.

лишдек катта мақсадни қўйган. Мазкур хусус кейинчалик ёзганларидан ҳам билинади. Шу билан бирга унинг яна қўплаб кораламалари ҳам борки (айримларига “Ёшлилар билан сухбат” дея ном қўйилган ва кейинчалик шу номда китоб ҳам чиқарган), уларнинг аксари ёзувчилик меҳнати ва масъулияти, ижод жараёни, усули ва бадиияти ҳақидадир. Мисол учун, улардан бирида муаллиф “Китобхонни тортадиган усул” ҳақида ёзади (хужжат №3748)¹.

Яна, Абдулла Қахҳор ҳақиқатдан ҳам ўзбек тили ва адабиётининг бугуни ва эртаси учун куйинган, унинг ҳар бир “майда” масаласига ҳам жонсараклик билан ёндашган ватанпарвар ва миллатпарвар зиёли эди. Ўзбек тилининг нозик жиҳатларини билган адаб тилимиз имкониятлари ва бойлигини тўласича кўрсатиш кераклиги, алифбо эса тилга мос бўлиши ва яна бошқа масалалар ҳақида ўз фикрларини билдирганки, бу архив ҳужжатларидан маълум бўлади (№3750, 3751, 3753, 3782 ва бошк.). Ёхуд, таржимачилик борасида оригиналдаги ҳар бир ибора ва сўзни таржимада акс эттиришда ниҳоятда дикқатли бўлиш кераклиги, бирор хориж адабини айнан бир таржимонгина давомли суръатда ўғириши тўғри эмаслигини маълум қиласи. Мисол учун, бир ўринда у ёзади (хужжат №3664):

“1. Чехов асарларини бир ва ёки бир қанча таржимонларининг маҳри қилиб қўйши ярамайди. Бир кунки келар, эҳтимол бошқа таржимонлар бизнинг таржималар ҳақида шундай дер: “Таржима қиласай деб уларни чаплаштириб юбориш”... 2. Биз таржимани ким қилганилиги эмас, қандай қилганлигига қарашимиз керак... ”²

Гап таржима ҳақида кетар экан, А.Қахҳор моҳир таржимон бўлиши билан бирга, ўзининг асарлари ҳам бир неча хориж тилларига таржима қилиниб, нашр этилган. Лекин адаб соҳта шуҳрат ва шов-шувга “ўч” бўлмаган. Бундай қатъий хulosага унинг бир хати асосида келмоқдамизки, уй-музейидаги 2347 рақамли ҳужжат ушбу фикрни тасдиқ этади. 1964 йилнинг аввалида А.Қахҳорга Қозондан Ясир Шамсуддинов исмли таржимондан мактуб келади. Бу хатда “Синчалак” қиссаси татарчага ўғирилгани, босилган биринчи нусхалар тез сотилиб кетиб, нашриёт яна қайта нашрға туширишни сўраётгани билдирилган. Шу сабабли таржимон асар муаллифидан иккинчи босмасига изн истайди ва таржима юзасидан Қозонда эълон қилин-

¹ Абдулла Қахҳор архиви каталоги..., 125-бет.

² Абдулла Қахҳор архиви каталоги..., 120-бет.

ган мақола (Сарвар Адҳамов “Эр юракли Саида”) газета қирқмасини ҳам илова қилиб жўнатган. Қаххор эса қисқа, лекин мазмундор жавоб беради. (Унинг сақланиб қолган нусхаси, афтидан қоралама бўлиб, Я.Шамсуддинов хатининг орқасига қора қалам билан араб имлосида тез ёзилган).

Мана ўша матн:

“Ўртоқ Шамсуддинов! Таржимани кўриб чиқдим. Таржимадан яхши таассурот қолди. 2-босмаси чиқадиган бўлса икки йилдан кейин янги куч ва малака билан қайта кўриб чиқсангиз қолган китоб таржималарингиз яна ҳам самаралироқ бўлар эди. Таржиманинг ҳаммасини солиштириб чиқшига вақт бўлмади, шундақ бўлса ҳам иккита катта-катта камчилик сездим.

1. Таржима ўзбекчадан қилинган деб ёзилган. Ҳолбуки, русчадан олингани менимча кўз-кўз жойлари бор. 2. Бир қанча ерда ўзингиздан қўшгансиз Шу иккита катта камчиликни албатта тузатиш керак. 7 / II. 64.”¹

Зийрак ва некният адид адабиётимизнинг равиқи ва келажаги кимларга боғлиқлигини, уларнинг иқтидори не чоғлиқ эканлигини ҳам тўғри башорат қилган. XX аср ўзбек адабиётининг 60-90 йиллар даври А.Қаххор фикрларининг не қадар тўғри эканлигини кўрсатди. Бу давр адабиётимизнинг истеъододли вакиллари – О.Ёкубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Хошимов, У.Назаров, Ш.Холмирзаев, Ў.Умарбеков кабиларнинг ижодига А.Қаххор ўз вақтида эътибор билан қараган, ҳар бирининг қандай асар яратадигани ва унинг иқтидорига аҳамият берган. (Бундай фикрлар қайд этилган кўллёзма хужжатлар ҳам ўндан ортиқ.)

Абдулла Қаххор чин маънода ўз даврида адабий тафтишчи ёки адабий танқидчи ўлароқ кўзга ташлангани ва унинг фикри кўплаб ижодкорлар учун муҳим бўлганлигини ҳужжатлар тасдиқлади. Унга келган кўпчилик мактубларнинг мазмуни ҳам шу мавзуга дахлдор. Бошловчи ёзувчилар катори, илм ва ижод аҳлига таниш бўлган қаламкашлар ҳам адид фикрига муштоқ эди. Мисол учун, 1958 йилнинг 29 декабрида таниқли олим ва адид Тўхтасин Жалолов ёзади (хужжат №2527, араб имлосида):

“Муҳтарам Абдулла ака! Тажриба учун ёзган бир ҳикояни сизнинг муҳокамангизга олиб келдим. Мен сизнинг танқидингиз-

¹ Абдулла Қаххор архиви каталоги..., 102-бет.

ни мақтөв ўрнида қабул қиласынан. Танқиод – нечөглиқ жиiddий ва шафқатсиз бўлса шунча яхши, чунки гап танқидчининг асари устидаги боради. Қимматли вақтингизни олишга журъат қилганим учун қайта-қайта кечирим сўрайман. Боқий эҳтиром: Т. Жалолуф¹

Яна бир мұхым жиҳат борки, ёзувчи энг аввало ўз шахси ва ижодига ниҳоятда дикқат этувчи бўлган. Сўнгра бошқа ижодкор ва замондошлиарига “танбех берган”. Танбехни хам ўринли ва жоиз бўлсагина айтишни лозим кўрган. Мисол учун, “Муштум” журнали М.Жабборов исмли бир киши ҳақидаги танқидий материалларини А.Қаҳхорга жўнатади ва назаримизда ёзувчидан фельетон ёзиб беришни сўрайди. Адібнинг, айни дамда мунаққиднинг, ушбу ҳодисага жуда босиқлик ва ўта мушоҳада билан муносабатда бўлгани “30.01.1959” саналик мактубидан маълум бўлади. Қаҳхор учун биринчи галда воқеа ортидаги шахс кимлиги эмас, унинг инсоний қиёфаси мұхимлиги сезилади. Жумладан, мазкур хатда айтилади (хужжат №3777):

“Муштум” ҳажсномасига.

Мұхиддин Жабборов ҳақидаги материал билан танишдим. Материалдан Мұхиддин Жабборов ким, қанақа одам, унинг хулқи-ахлоқи қанақа, бу гуноҳи тасодифми ёки ўзининг товламачилик табиатидан келиб-чиқсанми билib бўлмайди. Мен бу одамни бутун депутатлик доирасида шарманда қилгани, унинг ҳаётини узоқ йиллар давомида заҳарлагани қўл қўйғанимда шуларни билишим керак. Агар Жабборовнинг бу қилмиши – қилмишларидан бири бўлиб, ўзи фельетонбоп одам бўлса унинг баширасини йирик планда кўрсатиб яхшироқ фельетон ёзиши керак. Гап фақат шу ўғирлик устидаги кетаётган бўлса бу ҳақда фельетон чиқаришдан кўра материалларни ёш ёзувчилар семинарига юбориб, (...) мұхокама қилиши фойдалари оқ бўлар. Менинг бу фикримни таҳририятнинг бошқа аъзоларига ҳам маълум қилишини сўрайман.

Абдулла Қаҳхор²

Абдулла Қаҳхор яшаган давр ҳозирги бизнинг авлод учун жуда ҳам сирли ва кўп жиҳатдан мубҳам. Кейинги – истиклолдан сўнг маълум бўлаётган ҳолатга кўра у каби инсонларнинг ҳақ сўзни айтиши осон эмас, ҳаттоқи имкони бўлмаган. Лекин, Қаҳхор барибир маврид билан тўғрисини айта олувчи ростсўз инсонлиги маълум. Ана шу ҳақиқат

¹ Абдулла Қаҳхор архиви каталоги..., 109-бет.

² Абдулла Қаҳхор архиви каталоги..., 101-бет.

тимсоли бўлмиш нутклар, ўқдай иборалар қаерда? Нега улар асосан хотиралар орқали етиб келган? Ёзувчининг нашр этилган асарлари орасида нима учун улар учрамайди? Ваҳоланки, адаб вафот этганига ярим асрча бўлди, холос. Сўзимиз мавзуи архив ҳужжатлари ана шу каби саволларга бирмунчага жавоб беради. Муаллифнинг ён дафтар сахифалари ёки алоҳида варакларга ёзган айрим қайдларида уларнинг баъзисига дуч келиш мумкин. Мисол учун, ёзувчининг “партияниңг солдати эмаслиги” ҳақидаги нутқи машҳур. Фикримизча, унинг бир парчаси ёки унга тайёрлов матн “Ҳаёт лавҳалари” номли дафтар сахифаларидин ўрин олган (хужжат №3656). Мана ўша парча:

“Партия.

Фалончи (баъзи одамлар) “сен партияниңг солдатисан, партия қаерга юборса, ҳатто бозоркўйм қилиб юборса ҳам бораверасан” деди. Ҳақиқатда бозоркўйлик мартабасига пора бериб бўлса ҳам минишини мўлжсаллаб турган эди. Ҳақиқий коммунист “партияниңг солдати” – автомат эмас, унинг тўла ҳуқуқли, мамлакатни идора қила олган партияниң ҳақиқий аъзоси, мамлакат сиёсий ва иқтисодий, маданий ҳаётида актив курашчи, фикр айтадиган, мунозара қилишига қудрати етадиган бўлиши керак. Сталин ҳам аъзоларини солдат, гражданларни “ватбат” қилишига ҳаракат қилган, бунга қисман эришган эди. Stalin давридаги чимрашлар мана шунинг натижаси эмасми?..”¹

Ёки, А.Қахҳор ўзига нисбатан танқид ёхуд эътиroz муносабати билан Ёзувчилар уюшмасида чиқиш учун ёзган қайдлардан бирида адабий ва ижтимоий ҳақиқатни ойдинлатишга қанча куюнгани сезилади (хужжат №3737, рус тилида). У ёзади:

“Создано вокруг себя ореал – так говорить неправильно, нечестно!.. А.Якубов – с 1955 г. Х.Назир – 1950 г. Умарбеков – П.Кадыров – с 1946 г. (рассказ пред колоды) Учкун – с 1961 г. (три рассказа) Норматов – с 1960 г. (письмо) Х.Гулям – 1952 г. (первый критик)...

Я знаю, что теперь, после моего выступления организуются не один выступлений, то есть так называемой отпор. Но эти отпоры врядли достигает цели, ибо публика теперь совсем иная, она уже свободна от давления периода культа Сталина. Даой Сталинизм! Да здрасствует свобода!”²

¹ Абдулла Қахҳор архиви каталоги..., 96-бет.

² Абдулла Қахҳор уй-музейи фонди, 3737 ракамли хужжат.

Куйидаги хужжатда (№3746) эса ёзувчи айнан 1960 йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни беришга интилган: “...*Вақтида болта кўтариб одам овлаган ҳукуматнинг ўзию, энди бу жиноятини одамларга тўнкаётитти: Усмон Носир ҳалол одам экану уни одамлар чақъан эмиши. Ҳукумат ҳамма гуноҳларини шунаقا юваётитти. Отилганлар, кесилганлар оқланаётитти, лекин булар кимнинг чақуви билан ҳалок бўлганини айтилмайди...*”¹

Ўз навбатида, бу каби ёзмаларда А.Қаххорнинг давр сиёсатидан боҳабарлиги, очик фикрли зиёли эканлиги, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатпаст расмий қолганлиги равшанлашади.

Умуман олганда, Абдулла Қаххор архивини илмий ўрганиш давомида яна кўплаб факт ва хужжатларга дуч келиш мумкин. Ёзувчининг бу бисоти билан муфассал танишиш, асарларининг қўлёзмаларини ўрганиш натижасида аслида унинг шахсияти, ижодидаги сатрости маъноларни англаш, биографиясининг муаммоларини кузатиш, талқин ва таҳлил қилиш, унинг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш мумкин. Албатта, ёзувчи оғир даврда яшаган. Ҳар бир ўйлаган фикрини қофозга тушуравермаган. Лекин мазкур қўлёзма ва қораламаларни тадқиқ этиш муаллиф мушоҳадалари ва унинг ижодий устахонасини адабиёт аҳлига яқинроқдан кўрсатиб беришга асос бўлади.

Абдулла Қаххор вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқ шоҳири Чархий ёзган марсия мухаммасда шундай сатрлар борки, улар шу фаслга мос интиҳо бўла олади:

*Унинг ижоди мақбули жаҳон, ҳозиржавоб эрди,
Вале ҳар ишга қаҳрин наштари ҳам тезтоб эрди,
Суханда тезтоб эрди, валек олийжсаноб эрди,
Вафо аҳлига жони садқа, меҳри беҳисоб эрди,
На чора, юмди кўз, кетди кечиб дардудан ҳам...*

Ёзувчи архиви ва қўлёзмалари

Абдулла Қаххор бадиий оламини, асарлари ва уларнинг варианatlари, хатлар, ёзишмаларини тўлиқ ва муфассал ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш қизиқарли ва муҳим аҳамият касб этади.

¹ Абдулла Қаххор архиви каталоги..., 122-бет.

Ёзувчи яшаган охирги уй ҳозирда уй-музей ҳисобланади. Йилига уч-уч ярим минг зиёратчи ташриф буюриши кузатилган. Бу дегани кунига ўртача 8-10 одам Қаххорни эслагани уйига келади, яқинроқ танишади. Бу ҳам ёзувчи баҳтининг бир кўринишидир!

А.Қаххор асосан XX асрнинг 30-йилларида ёзувчи ўлароқ эл назарига тушган ва қарийб 40 йиллик ижод йўли давомида унинг асарларининг бир неча кўлёзма вариантилари – архив юзага келган. Бу ноёб архив каталогглаштирилиб¹, 316 та хужжатга илмий тавсиф берилди.²

Адиб уй-музейидаги материалларнинг ҳаммаси ашёвий хужжат ҳисобланиб, ёзувчи ҳаёти ва ижодининг бирор лавҳасини, жонли хотирасини ҳозирги ёш ва келажак авлодга гўёки тиклаб беради.

Аввало, ушбу архивни сақланиб қолишида адибнинг умр йўлдоши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимаси Кибриё Қаххорованинг номини эслаш лозим. Унинг Қаххор номи ва асарларини тарғиб этишдаги муносиб хизматлари маълум. Шу билан бирга, ёзувчидан қолган бир парча битиккача асралиши ва уларни бугунга келиб фанга тақдим этилаётгани, ҳеч иккиланмай, шу инсон туфайли, деб билиш лозим. Негаки, ёзувчи бисотида ҳатто аёллар ҳақидаги ҳажвий шеъри борлигини юқорироқда кўрдик (хужжат №3726³). Мана шунинг ўзиёқ, К.Қаххорова А.Қаххор архивини ардоқлаб, асраганини кўрсатади.

Архивнинг энг қизиқарли жиҳати шундаки, А.Қаххор ўз асарлари ва бошқа қораламаларини араб ёзувда биттган. У ҳам бўлса, 1928 йилгача амалда бўлган, ислоҳ этилган эски ўзбек ёзув тури. Устига-устак, адиб йиллар давомида бу ёзувда ўз ёзма услубига ҳам эга бўлиб қолган. Умуман олганда ҳар бир ҳаттотнинг ўз услуби бўлиши бор гап. Лекин бу ўринда масала бошқача. А.Қаххор кўз ўнгимизда ҳаттот сифатида эмас, ўз ёзмаларини келажакка қолдирган ёзувчи ўлароқ гавдаланади. Унинг дастхати бир караганда равон арабий хат. Бироқ, ислоҳли алиф-

¹ Уларнинг бир қисми сақланиб қолган ва бир муддат Ўзбекистон ФА (собиқ) Ҳ.Сулаймонов номли Кўлёзмалар институти сўнгра, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида эди. Ҳозирда эса бу нодир архив материаллари ҳақли равишда адиб уй-музейида сақланмоқда.

² Қаранг: Абдулла Қаххор архиви каталоги...

³ Абдулла Қаххор архиви каталоги..., 111-бет.

бо бўлгани ва хаттий услуби сабабли уни ўқиб кетиш осон эмас. Фақат, давомли равишда матн билан ишлашгина мутолаа малакасини хосил қиласди. Кўлёзмаларда нелар борлиги, муаллиф айнан нималарни оқ саҳифаларга қоралагани эса сирли ва қизиқарлидир.

Мазкур архивдаги ҳужжатларни шундай тасниф этиш мумкин: 1) А.Қаххор бадиий асарларининг кўлёзма вариантлари (қиссалар: “Ўтмишдан эртаклар”, “Мухаббат”, “Зилзила”; пьесалар: “Ташвиш”, “Аяжонларим”; айрим ҳикоялар).

2) Ёзувчи публицистикасига оид баъзи намуналарнинг қўлёзмалари (мақола, тақриз, очерклар).

3) Муаллифнинг баъзи воқеа, ҳодиса ёки чиқиши муносабати билан қайд этиб қўйган қораламалари (улар ичига ёзувчининг бошқа ижодкорлар асари муҳокамаси учун ёзган қайдлари ҳам бор).

4) Ёзувчининг турли асарлари учун тўплаган материал, кутиши, бадиий топилма, қайд, образлар рўйхати ва хисоблари (“Ўтмишдан эртаклар”, “Мухаббат”, “Зилзила”, “Тобутдан товуш”).

5) А.Қаххорнинг турли йилларда ёзган шеърий машқлари.

6) Дафтарлар (турли сафарлар, курултойлар муносабати билан ва ўқувчилик, талабалик йилларида тутилган).

7) А.Қаххор ёзган ва унга келган айрим мактублар.

Ушбу ҳужжатлар биринчи галда ёзувчи биографияси, ижодий лабараториясини ўрганишда жуда муҳим ва бирламчи манбалардир. Қолаверса, улар ижодкорнинг маънавий ва руҳий дунёси, атроф-муҳитга, адабий жамоатчиликка муносабати, турли ижтиомий-сиёсий фикрлари борасида ҳам маълумот бера олади.

Шуни айтиш зарурки, адаб архивидаги ёзмаларнинг катта қисми 1950-60-йилларга доир ҳужжатлар. Афсуски, 1930-40-йилларга оид бундай манбалар жуда кам, саноқли. Бу албаттa, дастлабки йилларда А.Қаххорнинг оилавий ҳаётидаги носозликлар ва бир неча жойга кўчиши билан боғлиқ бўлса, эҳтимол. Бироқ, ҳужжат ва материалларнинг сақланиб қолган мавжуд қисмидан ҳам Қаххорнинг адаб ва шахс сифатидаги қиёфаси акс этади, дея оламиз.¹

Кўлёзмалар кўп жиҳатлари билан ижодкор борлигини кўрсата олувчи манбалардир. Уларни яна ҳам атрофлича тадқик

¹ О.Жўрабоев. Ардоқли дастхатлар // Tafakkur. 2012, 4-сон. 42-48-бетлар.

этиш эҳтиёжи сезилаверади. Тўғри, мазкур қўлёзмаларнинг ҳаммаси ҳам кўзда тутилган мақсадни, том маънода, очиб бер-маслиги мумкин. Бироқ, уларнинг ҳар бирида муаллиф айтишига улгурмаган мазмунлар яширин бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Зероки, муаллифнинг китобхон учун мўлжалланмаган қорала-маларини тадқиқ этиш асар матни тарихини ўрганишга ёрдам беради.

А.Қаҳҳор архивида эса қораламалар кўпгина. Улардан бири 3724 рақамли ҳужжат уч варакдан иборат муаллиф дастхати. Матн араб ёзувида оч жигарранг қофозга сафсар сиёҳ билан ёзилган. У «*“Кўшичинор”ning қисқача мазмуни”*» деб номланиб, шундай бошланади:

“Сайдмуқимжон тасодифий равишда ўз тўпидан – батраклар тўпидан айрилиб муштумзўр оиласига кирган ва шунинг учун кўлхуздан четда қолган эди...”

Охири эса:

“...Биратўла – уйлардан иборат бўлган капсанчилар қишлоғи янги типдаги сартияликнинг қишлоққа айланади. Ҳанифа билан Сайдмуқимжоннинг тўйи бўладиган кун Ватан уруши бошланадийу, тўй урушдан кейинга қолади.”

Муаллиф бу аннотацияни нима учун ва кимга ёзгани бизга маълум эмас. Балки, романга қўл ураётган 1939 йил, ўз-ўзига асар ревяси сифатида, қайд этиб қўйгандир. Чунки, мунакқид О.Шарафиддиновнинг таъкидлашича: “...адиб “Кўшчинор” устидаги ишни урушдан олдин – камида 1939 йилда бошлаган”¹.

Ушбу ҳужжатда “Кўшчинор” ва кейинчалик унинг қайта ишланган варианти “Кўшчинор чироғлари” романини тадқиқ этувчилар учун бир неча муҳим факт мавжуд. Биргина далил. Асарнинг ҳар икки вариантида ҳам бош қаҳрамон Сиддиқжон деб номланган. Мазкурда эса Сайдмуқимжон дея ёзилган.

Аммо, бу ҳужжат негадир “Кўшчинор” ҳам, “Кўшчинор чироғлари” ҳам атрофлича таҳлил қилинган ҳеч бир тадқикотга тортилмаган. Ҳатто, роман ҳақида изланишлар олиб борган О.Шарафиддинов² ва Р.Кўчкор³ назаридан ҳам четга қолган.

¹ О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор (эссе). -Тошкент: Ёш гвардия, 1988. 161-бет.

² О.Шарафиддинов. Ўша асар, 160-191-бетлар.

³ Р.Кўчкор. Мен билан мунозара қилсангиз... –Тошкент: Маънавият, 1997.

Архивдаги 3702 рақамли ҳужжат эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақидаги фикрлардан иборат. Тўғрироғи, академик шоир Faғur Fu-lomning хотираларини А.Қаҳҳор қоғозга туширган. Ҳужжат катта эмас, 1 вараг холос. Матн араб графикасида қора қалам ва кўк сиёхи билан оқиш қоғозга ёзилган.

Мана унинг матни:

“Ҳамза

Бир неча хотинлари тотор қизлари эди. Ўзи инқилобгача бўлган тотор адабиёти билан яқиндан таниши эди. Шунинг учун ҳам бир талай илгариги шеърларида тотор таъсири, тилига тоторчага тортуб бориши, тоторчага ўҳашаш чаштушка¹лар ёзганлиги маълум. (Хотинига ёзган хатлари, шеърлари.)

Инқилобдан илгариги Хоразмга ҳам тотор маданияти таъсири кучли. Ҳамза бу ерда бўлган.

Демак, тотор ўртасида бўлган инқилобий фикр билан танишилиги жуда мумкун. Тотор адабиёти орқали революцион рус жамоатчилиги фикрлари билан таниши бўлиши мумкун.

F.Fулом август 1960.”

Кўриниб турибдики, матнда аниқ фактдан кўра тахмин кўпроқ акс этган. Ҳамза биографияси ва ижодий меросини акс эттирувчи манбалар бундаги фикрларни қай даражада тасдиқлайди ёки рад этади, бу иккинчи масала. Бизга муҳим бўлгани шуки, А.Қаҳҳор ўзига қизиқ туюлган маълумотни аниқ адресати билан кайд этгани ва унга ўзидан ҳеч бир кўшимича ёки изоҳ киритмаганидир.

А.Қаҳҳор архивдаги бу каби ёзмалар ва асарларининг кўлёзма варианatlари катта қизиқиши туғдиради. Бу эса ўз навбатида ёзувчи асарларидаги матний таҳрирлар билан боғлиқ бўлиб, кейинги фаслга ўтамиш.

Матн аниқлик талаб қиласи, сўнгра сирларини очади

Абдулла Қаҳҳорнинг “Қотилнинг туғулиши”, “Зилзила”, “Ўтмишдан эртаклар”, “Муҳаббат” қиссалари ва “Сароб” романи ажойиб асарлар сифатида ажралиб туради. Зероки, бу бадиий наср намунала-

¹ Айнан шу сўз, арабий матн ичida, кирилл ёзувида берилган.

рининг матности сирлари, муаллиф айтмоқчи бўлган нозик фикрлар, унинг ижодкор сифатидаги истеъдод кирраларини кашф этишда эса асарларнинг сахих, матнигина муҳим малзама-материал бўла олади.¹ Шунингдек, диққатли китобхон, собиқ шўролар тузуми даврида битилган бу асарларда, ёзувчи аслида нима демоқчи, унинг қалбининг тубида қандай оғриғу дардлар яширин бўлганини ҳам илғайди.

Келинг, энди бевосита матн ва матности мазмунларга, биринчи галда “Ўтмишдан эртаклар”нинг яратилиши ва матни ҳакида...

Қисса бир неча жиҳатдан ёзувчининг бошқа асарларидан фарқ қиласди. Биринчи галда у автобиографик характерда бўлиб, маълум маънода адабий-тариҳий қийматга ҳам эга. Ёзувчи ушбу қиссани ёзиш учун бир неча йил эмас, бир умр тайёргарлик кўрган, дея оламиз. Фактларга мурожаат қиласдилек.

Кибриёхоним ўз хотиралирида А.Қаххор “Ўтмишдан эртаклар”-ни ёзаётган кезларда унинг таржимаи ҳолига тез-тез қайтганини эслайди. Яна ёзадики: “...Дастлабки учрашувларимизда (яъни, 1944 й.) ўтмишдан эртак ёзиши ниятлари бормиди, йўқмиди билмайман. Аммо ўша воқеани (яъни, К.Қаххорова таржимаи ҳоли воқеаси) ийгирма йил хаёлларида сақлаганларига қараганда, шундай мақсадлари куртак очган эди, дейиш мумкин”.²

Демак, К.Қаххоровага кўра Абдулла Қаххор сўз юритилаётган асар ёзишга 1944 йилда иштиёқ пайдо қиласди.

Ёзувчи архивидаги хужжатларга биноан 1950 йиллар охири 1960 йилларнинг бошида шу қиссага доир материаллар йига бошлаган. Мисол учун, 3656 рақамли хужжат – “Ҳаёт лавҳалари” деб номланган дафтарда адабнинг хикоялари рўйхати, персонажлар диалоглари, сюжет яратиш ҳакидаги айрим фикрлар ва ҳоказолар ўрин олган. Бизга муҳим бўлгани шуки, дафтар 1955 йилдан 1962 йилга доир қайдлардан иборат. Бир ўринда эса “Болалик” дея сарлавҳа қўйилиб, “14.08.62” санаси битилган ва қисса учун айрим хотиралар, қариндошлари ҳакида маълумотлар ва баъзи воқеаларни қисқа-

¹ Масалага шу нуқтаи назардан ёндашган олим Марҳабо Қўчкоровага миннатдорчилик билдираман. У “Ўтмишдан эртаклар” қиссасининг тадқиқига бағишлиган монографиясида таҳлилни айнан биз томонимиздан амалга оширилган илмий-танқидий матн асосида олиб борган ва бир қанча янгиликлар кашф этган. (М.Қўчкорова. “Ўтмишдан эртаклар” тадқиқи. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.)

² К.Қаххорова. Чорак аср ҳамнафас..., 17-бет.

ча берган. Ёки, 3640 ва 3657 рақамли хужжатлар ҳам блокнот бўлиб, 1960 йилга оид. Уларда ҳам шунга ўхшаш маълумотлар учрайди.

Адид ҳикояларидан олтиласининг сарлавҳаси остида “Ўтмишдан” изоҳи берилган. Аслида яқин ўтмиш муаллиф учун бир умр энг муҳим мавзу бўлиб келгани аён. “Ўтмишдан эртаклар”нинг киришида¹ ҳам муаллифнинг ўзи бунга доир эскартишларини ёзди: “Болалигимда зеҳнимга чўкиб қолган хотиралар уйгонди, юзага чиқди, ўша вақтдаги ҳалқ ҳаётини кўз олдимга келтирдим. Мана шунинг натижаси бўлиб, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида гам-гуссага тўла «Ўғри», «Томошабог», «Бемор», «Анор», «Миллатчилар» вужудга келди. Бу ҳикояларни кенг китобхонлар оммаси хуши қабул қилган...”²

У “зеҳнимда тошдек чўкиб ётган хотиралар”ни “Бир-икки сўз”ида икки бора келтиради, “ўттизинчи йилларнинг ўрталари” ва “1960 йилда” дея таъкидлайди. Буни у “Ўтмишдан” изоҳи билан ёзган олти ҳикояси: “Ўғри”, “Томошабог”, “Бемор”, “Анор”, “Миллатчилар” ва “Даҳшат”ни “Ўтмишдан эртаклар” қиссаси билан боғлаш учун беради. Шунингдек, ўзи кўрган тарихни ҳикояларда беришга интилганини очиқламоқда.

Ҳақиқатда ҳам адид ўзи айтган муддат оралиғида мавзуга қўл урмаган. Агар таъкидланган ҳикояларни муаллиф ўзи эслаган мавзуга кўра бир туркумга бирлаштириб, ёзилиш санасига биноан эътибор берсак “Томошабог”ни 1935 йил, “Миллатчилар”ни эса 1937 йил ёзиб, узоқ жим бўлиб кетди ва 1960 йилда “Даҳшат” пайдо бўлди.

Бу ҳикоялар ҳакида бир қатор адабиётшунос-мунаққидларнинг тадқиқлари бор. Жумладан, атоқли олимлар – М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов ва У.Норматовнинг асарларида улар яхши тахлилга тортилган. Шу сабабга кўра ҳикояларнинг гоявий-бадиий жиҳатлари ҳакида тўхтамоқчи эмасмиз. Фақат, таъкидлашни истардикки, Абдулла Қодирий ўзининг икки романи – “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” орқали ҳалқимизнинг кейинги хонликлар даврини гўзал тарзда бадиий асар қилиб, тарихимизни жонлантириб берган бўлса, ундан кейинги чор Русияси мустамлакачилиги даври,

¹ Кўчирмаларни қиссанинг энг охирги нашридан келтирамиз: Абдулла Қаҳхор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Нашрга тайёрловчи, изоҳлар муаллифи ва илмий-танқидий матнларни тузувчи: О.Жўрабоев. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.

² А.Қаҳхор. Танланган асарлар. 1-жилд..., 90-бет.

хусусан XX аср бошларини, Абдулла Қаххор мазкур ҳикоялар ва “Үтмишдан эртаклар” киссасида ана шундай жонлантира олди.

Лекин муаллиф кўрадики, бир неча ҳикоя қобигига булар сифмайди ва ягона бир тизимдаги каттароқ асарга эҳтиёж сезади. Бунга доир очиқ эътирофи ҳам сақланиб қолган.

Тахминимизча, қиссанинг “Бир-икки сўз”ини у ўнлаб, ҳатто юзлаб қайта ёзган. Улардан бири 3666 ракамли хужжат. Муаллиф кўлётмаси. Матн араб ёзувида бинафшаранг сиёхи билан оддий қоғозга ёзилган. Қиссага киришнинг коралама варианти:

“Халқимизнинг яқин үтмиши адабиётимизда акс этган эмас. Фурқат ва Муқимийлар замонидаги адабиётда ҳалқ ҳаётининг қўланкасигина бор, буни ҳар ким ҳам илгаб ололмайди. Бунинг ўша замондаги шоирларга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бир талай сабаби бор.

Ўз вақтида ёзилмай қолган рўймонлар, қиссалар, ҳикоялар энди ёзилётпти. Ойбекнинг “Кумтуғқон” рўймони, “Болалик” пўвости, М.К.Исмоилийнинг “Фарғона тонг откунча” рўймони шулар жумласидандир.

Бу мавзуга мен ҳам қўл уриб, 1930 йилнинг ўрталарида беш-олтита ҳикоя ёзган эдим, энди яна шу мавзуга қайтиб, ўз вақтида ёзилмаган ҳикоялардан тўплам туздим. Тўпламга кирган ҳамма ҳикоялар кўзим билан кўрган, бошимдан кечган ҳодисалар бўлса ҳам ҳозирги ёшларга эртакдай туюлади. Шунинг учун тўпламни “Үтмишдан эртаклар” деб атадим.”¹

Мазкур эътирофнинг бироз юмшатилган, қаҳхорона “бадиийлашган” шаклини эса охирги – китоб қилингандан вариантида кўриш мумкин. Адид қиссани “ҳаёт лавҳаларидан эсимда қолганларини қаламга олгим келиб қолди” дейди ва уни кўрган “1930 йилда тугилган... бир танқидчимиз гашлик қилиб” қолганини ёзади.

Қаранг, юқорироқда таъкидланган дафтарни ҳам “Ҳаёт лавҳалири” деган эди. Танқидчи эса – О.Шарафиддинов эмасмикан, деган ўйга борасан. Негаки, ёзувчи билан бу адабиётшунос кўп ҳамсухбат бўлар ва назаримда А.Қаххорга “Жуда зулмат-ку, китоб ўқувчида оғир таассурот қолдирмасмикан” деб фақат у айта оларди.

Ёзувчи “юмшайди”: “Мен китобни “Үтмишдан лавҳалар” деб атамоқчи эдим, майли, шуларнинг ҳам кўнгли тўлсин, китобни “Үтмишдан эртаклар” деб атай қолай.”

¹ Абдулла Қаххор архиви каталоги..., 18-19-бетлар.

Бу энди омма, яъни “кўнгил тўлсин” учун, замонабоп гап эди. Аслида ёзувчи асарини аллақачон, ҳатто ёзмасидан олдин шу ном билан атаган. Яъни, бу қисса номи билан туғилган асардир. Ҳатто номи ўзидан олдин пайдо бўлган.

Абдулла Қаҳҳор “Сароб” романини ёзаётган чоғларидаёқ шу мавзуни кўзлаган. Асарнинг бир ўрнида Саидий ва Эҳсон сухбати орасида шоир Кенжанинг китобчаси борасида сўз кетади. Саидий “Ўтмушдан эртаклар” сарлавҳали шеър устида тўхтайди.¹

Бу ерда айнан шу номнинг келтирилиши ва унга ургу берилиши бежиз эмас. Бундан келиб чиқадики, ёзувчи 1944 йилда эмас ҳатто ундан олдинроқ, 1930 йиллардан мазкур қисса ёзишни мақсад қилиб кўйган. У бунинг учун ҳатто Кўқондаги ўқувчилик даври ашёларини сақлаб келган.

Аслида А.Қаҳҳорнинг 1920 йиллар тугул 1930 ва 40-йилларга оид кўлёзмалари ҳам жуда кам сақланган. Лекин айнан Кўқондаги ўша ўқиш йилларига доир бир неча ҳужжатни ёзувчи ардоқлаб келган. Улардан бири юқорироқда ёдга олинган “Шарқийлар дафтари” бўлса, яна бири ўша билим юрти деворий газетаси ва дарслар жадвалидир (3561 рақамли ҳужжат).

Бу деворий газета икки ҳафтада бир марта чиқкан. Унда “Икки йил тўлди”, “Кўклам”, “Кичкина ҳикояча”, “Фарғона” номли мақолалар ва шеър ёзилган. Газетанинг чап томони бўш, унинг юқорисига дарс жадвали ёпиштирилган (7 март, 1924 й.).

Яна бир шундай ҳужжат А.Қаҳҳор ўша мактабда ўқиб юрган даврида тутган дафтари (№3476). Араб ёзувида. Бошланишида тарих фани ўрин олган. У Кўқон хони Муҳаммадалихоннинг таҳтга ўтириши билан бошланган: “Муҳаммадалихоннинг таҳтга ўтириши 1237чи ҳижрия бўлуб, 21 йил хонлик қилгач 1258нчи ҳижрия ўлдирилди...”

Шу йўсинда Шералихон, Муродхон, Худоёрхон, Маллахонларнинг тарихи қисқача ёзилган. Ундан кейин Арабистон ва Эрон тарихи баён қилиниб матн тугайди. Орада 10 варақ бўш қолдирилгач, грамматика (нахв ва сарф) фанига катта ўрин берилган. Навбатдаги фан жуғрофия (география) Европа тавсифидан бошланиб, Кичик Осиё ҳақидаги маълумотлар билан якун топган. Кейинги сахифаларда “Имло” фани ўрин олган. У тамом бўлгач, орада яна 5 варақ бўш қолдириб, турли ҳикоячалар кўчирилган. Сўнгра арифметика,

¹ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 2-жилд. Сароб. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. 350-бет.

геометрия ва ботаника фанларига оид конспектлар олинган. Улар 1923 йил январь ойида якун топган. Дафтарнинг қолган саҳифалари рус тилидан олинган сабоқлардир.

Фикримизча, А.Қаххор уларни нафақат болалик-ўкувчилик йилларидан хотира ўлароқ, балки келгусида яратажак асарига муносиб материал сифатида ҳам асраган. Чунки, “Ўтмишдан эртаклар” қиссасининг охирги ўринларида (“Кўқон харобалари орасида”) айнан ўша мактаб билан боғлиқ хотиралари бадиий тарзда ўз ифодасини топган. “Бир томондан, дунёвий билим, ҳарбий интизом, иккинчи томондан, диний-исломий таълим; айни пайтда, миллый-туркий ифтихор ва шу билан баробар инқилобий шўровий тарғибот ёнма-ён давом”¹ этган воқеликни муаллиф асарга киритган.

Мана бир ижодий ниятнинг амалга оширилиши учун бир умр кетиши мумкинлигига далолат.

“Санъат – материал қаршилигини енгиги туғилади. Ҳеч бир шедевр қийинчилксиз пайдо бўлган эмас.”² А.Қаххор ҳам ўз шедеврини яратиш учун неча-неча материалу хотиралар қобигидан энг муҳимларини, асар учун керак бўладиганининг танлаб олишга, “материал қаршилигини енгишга” муваффақ бўлган.

О.Шарафиддиновнинг хотирлашича, қисса нашр қилинмасдан олдин Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамада “асарда болалик романтиказини сингдириш керак” деган мулоҳаза ҳам билдирилган.³ Бироқ, ёзувчи бунга амал қилмаган. Негаки, у “бутун ижоди давомида романтикадан кўра характерларни бевосита кўрсатишни маъқул” билар эди. Қиссанинг кўламида ҳам аниқ-тиниқ характерлар галереяси романга ўтмиш билан ўкувчини таништиради. Агар романтик бўёқ берилиб, жилолангандага реаллик ва эзгин тасвирлар хирадашиб қоларди.

“Ўтмишдан эртаклар” кириш сўзни кўшиб ҳисоблаганда, 18 ҳикоя жамланмасидан иборат саргузашт-қиссадир. Унда муаллиф ўз болалигига кўрган-кечирган воқеа-ходисалардан бир канчасини бадиий йўсинда тасвир этади. Қиссадаги воеалар 1913 йилдан 1922 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Бир оила – уста-темирчи Абдуқаҳхор

¹ У.Норматов. Университет сабоқлари ва илҳомлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 4-сон. 14-бет.

² Ян Парандовский. Алхимия слова..., С.222.

³ О.Шарафиддинов. Истебод жилолалари / Китобда: А.Қаххор. Асарлар. Олти томлик, 1-т. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. 22-бет.

оиласининг Кўқон ва унинг атрофларидағи қишлоқларда кўрган-кечирганларини хикоя қилади. Шу жиҳатдан асар автобиографик (таржимаи ҳол) характерини касб этиши билан ҳам аҳамиятли.

Энди асар матни, аниқроғи унинг илмий-танқидий матни билан боғлиқ жиҳатларга тўхталайлик.

XX аср ўзбек ижодкорларидан ҳеч бирининг на шеърий ва на насрый асари илмий-танқидий матн бўлган эмас эди. Бу биринчи тажриба матншуносликдаги мавжуд мумтоз наср намуналарини танқидий матнларига таянган ҳолда амалга оширилди.¹ Биз ана шу тажрибалардан унумли фойдаланиб, XX аср ўзбек насли намунасига яъни, А.Қаҳҳор асарларига нисбатан қўлладик.

Қаҳҳор насрининг баъзи матний хусусиятлари, жумладан вариантлар юзага келиши ва ёзувчининг таҳрир маҳорати ҳақида баъзи тадқиқлар маълум (бу ҳақда ўрни билан тўхталамиз). Бироқ, шу кунга қадар ёзувчи асарларининг айнан қўлёзма ва матнларига оид изчил илмий ишлар амалга ошган эмас эди. Ваҳоланки, архивда муаллиф асарларининг бир қанча дастхат (автограф) нусхалари мавжудлигини эслатдик. Уларга кўра “Ўтмишдан эртаклар”, “Мухабат” қиссаларининг илмий-танқидий матнлари, “Сароб” романни, “Зилзила”, “Қотилнинг тугулиши” қиссалари ва “Ташвиш” пьесасининг қиёсламали матнлари ҳозирланди. Аввало, “Ўтмишдан эртаклар”нинг кўлами, ғояси, бадиияти, тили ва ёзилиш усули кўплаб тадқиқларга муносиб манба бўлиб хизмат қила олади. Лекин бу каби тадқиқларни тўласича амалга ошириш учун, аввало, асарнинг сахих матни – илмий-танқидий матн зарур. Қиссанинг эса уч дастхат нусхаси сақланган (иккиси араб, бири рус графикасида). Адид хаётини акс эттирувчи бу асарнинг қўлёзмалари сақланиб қолгани сабабли, қайси ўринларига ёзувчи қай даражада ўзгартиришлар киритгани маълум бўлади. Кўлёзмаларнинг сахифаларида муаллиф томонидан сатрлар ўчириб тузатилган, таҳрир қилинган; баъзиларига эса кўшимча варақчалар ёпишириб, матн қўшилган. Улар хаммаси ушбу сатрлар муаллифи томонидан амалга оширилган қиссанинг илмий-танқидий матни² учун асос бўлиб хизмат қилди.

¹ Масалан: Алишер Навоий. Маҳбубул-кулуб. Возлюбленный сердце. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. –М.Л.: Изд.АН, 1948.

² “Ўтмишдан эртаклар” қиссанинг илмий-танқидий матни ва илк варианти. Тузувчи-тайёрловчи: О.Жўрабоев. –Тошкент: Tamaddun, 2011. -168 бет.

Соҳадаги бу “биринчи тажриба” борасида муроҳазалар баён қилинган чиқиши ҳам қилинди¹. Масала моҳиятидан келиб чиққан ҳолда баъзи янглиш англантган ўринларга шу ўринда изоҳ бериб ўтамиз.

Адид қўлёзмаларини илмий тавсифлаш давомида “Ўтмишдан эртаклар” киссасининг қўлёзма ва босма нусхалари матни устида ишлашга ҳам тўғри келди. Натижада бирмунчага тафовутлар борлиги кўрилди ва илмий-танқидий матн тузиш режаси пайдо бўлди.² Шу тариқа, бир йил муддат давомида ушбу тадқиқ юзага келди. Энди мазкур қиссанинг қўлёзма-дастхат нусхалари ва барча нашрлари ушбу сатрлар муаллифи уй-музейга боргунча ҳам бор эди. Шу вақтгача бирор марта ёзма тугул ҳатто оғзаки равишда ҳам ёзувчи асарларини илмий-танқидий матн қилиш фикри билдирилмаган. Нима учундир 2011 йилга келиб, айнан танқидий матн амалга ошгач, уни гояси-ю, бошланмасини бошқага нисбат берилгани ажаб!..

Шунингдек, нашрдаги “имловий хатолар”ни қисса муаллифининг ва илмий-танқидий матн тайёрловчисининг хатолари тарзида берилади. “Абдулла Қаххорнинг саводхонлигини шубҳа остида қолдириш нотўғри”лиги эса ҳақли таъкидланган. Имло қоидалари ва шевага оид сўзларга доир муроҳазалари билан масала яратилаётган ўринга тақризчининг ўзи асосан жавоб берган. Албатта, ушбу тадқиқда техник жиҳатдан айрим хатоларга йўл қўйилган. Зероки, ҳар қандай тадқиқот ҳам у ёки бу нуқсондан ҳоли бўла олмайди. Хатолар, “жуда кўп ва ниҳоятда ибтидоий” бўлмаса-да, бор эди.³

¹ Нусратулло Жумахўжа. Янги танқидий матн // ЎзАС. 28 октябр, 2011.

² 2007 йили “Б8-Ф8-023 Абдулла Қаххор уй-музейи фондида сакланаётган қўлёзмаларни илмий ўрганиш ва каталогини нашрга тайёрлаш” мавзуидаги фундаментал грант уй-музей тарафидан ютиб олинади. Аммо илмий лойиха раҳбари ишни дастлабки йилиёқ ташлаб кетади. Шунда, адабий манба ва матнлар билан ишлаш борасида етарли ходимлар мавжуд бўлган, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейига мурожаат қилинади. 2009 йил устоз С.Ҳасанов лойиха иштирокчиси сифатида лойиха илмий раҳбарлигига каминани тавсия этдилар. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси эса, номидан ҳам кўриниб турганидек, ёзувчи архив материаллари (acosan, эски ўзбек ёзувидаги хужжатлар)ни илмий тавсифини тайёрлаш ва каталог тартибида нашрга ҳозирлаш бўлиб, лойиха доирасига адаб асарларининг илмий-танқидий матнини ҳозирлаш ҳам, нашр этиш ҳам кирмас эди.

³ Матннинг кейинги саҳих нашрида улар буткул тузатилган: Абдулла Қаххор. Танланган асарлар. 1-жилд. Киссалар. Ўтмишдан эртаклар. Нашрга тайёрловчи, изоҳлар муаллифи ва илмий-танқидий матнларни тузувчи: О.Жўрабоев. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. 88-227-бетлар.

Бироқ, соф илмийлик нұқтаи назаридан ёндашилса масала ўз-ўзидан ойдиналашар, муаммо яратишига ўрин қолмас эди. Атоқли рус олими Д.С.Лихачев матншуносликнинг вазифалари ҳақида тұхталар экан, матншунос асар муаллифининг истагига қарши ўлароқ, китобхон учун мұлжалланмаган қораламаларни тадқиқ этиш орқали, асар матнининг тарихини ўрганиб боришини таъкидлаган эди.¹

А.Қаҳхорнинг құләзма (коралама)лари оддий эски ёзувида эмас, үқилиши бирмунча мушкұл араб алифбосига асосланған ислоҳ этилган эски ўзбек ёзувида эканлиги аввалроқ эслатилди. (Хатто, мутахассислар күриб тегишли хулоса чиқарышлари учун 1-құләзма (Қ1) нусханинг дастлабки уч қисми факсимилье тарзидә китоб охираша берилған ҳам эди.) Бундай матн билан ишлаш жараённи мураккаблаштириши билан бирга, баъзи мунозарали ўринларни ҳам юзага чикаради.

Танқидий матн тузиш принципидан келиб чиққан ҳолда, таянч құләзмада сўзлар қандай ёзилған бўлса шундай табдил қилиб бердик (*келматти, урмакчи, икави, дўкан, топилабермади, даррав, ўтиришишти, кетаётитти* каби), нусхалар аро фарқни эса (улар юзлаб) матн остида изоҳ тарзидә кўрсатиб кетилди. Шунингдек, асос нусхада муаллиф томонидан қўлланилган тиниш белгилари (“нұқта”, “вергул”, “сўрок”, “ундов” кабилар) ҳам жорий нашрда айнан сақланди.

Зероки, матншуноснинг бош вазифаси матнга хиёнат қилмаслик ва асл нусхада қандай берилған бўлса, нусхалар аро фарқлар билан илмий-танқидий матнда кўрсатиб боришдир. Бу ишда ҳам шунга риоя қилинган. Имло хатоси дейилаётганларнинг аксари аслида хато эмас, у матннинг бори.²

Модомики, муаллиф ўз асарининг бир қанча ўринларида қоидаларга мувофиқ бўлмаган ўз ёзма услубини сақлаган экан, нега уни, асл матнга хилоф ўлароқ, сунъий равишида имло қоидаларига мослаштириш керак?!. Масалан, “қоқмади-я” сўзи муаллиф дастхатида “и” (йо) ва “я” (“йо”, “хойи ҳавваз”) ўртасига чизиқча (дефис) кўйиб ёзилған. Шунинг учун, биз ҳам айнан бердик.

Бироқ, “қолдийу”, “бўлдийу”, “бўлптийу” каби сўзларда эса чизиқча йўқ, “йо” ҳарфининг тепасига “у” ўқилиш белгиси қўйилиб

¹ Д.С.Лихачев. Текстология. Краткий очерк. –М-Л.: Наука, 1964. С.5.

² Бу борадаги холис фикрлари учун М.Кўчкоровага миннатдорлик билдирамиз. У ўз монографиясида бунга маҳсус тўхталган («Ўтмишдан эртаклар» тадқики..., 93-96-бетлар).

кетилаверган. Замонавий имло қоидасига биноан бу сўзлар “қолди-ю”, “бўлди-ю”, “бўлибди-ю” тарзида ёзилиши кераклигини биламиз. Муаллифнинг автограф матни бунга йўл кўймайди-да!..

Илмий нашрда, хусусан илмий-танқидий матнда аслият сакланмоғи зарур. Асарнинг оммавий адабий-бадиий нашрларида эса имло қоидаларига таяниб иш кўриш мумкин. Бунда ҳам барча ўринларда эмас. Негаки, ёзувчининг ўзига хос сўзлари ва топилма иборалари таҳрирдан зарап кўрмаслиги лозим.

Диккат этилиши керак бўлган яна бир жиҳат шуки, муаллиф асарда тасвирлаётган давр муҳитини яратиши учун қаҳрамонни ҳам ўша давр ва маконга мувофиқ гапиртиришидир. Мисол учун, ёзувчи бир ўринда кўқонликлар шевасига хос “эртагаси” сўзини кўллади. Қисса нашрларида бу сўз адабий тилга мувофиқ “эртасига” деб ўзгартирилган. Ёки, “шўрва солди” ибораси “шўрва қайнатди” дея “тўғриланган”. Агар шундай ўзгаришлар бутун асар матни бўйлаб амалга оширилса, ёзувчининг ўз тили, нарса ва ҳодисаларни англатишдаги ифода мароми, услуби бузилмайдими?!

Айниқса, “Ўтмишдан эртаклар” – бола кўзи билан кўрилаётган воқеалар, бола тили билан берилаётган асар эканлигини назардан соқит этмаслик зарур. Биографик характердаги асарларда бу жиҳатга диққатли бўлиш тақозо этилади. Чунки, бу асар, бадиий бўлиш билан бирга, ўз навбатида XX аср бошларидағи ҳалқимиз тарихининг бир қанча лавҳаларини акс эттирувчи қийматта ҳам эгадир.

Устига устак, “яхшигина сўзбоши мақола”даги росмана ташаккур изҳори “илтифот” ҳисобланиши қизиқ. Ёхуд, сўзбошида тадқиқот юзасидан қилинган иш ва изланишнинг асосий моҳиятини ёзиш, олим ўзи кузатган ва ўргангандан материални баён қилиб бериши “менга ургу кучайгани” бўладими?! Ажаб хулоса... Проф. Ҳамид Сулаймон ҳам “Хазойинул-маоний”ни ўзи тайёрлаган нашрининг сўнгсўзида бу ишда “қимматли фикр ва ажойиб мулоҳазалар билдириган”, ҳамкорлик қилган ва ёрдамлашган бир неча олимларни санаб, уларга ташаккур билдириган-ку?!.¹

Шунингдек, “нозик масала” дея сергакликка чорланаётган “китобнинг муаллифлиги масаласи” эса ундан-да ажаб!..²

¹ Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. IV жилд. –Тошкент, 1960. 842-843-бетлар.

² “Ўтмишдан эртаклар” қиссасининг илмий-танқидий матни ва илк варианти (Тошкент: Tamaddun, 2011) номли китобнинг муаллифлигини тортишиш ўринсиз.

Энди, ушбу нашрнинг адабий-бадиий эмас, ҳатто илмий-оммабоп ҳам бўлмай, 100 ададдагина чоп этилган *илмий нашр* эканлигини кўздан қочирмаслик керак. Лекин, бу жавоблар ҳам қониқтирилмас; рус тилидаги аннотацияда, “книга”дан сўнг “подготовленный” сўзи тушиб қолиб, балки таҳрирда хато ҳам ўтгандир. Бироқ, китобнинг 10-саҳифасидангина асар матни бошлигани ва 9-саҳифада эса йирик ҳарфларда: “Абдулла Қаҳҳор. ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР (саргузашт қисса). Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Отабек Жўрабоев”, 130-саҳифада эса: “Абдулла Қаҳҳор. ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР. Илк вариант (дастлабки уч қисм) факсимилеси билан нашрга тайёрловчи: Отабек Жўрабоев” дейилган-ку! Қани, эътиrozга сабаб бўлаётган, муаллиф номини кўрсатиш борасидаги таомил ёки қоида бузилганлиги?..

Фикримизча, танқидий матнга муаллиф қаламига мансуб асл матнни тузиш йўлидаги матншуноснинг уриниши дея қаралмоғи тўғри бўлади. Шунда ҳам зинҳор-базинҳор, тузувчи мукаммал матн яратдим, дея даъво қилолмайди. Чунки, ижодкорнинг қўлёзмалари устида ишлаш давомийдир ва бугун мукаммал нусха дея қаралган ҳамда илмий-танқидий матнга асос бўлган қўлёзмадан ҳам ахамиятлироқ манба эртага топилиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ, мавжуд қўлёзма матнлар бор экан, матншуноснинг олдида учта мухим вазифа туради¹:

- 1) Асарнинг асосий (таянч) матнини аниқлаб олиш;
- 2) Матнга муаллиф ихтиёридан ташқари янглиш ўринлар кириб қолиб-қолмаганлигини танқидий ўрганиш;
- 3) Шундай янглиш ва хатоликларни батараф қилиб каноник матнни белгилаш.

Сўз мавзуи қисса ҳам ёзувчи тарафидан бир неча вариантда яратилган ва улар танқидий матн учун асос бўлган. Лекин, асарнинг “илмий-танқидий матни ҳам Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб” деган фикр ножоиз. Агар адид ўз асарининг танқидий матнини яратган бўлса, олим шу ишга қайта қўл урармиди?! Биз томонимиздан,

Танқидий матн тузган ва нашрга ҳозирлаган мутахассис қссага асло муаллифлик даъвосини қилмайди.

¹ В.С.Нечаева. Проблема установления текстов в изданиях литературных произведений XIX и XX веков / В книге: Вопросы текстологии. –Москва: Академия наук, 1957. С.37.

энг аввало, таъкидланган қоидалар асосида қисса матни ўрганилди. Асосий (таянч) нусха аниқланди ва бу нусхани ҳам бошқа қўлёзма варианtlар билан қиёслаб чиқиб, каноник матн ҳолига келтиришга ҳаракат қилинди. Бунинг учун мумтоз асарларнинг танқидий матнларини тузиш услугубини XX аср ўзбек насли намунасига қўлланди ва бу ишда манба – ёзувчи қиссанинг дастхат-кўлёзмалари ҳамда асар нашрларини қиёслаш имконининг мавжудлиги асос бўлди. Ана шу каби жиҳатлар ва Абдулла Қаҳхордай сўз санъаткори асарининг тили, услуги, бадиияти ҳамда таҳrir масалаларини тадқиқ этувчилар учун муносиб манба бўлажак асл матн ёки муаллиф матнiga энг яқин матн яратиш мақсад эди.

Муқовада тайёрловчи-тузувчининг номи кўрсатилиши эса жаҳон китобатчилигига кузатиладиган ҳол. Узоққа бормайлик, Бобур де-вонининг Ш.Ёркин томонидан амалга оширилган Кобулдаги ҳар икки¹ ва Б.Южелнинг Истанбул нашрида² ҳам тайёрловчи номи муқовада кўрсатилган. Яна, юртимиз тарихига оид манба “Мунтахобут-таворих” танқидий матнининг Токиода амалга оширилган нашр муқовасида ҳам тайёрловчилар номи берилган³. Ёки, машҳур асар “Мажолисул-ушшоқ”нинг Техрон нашри⁴ муқовасида ҳатто муаллифи (Камолиддин Ҳусайн Гозургохий) берилмай, асар ва уни нашрга тайёрловчи номи кўрсатилган, холос. Ва бу жиҳат асар муаллифларининг шаънига ҳам, нуфузига ҳам ҳеч соя ташламайди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳхорнинг ҳам!⁵

¹ Девони Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бо муқаддима, муқобала ва тасҳих Шафиқа Ёркин. Кобул 1362 (1983); Дарё дар гуҳар. (Девони комил Заҳириддин Муҳаммад Бобур.) Бо муқаддима, муқобала ва тасҳих Доктор Шафиқа Ёркин. Кобул 1387 (2008).

² Babur divani. Gramer, Metin, Sozluk, Tipkibasim. –Ankara, 1995.

³ Muntakhab al-tawarikh. Vol.I. Muhammad Hakim khan. Edited by: Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. Tokyo, 2009; Muntakhab al-tawarikh. Vol.II. Muhammad Hakim khan. Edited by: Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. Tokyo, 2006.

⁴ Мажолисул-ушшоқ (Тазкираи урафо). Асар: Амир Камолиддин Ҳусайн Гозургохий. Ба эҳтимоми: Фуломризо Табатабойи Мажид. 1376 (1998).

⁵ Қолаверса, баҳс мавзуи китобнинг муқовасида рангли расм ҳам берилиб, охириги маълумотлар саҳифасида у рассом А.Абдулаев қаламига мансуб А.Қаҳхор портрети эканлиги таъкидланган. Айтгандай, “мусахҳих белгиланмаган” деган иддаога хилоф ўлароқ, худди ўша ерда муҳарир (О.Давлатов) ва мусахҳих (Г.Ембер-ганова) номлари кўрсатилган.

Шунингдек, машинкаланган нусхани “қўлёзма деб аташ ўринли эмас”, “автограф терминини қўллаш мақсадга мувофик” деган мулоҳаза ҳам билдирилади. Биз машинкаланган нусхани “қўлёзма” деганмиз. Калима ўлароқ “дастхат”, “қўлёзма” ва “автограф” сўзлари моҳиятан бир маънода бўлиб, матншуносликда улар истилоҳ ўлароқ, қўлланиш ўрнига кўра ҳар бири ишлатилаверади. Тилимизнинг янги изоҳли лугатида ҳам “қўлёзма”га уч маънода изоҳ берилган: “1. Илмий, бадиий, тарихий ва ш.к. асарнинг қўлда ёзилган ёки ёзув машинкасида ёзилган, комьютерда кўчирилган матни, нусхаси... 2. Қўлда ёзилиб, китоб шаклига келтирилган асар; ёзма ёдгорлик... 3. Ноширликда: муаллиф томонидан нашриётга тақдим этилган матн... ”¹.

Шу билан бирга, танқидий матнда “нотаниш”, “тушунарсиз, изоҳталаб” дейилган сўзларнинг аксари ҳам шу лугатда мавжуд (“қўлантаёқ”, “ҳасти”, “тарҳашлик”, “пояки”, “сепсилди” каби). Бадиий адабиётда ҳам бу сўзлар ишлатилади. Мисол учун, “кулантаёқ (ёки, қўлантаёқ)” сўзини Шойим Бўтаев “Кўргонланган ой” ро манида қўллади.²

Матншуносликда асар варианtlари унинг илмий-танқидий матнини яратишда асос омиллардан. Лекин, фақат шу жиҳатнигина ушбу асарлар танқидий матнини яратишга сабаб бўлди, десак у қадар тўғри эмас. Негаки, яна таҳрир масаласи ҳам бўлиб, асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари саҳифаларида улар бир талай. Шунингдек, асар нашрларида тушириб қолдирилган ўринлар ҳам илмий-танқидий матнда ўз аксини топган.

Мисол учун, “Ўтмишдан эртаклар” киссасининг бошланиш қисмida муаллиф кириш сўзи учун узоқ изланган ва тараффудланганини юкорида эслатдик. Буни исботловчи хужжатлардан бирида киришнинг 15 вариантни бор (хужжат №3280). Асар таркибидаги хикояларнинг варианtlари эса ўзаро қиёсий таҳлилга эҳтиёж тутдиди. Таҳрирлар ўрнини асарнинг қўлёзма ва босма нусха саҳифаларини диққатли кузатган ўқувчи илғамай қолмайди. Ўз навбатида дастхатлар бу таҳрирларнинг қанчалик қизиқарли ва муҳим эканлигини кўрсатади. Масалан, “Арафа” хикоясида ёзувчи бир персонаж – Сайдакбархон эшон ҳакида ёзар экан, унинг ёш Абдулла билан

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5-жилд. –Тошкент, 2008. 405-бет.

² Ш.Бўтаев. Кўргонланган ой. Роман. –Тошкент: Шарқ, 1998. 10-бет.

күл бериб кўришганини, кафти жуда юмшоқ бўлиб, унга бу хурматли муносабат ёққанини тасвирлайди (хужжат №3293). Аммо, қўлёзманинг кейинги ўрнида мазкур қисм устозига нисбат берилиб, “Муҳаммаджон қори” ҳикоясига ўтказилади (хужжат №3295).

Ёки, асарнинг дастхат матнида тугал таҳрир этилмай ноаниқ бўлиб қолган ўринларни, муаллифнинг ўзи босма нусхада ҳал этган. Айтайлик, “Тешиктош” ҳикоясида асар қаҳрамони – Бабар мардикорликка пул берганини айтади (хужжат №3290). Ҳикояда тасвирланишича бу вақтда қиши эди. Аммо, кейинги “Оқ пошонинг арзандаси”да мардикорчилик воқеаси ёзда кўтарилигани билдирилади (хужжат №3291). Шунинг учун, А.Қаҳҳор Бабарнинг юзбошига мардикорлик учун пул берган ўринни босма нусхага киритмаган. Яна, “Худо” ҳикоясидаги меҳмон келганда кампирнинг дилхиралик чиқариш ходисаси ҳам бу ёзмаларда икки хил берилган.

Бу каби таҳрирлар кўп. Уларнинг аксар қисми ёзувчи томонидан амалга оширилган бўлса-да, баъзилари муаллиф вафотидан кейин ҳам рўй берган.

Абдулла Қаҳҳор тил ва сўзга жуда диққатли муносабатда эди. Ушбу асарнинг ҳам бир канча ўринларида нозик маъноли жумла, ибора ва сўзларни ишлатган. Ишлатганда ҳам тежаб-тергаб, жойига қўйиб ишлатган. Мисол учун, “Муҳаммаджон қори” ҳикоясидаги қорига рақиб aka-ука ҳакида ёзувчининг “Бухорода ўқиб келган” жумласи босма нусхаларда (ноширлар томонидан) “Бухорода таҳсил кўрган”га ўзгартирилган. Лекин, кейинги ўринда, бу жумла яна қайтарилади. Ваҳоланки, муаллиф дастхатидаги матн тўғри эди. Негаки, аввало, “ўқиб келган” билан “таҳсил кўрган”нинг фарқи бор. Колаверса, ана шу фарқдаги нозик маънони кўзда тутган адид бир жумлани икки бора ўринсиз такрорламайди.

Ёки, асарнинг 1988 йилги нашрида шу ҳикоядаги “Ҳаммамизни домла мумкин қадар қаттиқроқ шовқин солиб ўқишига мажбур қиласар эди” ўз жойида эмас, битта гапдан кейинга олинган. Бу билан эса ёзувчи кўзлаган мазмунга путур етказилган.

Ёхуд, айрим сўзларни ўзгартирилиши. Масалан: эртагаси – эртасига, қилаётитти – қилаяти (ёки қилаятибди), босмакчи – босмоқчи, устумига – устунига, атала солиб – атала қўйиб, ҳол-бакӯрат – баҳоли қудрат, ҳечам бўлмаса – ҳеч бўлмаса, суюк шўрва солди – шўрва қайнатди кабилар. Аслида бундай сўз ва ибо-

ралар, баъзиларга кўра имло хатоси бўлмай, муаллифнинг ўз сўзлашув ва ёзув услубига хосликни кўрсатади.

Сўз мавзуи таҳрирларнинг бир қисми муаллиф вафотидан кейин ҳам рўй бергани сезилади. Қаҳҳор асарнинг кўп ўринларида нозик маъноли ибора ва сўзларни жойига қўйиб ишлатган. Мисол учун, ҳамма нашрларда “дўппи” сўзи берилган (“Валихон сўфи” ҳикояси). Албатта адабий тил нуқтаи назаридан бу тўғри. Лекин, қўлёзмада ёзувчи муаллиф гапидагина “дўппи” деб беради, қаҳрамон нутқида эса “тўппи” деб ёзилган. Яъни, яратилаётган образ ўз макони шевасига мувофиқ сўзламоқда.

Ёки, “вагиллаи” деган сўзни ёзувчи бир неча бор қўллайди. Бир ўриндаFaффоржон “вагиллаб” (112-бет), бир ерда Хайри “вагиллар” (137-бет), тўрт жойда эса кампирни “вагиллаган”ини келтиради (122, 123, 124, 126-бетлар). “Даҳшат” ҳикоясида эса адаб бу сўзни шамолга нисбатан ишлатган. Демак, бу сўз хунук овоз чиқариш маъносида берилган. Мазкур сўз кейинги давр ижодкорларидан Анвар Обиджон хотираларида ҳам шу тарзда учрайди.¹

Энди бевосита ижод жараёни ва асар ёзишининг ўзига хослиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, матн масалаларига ёндашилса ҳам А. Қаҳҳор ҳар бир асарини ёзишга шунчаки эмас, балки ҳар бир детал ва воеалар силсиласига алоҳида эътибор билан қараганига шоҳид бўламиз. Асарида ўзига ёқмаган детал, ёхуд воеалар бўлса, ўша ўринни муаллиф яна қайтадан ёзишга киришган. Шу сабабли ҳам Абдулла Қаҳҳор асарларининг кўплаб вариантлари вужуд келган. Сервариант “Ўтмишдан эртаклар”ни ҳам соф илмий-назарий қарашлар асосида тадқиқ этиш ёзувчи ижодий лабараториясини чуқур ўрганишда муҳим омил ва асос бўлади.

“Қотилнинг туғулиши”, “Зилзила” ва “Мұхабbat”

“Қотилнинг туғулиши” қиссасининг қўлёзмаси сақланмаган, китоб ҳолида эса 1933 йил чоп этилган² холос. Шундан сўнг, на

¹ А.Обиджон. Ажинаси бор йўллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 168-бет.

² Абдулла Қаҳҳор. Қотилнинг туғулиши. Ўз ССЖ Давлат нашриёти. –Тошкент-Боку, 1933. 3-41-бетлар. (1928-1940 йилларда амалда бўлган лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида чоп этилган.)

муаллиф, на унинг тадқиқотчилари бу асарга мурожаат этишмаган.¹ Фақат, ёзувчи таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан у “Шарқ ўлдузи” журналида Кибриё Қаҳхорова томонидан қайта эълон қилинган (1987 й., №9). 2015 йилда илк нашр ва журнал нусхасини ўзаро қиёслаб, нашрга ҳозирладик.²

Қиссада мустакил хаёт йўлида адашган Саттор исмли йигитнинг бошидан кечиргандари, унинг фожиаси ҳикоя қилинади. Назаримизда, асар нафақат 1930 йиллар балки ҳамма даврларда ҳам инсон ва унинг тарбиясида жамият ва муҳитнинг тутган ўрнини кўрсатиш нуқтаи назаридан долзарбdir. Асарда образлар силсиласи, сюжет линияси, композиция ва ечим бор. Қаҳрамонлар тасвири ва воқеани баён қилиш услуби анча равон берилган. Шу билан бирга, у ёзувчининг илк ижодий машқларидан бўлгани сабабли баъзи тугалланмаган ўринлар, маромига етмаган тасвирлар ҳам кўзга ташланади.

Муаллиф 1930 йиллардаги ижодида турли хил услубларни қўллаб кўргани ушбу қиссаданоқ сезилади. ““Қотилнинг туғулиши”да ёзувчи энг қийин, кўп ёзувчиларга насиб қилмаган йўлдан юрди. Ўз қаҳрамонининг ички дунёсига назар ташлади”, дейди Сайд Аҳмад.³ Ҳақиқатан ҳам қиссада маҳорат билан қаҳрамоннинг ички оламини, руҳиятини тафтиш этишга интинилган. Лекин, “даврнинг буюк чақирикларига лаббай деб жавоб бермаган бу қиссани танқид гурзи билан кутиб олди. Салбий қаҳрамон асарнинг бош персонажи бўйлишга ҳақсиз, дедилар”⁴.

Асарда тугал образлар ва мантикий изчиллик кўриниб туради. Аввало, асар ошкора руҳи нуқтаи назаридан бутун бошли панфлет, ҳаттоқи фожеий панфлетга ўхшайди. Ўз даврининг турли табака кишиларини ҳажв қилган. Шунингдек, жамиятни ўзини ҳам ҳажв этган. Фақат, у ички, ботиний чизгиларда кўринади.

¹ Биргина Х.Абдусаматовнинг “Абдулла Қаҳхор ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк” китоби (-Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960) ва Й.Солижоновнинг ““Қотилнинг туғулиши”дан “Сароб”гача” мақоласида (Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. №6) қисса ҳақида эсланган.

² А.Қаҳхор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Қотилнинг туғулиши. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. 7-51-бетлар.

³ С.Аҳмад. Ижод ва жасорат сабоги // ЎзАС. 1992, 18 сентябрь.

⁴ С.Аҳмад. Ўша мақола.

Ҳажвий воқеа, умуман қисса воқеаларининг кўп қисми, асосан ўша давр жамиятияга эскилиқ қолдиги сифатида бўлган такяда содир бўлади. Бу ерда савдогар ҳам, собик полициячи ҳам, темир йўл ходими ҳам, маҳсум домла ҳам, ҳаммол ҳам, девона ҳам бор. Уларни кўкнори ва унинг кайфидаги алдам-қалдам воқеалар бирлаштириб туради. Саттор уларга тасодифан ошно бўлиб қоладиу, “*баҳт излаб юрганини ҳам унутади*”. Чунки у “*оламнинг коридан хафа эмас, аламзада ҳам эмас; фақат баҳт излаб жаҳонгашта бўлган йигит*”.¹

Саттор саргузашт излаб колхозга боради, поездлар бўйлаб кезади, сандирақлайди. Худпастлик сари илдамлайверади. Натижада, ўз нафси туфайли, ўғирликка қўл уриб, поезд тагида қолиб, оёқларидан ажралади. Унинг бирдан-бир дўсти – ити тарк этмайди. Аммо такядаги “*нондўстлари*”нинг гапи билан у ўз дўстини ўлдиради. Мана – қиссанинг нега “*Қотилнинг туғулиши*” дея аталишининг сабаби. Саттор, ит бўлса-да, вафодор дўстининг қотили бўлиш даражасига етди; бир қотил жамиятда пайдо бўлди. Унинг учун энди ҳеч қандай муқаддас тушунча ҳам, ишонч ҳам йўқ.

Сатторни, такя қоровули Асрорбобони, чаладевона Қундузхонни тугал образлар дейиш мумкин. Уларнинг хатти ҳаракатлари, гап-сўзлари жуда жонли чиққан. Ёзувчи тасвирида ортиқчалик йўқ.

Бир ўринда Қундузхонни дуо ўқиб, вазифа бажараётган ҳолати тасвирланади. Саттор ундан нима билан шуғулланаётганини сўраса: “*Ўт, тошингни тер, ювеқсиз*” деб ҳайдайди. “*Аммо энди гўёшу дуони билиши билан Саттор олдида фахрлангандай товушини чиқариброқ ўқиди*”. Саттор тушунмагач, дона-дона қилиб ўқийди, аммо “*худди билмасдан бир ножжӯи иши қилиб қўйгандай оҳангда Саттордан сўради: – Таҳоратинг борми? Бу чилкафи шариф-а, ҳазил гап эмас!*” дейди.²

Бу билан девонафеъл бўлса-да, Қундузхон эътиқодни бутун тутади, азиз дуоларга эҳтиромда бўлади. Саттор эса фақат куллади. Лекин уни ҳам “*бу дуода ўҳшаши товушларнинг кўблиги бир ёқдан кулгисини қистатса, иккинчи ёқдан юрагига ваҳима солади*”.

Ёзувчи бу детални комик вазият туғдириш учун тасвирлаётгани аён. Бироқ, ўша давр кишиларидағи эътиқод тушунчасини ҳаққоний лавҳада бера олган ва бу билан инсон учун энг қийматли масала

¹ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Қотилнинг туғулиши..., 14-бет.

² А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Қотилнинг туғулиши..., 17-бет.

ниҳоятда нозик эканлигига ишора қилған. Шу билан бирга, “чилкоф” (кирк коф) чиндан ҳам мавжуд дуо-қасида бўлиб, “фақат яхши ниятларни амалга ошиши учун ўқиласи”¹.

Асарда қабристон билан боғлиқ тасвир ва лавҳа борки, ундан ёзувчи янада унумли тарзда анча йил кейин “Даҳшат” ҳикоясида фойдаланган. Қиссадаги бир персонаж Махсум “такяға келганда унинг аҳли билан қўшилиб, уларнинг ичидаги йўқ бўлиб кетадир... У бир келганда офтобашувоқда атрофига Саттор, Қундузхонларга ўхшаганларни тўплаб, бир йигит ўзининг ёвюраклиги Умархонга қандай манзур қилганлигини айтиб берган... Бу ҳикояни фақат маҳсум айтса, жойига қўядир. У қабристоннинг ваҳималарини, шамолнинг шиддатини, қозон остида ёниб турган ўтнинг қизғини шўъласида қабрларнинг кўрининишини, у йигит қабристонда пиширган ошини еб, қолганини хонга қандай олиб борганини шундай ҳикоя қиласидирки, юраксизрак одам бўлса, дод деб юборадир...”²

Мана шу шамол эсаётган ваҳимали кечада қабристонга бориб ош пишириб келиш воқеаси кейинчалик муаллиф томонидан “Даҳшат”да Унсинни күмғонда чой қайнатиб келишига айлантирилади.

О.Шарафиддинов эса ”Даҳшат”нинг ёзилишига, халқ ўртасида анча кенг тарқалган, тунда гўристонга бориб тобутга пичоқ санчиб келмоқчи бўлган одам ҳақидаги ривоят турткни таъкидлайди.³ Яна у, А.Қаҳҳорнинг “Фарғона ҳикоялари” деган умумий ном билан туркум ҳикоялар ёзмоқчи бўлганини, айнан шу гўристон, тобут ва пичоқ билан боғлиқ “Хоннинг эрмаги” сарлавҳали қайдлар қилганини эслайди.⁴ (Бундай туркумда ҳикоялар эмас “Ўтмишдан ёртаклар” қиссасини яратиш тарихини аввалги фаслда ёритдик.)

Худди шу “қабристон мотиви”дан Ойбек ҳам “Болалик” қисса сида фойдаланган. Фақат, унда ярим кечаси қабристонга пичофини қинидан суғуриб борган киши жинни бўлиб қайтади.⁵

¹ Раҳматуллоҳ қори Обидов, Зулайҳо Обидова. Аллоҳнинг гўзал исмлари ва исми аъзам. (Зикрлар, дуолар, қасидалар, салавотлар.) –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. 437-бет.

² А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Қотилнинг туғулиши..., 18-бет.

³ О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор..., 235-бет.

⁴ О.Шарафиддинов. Истевъод жилолалари..., 30-бет.

⁵ Ойбек. Болалик хотираларим. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. 100-бет.

Воқеа “Қотилнинг туғулиши”да Кўқон хони Умархон даврига оидлиги таъкидланмоқда. Балки Умархон номи машҳурлигидан унинг замонига ишора қилинаётгандир. Кейин эса бутунлай замони аниқ эмас шаклга келади. Бу таҳлит воқеа генезиси билан қизиқсан, тарихда чиндан ҳам шунга ўхшаш воқеалар бўлганига шоҳид бўламиз. Мисол учун, Мутрибий Самарқандийнинг 1625-1627 йиллар ёзилган “Нусхай зебойи жаҳонгирий” номли тазкирасидаги Улугбек расадхонаси билан боғлик бир фожеий воқеани ф.ф.н. Исмоил Бекжон келтиради.¹ Унга кўра, шоир Шуҳратий Миёнколий кўрқмас киши эди. Бир оқшом ўтиришда хожа Холдор унга: “шахид султон мирзо Улугбек расадхонаси ичида бир кўрқинчли жой бор, ўша ергача кириб шу пичогимни қўйиб чиқа оласанми?” дейди. Шуҳратий бу сўзни қабул қилиб боради, лекин ўша тунда жинлардан кўрққанидан бир кўзи айбли бўлиб қолади. Факат, у эмас жуда кўп кишилар довюракликка тиришиб, жонларини зое қиласидилар. Шулардан бири Фарҳод ҳабиса рақиби билан шартлашиб, қозиқ билан расадхонанинг шифтига фалак табакалари, иклиmlар сурати чизилган хонасига тунда кириб, қозикни деворга қоқаётиб, тўнининг этагини ҳам кўшиб қоқиб кўяди. Табиийки, ўрнидан қалқиганда кимдир тортгандай бўлиб, ўтакаси ёрилиб, жойида жон беради. Бунга ўхшаш воқеалар кўп бўлаверганидан, Самарқанд ҳокими Ҳожибей оталиқ Дўрмон расадхонани буздириб ташлайди.

Балки, бу воқеалар оғиздан-оғизга ўтиб, воқеа туси қабристонга ўтгандир. Ҳар ҳолда бу мотив асардан-асарга кўчуб юради.

Қиссадаги яна бир детал – эски қабристондаги тулаган сағана ёнидан Саттор “янгигина паранжи”, “янги бир чиммат” топади. Кейин унинг эгаси бўлмиш – хушсиз бир ёш аёлни кўради. “Дахшат”да бу детал ҳам учрайди. Яъни, Унсин паранжи-чимматини беихтиёр сағананинг олдида эсидан чиқаради.

Қаранг, ҳар икки ўринда ҳам паранжи-чиммат сағана олдида. Эгалари ечиб унугтган. Биринчи қаҳрамоннинг тақдирини ёзувчи номаълум колдирган. Унсиннинг фожеий тақдирни эса маълум.

Сайд Аҳмад ўттизинчи йиллар бошида А.Қаҳҳорнинг “Қишлоқ хукм остида”, “Қотилнинг туғулиши” қиссаларини китобхонлар қизғин кутиб олганини ёзади.² Аммо бу асарларини муаллиф “бо-

¹ И.Бекжон. Улугбек расадхонасининг биз билмаган тарихи // ЎзАС. 1996, 5 апрель.

² С.Аҳмад. Ижод ва жасорат сабоги...

лалик машқларим” деб қараганини ҳам таъкидлайди. Шундай бўлса-да, ёзувчи ижодий такомил йўлини кўрсатишда бу кисса жуда муҳим ўрин тутади. Унинг замонавий китобхон учун тарбиявий аҳамиятини назарда тутиб асар нашри ҳозирланган эди.

Лекин, кисса тилида 1930 йилларнинг адабий унсури сезиларли даражада ортиқ. Шунингдек, у Бокуда чоп этилгани боис китоб матнининг ўзида айрим янглишликларга йўл қўйилган. Журнал вариантида уни бартараф қилишга ҳаракат қилинган бўлса-да, бунга тўла эришилмаган. Бир неча ўринларда сўзларни ўринсиз алмаштирилиши, муаллиф услуби ва тилига хилоф иш тутилгани, муҳим ўринларни тушриб қолдирилиши мавжуд. Масалан, дастлабки саҳифадаёқ қаҳрамон нутқидаги “хукумат золим” ибораси “замон нозик” билан алмаштирилган. Ваҳоланки, собиқ мустабид тузум – совет хукуматига нисбатан ёзувчи тўғри баҳо бераётган эди. Ёки, муаллифнинг ўша давр нутқига мувофиқ феъл шаклидаги “-dir” кўшиминачси сунъий равища “-ди”га айлантирилган (*турадир* – *туради* каби).

“Зилзила” қиссасининг эса биргина кўлёзмаси сақланиб қолган – араб ёзувидаги дастхат-автограф нусха (А.Қаҳҳор уй-музейи фонди, №3740. 44 варак). Унда муаллиф “пўвестдан парча” дейди ва тўрт кисмда асарни беради.¹

Англашиладики, асар тугалланмаган ва ёзувчи каттароқ бир ижодий яратмани кўзда тутган. 1959 йилда бу асар устида ишлашни бошлаган Қаҳҳор нима сабабдан уни итномига етказмаганлиги бизга қоронғу. Факат, фараз қилиш мумкинки, “Ўтмишдан эртаклар” қиссаси устидаги узок изланиш (1960-65 й.й.) унинг вақтини кўп олган.

А.Қаҳҳорова хотираларида ҳам ёзувчи “Зилзила”ни битириш иштиёқида бўлгани эсланади.² Сталин шахсига сифиниш йиллари ўтиши биланоқ, С.Аҳмад таърифича: “А.Қаҳҳор ҳам тўлиб турган эди... “Зилзила” аталмиш қиссани бошлади”.³ У ўз фикрини давом эттириб таъкидлайдики: ““Зилзила” ҳар қандай таъна тошларига дош берадиган, ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир асардир”. Кейинчалик проф. У.Норматов ҳам қиссасининг бадиий ва ғоявий жиҳатла-

¹ Каранг: А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Зилзила..., 52-87-бетлар.

² К.Қаҳҳорова. Чорак аср ҳамнафас..., 63-бет.

³ С.Аҳмад. Ижод ва жасорат сабоги.

ри анча юқори эканлигини исботловчи фикрларни ўртага ташлади.¹

Чиндан ҳам “Зилзила”, шу ҳолика, маълум маънода, ўз максад-моҳиятини ифода эта олган асардир. Унда собик шўро тузуми йилларида қатағон сиёсати туфайли ноҳақ жабр кўрган ўзбек зиёлиларининг аччиқ қисмати қаламга олинган. Муаллифнинг психологик картина яратса олиш маҳорати асарнинг бир қанча ўринларида намоён бўлган. Яна кўп жиҳатдан қисса ўз қимматига эга бадиий ижод намунаси сифатида баҳоланишга лойик.

У дастлаб 1987 йил “Шарқ ўлдузи”да (№9) эълон қилинган. Лекин унда ҳам юқоридаги қисса матнидаги каби ҳолатни кўриш мумкин. Баъзи ўринлар тушириб қолдирилган, услугуб ва имлога “тузатишлар” қилинган. Мисол учун, “Эрмат лўлаболишини қизил кўрпа-часига ўраб, қўлтуғига қисди, эшик яна очилишини кутиб нари-бери юрар экан, орқасида қолаётган одамларни даҳшатли кайфиятдан қутқарши учун илжайиб...” гапидаги “қисди” сўзидан “одамларни”гача бўлган жумла журнал вариантида йўқ.

Умуман олганда “Зилзила”, “Ўтмишдан эртаклар” ва “Мухаббат” қиссасидаги муаллиф услуби ва имлоси “Қотилнинг туғулиши”дан анча фарқ қиласи. Албатта, у асарлар билан бунинг яратилиш оралиги яқин ўттиз йил бўлиб, бундай фарқ юзага келиши табиий. Шунинг учун ҳам кейинги уч қисса – “Зилзила”, “Ўтмишдан эртаклар” ва “Мухаббат”нинг матний жиҳати (кўлёзмаси, услуби, тили, имлоси, пунктуацияси)да маълум маънода ўхшашлик ва яқинлик сезилади. Шу хусусиятни “Мухаббат” қиссасининг илмий-танқидий матнида кузатайлик.²

Асар муаллифнинг сўнгти ижод маҳсули бўлиб, А.Қаххор уни деярли касал ҳолида ёзib тугаллаган (1968). Балки шунинг учундир, айрим ўринларида маромига етмаган тасвир ва қаҳрамонлар кўзга ташланади. Бироқ, қиссада ёзувчи инсоний мухаббат билан бирга жуда катта ижтимоий муаммони ҳам акс эттиришга ҳаракат қилгани саҳифалар оша маълум бўлади. ““Мухаббат” қиссасида ёзувчи умрининг охирларида дилини тирнаб ётган кўпгина масала-ларга севги орқали ўз муносабатини билдирган.”³

¹ У.Норматов. Тугалланмаган “Зилзила” // ЎзАС. 2007, 13 апрель.

² Каранг: А.Қаххор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мухаббат..., 228-311-бетлар.

³ М.Кўшжонов. Ижод сабоқлари. –Тошкент: Ёш гвардия, 1973. 112-бет.

Қиссага айнан 1920 йил ёзилган Абдулхамид Чўлпоннинг машҳур “Қаландар ишқи” шеъридан¹ бир мисрани эпиграф қилиб келтирилиши ҳам бир неча жиҳатдан аҳамиятлидир. Биринчи галда, “Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар...” сатрининг ўзиёқ асарнинг мазмун-моҳиятига ургу бермоқда. Иккинчидан эса Чўлпон номини тиклаш ва яна унинг асарлари халқимиз маънавий мулки қаторидан жой олишига ўзига хос интилиш эди. Афсуски, қиссанинг икки қўлёмасида бу эпиграф бўлгани ҳолда, нашрларда у олиб ташланган. Фақат, илмий-танқидий матнагина у ўз ўрнига тикланди.²

Адид қиссани яратар экан бири-биридан қизиқ хulosаларга келади, имкон қадар асарни гўзалроқ қилишга интилади. Бироқ, қиска фурсатта, устига-устак муаллифнинг касаллик вақтларига тўғри келгани боис ҳамма ўринлар ҳам такомил эмас. Шундай эса-да, унда ибратли жиҳатлар кўп.

Қиссанинг тили Қаҳҳорга хос ширави ва сермаъно қатламга эга. Баъзи ўринларга дикқат қилсак. Асар персонажларидан бири Жавлон гирт пиёниста. Муаллиф унинг тасвири ва нутқига доир жуда ишонарли чизгиларни тортади. Пиёниста-ичувчиларнинг ибораларини унинг гапида қалаштириб келтиради: “қатордан қолмайин” деб ичди... “сазаларининг ўлмасин” деб ичди... “дами чиқиб кетмасин” деб ичди.³

Ёки, унинг Марғубага нисбатан айтган илмоқли заҳарханда гапи: “Тўғри! – деди столга шатталаб. – Ҳақиқатда қиз теккан! Бу қизлигида ўзини қуритиб олган, ҳозир ҳам қиз! Ий...ий... дўзахга ҳам қизлигича тушиади!”⁴

Жавлон тили орқали Марғубанинг қиёфаси тасвирланяпти ва у баҳоланяпти.

“Мұхабbat”нинг уч кўлёзма нусхаси бор. Улардан бирида “Ёлғиз ўғил” ҳикояси бўлиб (3323 ракамли ҳужжат), бу дастлабки вариянтлардан бири. Унда Анваржоннинг отаси эмас онаси касал бўлади: Матлуба Раҳимжон қизи. Агар шундай бўлса эди, бош салбий қаҳрамон Марғуба Анварнинг аммаси эмас холаси бўлиб қолар эди.

¹ Чўлпон. Уч жилдлик. 1-ж. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. 6-бет.

² А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мұхабbat..., 229-бет.

³ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мұхабbat..., 270-бет.

⁴ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мұхабbat..., 271-бет.

Маълумки, бизнинг менталитетимизда хола онадек яқин. Уни салбий қилиб, қора бўёқ чаплаш хуш эмас. Аммага эса “бўлаверади”.

А.Қаҳҳор бир неча варианта Анварнинг ҳаёт йўлида бурилиш нуқталарини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган, уни уйидан кувиб чиқарадиган, барча қариндошларга ёмонотлик қиласидиган аёл қандай қариндош бўлиши кераклигини обдон ўйлаган кўринади. Нихоят, ечим аммага тўхтайди.

Умуман бу асар қаҳрамонларининг А.Қаҳҳор атрофидаги кимларгадир ўхшашлиги бор. Мисол учун, “ўрта ёшлик кўхлик” Муборакхон қайсиdir жиҳатлари билан Кибриёхонимни эслатади. Ҳакимжон эса муаллифнинг ўзини. Албатта, характер нуқтаи назаридан ва ташки тузилишнинг баъзи қирраларига кўра.

Қиссанинг “Онаизор” қисмида Ҳакимжоннинг Муборакхонимга қарата заҳарханда гаплари бор: “*Ундақ бўлса бошидан тушайлик: саккизта хотин битта эркакнинг чўриси бўлсин, фарзанд дегани дўйктўрхонага эмас, мозорларга қатнасин...*”¹

Бу иборалар таниш – “Даҳшат” ва “Ўтмишдан эртаклар”даги воқеаларга ишора қилинмоқда. Яъни, муаллифнинг ўз гапи. Фақат, персонаж – Ҳакимжон тилидан чиқяпти.

Энди матн нуқтаи назаридан баъзи масалаларга тўхталсак. Булар ёруғида қиссанинг илмий-танқидий матни қанчалик зарур ёки нозарур деган саволга жавоблар изланади.

Масалан, Мурод Али оғир бетоб бўлар экан унинг ҳовлисига одам йиғилади. Қиссанинг дастлабки (1969) ва олти ҳамда беш жилдликларида: “Анвар бориб чинор остидаги сўрига ўтиради” дейилади. Қўллэзмада эса у “ток остидаги сўрига” ўтиради.² Мантиқан ўйланса, ўзбек ҳовлиларида сўри асосан ток (узум) остида бўлади. Чинор деярли ҳовлиларга экилмайди. Демак, ҳалқ ҳаётини яхши билган Қаҳҳорнинг “ток”и нотўғри таҳrir этилган.

Ҳатто бир ўринда ғалат таҳrir туфайли “чинор издиҳом” 1988 йилги 3-жилдда “чинор издиҳом”га айланиб кетган.

Ёки, нашрларда “узокроқдан”ни “узоқдан”, “кўзиккан”ни “кўзига”, “кейин чоғроқ”ни “кейинчароқ”қа, “кўрмаганидан”ни “бўлмаганидан”га, “хўп”ни “кўп”га, “чўнқайиб”ни “чўққайиб”га, “ёгу-

¹ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мухаббат..., 254-бет.

² А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мухаббат..., 230-бет.

ди”ни “ёлворди”га, “тиқилиб”ни “тиқилиб”га, “кезди”ни “кезишиди”га, “амаким”ни “поччам”га, “тақди”ни “тиқди”га, “гаплашиб”-ни “сұхбатлашиб”га, “бормалты”ни “бормаяпты”га, “аямга”ни “ойимга”, “учрашни” “учрашишни”га, “бүйек ўйлаб топғунча”ни “бүйек топилгунча”га, “вақтингча”ни “вақтлича”га, “билмаганидан”ни “олмаганидан”га, “мунокаша”ни “мунозара”га, “ислиқи”ни “искирт”-га, “олам”ни “холам”га, “хужрасида”ни “хусусида”га, “сизга ким қўйипти”ни “сизга нима бўлди”га, “хайрият”ни “яхши”га, “айтиб турган”ни “атаётган”га, “бошқа”ни “бир неча”га, “титиклаб”ни “титиб”га ўринсиз ва саводсизларча таҳрир қилиб ўзгартирилган.

Бу каби таҳрирларнинг барчаси муаллифнинг ихтиёрисиз амалга оширилган. Ваҳоланки, “ўз матнининг ягона ва шубҳасиз эгаси муаллифдир. Фақат, угина у нашрдан бу нашрга матнни ўзгартириши ёки ўзгартирмасдан қолдириши мумкин”.¹ Афсуски, асарнинг тилига, айрим ўринларда, баён услубига путур етказадиган бундай ўзгаришлар содир этилган. (Буларнинг барчаси қисса илмий-танқидий матнида яққол кўринади.) Ҳаттоқи, бутун бошли жумлалар ва сўзларни тушириб қолдириш ҳоллари ҳам учрайди. Мисол учун, “Ҳар бошда бир савдо” хикоясида Анвар ва Мұхайё сұхбати бор:

“ - Қани ўша оддий таёқ?—деди Мұхайё жилмайиб.

Анвар унинг қўлини ушлади.

— Жасорат! Матонам!

Мұхайё қып-қизарыб ерга қаради.

— Менинг қўлимдан нима келади...

— Кўлингиздан ҳеч нарса келмайдими? Ҳеч нарса керак ҳам эмас, менга фақат ҳалал бермасангиз бўлди!”²

Мавжуд нашрларда остига чизилган сўзларни нега қисқартиб ташлангани бизга номаълум. Бироқ, матнга яхшироқ эътибор қилинса, улар контекст мазмунини очиш учун жуда зарурлиги сезилади.

Яна бир жойда Ҳакимжон хотирасидан уруш тасвирлари берилар экан қўлёмзмадаги: “Тутун, аланга, куйган одамлар ҳиди, ҳаробалар...” жумласидан “куйган одамлар ҳиди” бирикмаси нашрларда олиб ташланган³. Ваҳоланки, уруш кўланкасини акс эттирувчи ёрқин ифода эди.

¹ С.Рейсер. Основы текстологии. –Ленинград: Просвещение, 1978. С.14.

² А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мұхабbat..., 280-бет.

³ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Мұхабbat..., 237-бет.

Умуман бу каби ноўрин қисқартиш ва таҳрирли жойлар қисса матнининг кўплаб ўрнида учрайди. Албатта, муаллиф томонидан жуда мукаммал даражасига етказилмагани ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Лекин асарнинг уч кўлёзмаси билан мавжуд нашрларини ўзаро қиёслаш, қиссанинг илмий-танқидий матнини тузиш керак эканлигини ойдинлаштирар эди.

Адабнинг бу қиссаси келгусида бадиият, ғоя, тил ва услуб жихатдан тадқиқлар обьекти бўлишига ишониб қоламиз.

“Иккинчи чўққи”нинг матности сирлари

Ўзбек адабиёти тарихида росмана шов-шувлар, турли баҳс-мунозаралар, турфа хил талқинларга сабаб бўлган бир қанча асарлар мавжуд. XX асрда ана шундай муносабатларга сабабчи бўлган ва ҳануз ўз қимматини йўқотмаган асарлардан бири – Абдулла Қаҳхорнинг “Сароб” романидир.

Асар ўз муаллифини том маънода танитди, машҳур қилди. Роман 1933 йил тугатилганини назарда тутсак (бу ҳақда бироз кейинроқ тўхталамиз), ўшандан Абдулла Қаҳхор 26 ёшда эди. Аммо, унинг адабиёт олами сари қўйилган бу дадил қадами билан, нафакат ўзбек насли балки, умумўзбек адабиётининг келажақдаги пешқадам намояндадаридан бири бўлишини ҳам белгилаб берди, десак мубоблага эмас. Шуниси қизиқки, “Сароб” қанчалик баҳсларга сабаб бўлса, таҳлиллар эълон қилинаверса-да, ҳамон яна шундай баҳсу талқинларга чорлайверадиган асар бўлиб қолди. Устига-устак, муаллиф томонидан қайта-қайта қилинган таҳрирлар натижасидаги романнинг уч варианти яъни, уч “Сароб” ҳам бунга кенг йўл очиб берди.

1937 йилги дастлабки “Сароб”дан йигирма йил ўтгач – 1957 йилда чоп этилган “Сароб” матн нуқтаи назаридан анчайин фарқ қилса, охирги – 1967 йил нашри ҳам бирмунча ўзгариш ва тузатмаларга эга. Албатта, бу таҳрирларнинг муаллиф томонидан кўзда тутилган маълум сабаблари бор. Уларнинг айримлари ҳақида адабиётшунослар томонидан фикрлар билдирилган бўлса-да, бироқ, таҳрирларнинг асл сабаби ва улардан кўзда тутилган мақсад фақат ва фақат муаллифнинг ўзигагина аён бўлиб қолаверади. Лекин, ҳар бир асар матни талқинга сазовордир. Талқин эса ўша асарнинг моҳият-эътиборига кўра амалга оширилади. “Сароб” романи ҳам нафакат му-

аллифнинг уч таҳрир-вариантига эгалиги, балки бадиияти, мавзуи, тоғаси, тили ва услуби билан ҳам турфа таҳлилу талқинларга муносаб асардир.

Роман ҳақида, дастлаб китоб ҳолида чоп этилганидаёқ, эътирофли чиқишлиар билан бирга турли мунозарали фикрлар ҳам билдирилган. Ўша вактда Р.Мажидий, Ҳ.Мусаев, Б.Акбаров, Т.Жалолов, Ю.Султонов каби мұнаққидларнинг муносабатлари матбуотда эълон қилинган. Кейинчалик эса, Ҳ.Абдусаматов, Л.Қаюмов, М.Қўшжонов, И.Боролина, М.Султонова, О.Шарафиддинов, Н.Шодиев, В.Смирнова, А.Геворкян, М.Алимова, П.Қодиров, У.Норматов, Б.Назаров, Н.Шодиев, Э.Каримов, Р.Қўчкор ва Х.Ҳамроқулова каби олимларнинг бу борадаги кузатишлари маълум. (Улардан айримларига, ўз мавзуумиз доирасида, муносабат билдирамиз.)

Маълумки, “роман бошқа адабий жанрлар ичида ўз имкониятларининг чексизлиги билан ажralиб туради”¹. А.Қаххор ҳам ушбу жанр имкониятларини синааб кўриш ва у орқали асар ёритаётган даврдаги мухим ижтимоий-сиёсий воқеликни қаҳрамонлар ҳаёти ва тақдирлар чизиги ёрдамида ифода этишга ҳаракат қилган. Тан олиш керак, муаллиф кўп жиҳатдан буни уddaлаган ҳам. Абдулла Қодирий романларидан сўнг бошқа росмана-жиддий роман бўлмаган бир даврда Абдулла Қаххорнинг бу ижодий тажрибаси адабиёт майдонидаги чинакам жасорат эди. Ўзбекистон Республикаси қаҳрамони, проф. Озод Шарафиддинов мана шу ва яна бошқа жиҳатларни кўзда тутган ҳолда “Сароб”ни “Иккинчи чўққи” деб таърифлагани бежиз эмас.² Бу ўринда мұнаққид Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и романчилигимизда биринчи бўлса, “Сароб” иккинчи чўққи эканлигини кўзда тутган. Мазкур эътироф ўз асоси ва далилига эгаки, бу ҳам бўлса ёзувчи илк романнодаёқ ижодкор сифатида мақсадига эришган, яъни, XX асрдаги энг яхши ўзбек романларидан бирини яратадиганлигидир.

Олимга кўра: “Фоявий ниятнинг салмоғи, воқеаларнинг қўлами, муммаларнинг мухимлиги ёзувчини роман жанрида кучини синааб кўришига ундаган. Уни романга мурожаат қилишга ундаган яна бир сабаб бор – бу жанр ўзбек адабиётидагина эмас, умуман Ўрта Осиё адабиётида ҳам

¹ А.Рахимов. Роман санъати. –Фарғона: Фарғона, 2015. 62-бет.

² О.Шарафиддинов. Иккинчи чўққи // Шарқ юлдози. 1987. 3-4-сонлар. Ушбу макола кенгайтирилган ҳолда муаллифнинг “Абдулла Қаххор” китобига киритилган. Қаранг: О.Шарафиддинов. Абдулла Қаххор..., 44-90-бетлар.

мутлақо янги бўлиб, 20-йилларда эндиғина шаклдана бошлаган эди”¹. Бу таҳлит қараш, фикр ва мулоҳаза ўз асосига эга. Кўп бора ёзувчи билан ҳамсухбат бўлган, унинг ижодий лабораториясидан яхши хабардор олим “Сароб”нинг ҳам нозик жиҳатларини, яратилиш тарихини имкон қадар ишончли далиллар ёрдамида ёритиб бера олган. Унинг фақат ғоявий ният кўлами-ю, акс этирилаётган материал салмоғи билангина эмас, ҳаётдаги ижтимоий – эстетик эҳтиёжни ҳам Абдулла Қаҳҳор роман жанрига мурожаат қилишда ҳис қилишига доир фикрлари ҳақли. Чунки, қаламга олинган мавзуу фақатгина роман жанридагина муваффақиятли асар бўлишини муаллиф доимо кўз олдида тутган.

Мунакқид роман юзасидан ўтказилган 1939 ва 1940 йилги икки муҳокамани жиҳдий таҳлил қиласи² ва улардаги асосий хуносани ажратиб, ўз даври тафаккури доирасида “Сароб”нинг талқинлари ҳақида яхши тўхталади. У ҳар икки муҳокамада ҳам «“Сароб” совет асари» деган тўхтамга келинганини айтади. Лекин шу билан бирга, танқидчи, Ойбекнинг эътиборли бир фикрини ҳам келтирадики, бу масалага анча ойдинлик кирифтган. “Ойбек “Сароб” романида совет воқелигининг фактлари анча юзаки тасвирланганини, улар чинакам бадиийлик касб этмаганини таъкидлайди. Сўнгра эса роман ҳақидаги мулоҳазаларини шундай якунлайди: “Сароб” ўзбек адабиётida энг кўркам асарлардан бири. Ҳақиқатан, образнинг ишланиши, тил жиҳатидан, тасвир жиҳатидан Абдулла Қаҳҳор бу асарда катта маҳорат қозонган...”³

Ўша иккинчи муҳокамадаги Ойбекнинг бу фикрлари жуда ҳам қимматли бўлиб, “Сароб” романни ҳақидаги муҳим ҳақиқатни ифода этган эди. Негаки, А.Қаҳҳор ва Ойбек каби зотлар узоқни кўра олган инсонлар бўлиб, улар ўша вақт учунгина эмас, даврлар оша ҳам яшай оладиган асар яратишга интилганлар. Совет воқелигининг Ойбек айтганча “анча юзаки тасвирлангани” ҳам аслида асарнинг яшовчанлиги ва истиқлол кунлари учун муҳимлигини кўрсатувчи муҳим жиҳат эканлигини назардан сокит қилмаслик зарур.

Албаттаки, “Сароб” ҳақидаги бўлажак тортишувларда бу эътироф кўзда тутилса мақсаддага мувоғик бўлса-да, айрим адабиёт-шунослар ё уни четлаб ўтганлар, ёки асарни бошқачароқ шаклда таҳлил қилишга интилганлар. Бу каби талқинлар қанчалик ўзини

¹ О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор..., 47-бет.

² Бу ҳақда академик М.Кўшжоновнинг ҳам яхши таҳлиллари бор.

³ О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор..., 58-бет.

оқлади, ёки оқламайды, бу бошқа масала. Бирок, айнан муаллиф нұктай назарини деярли акс эттирган Ойбекнинг фикрига келиш учун “Сароб”нинг илк нашридан мұбохаса қилиш ва уни англаш зарур эди. Түгри, романни тақтыйғанда анчайин нигилистик қарашлардаги фикрлар (Х.Абдусаматов) билан кенгрөк қамровдаги қарашлар (У.Норматов, Э.Каримов) ҳам бор. Келинг, О.Шарафиддинов ва Р.Құчкор тадқиқлари¹ мавзумизга яқынроқлиги нұктай на-заридан тұхталсак.

О.Шарафиддинов тақидлайды: “ёзувиң қаҳрамонни ўзининг фояйи ниятига мос тарзда, шу нияттан келиб чиқиб танлади”; ...“Сароб” романы шунчаки буржуа миллатчилигининг идеологиясыни фош қилувчи, буржуа миллатчиларининг разил башараларини очиб ташловчы асар әмас... “Сароб” романыда миллатчилик идеологияси фош қилинади, миллатчилар фош қилинади, лекин буларнинг бары бошқа бир мұхым мұаммонинг ҳосиласи сифатида қаралади. Гап шундаки, “Сароб” романының асосини ташкил қилувчи фояйи ният худбинникни ёхуд индивидуализм иллатини бадий тадқиқ қилишдір”.² Мана шу концепциядан келиб чиқкан ҳолда, мұнаккид романының асосий фоясини “коллективчилик психология тантана қылған жойда худбинникнинг ҳалокати мұқаррар эканини тас-диқлаш” деб белгилайды³ ва бу фоя роман бош қаҳрамони Саидий характерида, унинг фожиали тақдирида мұкаммал очиб берилгани-ни эслатади. Академик М.Құшжонов эса асарни “ижтимоий-сийесий психологик роман сифатида іозага” келганини тақидлайды.⁴

Албатта, бу фикрлар ўтган асрнинг 80 йилларида билдирилаёт-ганлыгини ҳам күздан кочирмаслик зарур. Собиқ совет мұстабид ту-зуми ҳали кучда ва іқтидорда эди, мағкура билан боғлиқ ҳар қандай әрқин фикр тазийәк остига олинадиган давр. О.Шарафиддиновнинг, романга дастлабки отиlgан тошлар, “совет вөкөлигидан узок” деган иддаони рад қилувчи Ойбек фикрини дастак қилиши ҳам, романының мавзуу ва фоясини белгилашга интилиши ҳам маълум даражада

¹ Р.Құчкоров. Уч сароб – Китобда: Истеъод қадри. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. 3-31-бетлар; Үша муаллиф. “Сароб”нинг пайдо бўлиши – Китобда: Мен билан мунозара кильсангиз... -Тошкент: Маънавият, 1998. 6-50-бетлар.

² О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳхор..., 61-бет.

³ О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳхор..., 62-бет.

⁴ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жиылдик, 1-жилд. Эпос. -Тошкент: Фан, 1991. 304-бет.

сиқиқликка эга. Бироқ, мунаққид асарнинг асл бадиий юки, ғоявий кўламини белгилашда деярли адашмаган. Танқидчининг холислиги ва илмий ёндашуви ҳам шунда кўринган. Тўғри, у билан романнинг турли жабхасида тортишиш, баҳслашиш мумкин. Лекин, провард натижа, муҳтарам икки домланинг роман мавзуси ва ғояси ҳақидаги фикрлари ҳақиқатга яқин эканлигига келинади.

Шу ўринда, асар ғояси ҳақида ортиқча илгариламасдан Абдулла Қаххорнинг “Ёшлар семинарида сўзлаган нутқида”н эслатишни жоиз топдик: “*Асар ўқувчида қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлга бошлиса ғояси ўша-да*”. Яна, проф. У Норматов А. Қаххорнинг “*Танқид шу пайтга қадар “Сароб”дан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарди-дунёсини, оҳу зорини эшиштадиган азамат топилмади*” деганлигини келтиради.¹

Ф.ф.н. Раҳмон Кўчкорнинг “Уч Сароб” мақоласида романнинг матни, хусусан уни ҳар учала вариантиаро ўзгаришлар, “Сароб”-нинг 1937 йилдаги биринчи нашридан кейинги нашрлари анча фарқланиши ва бу фарқлар нимада кўриниши ҳақида мулоҳазалар билдирилган, муҳим ўзгаришлар қайси ўринларда эканлиги мисоллар билан кўрсатилган.² Тўғри бу ҳақда проф. Ҳ.Абдусаматов ҳам ўз вақтида фикр билдириган эди.³ Лекин мавзуга қараш нуқтаи назаридан Р.Кўчкорнинг “асар материалини жуда мукаммал билган Абдулла Қаххор дастлабки вариантда ҳаёт ҳақиқатига, давр ҳақиқатига тўла риоя қилган, ҳар бир персонаждан-да унумли фойдаланишга ҳаракат қилган эди”⁴ тарзидаги фикри ҳақли. Яна, романдаги Саримсоқ исмли йигит тақдирни ҳақидаги қисмларни олиб ташланишининг тўғри бўлмаганлиги, “бу хикоя... кейинги “Сароб”ларга ҳам кўрк бўлар эди” каби мулоҳазалари ўринли.

Романнинг ҳар учала варианти билан танишиб чиқиши мунаққидга асардаги бадиий топилмаларни ҳам қиёсан кашф этишга омил бўлган. Масалан, “1937 йилги нашрнинг II бўлим, 15-бобида Сораҳоннни Сайдийга қарши қайраб кўйиб, уларнинг жанжалига тумшук суқишини хоҳлаган “булбули гўё” ёшларнинг хонасига “Икки-учта лампочка кўтариб кирди”, дейилса, иккинчи нашрда “чой

¹ У.Норматов. Университет сабоқлари ва илҳомлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 4-сон. 22-бет.

² Р.Кўчкоров. Истеъод кадри..., 5-бет.

³ Ҳ.Абдусаматов. Абдулла Қаххор..., 94-бет.

⁴ Р.Кўчкоров. Истеъод кадри..., 21–бет.

кўтариб кирди”, учинчисида эса, “гул қўйилган ваза кўтариб кирди”, деб берилади. Бизнингча, илк баҳона жуда ўринли топилган, кулагили эди. Чой кўтариб кириши шунинг учун ярамайдики, мазкур бобнинг бошида чой олиб кирилгани ҳақида гапирилади. Учинчи вариант умуман келишмаса керак. Чунки юрагида гўзаллик ҳакида заррача туйғу бўлмаган “булбули гўё” билан ваза тўла гул... бирга тасаввур қилиб бўлмайдиган тушунчалардир. (Рост, бу бу ваза кеин сунъий равишда Саидий томонидан ойнанинг синдирилишида иштирок этади. Илк “Сароб”да бу ҳаракат йўқ.)”¹

Биз, илк нашрда ўқувчини таъсирлантирадиган даражада маҳорат билан тасвиirlанган роман бош қаҳрамони Саидийнинг фожеали ўлим топиши, кейинги нашрларда кўпорувчилик ҳаракати билан боғланганлиги муваффақиятли чиқмаганлиги ҳакидағи фикрга қўшиламиз. Негаки, тезлик билан келаётган юқ поездини бир икки шпал билан ағдариб юбораётган Саидий, аввалги ўринлардаги Раҳимжон Саидийга мутлақо мувофиқ эмас. Бу воқеанинг сунъий киритма тарзидаги холат эканлиги яққол сезилиб қолган.

Лекин, “поезд”ни академик Б.Назаров “ёзувчининг тафаккурида ёхуд онг оқимида шиддат билан келаётган, тезлигини ҳеч нарса тўхтата олмаётган шўро тузуми, мафкурасининг гайрихиёрий тасаввури” дея талқин қиласиди.² Худди шунингдек, у асарнинг кейинги нашрларидағи ўзгаришларни “замон билан чиқишишга мажбур”-ликда бўлганини таъкидлайди.³

Ҳақиқатда, Р.Кўчкор айтганидек: “Сароб” романи қайта ёзилиш жараёнида бир оз қўшимча сифатлар ортириш билан бирга, ўзида бор бўлган бекиёс сифатлардан анчасини йўқотган ҳам.

Шунингдек, адабиётшунос романнинг кейинги нашрларида “илк вариантдан тушиб қолган ёки ўзгарган жойларга изоҳ тарзидами, китоб охирида бериладиган қўшимча тарзидами жой ажратсалар” деган эзгу истакни билдириган эди. Бу тилак кўп жиҳатдан биз олиб борган тадқиқларнинг мақсадига ҳамоҳанг бўлиб, амалга оширилган нашрда айнан илк нашрга таянилиб кейинчалик ундан тушириб қолдирилган ўринларга алоҳида дикқат қилган эдик.⁴

¹ Р.Кўчкоров. Истеъод қадри..., 28-29-бетлар

² Б.Назаров. Абдулла Қаҳҳор бадиий ҳақиқати // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 4-сон. 10-бет.

³ Б.Назаров. Абдулла Қаҳҳор бадиий ҳақиқати..., 11-бет.

⁴ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 2-жилд. Сароб...

Мунаққид таъкидланган мақола билан чекланиб қолмай, кейинчалик “Мен билан мунозара қилсангиз...” рисоласини (1998) яратди ва унда “Абдулла Қаххор феноменининг ички қонуниятларини очишга” ҳаракат қилди. Бироқ, “Уч Сароб”да айтилган фикрлар ҳақида “катор тўғри хулосалар билан бирга энди таҳрир қилиниши шарт бўлган айрим мунозарали фикрларни ҳам билдириган эканмиз”¹ дея мубоҳасали қарашларни ўргага ташлади. Албатта, унинг бу қарашлари ҳам далиллар, қизиқарли фактлар билан берилгани эътирофга сазовор. У романдаги “ўзгаришлар сабабчиси фақат қатағон йилларининг танқиди бўлса, нега А.Қаххор романи ўша йиллариёқ қайта ёзишга мажбур этилмади? Нима учун фақат 1957 йилда чиққан иккинчи нашрига ўзгаришлар киритди?..”² дея саволларни ўргага ташлайди ва «“Сароб”нинг пайдо бўлиши» тадқиқида уларга жавоб ахтаради. Баъзи ўринларда жуда ажиб ва кескин мулоҳазалар билдирилар экан, ҳақиқатда ҳам романнинг уч варианти, улардаги ўзгаришлар ва албатта роман мавзусининг ўзиёқ бу мунозараларга йўл очишини унутмаслик зарур.

Аввало, бадиий асарларнинг қайта-қайта вариантлар тарзида яратилиши бу адабиёт тарихида кузатиладиган ҳодиса. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам “Бадоеъул-бидоя” ва “Наводирун-ниҳоя” девонлари таркибиға кирган деярли барча шеърларини кейинчалик, таҳрирдан ўтказиб, “Хазойинул-маоний”даги тўрт девонига жойлаштирган. Ёки, Лев Толстой “Воскресенье” (Тирилиш) романини ўн йил давомида (1889-1899) тўққиз вариантда ёзиб чиққан. Ниҳоят, А.Қаххорнинг ўзи “Ўтмишдан эртаклар” қиссасини ҳам бир неча вариантда яратганини аввалроқ эслатдик.

Қолаверса, муаллифга романни қайта ёзишга нега мажбур этилмади, дея савол қўйилиши ўринсиз. Муаллиф ўз асарига ўзгаришлар киритишга доимо ҳақли. Гарчанд асар нашр этилган бўлса-да...

Мунаққиднинг ўзи айтганидек, «“Сароб” хусусидаги фикрлар жангига ҳамон давом этаётган экан, бу бир нарсани – асар тўкимасига сингдирилган ғоянинг (унинг қанчалик тўғри ёхуд аксинча экани алоҳида масала!) ниҳоятда мухимлиги, асарнинг аксарият қаҳрамонлари руҳиятида акс этган ёзувчи бадиий тафаккурининг кучини

¹ Р.Кўчкор. Мен билан мунозара қилсангиз..., 17-бет.

² Р.Кўчкор. Мен билан мунозара қилсангиз..., 17-бет.

исботлайди»¹. У яна “ҳаётий ва адабий компонентларнинг бирлашувига, уларнинг маҳсус бир гоя атрофига йифилувига ва шунчаки бир асарни эмас, ижтимоий-сиёсий пафоси 30-йиллар ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган “Сароб” романини ҳосил қилувига нималар сабаб бўлган? Ёзувчи билган ҳамма ҳаётий ҳодисалар хам романда том маънодаги реалистик интерпретацияни топганми, романни ташкил этган барча ғоявий-бадиий унсурлар ҳам ҳаётий заминга эгами? Умуман, “Сароб” романининг ёзилишига қандай объектив ва субъектив омиллар турткни бўлган? Ёзувчи ўзининг унча салмоқли бўлмаган ҳаётий кузатишларидан (А.Қаххор романни 25-27 ёшлирида ёзиб битирган!) ташқари яна қандай манбаларга суюнган, ишониб асарга киритган. Миллатнинг тақдирига тўғридан-тўғри даҳлдор масалалар марказига кўйилган “Сароб” романни қанчалик мустакил тарихий асосга эга”² тарзидаги муҳим саволларни кўядики, улар ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасида эди, дейиш мумкин.

Танқидчи шу саволларга жавоб топиши учун 1920 йилларда чоп этилган “Кокандская автономия”, “Удар по националистической контреволюции” ва “Против Касымова, против касымовщины” китобларини А.Қаххор диққат билан ўқиб чиққанлиги ва уларнинг ҳошияларига белги-изоҳлар кўйиб кетганлигини таъкидлайди. Ҳамда шу асосда “Сароб” романининг яратилишида бу китоблар асосий роль ўйнаганлигини далиллашга ҳаракат қиласди.

Таъкидлаш жоизки, ижодкор учун реал факт бадиий асарда дечтал ёки материал бўлиб хизмат қилиши бор ҳодиса. Л.Толстойнинг “Тирилиш” романини яратилиши учун бир суд иши ва ундаги фактлар сабаб бўлган. Стендалнинг машҳур “Қизил ва қора” романни учун ҳам ўз вактида Францияда шов-шув бўлган бир суд иши ва унинг материаллари асос бўлиб хизмат қилган эди. Ёки, XIX аср охиirlари адабиётимизда бир туркum ҳажвий шеърлар яралишига сабабчи фирибгар Виктор Ахматов воқеасини эслайлик. Псандий, Муқимиy, Мухий, Қорий, Завқий ва Зорий каби шоирларимизнинг у ҳақдаги асарлари ҳам далилларга таянганди-ку?!

Танқидчига кўра, романдаги миллатчи гуруҳ билан боғлиқ ва яна бир қанча ўринлар, айрим сухбат-диалоглар юқоридаги хар уч китобдан ўзлаштирилган. Шу билан ўша даврдаги миллатчиларни

¹ Р.Қўчкор. Мен билан мунозара қилсангиз..., 10-бет.

² Р.Қўчкор. Мен билан мунозара қилсангиз..., 14-бет.

бадиий равишда тасвирлаб, фош қилганлиги, кейинги икки нашрида эса “қосимовчилар, бадриддиновчилар суд процессларининг романга кўчиб ўтган руҳини юмшатишга, оҳангини сал бўлса-да, ўзгартиришга уринди”дека фикр билдирилади¹.

Бу каби мулоҳазалар ёзувчига нисбатан айбломи, оқловми, аниқ билиш қишин. Бирок, натижада мунаққиднинг хуносасига бинонан “замонавий ва тарихий воқеликка нисбатан А.Қаҳхор эгаллаган позицияси бирёқлама характер касб этди... гарчи 50-йиллардаги ижобий ўзгаришлар таъсирида роман қайта ишланган, ундаги талай ғоявий-сиёсий ўринлар таҳир этилган бўлса-да, асар ўз номига, ўтказмоқчи бўлган ҳақиқатига содиқ қолди ва бу табиий ҳам...”.

Келтирилган факту далиллар мунаққиднинг шундай хуносани баён қилишига олиб келиши ҳам табиий, “Сароб”дек асар турлича талқинларга, жумладан шундай танқидий муносабатга дучор бўлиши ҳам табиий. Аммо, яна танқидчининг ўзи аввалроқ билдирган эътирофи билан айтганда: “...танқидларга илк “Сароб”нинг ўзи кураша олишини, романда ҳеч қандай қўмакка муҳтож бўлмаган қудрат яширинган” (Уч Сароб, 24-бет).

Тасаввур қилингки, айни А.Қаҳхор авлоди адабиётга кириб келаётган даврда (1920 йиллар охири – 1930 йиллар боши) собиқ иттифоқда соцреализм методини тинимсиз тарғибу ташвиқ этиш, ҳаттоки, “Литература факта” (Далиллар адабиёти) жуда авж паллага чиққан ва у ўзига хос адабий оқим ўлароқ қўплаб ёш ижодкорларни қамраб олган вақт эди. Улар, “ЛЕФ” номи билан бир неча намунавий асарлар-тадқиқлар нашр эттиришар², ўтмиш классиклари (Л.Толстой, А.Чехов, Н.Гоголь кабилар)ни ўз нуқтаи назарлари билангина бирёқлама баҳолар, замондош улкан ижодкор (М.Горький каби)ларга ўз андозалари асосида асар ёзиш кераклигини уқтиришарди. Мана уларнинг баъзи фикрларидан намуналар:

“Новая литература – это и есть литература утверждения факта. Дело это довольно сложное, и нашим мудрым теоретикам искусства все как-то некогда им заняться... Литература есть такой же осколок жизни, как и всякий другой участок...»³

¹ Р.Кўчкор. Мен билан мунозара килсангиз..., 49-бет.

² Литература факта. Первый сборник материалов работников Лефа. -Москва: Федерация, 1929.

³ Литература факта. –Москва: Захаров, 2000. С.15.

“Новая литература впервые ставит образ на ноги. (Здесь, в частности, отметим колосальную роль Маяковского, освободившего поэзию от мистицизма.) Новая литература на три четверти рациональна. Путь воздействия ее – через сознания. Не образность, а точность. Не дешевая символика, а правда живого факта. Художники слишком долго извращали действительность во имя призраков – пора объявить войну художеству!”¹

Мана шундай ғалат ва дөгули қарашлар авж олган бир даврда ёш ёзувчи А.Қаҳхор ҳам улардан таъсирилмаслиги ва бу таассурутлар у ёки бу даражада унинг асарларида хусусан, “Сароб”да акс этмаслиги мумкин эмас эди. Масаланинг яна бир томони шуки, у ҳам бўлса, умумдабиётнинг ҳолати, адабий тушунча, жанрлар мавжудлиги билан боғлиқ. Яъни, даврнинг бадиий асар яратишга таъсири ва бадиий асарнинг ана шу даврда яшовчанлиги масаласидир. Француз ёзувчиси Жан Дютурнинг сўзлари билан айтганда: “XX аср романи энди шахснинг ижтимоий ва гоявий ғалабалари ҳакида эмас, аксинча, инсоннинг ўз-ўзидан воз кечишини, тарқоқлигини ва мағлубиятини чарчамай тасвирлайди. Бу романларда дунё инсон устидан ғалаба қилади. Улардаги сўз мавзуи имкон қадар сокин, сезилмас борлик ва унинг дунёда деярли ҳеч қандай из қолдирмаётган ҳаёти ҳакидадир...”²

Айни мана шу жихатлар “Сароб” романни ва унинг бош образи Саидийга ҳам тааллуқли эмасми?! Ахир, шу каби хусусиятларни жонли равишида тасвирлаш, юксак бадиий натижага эришмоқ учун даврга оид воқеа-ходисаларни, фактларни асар ичига сингдириб юбориш ёзувчи маҳоратидан дарак эмасми?!

Бир сўз билан айтганда нафакат тадқиқотчи-мутахассислар учун балки А.Қаҳхор ижодининг кент миқёсдаги муҳлислари учун ҳам “Сароб” илк нашри гоятда қизиқ ва маълум қадар янгилик бўлиши мумкин. Негаки, унда муаллиф баъзи андишалар билан кейинчалик олиб ташлаган ўринлар ҳам ўз бадиий жозибаси ва гоявий кўлами билан эътироф этишга арзигулиқдир. “Сароб”нинг илк нашридаги матний жихатлар борасида сўз юритишдан аввал, ундаги айрим бадиий тасвир, қаҳрамонлар қиёфаси ва умуман роман мавзу кўламига доир айрим ўринларга диққат этсак.

¹ Ўша манба, 18-бет.

² Жан Дютур. Болезнь века / Китобда: Судьбы романа. Сборник статей. –Москва: Прогресс, 1975. С.70.

Дастлаб, ҳужжатлилик ёки фактлардан бадиий асарда фойдаланиш масаласи. Ҳужжатли материал қанчалик муаллиф шахсини руҳлантирса, шунчалик унинг тирик тафаккури, хис-туйғулари, таассуротдан ҳосил бўлган тасаввурлар ва онги билан бирлашиб кетади. Ҳаттоқи, ҳужжат ҳужжатлилиқдан чиқиб бадиий фантазия ва ихтиёрга бўйсуниб қолади. Яъни, у энди ҳужжат бўлишдан тўхтайди. Шунда аниқлик ва уйғунлик ўнг планга чикиши мумкин. Муаллиф ўз дунёсида яратувчи, бунёдкор ўлароқ далиллар эмас бадиият оламига ўтиб кетади.¹

Айтиш лозимки, Раҳимжон Саидий ҳаёти ва фожеасини тасвир этувчи мазкур романда ҳар қанча ҳужжатлилик кўринса-да, бу ҳаётий ҳақиқат бора-бора бадиий ҳақиқатни белгилаб ҳам берган. Зероки, “ҳаётий мантиқ ҳаётий ҳақиқатни белгиловчи мезон бўлса, бадиий мантиқ бадиий ҳақиқатни белгиловчи мезондир”².

Ёзувчи ўша вақтда анча ёш бўлишига қарамай, катта жанрнинг инжиқ ва масъулияти тарафларини тўла равишда бажаришни уddyалай олган. Гарчанд у ўша вақтда совет воқелигига ишонган ва уни ҳақиқат сифатида қабул қылган эса-да, у миллий ўзлиқ, миллий характерни ифода қилишга интилган. Вакт ўтиб эса, у яратган миллатчилар образи салбий бўёклар билан, танқидий планда берилган бўлса ҳам ўша машъум мустабид тузум вақтида бу озодлик курашчилари сиймосини бошқача тасвирлаш мумкин бўлмаганлигига амин бўламиз. Уларнинг салбий қиёфали тасвирлари ҳам мустақиллик учун курашган инсонлар мавжуд бўлганлигини исбот этади. Ёзувчининг позицияси айрим ўринларда нейтрал характердаги мавқеда кўринади. Чунки, аслида мақталиши лозим бўлган коммунистик мағкура тарафдорлари (Эхсон, Шариф, Кенжа каби) романнинг бирон ўрнида ҳам тугал адабий тип сифатида тасвирланмаган. Аксинча, миллатчи дея айбланувчи образлар (Аббосхон, Салимхон, Муродхўжа домла) росмана адабий тип ўлароқ кўз ўнгимизга келади. О.Шарафиддинов ҳам Муродхўжани “чинакам адабий тип даражасига кўтаришган”ини таъкидлаган эди.

Адид роман давомида Раҳимжон Саидийни реал ҳаёт билан келиша олмаётган образ ўлароқ гавдалантиради, уни (ўзига хос) юксалиши ва фожеасини қуюқ бадиий бўёкларда, ички кечинма ва руҳий эврилишларни маҳорат билан чизади; ташки қиёфаси ва хатти характерларини мароқ билан тасвирлайди.

¹ Бу ҳакда қаранг: Э.А.Бальбуров. Поэтика лирической прозы. –Новосибирск: Наука, 1985.

² Б.Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент, 2004. 15-бет.

Масалан, биринчи бўлим 10-бобнинг охирида шундай тасвир келади: “...Саидий баланд ердан боши билан тушгандай кўзига юлдузлар кўрунди, аммо сирни бой бермасдан Мунисхоннинг юзига қараб илжайди. Ўнгайсиз жимлик ҳукм сурди. Фириллаб турган шабода, очиқ қолган китобни варақлаб, устидаги гулни ерга тушурди, қоғоз парчаларини учуриб кетди.”

Бу ўринлар Саидий Мунисхон билан шаҳар ташқарисидаги боғчага дарс тайёрлаб, дам олгани чиқишгани ва шундаги улар ўртасида маълум қадар тақдир-келажакларини белгиловчи сухбат бўлиб ўтганидан сўнгти лавҳадир. Муаллиф “...шабода, очиқ қолган китобни варақлаб, устидаги гулни ерга тушурди, қоғоз парчаларини учуриб кетди...” жумласида бутун роман сюжет линияси бўйлаб ҳаракатланадиган бир рамзий ишора беради. Яъни, Мунисхон ўз кибру ҳаволи жавоби билан Раҳимжонни камситгач, Саидий ўзлигини исботлаб кўйиш учун бутун борлиғу фаолиятини йўлга кўйишга интилади. Афсуски, ҳар иккиси ҳам келажакда муваффақиятсизликка учрайди. Давр шаббодаси улар ўкиётган ҳаёт китоби устидаги уларнинг умид гулларини ерга тушурди, қоғоз парчалари каби уларнинг ёшлиги ҳам, умри ҳам совурилиб кетди.

Шу ўринда Саидийнинг ўз ишқига берган таърифини эслайлиг-а:

“У яшинаб турган чўғ... мен унга яқиндан тутулган дока: ёниб ҳам кетмайман, омон ҳам қолмайман. Фақат саргаяман. Саргая-саргая охири қўймасдан тамом бўламан...”

Мана шу эътирофда ҳам Саидий ўз ахволи руҳияси ва шу билан бирга келажагига рамзий ишора бераётгандек таассурот уйғотади. Ёзувчи ана шу рамзий ишорани бошқа бирор белги ёки ўзга бир одам тили билан эмас, айнан бош қаҳрамон нутқи орқали ифодалаганки, бу китобхонни ҳам ишонтиради, ҳам Раҳимжон билан руҳан яқинлаштиради. Саидийнинг камчиликлари ҳам сахифалар оша кечирилиши керакдек туюлади. Чунки, у муаллиф томонидан меҳр ва ҳурмат билан яратилган. Гарчанд, асар ниҳоясида ёзувчи уни ўлимга маҳкум қиласа-да, асарнинг биринчи вариантида бу фожеанинг узоқдаги, етиб бўлмас бир “ўт” сари бўлганини изоҳлайди. Раҳимжон исмини ҳам, Саидий фамилиясини ҳам бежиз танланмагандек, назаримизда. Раҳим – китобхоннинг раҳмини келтириши керак ва у бунга эришади ҳам. Саидий – ҳаётда баҳтли бўлишга интиловчи.

Раҳимжон ғурурли ва номусли йигит. У ҳар қанча ичувчилик қилмасин, ўқишни ташламасин ўз орини йўқотмайди. Бир ўринда

узоқ улфатчиликдан қайтаётганда ҳамшишаси Ҳамидинг “бехуда ҳазиллар”ига чидайди, ўзини босади, “аммо унинг энг сўнгги ҳаракатини ҳатто ҳушёр киши ҳам кўтаролмас эди”. Саидий уни уради. Бутун роман давомида ҳеч кимга қўл кўтартмаган Саидий, эркак кишига номуносиб “бехуда ҳазил”ни кўтара олмайди.

Тўғри, романнинг кейинги нашрларида Мунисхоннинг бир ҳақорати учун тарсаки туширгани бор. Аммо, илк вариантда бу ўрин йўқ. Ахир у Мунисхонни ҳамон севарди. Ошиқ ўз маҳбубасини нечук урсин?! Айнан шундай, мантикий якун ошиқ-маъшуқанинг можароси лавҳада сақланган.

Ёхуд, Муродхўжа домлага куёв бўлгач, домланинг ташвики билан кўп пул топиб келтириб бериши ва ҳатто катта иморат солишга эришиши ҳам қайноаси “булбули гўё” назарида “хотин боқолмаслик” бўлиб кўринса-да, унинг куракда турмайдиган таъналарига қарши бир оғиз ўз топганларини писандаги қилмайди. Аксинча, ўзини койийди. Соддалигидан эса домланинг ҳийлаларини сезмайди.

Лекин, булар билан Саидий бенуқсон эди, дейишдан узоқмиз. Унда тушуниб бўлмас ички тортинчоқлик, худбинлик бор. Етилиб келаётган истеъдодини шакллантириш ўрнига турмушнинг майдана ташвишлари ва бехуда уринишларга вақтими сарф этиб қўяди. Сохта мақтовларга учлиқ, озгина ютуқдан ҳаддан зиёд қувониш, мағуруланиш ҳисси пайдо бўлади. Мисол учун, “газетанинг охирги саҳифасида, кўрумсизгина сарлавҳа билан босилиб” чиқсан мақоласини “кўрганда унинг қилган ҳузурини Худоёрхон таҳт салтанатида ҳам қилмагандир”. Ўзининг бадбин хаёллари билан шунчалик бандки, оёғи шол бўлаётган опасининг дардига қулоқ солиш тугул, буткул ташлаб қўйишгacha боради.

Саидий кўркам йигит, лекин унинг қилган ҳамма ишлари ҳам яхши эмас. Бу эса бадиий адабиётдаги бир қонуниятни исбот этади. Яъни, “образнинг ички моҳияти ва бажаражак барча ишлари унинг ташки қиёфасига – шаклига мос келмаслиги мумкин. Бу унинг ҳаётйлиги, ҳаққонийлигини инкор этмайди, балки оширади...”¹

Ёки, эски зиёлилардан бўлмиш – Муродхўжа домла, Мухаммаджон афанди, Аббосхон кабиларни ички дунёсини тасвиirlар экан ёзувчи қанчалик қора бўёқлардан фойдаланмасин, айрим

¹ Б.Саримсоқов. Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997, 6-сон. 11-12-бетлар.

чизгиларни ҳам берадики, бу уларнинг жамиятдан норозилигининг асл ҳақиқатини ошкор этади. Масалан, Мухаммаджон афанди ҳақида: “*Норозиликдан кўра келажакда рози бўлуши умидининг йўқлиги кишини кўпрак толиқтиради. Бундай одамлар ё ичади ёки Худога ибодат қиласди...*” деб ёзади. Бу эса ўша вақтдаги аксар эски зиёлиларнинг мажбурий фалсафаси эди. Негаки, совет давлатининг асл манфур қиёфаси мустамлакачиликдан иборат эканлигини англаған зиёли оммасининг ноиложлиқдан келажакка умидлари қолмаган, улар толиккан; ё, ичкиликка берилиб, тушкунликка тушиб қолишлари ёхуд, Тангри таолога илтижою ибодатга бурканишлари қолган, холос.

Ана шу тоифага қарама-қарши позициядаги Эҳсон, Кенжак, Пўлатов ёки Шариф тасвирида эса коммунистик ақидага кўр-кўронга эргашаётган ёшлар маҳорат билан китобхонга кўрсатиб берилган. Бир ўринда Эҳсон “*энди ўйласам мен тилакни гоядан ажратолмас эканман*” деб эътироф этади.

Диққат этилса, Москвада таҳсил олиш жараёнида большевистик-коммунистик таълимдан ўзгасини билмаган, ҳатто шифокорлик касбини ҳам шу таълимотдан айри кўрмайдиган ёш йигит учун эзгу тилак ҳам, умид ҳам, орзу ҳам мафкуравий гоядан ортиқ эмас. Улар ўзларининг коммунистик идеалларини ҳамма инсоний гоялару истаклардан устун деб биладилар.

Аслида, саробга алданган Саидий эмас, шу коммунистик таълимотга ишонгандар эди. А.Қахҳор бу гояни кўзда тутганми, йўқми, бу бизга қоронғу. Бироқ, “Сароб”нинг айнан илк варианти бу каби матности талқиний мазмунлар чиқаришга имкон яратади.

Ана шулардан бири роман матнидаги босмачилик ҳаракатига берилган баҳо. Ҳозирги кунда, истиқлол шарофати билан, миллий истиқлолчилик ҳаракати дея аталаётган бу ҳаракат собиқ мустабид совет тузуми вақтида бутунлай қора бўёқлар чаплаб тасвирланган, уларнинг иштирокчилари тўла қоралангандар эди. “Сароб”да ҳам босмачиларга берилган таърифлар аслида советларнинг қизил қўшинлари томонидан амалга оширилган босқинчилек сиёсатининг кўрининиши бўлиб, муаллиф ўзига хос тарзда, билиб ёки билмай, “*босмачиликни Марокашдаги миллий озодлик ҳаракатига ўхшатиш*”ни жоиз кўради. Худди шу ўринларда роман персонажларидан бири Пўлатов нутқида: “...Шўролар иттифоқининг қайси бурчаги метрополияки, Ўзбекистон мустамлака бўлсин? Шўролар иттифоқида қайси мил-

лат ҳокимки, ўзбек ҳалқи маҳкум бўлсин?" дея аччиқ кесатма оҳангидга бўлса-да Ўзбекистоннинг мустамлака ўлка эканлигини эслатмаяптими?.. Ёки, худди шу нутқнинг давомидаги: "*Босмачилик нима? Босмачилик пролетар инқилобига, шўролар ҳукуматига қарши қаратилган аксилинқилобий бир ҳаракат*" деб келтирилиши ҳам ҳозирда ҳақиқат эканлиги маълум. Ҳатто, романнинг бир ўрнида ёзувчи қаҳрамон ти-лидан: "...*улар бизнинг миллий аскарларимиз, улар яхши одамлар, улар турк ўгуллари, сизлар ҳам турк ўгуллари...* Шундан сўнг биз босмачи эмас, қўрбоши дейтурган бўлдик" дея келтиради ҳам.

Ёзувчи маҳорат билан романга миллий рух ва гояни сингдирган. Тўғри, ўша давр ҳолатига кўра улар баъзи ўринларда салбий тус ёки ҳажвий парда билан ўралган бўлса-да, энг муҳими "совет романи" дея тан олинган "Сароб"да миллий гоянинг ўзи бўлиши совет даври учун катта гап эди. Айтайлик, Эҳсон Москвадан шифокор дипломига эга бўлиб келса-да, "*менсимайтурган, тил билан айтмасаларда кўз қарашилари билан "ўзбек!" дейтурганлар ҳам бор*" дея ўша пайдаги шовинистик қайфиятни ифода этилиши фикримиз далилидир. Шовинист романда – Серов. Аммо, кейинги нашрларда нимагадир уни фамилиясини Носиров, дея ўзгартирилган.

Ёхуд, романда салбий бўёкларда берилган Ёқубжоннинг "bir kechasi Ўзбекторгнинг эшигига бўр билан катта қилиб "Ўзбеккатор" деб ёзиб" кўйишини детал сифатида асарда келтирилиши аслида кулгили воқеа сифатида баҳоланиши лозим. Бироқ, бу роман тасвир этилаётган тузумдаги миллий озодлик гояси амалга ошмайтган тоифанинг ўзига хос эътиrozларидан бири сифатида намоян бўлган. Қолаверса, бу муаллифнинг ибора сифатида зўр топилмаси ҳамдир.

Бундан ташқари Абдулла Қаххор кишилар нутқини характер ва ҳолатига кўра беришда ҳам маҳорат билан ёндашади. Мисол учун, Саидий опасининг нутқида оддий, кўча ҳатламаган, муштипар ўзбек аёлининг қиёфаси кўринса, "булбули гўё" нутқида эса доим аламзада, захар ва совуқ аёлнинг тасвири бўртади.

Одатда Абдулла Қаххор асарларида табиат тасвири, пейзажга жуда кам дуч келинади. Рус адабиётшуноси И.Боролина шундай ёзади: "Иногда пейзаж у Каххара полностью гармонирует с душевными переживаниями героев, он как бы аккомпанирует им..."¹

¹ И.В. Боролина. Абдулла Каххар. Очерк творчества. -Ташкент, 1957. С.84.

Ушбу роман ҳам бундан мустасно эмас. Лекин, оз сонли бу тахлит қисқа тасвирларда ёзувчининг маҳорат касб этаётгани яққол сезилади. Улардан бири: “Шаҳар бир ҳафтадан бери офтоб юзини кўргани йўқ. Ҳар куни кечасию, кундузи ёмгуру, қор, баъзан аралаши ёғади. Кундуз кунлари ҳаво қорамтил кулранг осмон худди томларга тегиб тургандай. Тоши йўллардан лойқа оқади. Торкӯчалар тиззагача ботқоқ. Деволлар нам тортган, қулаган. Шу куни бутун кун ёмгуру майдалаб уриб турди ва кечга яқин қорга айланди. Аммо қор фақат ёғоч, хашибак, уюлиб қўй-улган тошлилар устида, томларнинг қирғозидагина тўхтарди. Қоронгут тушигандан кейин торкӯчанинг ўртаси ҳам бир оз оқаришиди.”

Умуман олганда, романдаги гоя, мазмун, услуб, тил ва тасвирлар ҳакида яна қўплаб мисоллар ёрдамида турфа хulosалар баён қилиш мумкин.

Афсуски, асарнинг кўлёзма нусхаси сақланиб қолган эмас. Фақат, баҳтли тасодиф туфайли унинг қоралама нусхасидан бир сахифага эгамиз, холос.

Ёзувчи уй-музейи архивида 2971 рақамли ашёвий хужжат сақланиди.¹ Араб ёзувидаги бу муаллиф кўлёзмаси (автограф) кўк сиёҳ билан оддий сарғиши қофозга ёзилган бўлиб, унда бир ош базмидан сўнг Абдулла Қаҳҳор томонидан ёзилган ҳажвий шеър берилган. (Юкори-роқда эслатилган, бу шеър ҳам ижод боғида, балки ёзувчининг роман устида ишлаш палласида ёзилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.)

Бизга муҳим бўлгани, ушбу шеър матни “Сароб” романи кўлёзмасининг бир сахифасидадир. Унга “587” ва “XXII” рақамлари кўйилиб, “Орада бир ҳафта ўтмасдан Муроджон домла ва Саидий...” мисраси ёзилган.

Маълум бўладики, дастлабки ракам умумий сахифа раками бўлса, рим рақамлари бобни англатади. Яна, “Муродхўжа домла”нинг исми ҳам дастлабки вариантида “Муроджон домла” бўлган. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, шеър остига “сентябр, 1934” дея сана қўйилган. Ижодкор асарни тугатгач, унинг кораламаларидан ортган сахифаларни бошқа ёзувлар учун ҳам ишлатади. О.Шарафиддинов романни “1933 йилнинг кузида битирилгани”ни таъкидлайди.²

Бизнингча эса асар бирмунча илгари тугатилган. Негаки, “Қотилнинг туғулиши” қиссасининг охирига А.Қаҳҳор “11.06.1933 йил” санасини қўйган.³ Маълумки, ижодкор бир асарни тугатиб, унинг ба-

¹ Абдулла Қаҳҳор архиви каталоги..., 111-бет.

² О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор..., 44-бет.

³ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-жилд. Қиссалар. Қотилнинг туғулиши..., 51-

дий дунёсидан чиқиб, бироз танаффусдан кейин бошқа асарга қўл уради. Агар биз Абдулла Қаххорнинг ёзиш темпидан келиб чиқсан, (у шошмасдан бир маромда ёзган,) 1933 йилнинг бошидаёк романни тугаллаган. Негаки, мазкур қиссани ёзиш учун ҳам камида икки бўлмаса уч ой вақти кетган бўлса, эҳтимолдан ҳоли эмас. А. Қаххорнинг ўзи эса романнинг биринчи нашрига тугатилиш санасини қўймайди. Кейинги икки нашр охирига эса “1930-1934 йил” дея қайд этган. Бу бизнингча, унинг таҳрир жараёни билан боғлиқ бўлса керак.

Асар дастлаб журнал варианти ҳолида 1934-1935 йиллар давомида эълон қилинган. Саримсоқ исмли персонаж тақдири билан боғлиқ қисм “Саримсоқнома” номи остида алоҳида китобча шаклида 1936 йил босилган. Роман яхлит китоб ҳолида нашр этиш учун теришга 1936 йилнинг 13 декабрида берилади. Босишга рухсат эса бир йил ўтиб – 1937 йилнинг 23 декабрида тегади. Демак, ҳақиқатдан ҳам асар 1938 йилда китоб ҳолида ўкувчилар қўлига етиб борган.

“Сароб”нинг дастлабки мазкур нашри¹ шартли равища – S1, иккинчи нашри² шартли равища – S2, учинчи нашри³ эса шартли равища – S3 дея белгилаймиз. Шунда романнинг мазкур вариантлари аро юз берган фарқ ва ўзгаришлар қисқача кўринади:

Нашрлар	S1	S2	S3
Бўлимлар	2	2	2
Боблар	66 (+1) [1-бўлимда 36 (+1) та боб] [2-бўлимда 30та боб]	62 [1-бўлимда 34та боб] [2-бўлимда 28та боб]	63 [1-бўлимда 35та боб] [2-бўлимда 28та боб]

Кўриниб турибдики, романнинг S1 вариантидан кейингиларига ҳамма боблар ҳам ўтмаган. Айримлари кейинги нашрларда муаллиф томонидан атайин тушириб қолдирилган. Улар қайсилар?

бет.

¹ Abdulla Qahhar. Sarab. Ozdavnaşr – Ozbekistan Davlat Naşrijati. Taşkent-Samarqand, 1937.

² Абдулла Қаххор. Танланган асарлар. Уч томлик. II том. Сароб. ЎзССР Давлат Бадиий Адабиёт нашриёти. Тошкент, 1957.

³ Абдулла Қаххор. Асарлар. Олти томлик. З-том. Сароб. Faafur Fulom nomidagi бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1967.

S1нинг 1-бўлимидан бешинчи, тўққизинчи ва ўттиз тўртинчи боблар, 2-бўлимидан эса еттинчи ва ўн иккинчи боблар кейинги нашрларга киритилмаган. (Улар нашрга ҳозирлаганимиз матнда тўла сақланган.¹⁾

Бундан ташқари, S1нинг 1-бўлимидаги: “*Бир қуни Саидий ўқушдан қайтиб ҳужрасининг эшигини очганида, унинг оралиғидан тиқилган бир конверт оёги остига тушди...*” дея бошланувчи 14-боб ва “*Саидий эрталаб вахимага тушди. Хатда гарчи шеър билан ҳикоя босиши учун навбатга қўйилгани очиқ айтилса-да, ёзувчилик иши назарига бир тилсим бўлиб кўрунгани учун бунга тўла ишиониб етмас эди...*” дея бошланувчи 15-боблар, S2да 12-боб тарзида, S3да эса 13-боб ҳолида, яхлитлаб берилган.

Яна, S1 даги еттинчи бобнинг охирги: “*Эртасига у палто кий-масдан ёлгиз кастюмда қайноқ сувга чиққан эди, самоварнинг қаршиисидаги почтахонанинг эшиги ёнида турган Мунисхонни кўриб қолди...*” дея бошланувчи эпизоди, S2да олтинчи боб охири бўлса, S3да алоҳида еттинчи боб сифатида келтирилган.

Тушириб қолдирилган ва бир қанча таҳрирларга учраган қисмлар чиндан ҳам шунга муносибими? Айримларига тўхтальсак.

Саримсоқ ҳақидаги ҳикоянинг буткул тушириб қолдирилиш тўғри бўлмагани ҳақида аввалроқ эслатилган эди. Жумладан, ундаги бир детал яъни, Саримсоқ Ниёзмат ҳожининг айби билан етим бўлиб қолади ва ҳақоратларга дучор бўлади. Ёзувчи, гўёки илохий интиқомнинг мукаррарлигини таъкидлаш мақсадида, ҳожининг қизчаси ҳам бевақт вафот этадиган саҳнани киритган. Афсуски, бу ўринлар ҳам кейинги икки “Сароб”да йўқ.

Ёки, S1даги 1-бўлим 13-бобдан роппа-роса бир саҳифалик матн кейинги нашрлардан ўрин олмаган. “*Феврал инқилоби бўлди...*”дан “...қолганлари кавак-кавакларга кириб кетди”гача бўлган парчада Салимхон тақдирининг 1917 йил феврал-октябр оралифи, аниқроғи икки инқилоб ва ундан кутган натижа, “Шўрои Ислом”нинг Кўконга ўрнашиши, “Шарқ-Шимол иттифоқи”, Аббосхон билан қарашлардаги келишмовчилик ҳақида аҳамиятли маълумотлар бор эди. Буларнинг олиб ташланиши ўзини оқламаган.

Бироқ, асосли таҳрирлар ҳам бор. Айтайлик, жузъий бўлса-да муҳим бўлган бир таҳрир муаллиф томонидан атайн, асосли амал-

¹⁾ А.Қаҳҳор. Танланган асарлар. 2-жилд. Сароб...

га оширилган. S1 иккинчи бўлим 21-бобнинг бошланмасида шаҳар партия қўмитаси “мустаҳкам қўрғон” сифатловига эга эди. Бу S2да ҳам сақланган. Лекин, S3да бу олиб ташланган. Балки бу йиллар оша ёзувчининг партияга нисбатан ишончининг сўниб бориши билан изоҳланар. Ҳар ҳолда, бу каби таҳрирларни у ненидир мақсад қилиб амалга оширгани шубҳасизdir.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кўп ютуқлар билан бирга романнинг илк матнida янглишилик ва мантиқий хатолар ҳам бор. Уларнинг аксари ёзувчининг бўрттирмаси бўлса-да, китобхонда иштибоҳ туғдиради. Масалан, Эҳсоннинг кўп нутқ ва гаплари жуда ҳам сунъий, ясама (мусиқа, ирқчилик назарияси, фоя ҳақидаги фикрлари каби). Яна, Мунисхоннинг онаси ҳакида S1 матнida икки ўринда эсланади, холос. Иккисида ҳам она номига муносиб тафтни сезмайсиз. Дастребки ўринда Мунисхон турмушга чиқиш масаласида онасидан ҳам аввал тўғри акаси билан маслаҳат қиласида. Иккисида эса, у жонига қасд қилиш даражасига келади, аммо она сезмайди. Аксинча, ертўлага тушаётган қизига “ҳай етимча, бемаҳалда тушибма” деб қичкиради.

Ёки, Муродхўжа домланинг уйида тўй маҳали нишолда қилаётган қандолатчининг хатти-ҳаракатларини ўта салбий берган. Қандолатчилар одатда покизалик ва покдомонликка катта эътибор берадилар. Айниқса, иш маҳали. Ёзувчининг тасвирида нишолда тайёрлаётган пайтда ёш қизчаларга кишибилмас ахлоқсизлик қиласида. Бу ҳам ҳаётий эмас, ҳам ёпишмаган детал.

Саидийнинг мактаб даврини эслар экан яна бир янглишиликка йўл қўйилган. Унда бир мавлуд маросимиини келтиради ва Куръон ўқилганда ҳамма ўтириб турди деб берилади. Бу маълумот хато бўлиб, таомил ва одатга кўра Куръони карим қироати вақтида мусулмонлар унга хурматан ўтириб тинглашади, бунда ўтириб-туравериш айб саналади. Мавлуд ўқилаётганда эса шундай бир маълум бир ўринларда ҳазрати Мухаммад (с.а.в.) саловот айтилганда ўриндан қалқиб турилади ва бу ҳаракат бир неча бор тақрорланади. Муаллиф ё мавлуд билан Куръон ўқилишини адаштириб юборган, ёки бу ҳодисадан ҳам бир бадиий детал сифатида фойдаланиш учун атайнин киритган.

Романдаги айрим матний жиҳатларга келсак.

Аввало, S1 нашри 1928 йилдан 1940 йилгача амалда бўлган лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида чоп этилган. Маълумки, ҳали бу алифбода имло қоидалари тўла-тўкис ишлаб чиқилмаган

эди. Натижада, роман матнидаги бир қанча сўзларнинг ёзилишида-ёқ ўзаро номувофиқликларга йўл қўйилган.

Мисол учун, ҳозирда “и” оттирилиб ёзилиши тўғри деб қабул қилинган “blan”, “braq”, “ktab”, “tласа”, “jgit”, “bçib”, “şrin”, “craq”, “sra”, “hkaja” каби сўзларнинг ёзилишида; fkir (фикр), zihn (зехн), mihnat (мехнат), i’lan (эълон), i’tiraz (эътироz), umur (умр), mustamlika (мустамлака) каби берилишида кўринади.

Шунингдек, S1нинг матнида анчагина сўзлар бир хил ёзилган эмас. Масалан, izvoş-isvoş, mexanizma-mixanizma, fakulta-fakultet, stol-ustal, kreslo-krisla, kravat-karavat каби. Ёки бўлмаса, айrim сўзлар имло жиҳатидан хато ёзилган. Мисол, “Ўша куннинг ўзида Эҳсонни ўз кабинетига чакириб...” гапида (327-саҳифа) “чакириб” сўзи “cıqarıb” дея берилган. Яна, “жудо” – “çida” дея (336-саҳифа), “Муродхўжа” эса “Magadxoça” (340-саҳифа) тарзида янгиш кетган.

Албатта, бу тузатмалар бир қарагандা майда ва арзимас кўринар. Бироқ, матн нашрга ҳозирланар экан матншунос ҳар бир кичик элементни ҳам кўздан қочирмаслиги зарур. Зероки, матншунослик аниклик ва холисликни талаб қилгувчи соҳадир. Бир сўз билан айтганда, “Сароб”нинг илк нашрига таянган ҳолдаги тўлиқ матни шу кунга қадар амалга оширилган барча нашрларидан ўзининг илмий изоҳлари билан ажралиб туради. Ҳар бир боб учала нашрда ўзаро мувофиқми-йўқми, туширилган ўринлар қайсилар, тахрир қилинган баъзи қисмларга ишоралар ва сўзларнинг турфа келиши ҳам матности изоҳларда кўрсатиб кетилган.

Ҳикоя ва мақолалар матнига доир

Ўқувчи дикқат этса, “Томошабоғ” ҳикоясидаги хўрланган қадақчи Ҳамроқул “Ўғри”даги Кобил бобо билан бир хил вазиятда, “Анор”даги Туробжон билан “Бемор”даги Сотиболди бир хил ахволдалигига амин бўлади. Бу кичик ҳикояларда чукур майшийлик қобигида катта фожеий картиинани яратса олган Қаҳҳор “Миллатчилар”да бирор ўзгача йўл тутади. 1937 йил ёзилган бу ҳикоясида муаллиф яқин ўтмишдаги зиёлиларни тасвирлайди, уларни танқид қилади, ҳажвий қиёфасини яратади.

Албатта бу борада асар замона нуқтаи назарини ҳам акс эттиргани сезилади. Ҳақиқий аждодларимизнинг пок рухларига таъзим қилган ҳолда, шуни таъкидлаш зарурки, ўша давр – XX аср бошлари

миллий зиёлиларнинг фидокор, ватанпарвар бўлганликлари, миллат равнақини кўзлаб иш тутганликлари маълум.

Бироқ, уларнинг орасида айрим... Келинг, бир тарихий воқеани келтира қолайлик.

Академик Азизхон Каюмов шундай хикоя қиласидилар¹:

“Отамиз Пўлатжон домулла Қайюомов ёшиликларида жасидичилик ҳаракатида иштирок этганлар. Дадам ўзлари шоҳиди бўлган бир воқеани айтиб бергандилар.

XX асрнинг ўнинчи йиллари Кўқон шаҳрига Истанбулдан янги таълим – жасид ҳаракати фаолларидан бири келадиган бўлиб қолади. Биз Кўқон темир йўл вокзалига меҳмонни кутиб олгани чиқдик. Кўпчилик орасида жасидичилик ҳаракатининг бир аъзоси усмонли туркларида урф бўлган фиеста² кийиб олган экан. Қолганлар ҳамма одатий миллий кийимларда.

Поезд келгач, меҳмон вагондан тушиб ва кутиб олгувчилар билан бирма-бир илиқ кўришиб чиқади. Шунда ҳалиги фиеста кийган олифтанамо киши билан кўриша туриб нега бу бош кийимни кийганини сўради. Ўша одам:

- Яратам! – деди.

Шунда ҳалиги меҳмон аниқ қилиб:

- Хайр, бузарсан! – дея жавоб берган эди.”

Яъни, усмонли туркчасига тақлид қилиб айтилган “яратам” (яратаман, қураман) деган сўзга жавобан “хайр, бузарсан” (“йўқ, бузарсан”) дейилмоқда.

Энди бу кичик воқеадаги рамзийлик ва чуқур киноя зукко ўкувчига маълумдир. Миллат равнақи учун қилинаётган ҳар бир ҳаракат, аввало, миллий урф-одат ва қадриятлар асносига қурилиши лозим. “Миллатчилар” хикоясидаги икки “зиёли” – Мирза Баҳром ва шоир Тавҳидий эса айнан шундай кўр-кўронга тақлид қилувчи ва ўзининг тор манфаати доирасидагина ҳаракат қилувчи эканликлари сир эмас.

А.Қаҳхорнинг бошқа хикоялари – “Адабиёт муалими”, “Санъаткор”, “Мунофик”, “Ўжар”, “Айб кимда”, “Асрор бобо”, “Каравот”, “Тўйда аза”, “Минг бир жон”, “Иғвогар”, “Махалла” ва “Нурли чуққилар” ҳам бадиий жиҳатдан баркамол асарлардир. Уларни таъриф-тавсифлаш ортиқча бўлиб, ҳар бирида ўз даврининг бир

¹ Бу воқеани устоз олим 2005 йил майнинг 20 куни (Тошкент шаҳри, С.Мухаммедов кўчаси, 18-йў) ўз уйларида хикоя қилиб берган эдилар.

² Қизил рангли, попукли, цилиндрисимон бош кийими.

кичик қаҳрамони тасвирланади. Ҳаттоки, сизга танишларингиз, ўтмишдаги реал инсонларни ёдга солади. Негаки, ўғлини урушда ҳалок бўлганини кампирига айтолмай, ҳалқ ишига шўнгиб кетган Асрор боболарнинг яшаганлиги ҳақиқат.

Абу Али ибн Синонинг «Зафарнома» асарида шундай савол-жавоб келтирилади: “Сўрадилар: - Қандай касаллик давосига одамлар чора тополмайдилар? Деди: - Аблаҳлик”.¹

“Мунофиқ” ва “Иғвогар” ҳикоясидаги ҳар икки тип ҳам инсонийлик қиёфаси худпарастлиги туфайли емирилиб кетган шахслардир. Улар “аблаҳлик касалига” чалинган, ўз даври учун типик ва реал инсонлардир.

“Каравот”, “Маҳалла” ва “Минг бир жон” ҳикояларининг қаҳрамонлари эса ўз самимиликлари ва жонсараклиги билан яшовчандирлар. “Санъаткор” ва “Адабиёт муаллими”даги чаласавод, думбул ҳоғизу муаллимлар қиёфасининг нечоғлик аниқ чизилганлиги эса китобхонга маълум. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари эса беихтиёр енгил кулги кўзғатади ва бу иллатлардан қулинади. “Ўжар”, “Айб кимда” ва “Нурли чуккилар” ҳикояларида абадий мавзулардан бири – фарзанд тарбияси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни масаласи акс этган. А.Қаҳҳор чинакам ҳалқ ёзувчиси ўлароқ бош муаммолардан бири сифатида кўп асарларида бола тарбиясига алоҳида эътибор беради. Бу борадаги нодонликни қаттиқ коралайди. “Маънолинг аниқлиги масаласи Абдулла Қаҳҳор тасвирида тўғридан-тўғри мазмун ва шакл масалаларининг бир-бирига муносабатига бориб боғланади. Шу сабабдан у маънолинг мукаммал чиқиши учун шаклнинг ҳам мукаммал бўлишини талаб килади. Бу фикрни ифодалашда Қаҳҳор адабиётшунослар томонидан ишлатилмаган бир иборани кашф қилади, яъни: маъно – жон, шакл – жасаддир”.²

Маъно-шакл борасидаги бу фикрларга кўшилмасликнинг иложи йўқ. Лекин ҳикояларнинг матни нуқтаи назаридан баъзи мулоҳазали ўринлар ҳам туғилади. Мисол учун, “Айб кимда” ҳикоясида Ҳамдам аввал “директор”, кейин “мудир” дейди. Яъни, ё “директор”, ё “мудир” сўзини муаллиф танлаши зарур эди. Сўз ишлатишдаги ўта ҳарис ёзувчи бундай “нуқс”га нима сабабдан йўл кўйганини фақат “хусни

¹ Абу Али ибн Сино. Зафарнома. Абдуллоҳ Ансорий. Тухфатул-мулук. –Тошкент: Ниҳол, 2009. 15-бет.

² М.Кўшжонов. Абдулла Қаҳҳорнинг эстетик принциплари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967, 2-сон. 30-бет.

зан” қилиш мумкин, холос. Ёки, “Асрор бобо” ҳикоясида воқеалар бўлаётган фасл – табиат тасвири ва гулларнинг очилиб туришидан эрта кузга ўхшайди. Лекин, Асроркулницида ош билан турп ейишиди. Ваҳоланки, турп кеч кузда чиқади. Бизнингча, А.Қаҳхор ҳикоя охирроғида келтирилган чол-кампир ўртасидаги диалогда атайн “*курт-курт чайнаи*” иборасини айтиш учунгина турп деталини киритган.

Ёхуд, “Даҳшат” ҳикоясида Олимбек додхонинг саккиз хотини борлигини айтади. Аммо шариатга мувофиқ фақат тўртта хотини бирварақайига никоҳда олиб туриш мумкин, холос. Адид буни билмасмиди? Балки билар. Лекин у бу ўринда муболагага ҳаддан ортиқ берилиб кетган. Сандал атрофида тўрт хотин умумий картинани бериш учун гўёки озлик қиласарди. Шунинг учун, у тўрт ўрнига саккизни беради.

Ёзувчи қаламига мансуб фельетонларнинг ҳар бири ҳам чинакам асар даражасида баҳоланишга муносаб. Бу фельетонларда ҳажвий колорит куюқ, бўрттирилган жиҳатлар ҳам бор. Лекин уларда тасвирланган воқеа шундай аниқ ва равшан бўёкларда бериладики, қаҳрамонлар ҳаракатини шундоқ қўриб турасиз, ҳатто ички дунёсини сезасиз.

“Ўзинг шифо бер”да бидъатларга юкинган одамни, “Пора”да порага ўрганган ҳаромхўрни, “Ҳиқичноқ”, “Оғайнилар” ва “Оқ ароқнинг қора иши”да ароқхўрнинг бадбинликларини, “Нутқ” ва “Куюшқон”да бемаза маърузалари билан жонни ҳалак қилувчи думбул нотиқларни, “Ишқал” ва “Барон Фон Ринг”да фашист-нацистларнинг кирдикорларини, “Сархона”да кўп чекиши сабабли бошқаларга зиён етказаётган фаросатсиз кимсанни усталик билан тасвир этилган. “Кўзача” фельетонини эса нафақат фельетон балки мукаммал ҳикоя сифатида ҳам мутолаа қилинади. Асар бир бутун ички қурилмага эга, яхлит сюжет асосида бадиий пухта яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Маълумки, А.Қаҳхор маҳоратли мақоланавис ҳам эди. Унинг адабиёт, санъат, маърифат ва жамиятда юз кўрсатаётган айрим иллатларни қораловчи мақолалари ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Айниқса, бадиий ижод, истеъдод, бадиий адабиётнинг вазифалари борасидаги мақолалари долзарблиги билан ажralиб туради. Чунончи, унинг аксар мақолаларида миллий адабиётимиз равнақига жонқуярлик, соф бадиият масалаларига жид-

дий қарааш бош планга чиқкан. “Бадиий очерк тўғрисида”, “Поэзия – юксак санъат”, “Гап арузда эмас” каби мақолаларида бир қанча муҳим муаммолар билан бирга, бадиий адабиётда “сиёсий хато” қидиравериш нотўғрилиги, адабиёт биринчи галда санъат эканлигига ургу берилган.

Ёки, бир неча мақолаларида у ҳазрат Алишер Навоий асарларидан иқтибослар келтириб ўз фикрларини асослаши, аввало, улуғ даҳога хурмати, қолаверса бадииятни муносиб ўлчовларда баҳолаш истагидир. Шунингдек, “Ашула тўғрисида” мақоласида ашулачилик ва мусиқа санъати ҳақида қимматли фикрларни билдиргани ҳолда Амир Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг маърифатпарварлик фаолиятини таъкидлайди. Уларни бўлар-бўлмасга айблайвериш нотўғри эканлигини танқид қиласди. Ёки, яна бир мақоласида ўз ижодий тажрибалари билан ўртоқлашар экан Заҳирiddин Муҳаммад Бобур ҳақида “андижонлик буюк лашкарбоши, ажойиб шоир Бобур Мирzonинг хотираси ҳурмати” дея ёзади.

Ҳозирда замондошларимиз бўлмиш ёшлар наздида булар оддий гап бўлиши эҳтимол. Лекин ёзувчи яшаган давр учун ўтмишда ўтган улуғ аждодларимиз номини бундай юқори пардада васф этиш учун том маънода жасорат, миллатпарварлик ва ватансеварлик лозим эди. Абдулла Қаҳхорда биз ана шу эзгу хислатларни баравар кўрамиз. Бунинг яққол исботи ўша давр матуботида чиқкан, узок вақт шов-шувларга сабаб бўлган мазкур мақолалардир.

Комедия матнининг масъулияти

Хар қандай бадиий асар қайси замин ва маконда яратилганига қараб, у ёки бу даражада миллий характер касб этади. Чунки, аввало, миллий сўнг умуминсоний эзгу хислатлар ҳақиқий санъат асарини безайди. Айниска, саҳна асарларида бу жиҳат яққол акс этмоғи шарт. Драмада ҳам миллий, ҳам умуминсоний хусусиятларни кўрсата олиш ижодкордан юксак истеъдод ва чинакам маҳорат талаб қиласди. Жаҳон драматургиясида бу каби ижодкорлар кўп. Масалан, Шекспир асарлари муаллифнинг ватани – Англия ва Европа мамлакатлари доирасида акс этади. Табиийки, ўрта асрлар Европа воқелиги жумладан, миллий ҳам уларда намоён бўлган. Шекспир асарларидаги умуминсоний қадриятлар эса ана шу миллий қобиқ замирида кўрсатилган.

Ўзбек драматургияси тарихида хусусан, комедия жанрида баркамол ижод қилган ва асарлари ўз даврида катта шов-шувларга сабаб бўлган санъаткорлардан бири Абдулла Қаҳхордир. У бор йўғи бешта саҳна асари ёзган. Уларнинг ҳаммаси [“Ташвиш”, “Янги ер (Шохи сўзана)”, “Оғриқ тишлар”, “Сўнгги нусхалар (Тобутдан товуш), “Аяжонларим”] комедия бўлиб, ўзбек ва жаҳон театрлари саҳнасида кўп бора намойиш этилган. Бу драмалар гарчанд собиқ мустабид тузум даврида ёзилган ва маълум қадар давр воқелигини акс эттирган бўлса-да, улардаги асос жиҳат миллий анъаналар қобигида, миллий урф-одатлар ва миллий характерни бериш асносида яратилган. Драматургнинг бадиий маҳорати туфайли ўз даври – XX аср 50-60 йилларидаги ҳалқимизнинг миллий ҳаёт тарзи комедияларида акс этган.

Абдулла Қаҳхорни драматург-комедиянавис сифатида танитган асари “Янги ер (Шохи сўзана)” асари дир. Бу комедия ўз муаллифи ни собиқ иттифоқ ва жаҳон миқёсида ҳам танилишига сабаб бўлган. Асар енгил юмор билан суғорилган, ўз даврининг меҳнаткаш деҳқонлари ҳаётидан олинган эди. У 1950 йилда, яъни А. Қаҳхор 43 ёшдалигига ёзилган. Кейинги асарларнинг яратилиш санасига эътибор қиласайлик: “Оғриқ тишлар” – 1954 йил, “Сўнгги нусхалар (Тобутдан товуш)” – 1962 йил, “Аяжонларим” – 1967 йил. Демакки, драматург ҳар бир саҳна асарини ёзиш учун 4-8 йил вақт кеткизган. Агар йил оша, ҳатто ой оша янги асар ёзган (ёки, ёзаётган) муаллифларни кўзда тутадиган бўлинса, А. Қаҳхор улар олдида “камҳосил” ижодкордир. Аммо ҳар тўрт асарнинг бадиий юкидан келиб чиқиладиган бўлса, улар ўз даврининг энг яхши комедияларидан, деб хисобланиши мумкин. А. Қаҳхор ижодига хос бўлган танқидий рух ва реалистик тасвир, айнан комедияларида ҳам ўз аксини топган. Муаллиф бу асарларини насрый яратмалари каби жуда қаттиқ талабчанлик ва бир неча варианtlар оша таҳрирлар билан яратган. Янада аниқроқ ва бадиий пухта бериш учун адид уларга қайта-қайта ишлов бериб борган.

Фикримиз исботи учун “Аяжонларим” варианtlарини келтирсак. Икки парда, олти кўринишли бу пьесанинг уй-музейдаги архивда 51 қўлёзмаси мавжуд. Бу эса турли кўринишларнинг 1 варакдан 18 варакқача миқдордаги, жами 400 саҳифага яқин варианtlдир. Демак, китоб ҳолида 50 саҳифага ҳам етмайдиган юмористик характердаги бу кичик асар, муаллиф томонидан деярли ўн баробар қисқартирилиб

такдим этилган. Адабиётшунос М.Қўчкорованинг таъкидлашича¹ пьеса пардалари, кўринишлари ҳар янги вариантда жумлалар, қаҳрамонларнинг диалоглари, хатти-харакатларига сайқал бериб борилган.

Шуниси диққатга сазоворки, Абдулла Қаҳхор бадиий ижодда маълум қадар тажриба орттириб, маҳоратли наср устаси бўлиб танилгачгина росмана драма ёзишга қўл урган. Унинг илк пьесаси “Ташвиш” 1937-1939 йиллар давомида ёзилган. Лекин, бу асар ҳеч бир театр саҳнасида қўйилмаган ва тўлиқ ҳолда нашр этилмаган. Унинг ягона қўлёзма нусхаси эса уй-музейда сақланади (3242 рақамли қўлёзма, 72 варак).

Комедия дастлаб “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журналида босилган (1939 й., №3). Адиб вафот этгач, В.Рўзиматов уни қайта чоп эттирган (Гулистон. 1970 й., №5). Ўз вақтида пьесани тугалланмаган деган фикрлар ҳам пайдо бўлади. К.Қаҳхорованинг гувоҳлик беришича асар “тугалланган пьеса. Тўлиқ босилмаганига сабаб шуки, устод “Ташвиш”ни машқ деб билгандар”².

Ёзувчи нима сабабдан бу асарини ўз даврида саҳналаштиришга харакат қилмаган ёки матнини кейинчалик бирор тўпламига ҳам киритмаган? Бу ҳозирги кунда қоронғу. Фақат, ёзувчининг ижодий лабараториясидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, муаллиф илк комедиясидан у қадар кониқмаган ёки кейинчалик қайта ишлашни кўзда тутган. Шуни ҳам айтиш лозимки, асар мавзуи ва воқелиги уни ўша вақтда саҳналаштириш имконини бермаган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, комедия яратилган йиллар айни Стalin қатағонлари даври эди. Бироқ, ушбу асар қаҳрамонлари, айрим воқеа ва деталларидан муаллиф кейинги комедияларида унумли фойдаланган. Баъзи ўринларга диққат қилсак.

“Тобутдан товуш”нинг бош қаҳрамонларидан бири Сухсиров. “Ташвиш”нинг бош иштирокчиларидан бири ҳам Сухсиров ва у ҳам маиший бузук, нопок кимса. Унда ҳам, бунда ҳам Сухсиров каби раҳбар кимсаларнинг пораҳўрлик, субутсизлик, ароқҳўрлик каби иллатлари қораланади. Маълум бўладики, А.Қаҳхор ҳар қандай жамият учун ҳам иллат бўлган – нопокликни қоралашни театр саҳнасида кўрсатиш учун ҳаракат қилган. Бу ўринда собиқ муста-

¹ М.Қўчкорова. А.Қаҳхор ижодий лабараториясидан: “Аяжонларим” пьесасининг қиёсий таҳлили / Китобда: Абдулла Қаҳхор: шахс ва ижодкор. –Тошкент: Tamaddun, 2013. 96-109-бетлар.

² К.Қаҳхорова. “Ташвиш” асари тўғрисида // Шарқ юлдузи. 1996, 6-сон. 104-бет.

бид шўро тузумидаги бюрократия, номуносиб раҳбар кадрларнинг ахлоқсизлиги ва пораҳўрлиги бош мавзу эди. Албатта, Қаххор ўзига хос сатирик усул билан бу иллатларни дастлаб “Ташвиш”да сўнгра, бадиий жиҳатдан янада пухта ишлаб, орадан 23 йил ўтгач, “Тобутдан товуш”да кўрсата олди. Асар мувафақият билан театр сахналарида ўйнали ва ўз портлаш эфектини кўрсатди. Кўп ўтмай, бирданига асар ва муаллиф адресига матбуотда салбий чиқишлар қилинди, комедия шу ҳолатича саҳнабоп эмас, дея топилди. Асосий айб унда муаллиф “совет воқелигини бузуб кўрсатган”лиги эди. Танқидлар ва мұхокамали тазийклар натижасида асар номи “Сўнгги нусхалар” дея ўзгартирилди, танқидий ва салбий жиҳатлар анча юмшатилди. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай асар сахналардан буткул олиб ташланди.

Истиқлол туфайли эса А.Қаххор мазкур асарида ҳеч бир воқеаликни бузмаганлиги ва собиқ совет тузумидаги қатор нуқсонларни тўғри ёритганлиги маълум бўлмоқда.

“Ташвиш” комедиясининг сюжети эса бир қараганда жуда оддий – бир туман марказидаги савдо ташкилотида бўлиб ўтган воқеаларни акс эттиради. Аммо ана шу воқеа-ҳодисалар замирида ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ мустабид совет тузуми пайтида юз берган ўзбўларчилик, кадрлар масаласидаги ноқисликлар, турли буҳтонлар туфайли қама-қамаларнинг авж олиши, миллий қадриятларнинг камситилиши, раҳбар ходимларнинг мансабни сунистеъмол қилишлари каби муаммолар танқид килинган. Албатта, ҳажв тифига олинган бу камчиликларга муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган, эшитган ёки ўша давр матуботида ёритилган материаллардан фойдаланган.

Назаримизда пьесанинг “Ташвиш” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Асар яратилган давр чиндан ҳам тарих учун ташвишли давр эди. Қолаверса, комедиянинг ўзида қаламга олинган жамиятдаги нуқсонларнинг ўзи ташвишилдири. Шу билан бирга, асар матни давомида борган сари қуюлиб борувчи ташвишли оҳангни юмор, айрим ўринларда сатира орқали берилганига гувоҳ бўлинади.

Асарда персонажлар кўп эмас – Сухсиров, Махрамов, Курбонов, Жаҳон, Ҳожи, Тилла бобо, Раҳматулла, секретар ва яна бир икки иштироқчи. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳам тугал образлар эмас. Шундай эса-да, улар орасида ўз даври кишисининг яккол қиёфасини берувчи образлар ҳам бор. Курбонов хақида шундай дейиш мумкин.

Диққат этилса комедиянинг бош қаҳрамони ҳам Қурбонов, асарни жонлантириб, ички динамикасини саклаб турган ҳам Қурбонов, комик вазиятларни туғдирувчи, ўз алмойи-алжойи гап-сўзлари билан томошабинни кулдирувчи ҳам Қурбонов...

Қурбонов жуда кўрқоқ, ваҳимачи, думбул одам. Лекин, айни дамда у жуда қув. Вазият такозосига кўра ўз фойдасини кўзлаб иш тутади. Инсонийлик, одамгарчилик каби туйғулар унинг учун “сиёсий огоҳлик” олдидা ҳеч гап эмас.

Фикримизча, муаллиф айнан шундай чаласавод, инсонлар тақдирига хасдай қаровчи тоифа ўша даврда пайдо бўлганига киноя тарзида бу образни яратган. Маълум қадар бунга муваффақ бўлган ҳам. Қурбоновнинг сахна кўринишлари оша ҳаракатлари жонли, диалоглари серзавқ чиқкан. У ўз нутқ ва сухбатларида ўн мартадан ортиқ “ташвиш” сўзини ишлатади. “Ёмон кўрганим ташвии”, “Ташвии устига ташвии” жумлаларини қайта-қайта айтади. Асар матни давомида эса драматург “ташвиш”-“беташвиш” сўзларини ўзаро қаршилантиради. Бу билан муаллиф ўша давр учун Қурбонов тоифасидаги одамларнинг ўзи ташвиш эканлигига урғу бермоқда.

Фамилияга ҳам эътибор беринг – Қурбонов! У ўз даврининг сохта идеаллари йўлида қурбон бўлган; сохта ишонч, сохта эътиқод уни беихтиёр замона қурбонлари сафидан ўрин олишига сабаб бўлган.

Балки шунинг учундир сахна асаридаги айрим образлар характеристери ва қиёфасини яратишдаги камчиликлардан фарқли равища Қурбонов образи муваффақиятли чиқкан.

Аммо унга қарама-қарши қаҳрамон – Жаҳон образида бир қанча этишмовчиликлар бор. Жаҳон асардаги яна бир персонаж Раҳматулланинг собиқ рафиқаси. Албатта, Раҳматулла эски жадидлардан, домла. Уни ўша замон мағкураси талабига мувоғиқ қора бўёкларда тасвирилаш, ёмонлаш зарур эди. Шунинг учун, Жаҳоннинг гүё “кўзи очилиб” эрдан чиққани, саводхонлик курсларида ўқиб, савдо ташкилотида иш бошлагани айтилади. Аслида у бирмунча илғор фикрли замонавий аёл образини акс эттириши лозим эди.

Бироқ, асар матни давомида у – анчайин шарттаки, юз-хотирни билмайдиган, эркак кишига ўз ҳукмини ўтказишга интилевчи, ҳаттоқи номашрӯй яқинликка ҳам мойил хотин тимсоли бўлиб қолган.¹

¹ Умуман олганда, Қаҳҳор асарларидаги айрим замонавий аёллар образи кўпроқ шарттаки, эркак киши билан тенг макомга интилевчи, бирмунча бетгачопар қилиб тасвириланган. Мисол учун, “Минг бир жон”даги Маствура, “Нурли чўккилар”даги

Балки, муаллиф бу қабиҳ иллатларни коса остида нимкоса тарзидаги кўзда тутгандир. Ҳарқалай, комедиядаги воеа ва диалог-сухбатлар давомида унинг шу “хислатлари” чиқиб келаверади. Масалан, ажрашиб кетган хотинига ярашиш таклифини қилган Раҳматулла “Ҳеч бўлмаса шундай ўйхлик қилиб юрайлик”, дейди. Бунга жавобан Жаҳон кулимсираб “Ҳм, дийдорингиз қурсин” дея жавоб беради. Эътибор қилинса, кескин рад қилиш ёки бошқача тарзда ўз салбий муносабатини билдириш ўрнига Жаҳоннинг кулимсираши ва жазманга мурожаатдай гапи, унинг асл қиёфасига ишора қилмоқда.

Ёки, Ҳожи ва Тилла бобо орасида кечган сухбатдаги бобонинг ҳикояси ҳам сунъий чиқиб қолган. Унинг Ҳожига итoblари ҳам, дағдагалари ҳам замонасозлик руҳи туфайлигини асар матнига киритилгани сезилади. Тилла бобонинг нон сўраши ва қишида совук сув ичиши ҳақидаги бу киритма ҳикоя ўз сунъийлигидан қаҳрамоннинг нутқига ҳам сингишмайди. У атайин Ҳожини қоралаш, тўғрироғи қора қилиб қўрсатиш, уни ўсал қилиш ва айблаш учунгина ўйлаб топилгандек. Қизиги шундаки, 1917 йилги октябр тўйнтиришидан олдин ҳам Тилла бобо “чол”, асар воеалари давом этаётган 1930 йиллар адогида ҳам у “чол”. Унинг ёши нечада, ўзи?!

Ёки, Ҳожининг гапларини дарвозанинг орқасига Ҳайдарали чол ёзиб қўяди. Худди шу детални ёзувчи “Мунофикс” ҳикоясида ҳам такрорлаган. Унда қоровул чол Низомиддиновнинг қовунга пиёз қўшиб еганини айвондаги устунга ёзади. Бу ҳикоя ҳам “Ташвиш” билан деярли бир пайтда – 1937 йил ёзилган. Балки шунинг учундир қайтарик юз берган бўлиши мумкин. Бироқ, бу билан ўша даврга хос бўлган бир иллатни муаллиф таъкидлаб ўтмаяптими, деган андиша ҳам уйғонади.

Бу мубҳам ўринлар адаб томонидан жавоблантирилмаган. Яна, чол нутқидаги, мустабид совет давлатининг ўша вақтдаги раҳбарларидан бўлмиш Калининнинг ўзбекча билмаслиги ҳақидаги гаплар ҳам ўрнига тушгандай. Аммо муаллиф бу хусусда ҳам ортиқча замонасоз пафосга берилиб кетган.

Бироқ шу ўринда бир масалага дикқат қилиш зарур.

Тилла бобонинг болалари ўлими воеасини айтиш ҳолатида Абдулла Қаҳхор ўз отасидан прототип сифатида фойдаланган. Маълумки, уста Абдуқаҳхор ҳам саккиз фарзанд кўради. Аммо факат

Зуҳра, “Синчалак”даги Саида, “Ташвиш”даги Жаҳон қаби. Булар ўз даврида гўё “озод совет аёллари”нинг тимсоли эди.

Абдуллажонгина яшаб қолади, қолган болалари гүдаклик чоғида ёки 4-5 ёшлар атрофида вафот этиб кетган. Ёзувчи ўз оиласи фо-жиасини – ака-ука, опа-сингилларининг болалик чөгларидаёқ ўлиб кетиш ҳодисасини кейинчалик “Утмишдан эртаклар” қиссасида ба-тафсил ёритган. Демак, шу мавзу бир умр унинг миясида, онгу шуурида айланиб юрган ёки шахсий ҳаётидаги воқеликни қайта-қайта детал сифатида бадиий асарларида фойдаланган.

Бир сүз билан айтганда, “Ташвиш” комедияси айрим жиҳатла-рига қарамай муаллиф ижодкорлиги ва бадиий топқырлигидан бир нишонадир. Асарда 1930 йилларга оид бაъзи ижтимоий-сиёсий ҳодисалар бадиий қобикда беришга ҳаракат қилинган. Хали драматургияда тажрибага эга бўлмаган А.Қаҳхорнинг дабдурустдан қатагон йилларида мавжуд воқеликка мурожаат қилишининг ўзи ижодкордан жасорат талаб қиласарди. Фикримизча, келажакда театр жамоатчилигини бу асар ўзига жалб қила олади.

Таъкидлаш жоизки, турли давр ва турфа маконларда яшаган санъаткорлар ҳеч қачон жанрнинг умумий хусусиятидан четга чикиб кетмаганлар, уни ўз ижод маҳсулларида саклаб қолганлар. Худди шундай, А.Қаҳхор ҳам комедия жанри хусусиятларидан ке-либ чиққан ҳолда қаҳрамонларига ҳоҳ салбий, ҳоҳ ижобий бўлсин миллий тус бера олган. Айтайлик, дунё комедия усталари – Мольер ёки Гоголь асарларини А.Қаҳхор комедиялари билан қиёслаганда ҳам, ҳар бирида бўлганидек, унинг қаҳрамонларида миллий колорит бўртмаси ва кам сўзлаб кўп нарса айта олиш хусусияти яққол кўринади.

Мисол учун, “Оғрик тишлар”даги Заргаровнинг ҳаракатлари ва нутқига эътибор қиласайлик. Устига хотин олганидан кейинги ахво-лини билиш учун аёли Оқилани Марасулдан суриштирас экан, йиғлаганлигини эшифтгач, айтади: “– *Йиглади. Хайрият! Йиғлаган бўлса жсанжасал қилмайди...*” Мана шу жумланинг ўзиданоқ Зарга-ровнинг қиёфасига чизгилар тортилади. У аввало, ўз аёлининг ха-рактерини, ожиз жиҳатларини яхши билади. Шунинг учун, кўнгли-га сикқанини қиласеради (яъни, ўйнаш орттириш, уйланиш). Шу билан хурсанд, майшатхўр. Сўнгра, у қўрқок одам, жанжал чиқи-шидан, шарманда бўлишдан кўрқади. Кейинги диалогларда эса Заргаровнинг қиёфасидаги бўёклар қуюқлаша бораверади. У ЗАГС мудири билан телефонда гаплашар экан, дастлаб расмий оҳангда бошлаб, суҳбат давомида ўз маърифий савияси пастлигини кўрса-

тиб күяди. Марасулга никох қилиниши керак бўлган Насиба ҳали мактаб ўкувчиси ва никох ёшига етмаган. Шуни асосий важ қилиб, никохга қаршилик қилаётган мудирга Заргаров: “...А? Тўққизинчи синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен тўртинчи синфда ўқиганимда ийгирма ёшида эдим!..” – дейди. Бу гап кулги қўзғатиши билан бирга, сўзловчининг дунёқарашини ҳам намойиш қиласди. Шунингдек, ўтган асрнинг 50 йилларида раҳбарлик курсисидаги у каби кишилар тасвирини ҳам бера олган.

Маълумки, драма бадиий адабиётнинг мураккаб тури бўлиб, унда воқеаларни шундай кўрсатиш зарурки, улар ихчам шаклда намойиш этилиши, персонаж (қаҳрамон)ларнинг характерини сўзлашув (диалог) ва юмуш (харакат) билан уйғун ҳолатда, аниқ ва лўнда очиш керак. Аксинча, тафсилотли тушунтириш, ёки баён қилиш, ёхуд изоҳ беришлардан тўла равиша ҳоли бўлиши, ортиқча тафсилотдан қоча олиш лозим бўлади. А.Қаҳкор комедияларида ҳам қаҳрамон характери айнан уларнинг сўзлашуви ва ҳатти-харакатлари орқали кўрсатилади. Уларда юморга хос енгил кулги ёки сатирага оид аччиқ заҳарханда ҳосил қиласидиган кўринишлар жуда кўп.

“Абдулла Қаҳҳорнинг эстетик талабларидан бири асарнинг ғоявий йўналиши аниқ бўлишидадир. Унингча, ҳар бир асарда ёзувчи нималардир дейиши керак. Шу дейиладиган гап жуда аниқ бўлиши керак. Акс ҳолда асар сюжетида кечириб бўлмайдиган тарқоқлик бўлади”.¹ Бу борада яна, “Оғриқ тишлар”га мурожаат қиласак. Аслида юлгич, ахлоқсиз ва ёлғончи бўлган Марасул ўзини яхши томондан кўрсатиб, Насибага уйланар экан уни ўқитишга ваъда беради. Унинг гапу ваъдалари муболага бурканганлигидан томошибин (китобхон) уларнинг ёлғон эканлигига ишонч ҳосил қиласди.

“...**Насиба:** Йўқ, домла чинакам куяёттилар, мактабни битиромлай қолади деб ўйлаёттилар.

Марасул: Ие, ахир айтмадингизми!.. Мен жонимни, танимни, бутун умримни илм йўлига тиккан бир дарвишман-ку! Мен нима қиласам илм учун, илм йўлида қиласман. Куним битиб ўлсам, ўлигимни ҳам илм йўлига бераман: майли, студентлар теримга похол тиқиб бурчакка қўйишисин! Финг демай туравераман!.. Мен сизга қўл чўзганимда эркак бўлиб эмас, бир тарбиячи бўлиб қўл чўздим. Мен сизни университетда ўқитаман, аспирантурада ўқитаман! Менга

¹ М.Кўшжонов. Абдулла Қаҳҳорнинг эстетик принциплари ҳакида..., 30-бет.

жүн хотин керак эмас! Жүн хотин керак бўлса, мана, ўртоқ Заргаровдай одам синглисини бермоқчи бўлганда ола қолар эдим!

Роҳила: (*Насибага*) Эшиштаётисанми?

Марасул: Мен сизни доктор қиласман, академик қиласман!

Насиба: (*кулимсираб*) Ростми?..

Марасул: Мен сизга қачон ёлғон гапирган эдим?..”

Марасулнинг нутқига дикқат этилса, унинг асл мақсади – ёш қиз Насибани қандай қилиб бўлса ҳам хотинликка олиш. Унинг “жон, танини, бутун умрини илм йўлига тиккан дарвии”лиги, “нима қиласа илм учун, илм йўлида қилиши”, “ўлигини ҳам илм йўлига берииши” кулгили ва муболағали; Насибага “эркак бўлиб эмас, тарбиячи бўлиб қўйл чўз” ганлигининг ёлғонлиги эса нутқ ривожи давомида маълум бўлади. “Жўн” (оддий) хотин керакмаслиги ва Заргаровнинг синглиси ҳақидаги гапи буни кўрсатиб турса-да, университет ва аспирантурда ўқитиш, сўнгра доктор ва академик қилиш ҳақидаги шавқ билан сўзланган муболағага бой жумлалар аслида фирт ёлғон эканлигини исбот этади. Буни диалог охиридаги Насибанинг кулимсираб “Ростми?” дейиши ва Марасулнинг унга “Мен сизга қачон ёлғон гапирган эдим?..” дэя саволга савол билан жавоб бериши яққол кўрсатган.

А.Қаххор драматург сифатида қаҳрамон характерини унинг сўзлашуви орқали бериш ва унинг хатти-харакатларини эса нутқ билан тўлдириб бориш маҳоратини мукаммал ўзлаштирган. Бошқа пъсларида ҳам шу каби тагмаъноли диалоглар ва қат-қат очиб борилган қаҳрамон характерини кўриш мумкин. “Тобутдан товуш”даги Сухсупров образи, аниқроғи, унинг нутқлари сабабли деярли афоризмга айланиб кетган жумлалар ҳам фикримизни исботлайди. “Асал айнимайди, қиз қаримайди”, “Мен қаерим қичишини олдиндан билиб қашлаб қўядиган одамман”, “Бир охурдан ем еган бўлсак ҳам ҳар ким ўзининг тиши билан чайнаб, ўзининг кекирдаги билан ютган” шулар жумласидан.

Ёки, Нетайхон тилидан айтилган: “Пул ширин! Пул ўлгурнинг тиши бўлса ўзини еб қўяр эди!” ибораси ҳам Қаххорга хос кучли мантиқ билан юзага чиқкан. Ёхуд, характер яратишда ўзбекона зуқко иборалар билан бирга самимий кулги қўзгатадиган холатларни ҳам қаҳрамон характерида бера олган. Масалан:

“Сухсупров (бармоги билан имлайди): Бери кел!

Юсуф (яқин боргани қўрқади. Дўқ оҳангида): Мени урманг! Қани, уриб қўрингчи, барибир... қўлингиз огрийди!..”

Драма ўз табиатига кўра ҳаракатни талаб қилади. Бу ўринда ҳам қаҳрамонлар ҳаракати ва диалоги орқали Сухсиров Юсуфга ҳар қандай муомала қила олиши, ҳатто уриши ҳам мумкинлиги, Юсуфнинг эса Сухсиров олдида ўта ожизлиги, соддалиги маълум бўлади. Саҳна асаридан кўзда тутилган асосий мақсадни ҳам, асарнинг пухта чиқишига омил бўла оладиган асосий воситалардан бири драматик ҳаракатни юзага келтиришни ҳам А.Қаҳхор нечоғлик маҳорат ила юзага келтиргани бу каби ўринларда яққол кўринади. У драма ёзиш усули ва сирларини яхши ўзлаштиргани учун ҳам, қисқача нутқлар орқали драматизм яратади. Лекин, сўззамолликни ҳам ўрни билан қўллайди, сўзларни ҳам ўз ўрнида ишлатади.

Ўз даврида “Тобутдан товуш” комедиянинг фарс жанрида эканлигини бир қатор мутахассислар таъкидлашган. Фарс эса комикликнинг оддий шакли бўлиб, унда ташқи комизм бўртиб туради. Баъзан, фарс ҳақиқий ҳолатни бузиб ҳам кўрсатади.

Бироқ, А.Қаҳхор драмаларини бундан ҳоли эканлиги, асар матнлари билан диккатли танишиб чиққач амин бўлиш мумкин. Негаки, бу асарлар характер ва ҳаракатларга бой. Адиб ҳаётда учрайдиган салбий типлар ва қиёфалардан нусха олади, мавжуд воқеликлардан фойдаланади. “Тобутдан товуш” ҳам, “Оғриқ тишлар” ҳам мазмунан сатирик комедия бўлса, “Янги ер” ва “Аяжонларим” кулгили сюжетлар асосидаги юмористик асардир.

Қаҳхор ўз сатираси орқали ҳаётда учрайдиган ножоиз воқеа-ҳодисаларни қаттиқ танқид қилган, уларнинг иштирокчиси бўлган нопок кимсаларни фош этган. Унинг сатирик комедиялари бутун мазмун-моҳияти билан, ҳатто сюжет, конфликт ва характерлари билан ҳам сатирик руҳ ила суғорилган. Мисол учун, “Тобутдан товуш”да Заргаровнинг “доклад-халта”си мавжуд. Бу турли газета ва нашрлардан маърузабоп мақолаларни қирқиб, йигилган катта альбом. Заргаров котиби ёрдамида ана шу материаллардан кўчириб маъруза қилади. Асар тагматнида эса, А.Қаҳхор топқирлик билан “доклад-халта” ибораси орқали ўша даврдаги Заргаров каби собиқ совет раҳбарларининг баландпарвоз маърузалари “халта” эканлигини таъкидламоқда. Албатта, мажозан “халта” бу ўринда мазмунан бўш, шаклан шалвираган, кўринишдан эса осилиб қолган маъносида келмоқда. Яна, айнан шу кўринишда, Чернишевскийнинг гапини маъруzasига киритмоқчи бўлган Заргаровдан Марасул “Ўртоқ

Чернишевский ҳозир қаерда ишлайдилар?" деб сўрайди. Заргаров эса ўйлаб туриб "Тилимнинг учида турибди-я! Хайр, майли, кейин айтаман..." дея жавоблантиради.

Бу ўринда ҳам ўткир сатира руҳи бўртиб турибди. Аввало, ҳар икки кимсанинг саводсиз-билимсизлигидан қулинса, иккинчидан, жамиятда бу тоифа инсонлар қўпаётганлиги, улар бўлар-бўлмас маъруза-мақола-китобларига рус классикларидан қўчирмалар келтириш билан ўзларини ҳимоя қилишга чоғланаётганини ҳам кўзда тутади. Аслида бу қуйинчаклик ёзувчининг эстетик идеалларидан бири, дейилса ҳеч муболага бўлмайди. Негаки, "Адабиёт муаллими" ҳикоясидаги ўқитувчи Бокижон Бақоевнинг "нариги Чехов" ҳакида сўзлаши, "Ўжар" ҳажвиясида эса Салтиков-Шчедринни икки ёзувчи дея тортишаётган кўшнилар билан Заргаров ва Марасул ўртасида унчалик ҳам катта фарқ йўқ. Уларнинг ҳаммаси бир жамиятга мансуб, бир хил қотиб қолган фикрли, ўз майда манфаатини эса ҳар нарсадан устун қўювчи кимсалардир. Адаб ҳақли равишда уларни кескин танқид тифига олади.

А.Қаххор комедияларидағи ҳар бир персонаж ўз даври воқелигидан келиб чиқиб, хатти-харакатлар қиласди, нутқ сўзлайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу даражада миллий характерга эга қаҳрамонлардир, десак янглишмаган бўламиз. Енгил юмор билан сугорилган "Аяжонларим"да ҳам бу жиҳат яққол акс этган. Асардаги Бўстон ва Шакар хола орасидаги гап-сўзлар, уларнинг юриш-туриши, фикру кечинмалари ҳам XX аср 60 йилларидағи ўзбек онахонларининг қиёфасини ёрқин акс эттирган.

Бир сўз билан айтганда, А.Қаххор атоқли наср устаси бўлиш билан бирга миллий драматургиямиз тарихида комедия жанрининг маҳоратли ижодкорларидан бири сифатида ҳам ном қолдирган. Унинг драмалари кўп жиҳатларига кўра замондош китобхон ва театр ихлосмандларига тақдим этишга муносиб асарлардир.

Ўтмиш ижодкорларимиз, жумладан А.Қаххор, адабий меросига ёш авлод мұхаббатининг баландлиги ва улар билан доимо фахрланмоқлик туйғуси эса янгидан-янги изланишлар сари етаклаши шоёни ҳақиқатдир.

* * *

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -176 бет.
2. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -40 бет.
3. Абдулла Қаҳхор. “Ташвиш” пьесаси. Кўлёзма, 72 варак. А.Қаҳхор уй-музейи фонди, №3242.
4. Абдулла Қаҳхор. “Зилзила” киссаси. Кўлёзма, 44 варак. А.Қаҳхор уй-музейи фонди, №3740.
5. Абдулла Қаҳхор. “Аяжонларим” комедияси қўлёзмалари. А.Қаҳхор уй-музейи фонди, №3252/8, 3252/10, 3256, 3259, 3262, 3264.
6. Abdulla Qahhar. Qislaq hukum astida. –Taşkent: O'zdavnaşr. 1932. -46 bet.
7. Abdulla Qahhar. Sarab. Ozdavnaşr – Ozbekistan Davlat Naşrijati. Taşkent-Samarqand, 1937. -382 bet.
8. Абдулла Қаҳхор. Қотилнинг тугулиши. Ўз ССЖ Давлат нашриёти. –Тошкент-Боку, 1933. 3-41-беллар.
9. Абдулла Қаҳхор. Асарлар. 5 томлик, 1-т. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. -336 бет.
10. Абдулла Қаҳхор. Асарлар. 5 томлик, 2-т. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. -368 бет.
11. Абдулла Қаҳхор. Асарлар. 5 томлик, 3-т. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. -368 бет.
12. Абдулла Қаҳхор. Асарлар. 5 томлик, 4-т. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. -336 бет.
13. Абдулла Қаҳхор. Асарлар. 5 томлик, 5-т. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. -272 бет.
14. Абдулла Қаҳхор. Ёшлар билан сухбат. -Тошкент: Ёш гвардия, 1968. -103 бет.
15. Абдулла Қаҳхор. Танланган асарлар. 1-жилд. (Нашрга тайёрловчи, изоҳлар муаллифи ва илмий-танқидий матнларни тузувчи: О.Жўрабоев.) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. -320 бет.
16. Абдулла Қаҳхор. Танланган асарлар. 2-жилд. (Нашрга тайёрловчилар: О.Жўрабоев, М.Кўчкорова; изоҳлар ва сўнгсўз муаллифи: О.Жўрабоев) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. -420 бет.
17. Абдулла Қаҳхор: шахс ва ижодкор (архив қўлёзмалари ва хотиралар асосида мақолалар тўплами). (Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи: О.Жўрабоев.) –Тошкент: Tamaddun, 2013. -160 бет.

- 18.** Абдулла Қаххор замондошлари хотирасида. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. -366 бет.
- 19.** Абдулла Қаххор архиви каталоги (араб ёзувидаги хужжатлар). Нашрга тайёрловчи: О.Жўрабоев. -Тошкент: Муҳаррир, 2011. -136 бет.
- 20.** Абдулла Каххар. От жизненного факта к художественному вымыслу// Вопросы литературы. 1965. №1. 166-178 стр.
- 21.** Абдулла Каххар и его художественный мир. -Ташкент: Фан, 1989. -174 стр.
- 22.** Абдуллажон Насимий мусаввадаси. Шахсий кутубхона.
- 23.** Абдуллаев А. Абдулла Қаххор ва аruz муаммоси // “Сино” журнали. 2007/куз. №27. 20-23-бетлар
- 24.** Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. -346 бет.
- 25.** Абдусаматов X. Абдулла Қаххор ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. -Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960. -208 б.
- 26.** Абдусаматов X. Драма назарияси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. -288 бет.
- 27.** Абдулғафур Раззок Бухорий. Ҳусниҳат дурданалари. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008.
- 28.** Абдулғафуров А. Зокиржон Фурқат. –Тошкент: Фан, 1977. -212 бет.
- 29.** Абу Али ибн Сино. Зафарнома. Абдуллоҳ Ансорий. Тухфатул-мулук. –Тошкент: Ниҳол, 2009.
- 30.** Адабий мерос 3. –Тошкент: Фан, 1973.
- 31.** Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 1-жилд. Эпос. –Тошкент: Фан, 1991. -384 бет.
- 32.** Адабиёт назарияси. Икки томлик, 1-т. Адабий асар. –Тошкент: Фан, 1978. -416 бет.
- 33.** Адабиёт назарияси. Икки томлик, 2-т. Адабий-тарихий жараён. –Тошкент: Фан, 1979. -448 бет.
- 34.** Адабиёт энциклопедияси: атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар. Тузувчи: Ҳ.Болтабоев. –Т.: Мумтоз сўз, 2015. -664 бет.
- 35.** Адабиётимиз фахри. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -328 бет.
- 36.** Азимджанова С. Индийский диван Бабура. -Ташкент: Фан, 1966.
- 37.** Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ фонди, 790 ракамли қўллэзма.
- 38.** Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. ЎзР ФАШИ фонди 1230, 1709, 7409, 7864 ва шу фонд Ҳ.Сулаймон бўлими 1261 ракамли қўллэзмалар.
- 39.** Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. Возлюбленный сердец. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. –М.Л.: Изд.АН, 1948. -185 стр.

- 40.** Алишер Навоий. Илк девон. Факсимил нашр. Тайёрловчи: X.Сулеймон. –Тошкент: Фан, 1968.
- 41.** Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. IV жилд. Нашрга тайёрловчи: X.Сулеймон. –Тошкент: Фан, 1960.
- 42.** Алишер Навоий. Ҳайрат-ул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: П.Шамсиев. –Тошкент: Фан, 1970.
- 43.** Алишер Навоий. Ҳамса. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев. –Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1960.
- 44.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 1-т. –Тошкент: Фан, 1987.
- 45.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 3-т. –Тошкент: Фан, 1988.
- 46.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 4-т. –Тошкент: Фан, 1989.
- 47.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 5-т. –Тошкент: Фан, 1990.
- 48.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 7-т. –Тошкент: Фан, 1991.
- 49.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 11-т. –Тошкент: Фан, 1993.
- 50.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 13-т. –Тошкент: Фан, 1997.
- 51.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 14-т. –Тошкент: Фан, 1998.
- 52.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 16-т. –Тошкент: Фан, 2000.
- 53.** Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 17-т. –Тошкент: Фан, 2001.
- 54.** Alisher Navoiy. Hayrat-ul-abror. –Toshkent: G`afur G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyি, 2006.
- 55.** Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти. Ҳалқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Тошкент: O’zbekiston, 2011.
- 56.** “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Тошкент: Tamaddun, 2017.
- 57.** Амир Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий. Мажолисул-ушшоқ (Тазкираи урафо). Ба эҳтимоми: Ғуломризо Табатабоий Мажид. 1376 (1998).
- 58.** Ан-На’йм. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент: Ҳалқ мероси, 2003. -960 бет.

- 59.** Ахмадхўжаев Э. Лутфий асарлари кўлёзмаларининг каталоги. – Тошкент: ЎзР ФАҚИ, 1987.
- 60.** A.S.Lewend. Alişir Nevai. II cilt. Divanlar. –Ankara: Turk tarih kuru-mu basimevi, 1966. -272 say.
- 61.** Баёзи Муҳалло. –Тошкент: Орифжонов матбааси, 1330.
- 62.** Бальбуров Э.А. Поэтика лирической прозы. –Новосибирск: Наука, 1985. -151 стр.
- 63.** Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -Москва: Искусство, 1979. -423 с.
- 64.** Бердиева З. Абдулла Қаххор. Библиография. -Тошкент, 1989. -149 бет.
- 65.** Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. –Москва: Наука, 1962. -554 стр.
- 66.** Бобурнома. Нашрга тайёрловчи: С.Хасанов. –Тошкент: Шарқ, 2002. -336 бет.
- 67.** Борев Ю.Б. Эстетика. Учебник. -Москва: Высшая школа, 2002. -511 стр.
- 68.** Боролина И.В. Абдулла Каххар. Очерк творчества. –Ташкент: Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1957. -120 стр.
- 69.** Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. -Тошкент: Адолат, 2004.
- 70.** Бўтаев Ш. Қўргонланган ой. Роман. –Тошкент: Шарқ, 1998.
- 71.** Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. -191 бет.
- 72.** Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. -Ташкент: Фан, 2011. -336 стр.
- 73.** Вопросы текстологии. Сборник статей. –Москва: Академия наук, 1957. -466 стр.
- 74.** Гече Г. Библейские истории. Перевод с венгерского Р.Даллош. –Москва: Политиздат, 1988. -367 стр.
- 75.** Дарё дар гуҳар. (Девони комил Захириддин Муҳаммад Бобур.) Бо муқаддима, муқобала ва тасҳих Доктор Шафиқа Ёрқин. Кобул 1387 (2008).
- 76.** Девони Азим. ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи фонди, 189 ракамли қўлёзма
- 77.** Diwani Babur. Prof. S.M.Azizuddin Husain. Ministry of Culture, Government of India. Rampur Raza Library, 2014.
- 78.** Девони Захириддин Муҳаммад Бобур. Бо муқаддима, муқобала ва тасҳих Шафиқа Ёрқин. Кобул 1362 (1983).
- 79.** Девони Муҳсиний. ЎзР ФАШИ фонди, 7392 рақамли қўлёзма.

- 80.** Девони Фузулий. Истанбул, Тўпқопи музейи, Равон кўшки кутубхонаси, 749 рақамили қўлёзма.
- 81.** Dr. Bilal Yucel. Babur divani. Gramer, Metin, Sozluk, Tipkibasim. – Ankara, 1995.
- 82.** Dr. Sadi Aydin. Iran kutuphaneleri turkce yazmalar katalogu. -Istanbul, 2005.
- 83.** Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Учебное пособие. –Москва: Флинта, Наука, 2002. -248 стр.
- 84.** Жабборов Н.А. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқики, поэтикаси. ДДА. –Тошкент, 2004. -32 бет.
- 85.** Жабборов Ш. Герменевтика – тушунтириш илми. –Тошкент: Akademiya, 2010. -152 бет.
- 86.** Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд, биринчи китоб. Таржима шарҳи билан. Таржимон: А.Маҳкам. –Тошкент: Шарқ, 1999.
- 87.** Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд, иккинчи китоб. Таржима шарҳи билан. Таржимон ва шарҳ муаллифи: Аскар Маҳкам. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
- 88.** Жўрабоев О. Навоий ва тарих. (Рисола.) –Тошкент: Tamaddun, 2016. -40 бет.
- 89.** Жўрабоев О. “Наҳжал-фародис” – муҳим илмий-адабий асар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2004, №2.
- 90.** Жўрабоев О. “Хазойинул-маоний”нинг бир шохона қўлёзмаси ва унинг матний хусусиятлари // Адабиёт қўзгуси. №12. –Тошкент, 2011.
- 91.** Жўрабоев О. Ардоқли дастхатлар // “Tafakkur” журнали. 2012, №4.
- 92.** Жўрабоев О. Қаҳхоршуносликнинг айрим вазифалари ва архив қўлёзмалари/ Китобда: Абдулла Қаҳхор: шахс ва ижодкор. –Тошкент: Tamaddun, 2013. 3-14-бетлар.
- 93.** Жўрабоев О. Абдулла Қаҳхор архивидаги баъзи қўлёзма ва шеърлар матнига доир / Китобда: Абдулла Қаҳхор: шахс ва ижодкор. –Тошкент: Tamaddun, 2013. 146-155-бетлар.
- 94.** Жўрабоев О. Ўзбекона комедия устаси // “Teatr” журнали. 2015. №5. 19-22-бетлар.
- 95.** Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. –Тошкент: F.Fулом НМИУ, 2015. -356 бет.
- 96.** Жумахўжа Н. Истиқлол ва она тилимиз. (Тил, имло, нотиқлик санъати, матн, матншунослик) –Тошкент: Шарқ, 1998. -160 бет.
- 97.** Жумахўжа Н. Янги танқидий матн // ЎзАС. 2011, 28 октябрь.

- 98.** Завқий. Ажаб замона. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи: А.Мадаминов. –Тошкент: Шарқ, 2003.
- 99.** Захиридин Мухаммад Бобур энциклопедияси. -Тошкент.: Шарқ НМАК, 2014. -744 бет.
- 100.** Зуфаров Т. Хат таълими (хусниҳат қоидалари). –Тошкент: Meriyus, 2010. -280 бет.
- 101.** E.Denison Ross. A collection of poems by the Emperor Babur. Journal of the Asiatic Society of Bengal. Vol VI. Extra No. 1910.
- 102.** I.Genc. //Turkish Studies. International periodical for the languages, literature and history of Turkish or Turkic. Volume 2/4 Fall 2007. P. 395-404.
- 103.** Имом Термизий. Шамоили Муҳаммадия. (Ўзбекча таржима муаллифи Олтинхон тўра.) –Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти. (Араб ёзувида, санасиз.)
- 104.** Исмоил Бекжон. Улугбек расадхонасининг биз билмаган тарихи // ЎзАС. 1996, 5 апрель.
- 105.** Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи / Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Тошкент: Фан, 1976. 78-100-бетлар.
- 106.** Islam ansiklopedisi. 13-cilt. -İstanbul, 1996.
- 107.** Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологиясининг шакллашини. -Тошкент: ТошДПУ, 2004. -134 бет.
- 108.** Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -536 бет.
- 109.** Каримов Ф. Муқимий. Ҳаёти ва ижоди. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. -272 бет.
- 110.** Краткая литературная энциклопедия. Том 3. -Москва: Изд. СЭ, 1966. -386 стр.
- 111.** Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том 2, -М.,Л., 1956.
- 112.** Комилов Н. Маънолар оламига сафар (Алишер Навоий газаллари га шархлар). –Тошкент: Tamaddun, 2012.
- 113.** Книга сочинителя. –С.Петербург: Амфора, 2008. -319 стр.
- 114.** Литература факта. –Москва: Захаров, 2000. -286 стр.
- 115.** Литературный энциклопедический словарь. -Москва: Советская энциклопедия, 1987. -436 стр.
- 116.** Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. –М-Л.: Наука, 1964. -102 стр.
- 117.** Назаров Б. Абдулла Қаҳҳор бадиий ҳақиқати // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 4-сон.
- 118.** Насридинов А. Проблема художественного восприятия и комментирования произведений персидско-таджикской классической литературы. АДД. –Душанбе, 1990. -30 стр.
- 119.** Навоий замондошлари хотириасида.Тузувчи: Б.Аҳмедов. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. -224 бет.
- 120.** Навоийга армуғон. –Тошкент: Фан, 1968.

- 121.** Нодира-Комила. Девон. Нашрга тайёрловчи: М.Қодирова. –Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2001.
- 122.** Норматов У. Устоз ибрати. -Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. –128 бет.
- 123.** Норматов У. Тугалланмаган “Зилзила” // ЎзАС. 2007, 13 апрель.
- 124.** Норматов У. Университет сабоқлари ва илҳомлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 4-сон.
- 125.** Nehcü'l-feradis. I metin, II tipkibasim. Türk dil kurumu yayinlari: 518. –Ankara, 1995.
- 126.** Мажмуа. Россия ФА ШИ С.Петербург бўлими қўлёзмалар фонди. D400 ракамли қўлёзма.
- 127.** Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўрта ва Олий мактаб, 1963. -740 бет.
- 128.** Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Тошкент: Фан, 1971. -206 бет.
- 129.** Muntakhab al-tawarikh. Vol.I. Muhammad Hakim khan. Edited by: Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. Tokyo, 2009.
- 130.** Muntakhab al-tawarikh. Vol.II. Muhammad Hakim khan. Edited by: Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. Tokyo, 2006.
- 131.** Мұхаббатнома. Истанбул университети кутубхонаси, T5452 ракамли қўлёзма.
- 132.** Мұхаммад Умар кори Умидий Марғилоний. Мактубчай хон. – Тошкент: ЎзР ФАШИ, 2007.
- 133.** Мұхаммад Ҳузарий. Нурул-яқин. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 1992.
- 134.** Мұхаммад Истеъломий. Мавлоно Жалолиддин Мұхаммад Балхий. –Техрон, 2001.
- 135.** Mevlana Celaleddin Rumi. Mesnevi-i şerif şerhi. 1-cilt. Tercüme ve şerh: Ahmed Avni Konuk. -Istanbul: Kitabevi, 2006.
- 136.** Mengi M. The Grade of text Presenting, Terms, Text analysis // Turkish Studies. International periodical for the languages, literature and history of Turkish or Turkic. Volume 2/3 Summer 2007. P. 407-417.
- 137.** Miyon Buzruk Solihov. Orta Osiyo ozbek adabiyoti tarihiga umumiy qaraş. 1-qism. –Toşkent, 1930. -102 сах.
- 138.** Мильчин А.Э. Методика редактирования текста. –Москва: Книга, 1980. -320 стр.
- 139.** M.Orhan Soysal. Edebi san`atlar ve taninmasi. –Istanbul, 1992. -150 Say.
- 140.** Обидов Р. Куръон, тафсир ва муфассирлар. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. -220 бет.
- 141.** Обиджон А. Ажинаси бор йўллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

- 142.** Ойбек. Болалик хотираларим. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995.
- 143.** Раҳимов А. Роман санъати (мақолалар тўплами). –Фарғона: Фарғона, 2015. -96 бет.
- 144.** Раҳматуллоҳ қори Обидов, Зулайҳо Обидова. Аллоҳнинг гўзал исмлари ва исми аъзам. (Зикрлар, дуолар, касидалар, салавотлар.) –Тошкент: Мовароуннахр, 2005. -668 бет.
- 145.** Раҳмон В. Мумтоз сўз сехри. Мақолалар тўплами. –Тошкент: O‘zbekiston, 2015. -440-бет.
- 146.** Рейсер С.А. Основы текстологии. –Л.: Просвещение, 1978.
- 147.** Сайд Аҳмад. Ижод ва жасорат сабоги // ЎзАС. 1992, 18 сентябрь.
- 148.** Саримсоқов Б. Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997, 6-сон.
- 149.** Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент: ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2004. -128 бет.
- 150.** Семёнов А.А. Описание рукописей произведений Навои хранящихся в государственной публичной библиотеке УзССР. –Ташкент: Гостехиздат, 1940.
- 151.** Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. –Тошкент: Akademnashr, 2015. -128 бет.
- 152.** Судбы романа. Сборник статей. –Москва: Прогресс, 1975. -374 стр.
- 153.** Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услубининг баъзи масалалари. –Тошкент: Фан, 1967. -146 бет.
- 154.** Солижонов Й. “Қотилнинг туғилиши”дан “Сароб”гача // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973, 6-сон.
- 155.** Topakkaya A. Nach Hans-Georg Gadamer. ETHOS: Dialogues in Philosopphy and Social Sciences // July 2008 // Volum 1/4. P. 10-20.
- 156.** Турсунов Ю. “Муншашт” асарининг матний тадқики. –Тошкент: Mumtoz so‘z, 2016. -264 бет.
- 157.** T.Yıldırım. Hüseyin Baykara divanı (metin, inceleme, dizin). Doktora tezi. –Ankara, 2002.
- 158.** Fuad Koprulu. Turk Edebiyati Tarihi. –İstanbul, 1926.
- 159.** Фузулий. Матлаъ ул-эътиқод. Нашрга тайёрловчи: Мухаммад бин Товит ат-Танжий. Таржимонлар: Асад Жӯшон, Камол Ишқ. –Анқара, 1962.
- 160.** Фурқат мусаввадаси. ЎзРФА Давлат адабиёт музейи, Фурқат фонди.
- 161.** Фозилов Э. Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм ёдномалари. 2 томлик. –Тошкент: Фан, 1966-1971.
- 162.** Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. –Москва: Наука, 1985. -303 стр.
- 163.** Холбеков М. Матн, интерматн ва интерматнлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, 6-сон.
- 164.** Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. -Тошкент: Mumtoz so‘z, 2014. -388 бет.

- 165.** Чўлпон. Уч жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994.
- 166.** Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. –Тошкент: Фан, 1986. -164 бет.
- 167.** Шарафиддинов О. Истеъод жилолалари / А.Қаххор. Асарлар. Олти томлик, 1-т. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. 5-37-бетлар.
- 168.** Шарафиддинов О. Абдулла Қаххор. Ҳаёти ва ижодий фаолияти хақида лавҳалар. –Тошкент: Ёш гвардия, 1988. -256 бет.
- 169.** Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. –Тошкент: Маънавият, 2004. -528 бет.
- 170.** Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. –Тошкент: Шарқ, 2004. -640 бет.
- 171.** Эмир Наджип. О памятнике XIV века «Нахджал-фарадис» и о его языке // Советская тюркология, №6, 1971.
- 172.** Эркинов А. Ноёб қўлёзма изидан // Мозийдан садо. 2009, №4. 20-22-бетлар.
- 173.** Эркинов А. Навоийнинг муҳлислари томонидан тузилган яна бир девон // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, №1. 8-16-бетлар.
- 174.** Юсупов Ш. Фурқат йўлларида. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984.
- 175.** Юсупов Ш. Муқимий ва Муҳйи // Ўз АС. 1996, 21 июнь.
- 176.** Ян Парандовский. Алхимия слова. Олимпийский диск. –Москва: Прогресс, 1982. -528 стр.
- 177.** Яфаров Б.А. Литература Камско-Волжских булгар X-XIV вв. и рукопись «Нахджал-фарадис». КД. -Казан, 1949.
- 178.** “Ўтмишдан эртаклар” қиссасининг илмий-танқидий матни ва илк варианти. Тузувчи-тайёрловчи: О.Жўрабоев. –Тошкент: Tamaddun, 2011. -168 бет.
- 179.** Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик, 5-ж. –Тошкент: ЎЗМЭДИН, 2008.
- 180.** Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд. (Энг қадимги даврдан XIV асргача.) –Тошкент: Фан, 2003. -330 бет.
- 181.** Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 1-том. –Тошкент: Фан, 1977.
- 182.** Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 3-том. –Тошкент: Фан, 1978.
- 183.** Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 5-том. –Тошкент: Фан, 1980.
- 184.** Қайюмов П.Д. Тазкираи Қайюмий. –Тошкент: ЎЗР ФАКИ, 1998.
- 185.** Қайюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. –Тошкент: Tamaddun, 2011. -380 бет.
- 186.** Қаюмов А. Кўкон адабий муҳити. –Тошкент: Фанлар академияси, 1961. -361 бет.
- 187.** Қаххорова К. Чорак аср ҳамнафас. -Тошкент: Ёш гвардия, 1987. -96 бет.

- 188.** Қаҳхорова К. “Ташвиш” асари тўғрисида // Шарқ юлдузи. 1996, 6-сон. 103-104-бетлар.
- 189.** Қудратуллаев Х. Насрий асарлар тарихи ва жанрий муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. 4-сон.
- 190.** Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. -Тошкент: Академнашр, 2010. -310 бет.
- 191.** Қўчкоров Р. Истеъод кадри. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. -108 бет.
- 192.** Қўчкор Раҳмон. Мен билан мунозара қилсангиз. -Тошкент: Маънавият, 1998. -96 бет.
- 193.** Қўчкорова М. “Ўтмишдан эртаклар” тадқики. Монография. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. -144 бет.
- 194.** Қўшжонов М. Абдулла Қаҳхорнинг эстетик принциплари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967, 2-сон.
- 195.** Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. -Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. -220 бет.
- 196.** Қўшжонов М. Ижод сабоклари (адабий ўйлар). –Тошкент: Ёш гвардия, 1973. -190 бет.
- 197.** Қўшжонов М. Абдулла Қаҳхор маҳорати. Монография. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. -232 бет.
- 198.** Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. Қисқа-ча курс. –Тошкент: ТДШИ, 2000. -172 бет.
- 199.** Ҳазиний. Ҷевон. Нашрга тайёрловчи: О.Жўрабоев. –Тошкент: Tamaddun, 2010. -240 бет.
- 200.** Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. -Тошкент: Фан, 1983. -200 бет.
- 201.** Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. –Тошкент: Фан, 1991. -60 бет.
- 202.** Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги лугати. –Тошкент: Davr press, 2013. -496 бет.
- 203.** Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик, 1-т. –Тошкент: Фан, 1988.
- 204.** Ҳамза шеърлари рўйхати. ЎзРФА Давлат адабиёт музейи, Ҳамза архиви, 590 ракамли хужжат.
- 205.** Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар адабий манба. –Тошкент: Фан, 1981. -122 бет.
- 206.** Ҳамидова М.Ш. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқики. ДДА. –Тошкент, 1994. -30 бет.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима ёхуд матн талқини тарихи ва моҳиятига доир	3
I боб. Мумтоз матн: талқин ва таҳлиллар	
«Наҳжул-фародис» асари мундарижаси ва матни ҳақида	12
“Маснавий маънавий” шарҳлари ва бир таржима матнига доир	28
Дамларнинг хайрлиси ҳақида матн	36
Навоий наътларининг матни ва нашрига доир	39
“Хазойин-ул-маоний”нинг шохона қўлёзмаси ва матний хусусиятлари	44
Бобур девонининг саҳиҳ матни борми?	56
“Сув қасидаси”нинг матни хусусида	64
Навоий даври девончилигининг XIX аср Кўқон адабий мұҳитига таъсирига доир	68
XIX аср ирфоний девонлари ва уларнинг матнига оид бир жиҳат	75
Кўқонда тузилган баёзлар	85
Қўлёзмалар давр руҳиятини акс эттирувчи манба сифатида	87
Лирик асарларда тарих тасвири	90
II боб. Абдулла Қаҳҳор асарлари: қўлёзмалар, нашрлар ва талқинлар	
Алишер Навоий ва Абдулла Қаҳҳор	106
Аруз масаласи ва шеър матни	114
Абдулла Қаҳҳор: ёзувчи – шахс – зиёли	121
Ёзувчи архиви ва қўлёзмалари	127
Матн аниқлик талаб киласи, сўнгра сирларини очади	131
“Қотилнинг туғулиши”, “Зилзила” ва “Мухаббат”	145
“Иккинчى чўққи”нинг матности сирлари	155
Ҳикоя ва мақолалар матнига доир	174
Комедия матнининг масъулияти	178
Фойдаланилган адабиётлар	189

Илмий нашр

ОТАБЕК ЖҮРАБОЕВ

**МАТНИНГ
МАТНОСТИ
СИРЛАРИ**

*(Мумтоз битиклар ва Абдулла Қаҳҳор
асарлари таҳлили асосида)*

Монография

«Тамаддун» нашриёти, 100129.
Тошкент шаҳри, Навоий кӯчаси, 30-уй.

Мұхаррір О. ДАВЛАТОВ
Мусахих Ә. АБДУЖАЛИЛОВА
Саҳифаловчи У. САЙДОВ

Лицензия рақами: AI №247. 02.10.2013 й.

Нашриётга топширилди: 20.12.2016 й.

Чоп этишга рухсат этилди: 23.01.2017 й. Бичими: 60x84 1/16.

Офсет усулида чоп этилди. «UZ-Times» гарнитураси.

Шартли босма т.: 12,5. Адади: 500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Turon-matbaa» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Талабалар кӯчаси, 2-уй.